

# ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ

ТИЛ ВА УСЛУБИ

ҲУЖЖАТ ТУРЛАРИ

ЛУҒАТ

ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ » ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаменти

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори института

IM. Аминов!. А. Мадвалиев, Н. Махдамов,
Н. Махмудов, Ё. Одилов

# ДАВЛАТ ТИЛИДА ИШ ЮРИТИШ

Амалий кулланма

«0‘zbekiston nashriyoti» Тошкент - 2020

**УУК: 35.077(575.1)**
**КБК 65.050.2 Д95**

Филология фанлари доктори, профессор
Н. **Махмудов** тахрири остида

Тулдирилган, такомиллаштирилган 9-нашри

**д 95 Давлат тилида иш юритиш:** амалий кулланма / М.Аминов ва бопщ. - Т.: «0‘zbekiston nashriyoti» давлат унитар корхонаси, 2020. - 528 б.
ISBN 978-9943-6520-0-2

Ушбу кулланмада ташкилот ва муассасаларнинг иш юритиш фаолиятида энг куп кулланадиган хужжатлар, улар- ни тузиш тартиб-коидалари масалаларига тухталинди, улар тегишли намуналар билан курсатилди, иш юритишга оид лугат берилди. Кулланма, биринчи навбатда, ташкилотлар рахбарлари ва ходимларига, бопщарув фаолиятида бево- сита хужжат устида ишловчилар, котиб-референтлар, кадр хизмати ходимларига мулжалланган, шунингдек, ундан хи- собчилар, адлия маслахатчилари, аудитор, менежерлар хам фойдаланишлари мумкин.

**УУК: 35.077(575.1) КБК**

**ISBN 978-9943-6520-0-2**

**© «O‘zbekiston nashriyoti»**
2000,2020

## МУҚАДДИМА

Узбекистоннинг миллий мустакиллиги хеч бир истисносиз она тилимиз ривожи учун хдм кенг йул очди. Давлатимизнинг асосий конуни - Конституциямизда, «Давлат тили х,ак;ида»ги коиуи ва бошка расмий хужжатларда узбек тилининг хуку кий макоми ва истикболи аник курсатиб берилган.Неча асрлар мо- байнида гох юксак ривожу шухрат топган, гохида нописанд- лик, турткилаш ва камситишлардан эзилган,аммо ёруг кунлар- га етмок умиди сунмаган тилимиз чинакам мунаввар кунларга саломат етиб келди.

Айникса, бугунги кунда “Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари” деган устувор гоя асосида уз тараккиётининг тамомила янги боскичига дадил кадам куяётган мамлакати- мизда барча сохалардагидек давлат тилининг }фни ва нуфузи- ни ошириш борасида хам туб бурилиш жараёнлари бошланди. Президентимиз Ш.Мирзиёев узбек тилига давлат тили макоми берилганининг уттиз йиллигига багишланган тантанали маро- симдаги нуткида бу борада килинадиган куламли ишларнинг тулаконли тархини чизиб берар экан, бу ишларнинг пировард натижаларини куйидагича ифода этди:“Мухтасар айтганда, хар биримиз давлат тилига булган эътиборни мустакилликка булган эътибор деб, давлат тилига эхтиром ва садокатни она Ватанга эхтиром ва садокат деб билишимиз, шундай карашни хаётимиз коидасига айлантиришимиз лозим”[1]. Х,ар бир фука- ронинг онгу шуурида ана шу коиданинг саломатлиги ва собит- лиги юрт юксалишининг х,ам, мамлакат мустакиллиги мухофа- заси мунтазамлигининг х,ам гаровидир.

Мазкур тарихий нуткда таъкидланганидек, “дунёдаги ка- димий ва бой тиллардан бири булган узбек тили халкимиз

[1] Узбекистон Республикаси Президента Ш.Мирзиёевнинг узбек тилига давлат тили макоми берилганининг уттиз йиллигига багишланган тантанали маросимдаги нутки // Халк сузи, 2019 йил 22 октябрь

учун миллий узлигимиз ва мустакдп давлатчилигимиз тимсо- ли, бебахо маънавий бойлик, буюк кадриятдир”. Албатта, бу бебахо бойлик, буюк кддрият миллий узликнинг асрий илдиз- лари сифатида узбек кдвмининг она тилиси сифатида узбек- нинг миллий-маънавий дунёсини чарогон килиб турса, давлат тили сифатида куп миллатли мамлакатимиз фукаролари кал- бига бир давлатга, бир юртга мансублик, бирдамлик туйгула- рини жойлайди, уларни ягона давлат рамзи саналмиш байрок, герб, мадхия каби мукаддас тимсоллар сингари бир юртнинг садокатли фарзаидлари уларок бирлаштиради. Айтиш мум- кинки, аиа шу маънода узбек тили Узбекистонда факат бир эмас, балки икки ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий ва- зифани бажармокда, аиа шундай залворли ва муаззам вазифа- ларни елкасига ортмокдаган холда такомил йулларидан жадал одимламокда.

Давлатимиз рах,бари 2019 йил 21 октябрь куни имзолаган “Узбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавкеи- ни тубдан ошириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармонида хакли равишда алох,ида кайд этганидек, “бугунги глобаллашув даврида х,ар бир халк, хар кайси мустакил давлат уз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада, аввало, уз мадания- тини, азалий кадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига жиддий ах,амият каратиши таби- ийдир”. Узбек тилининг хам она тили, хам давлат тили сифа-тидаги тараккиётини таъминлаш, хеч бир шубхасиз, миллий манфаатларимиз химоясининг тамалларини ташкил этадиган мукаддас харакатлардан хисобланади.

Давлатимиз рахбарининг мазкур Фармонида узбек тилининг давлат тили сифатидаги макоми хаётимизнинг барча жабхаларида тула-тукис жорий килиниши учун тегишли чо- ра-тадбирлар аник белгилаб берилган, мазкур макомнинг мун- тазамлиги учун давлат ва бонща ташкилотлар, фукароларнинг масъуллик интизоми курсатилган. Айтиш жоизки, шу тарзда бир неча ун йиллар давомида тилимиз ривожи борасида хара- катга келолмаган механизмлар бугун фаол ва самарадор хара- катга келмокда.

Айни пайтда шуни хам хеч муболагасиз айтиш жоизки,бугун давлат тилининг тараккиёти, унинг нуфузини ошириш,

унга теран мухдббат ва эхтиром тарбияси борасида хам тамо- мила янги боскич бошланди, суз ва иш бирлиги тамойили рост узанларда намоён була бошламокда. Давлатимиз рахбари таж- рибали табибдай тилимиз томирларини кулида тутиб, унинг дарду огрикларига малхам топмокда, каддини озод кугариши ва эмин-эркин фаолияти учун мадад бериш йулларини курсат- мокда. Мамлакатимизнинг миллий юксалишдай улуг ва эзгу максадларга эришувида она тили - давлат тили беназир таянч- дир. Шунинг учун хам Президентимиз уз нуткларида “давлат тили масаласи миллий гоямизнинг асосий тамойилларидан бири булиши зарур”лигини алохида уктирдилар.

Узбек тилининг хам она тили, хам давлат тили сифатидаги тараккиётини таъминлаш, хеч бир шубхасиз, миллий манфаат- ларимиз химоясининг тамалларини ташкил этадиган мукаддас харакатлардан хисобланади. Узбекистон Республикаси Вазир- лар Махкамаси хузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департамента бугун ана шундай харакатларнинг бошини ко- вуштириш, бу борадаги ишларга янгича рух бериш максадида фаолият олиб бормовда. Шунингдек, узбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавкеини тубдан оширишга йунал- тирилган илмий-амалий тадкикотларни куллаб-кувватлаш, узбек тилининг бой ифода имконларини курсатадиган изохли ва терминологик лугатларни нашр этиш, илмий асосланган янги суз ва атамаларни истеъмолга киритиш, замонавий атамалар- нинг узбекона мукобилларини яратиш ва бир хилда куллани- лишини таъминлаш, пировардида эса хар бир фукаро к;албида давлат тилига эхтиром туйгусини шакллантиришга алохида эътибор бериб келмокда.

Давлат тилининг жадал жорий килинишидаги узак масала- лардан бири мамлакатимизда иш юритиш тизимини туласича узбек тилига утказишдан иборат. Бунда иш юритиш буйича турли, хатто аник сохалар буйича кулланмалар яратиш ва куп нусхаларда нашр килиш хам алохида амалий ахамият касб этади. Айни пайтда турли соха ходимларининг иш юритиш борасидаги билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш Хам зарурий эхтиёжлардандир. Шунинг учун хам хукуматнинг 2020 йил 3 мартдаги карорига мувофик, Алишер Навоий но- мидаги Тошкент давлат узбек тили ва адабиёти университета

хузурида худудлардаги давлат университетлари ва педагогика институтлари кошида булинмаларга эга булган Давлат тилида иш юритиш асосларини укитиш ва малака ошириш маркази ташкил этилди.

Киши уз фикрини аник ва равон ифодалаши учун тилдаги услублардан хам хабардор булиши, кундалик сузлашув тили- дан ташкари, расмий - иш юритиш тилини хам билиши керак. Чунки оддий ишчими, дехконми, тадбиркорми ёки зиёлими, барибир, хеч булмаганда, ариза, тилхат ёки ишончнома ёзи- шига тугри келади. У ёки бу даражадаги корхона, муассаса ёки ташкилот рахбарининг фаолиятини эса иш юритиш когозлари- сиз тасаввур этиб булмайди. Шунинг учун хам «Давлат тили хакида»ги конунимизнинг узак моддалари (8-14-моддалар)да иш юритишнинг тилга алокадор жихатлари коидалаштирилган.

Иш юритишнинг бевосита асосини хужжатлар ташкил ки- лади. Мазмунан, хажман ва шаклан хилма-хил булган хужжатлар катгаю кичик мехнат жамоаларининг, умуман, кишилик жамиятининг узлуксиз фаолиятини тартибга солиб туради. Зеро, хужжатлар кечагина пайдо булган нарса эмас, кишилик жамияти шаклланиши биланок бу жамият аъзолари узаро муно- сабатларидаги муайян мухим холатларни мунтазам ва катъий кайд этиб боришга эхтиёж сезганлар. Ана шу эхтиёжга жавоб сифатида, табиийки, илк, ибтидоий хужжатлар юзага келган.

Бобилнинг милоддан аввалги 1792-1750 йиллардаги шохи Хаммурапининг адолатпеша конунлар мажмуи, ундан хам ка- димрок шох Ур-Намму (милоддан аввалги 2112-2094 йиллар) нинг конунлари[1] ва бопща манбаларнинг мавжудлиги «хужжатлар» деб аталадиган тартибот воситаларининг нечогли олис ва мураккаб тарихга эга эканлигини курсатади. Албат- та, кишилик жамиятининг тараккиёти, ижтимоий-иктисодий тузумларнинг алмашиниши, аникроги, кишилар уртасидаги ижтимоий, иктисодий ва сиёсий муносабатларнинг такомил- лашиши баробарида хужжатлар хам такомил топиб борган. Бугунги кунда фанга тарихимизнинг турли даврларида ур- хун-энасой, сугд, эски уйгур, араб ва бошка ёзувларда битил- ган жуда куплаб хужжатлар, умуман, ёзма манбалар маълум.

[1] ^аранг: К ь е р а Э. Они писали на глине. М., 1984, стр. 124.

Шаркда X - XIX асрларда ёрлик, фармон, нома, битимлар, арзнома, карзномалар, васика, тилхат ёки мазмунан шунга якин хужжатлар нисбатан кенг таркалган. Ёрликлар мазмунан хилма-хил булган: хабар, тавсиф, фармойиш, билдириш, тас- диклаш ва х-к. Бу уринда Тухтамишхоннинг 1393 йилда поляк кироли Ягайлага йуллаган ёрлиги, Темур Кутлугнинг 1397 йилдаги ёрлиги, Захириддин Бобурнинг отаси Умаршайх Мир- зонинг маргилонлйк Мир Сайид Ахмад исмли шахсга 1469 йилда'берган ёрлиги[1], Тошкент хокими Юнусхужанинг 1797 йил 2 июнда Петербургга - Россия подшосига уз элчилари оркали юборган ёрлиги[2] ва бошкаларни эслатиб утиш мумкин.

Мазкур давр ёрликларида узига хос лисоний колип шакл- ланган, ёрликлар матн жихатидан анъанавий таркибий кисм- ларга эга булган. Масалан, эслаб утилган ёрликдарнинг бирин- чиси - «Тухтамиш сузим Иагайлага» деб, иккинчиси «Темур Кутлуг сузим» деб, учинчиси эса - «Султон Умаршайх Бахо- дур сузим» деб бошланган. Баёнда хам муайян колип бор, шу- нингдек, албатта, ёрлик ёзилган сана ва жой курсатилган[3].

XIX асрда Кукон хонлигида кенг таркалган хужжатлардан бири «патта»лардир[4]. Паттада маълум кишига муайян микдор- даги пул, махсулот, уруг (дон) ёки бошка нарсаларни бериш лозимлиги хакида маълумот акс эттирилган. Патта матнларида хам узига хос доимий муайян таркиб ва нуткий колип борки, бу хам узбек (туркий) хужжатчилиги узок тарихий тажриба ва тадрижий такомил махсули эканлигининг далилидир.

Октябрь тунтаришидан кейин шуролар тузуми иктисо- дий, ижтимоий-сиёсий ва маданий хаётнинг барча сохаларини узининг истибдод йуригига солди. Бутун мамлакатдаги хуж- жатчилик, идоравий иш юритиш тамойиллари хам бу й}фик сиртмогидан четда колмади. Мохиятан ута гирром тил сиёса-

[1] Каран г: Содиков К- Эски уйгур ёзуви. Т., 1989, 34-35-бетлар.

[2] ЦГВИА РФ, Архив внешней политики России. Фонд Ташкентские дела, опись 111/1, дело № 1, опись 132/1, дело № 6.

[3] Ерликларнинг хусусияти ва матний таркибий кисмлари хакида ка- ранг: Григорьев А. П. Конкретные формуляры чингизидских жалованных грамотXIII-XVвв.//: Тюркологический сборник.-М., 1978, стр. 198-218.

[4]Каранг: Троицкая A.JI. Г анчи, Г анчибоши в Кокандском ханстве(X1X в.) // Тюркологические исследования. M.-JI., 1963. стр. 252.

ти туфайли миллий жумхуриятлардаги тилларнинг ижтимоий мавкеи пасайиб борди. Туркистон улкасининг 1918 йилдаги Асосий конунида узбек ва рус тиллари давлат тили деб эълон килинган. Холбуки, уша даврдаги улка иуфусииинг 37 фоизи- ни узбеклар, 35 фоизини киргизлар (козо 1<лар билаи бирга), 17 фоизини тожиклар ва атиги 7 фоизинигина руслар ташкил этар эди. Бу хол хисобга олинса, давлат тилини белгилашдаги ман- тикнинг соглом эмаслигини аник куриш мумкин. Табиийки, расман узбек ва рус тиллари давлат тили деб эълон килинган булса-да, амалда идоравий иш юритиш рус тилида олиб бори- лаверган.

Мехнатни илмий ташкил килиш муаммоларига багишлаб 1921 йилда утказилган 1 Бутун Россия конференцияси кун тар- тибига киритилган бошкариш мехнатини илмий ташкил килиш ва хужжатлар билан ишлаш масаласи, шунингдек, мамлакатда бу ишларни мувофикдаштирувчи ва йулга солиб турувчи мах- сус ташкилот тузиш масаласининг асл мохияти хам рус тилининг ижтимоий мавкеини янада кучайтиришдан иборат эди.

Шуро сиёсати гуёки узини «миллатлар ва тилларнинг тенглигини таъминлаш» тамойилини амалга оширгандай ки- либ курсатиш максадида жумхуриятимизда идоравий иш юри- тишни узбекчалаштириш борасида баъзи харакатларни амалга оширган. Узбекистон жумхуриятининг инкилобий кумитаси 1924 йилнинг 31 декабрида 48-ракамли бир карор кабул кил- ган. Бу карорнинг номи айнан мана бундай: «Ишларни узбек тилида юргизиш хам Узбекистон жумхуриятининг инкилобий кумигаси хузурида марказий ерлаштириш хайъати ва махалла- ларда музофот ерлаштириш хайъатлари тузилиш(и) тугриси- да». Ушбу карор, унда таъкидланишича, шуро идораларининг ишларини ерли халкка якинлаштириш максади билан кабул килинган.

Карорда хукумат, кооператив, хужалик идоралари ва бош- ка муассаса, ташкилот ва корхоналар жумхуриятнинг булист (волость) хам уяз (уезд) доираларида бутун ёзув ишларини факат узбек тилидагина юргизишга мажбур этиш вазифаси куйилади. Бунинг учун корхона, ташкилот ва муассасалар- да «ишларни узбек тилида юргизиш булмалари(ни) ташкил килмок», йурикномалар нашр этиш, «ерлик халкдан амалий

ишчилар (иш юритиш буйича) тайёрламок» ва бошка ташки- лий ишларни амалга ошириш лозимлиги курсатиб утилган. Бу карорни жорий килиш юзасидан, табиийки, муайян ишлар амалга оширилган, хусусан, махсус иш когозлари тайёрланган. Лекин 30-йилларнинг 2-ярмидан бошлаб узбек тилига булган эътибор расман сусайиб борган. Уша мураккаб тарихий жара- ён, халкларнинг миллий узликларини англашларидан хокими- ятнинг дахшатли куркуви, бу куркув хукмрон булган кагагон даврининг аччик самараси бугун хеч кимга сир эмас.

Айтиш лозимки, якин утмишимизда бармок билан санар- ли микдордаги хужжатлар узбек тилида ёзилган. Аммо бу хужжатларнинг тилини соф узбекча деб айтиш анча кийин. Якин-якинларгача «Берилди ушбу справкани фалончиевга шул хакдаким, хакикатан хам бу урток шул жойда яшаб тура- ди» кабилидаги 20-йилларда рус тилидан андоза олиш туфай- ли пайдо булган, яъни шаклан узбекча маълумотномалар ёзиб келинди. Рус тилида мазкур матннинг асли «Дана настоящая справка Иванову в том, что товарищ Иванов действительно проживает по такому-то адресу» тарзида булиб, бу матн тил нуктаи назаридан бенихоя тугал, лунда ва бенуксон. Аммо узбек тилида айни суз тартибини саклашнинг узиёк узбек тилининг табиатига мутлако зид. Рус тилидан андоза олиш (айтиш керакки, бундай \ол бошка тилларда, масалан, татар тилида хам кузатилади), бирон-бир даражада булсин, узини оклай ол- майди. Умуман, узбек хужжатчилигининг бой ва узок тарих- даги илк боскичларидан ибтидо олган анъанаси мавжуд булса-да, Октябрь тунтаришидан кейин бошка жойларда булгани каби жумхуриятимизда хужжатчилик бевосита узбек тили не- гизида ривожлантирилмади. Бу сохадаги асосий йуналиш нус- ха кучиришдан иборат булиб колди'.Ана шунинг ва бошка бир канча омиллар натижасида узбек тилининг расмий иш услуби якин тарихимизда деярли такомил топмади.

[1] Шу нуктаи назардан К. Громатовичнинг Узбекистон Давлат нашриётида 1930 йилда рус ва узбек тилларида нашр этилган «Иш когозлари намуналари - Образцы деловых бумаг» номли кулланмасини курсатиш мумкин. Бу кулланма рус тилидаги тегишли хужжатлардан тула нусха кучириш асосида яратилган.

Узбек тилига давлат тили макоми берилган бугунги кун- да хужжатчиликнинг шакллаииши учун бутун имкониятлар очилди.

Муассаса, ташкилот, корхона ва бирлашмалардаги ишни ишлаб чикариш тараккиётига мувофик ташкил этишда, умуман, бошкарув сохасида хужжатларнинг урии ва ахамияти- бекиёсдир. Айни пайтда хужжатлар матнини тузиш бошкарув аппарати фаолиятидаги энг сермехнат ва сермашаккат жараён- дир. Бу жараённинг окилоналиги ва самарадорлигини ошир- масдан туриб, умумий бошкарув маданиятини юксалтириб булмайди. Жамият хаёти барча жабхаларинииг жадал ривожи эса бошкарув маданиятииинг даражасига бевосита боглик. Шунинг учун хам замоиавий рахбар хар кандай зарурий ах- боротни расмий - иш тилининг тегишли шаклларида бемалол ифодалай олиши, идоравий иш юритиш малакаларини иухта эгаллаган булиши зарур.

Хужжатшунос А.С.Головач шундай таъкидлайди: «Бошкарув сохасидаги камчиликларнинг асосий сабабларидан бири айни соха ходимларининг купчилигида назарий ва ама- лий тайёргарликнииг бушлигидир, улар муассаса, ташкилот ва корхоналарда кабул килинган хужжатлар билан ишлаш йуриклари, усуллари ва йуллари мажмуини етарли даражада билмайдилар»[1]. Баъзан хужжатларга жиддий муносабатда бу- линмайди, унга шунчаки бир когозбозлик, нокерак ва ортикча бир иш сифатида каралади. Бу, албатта, номакбул муносабат- дир. Мукаммал ва окилона ташкил этилган хужжатчилик хар кандай идорадаги иш юритишнинг асоси эканлигини исботлаб утиришнинг хожати йук-

Барчага маълумки, хар кандай хужжат муайян ахборотни у ёки бу тарзда ифодалаш учун хизмат килади, демак, хар кандай хужжатдаги бирламчи ва асосий унсур бу тилдир. Айни пайтда, хужжатчиликда тил ахборотни факат кайд этиш вази- фасинигина бажариб колмасдан, бошкарув фаолиятини изчил тартибга солувчи восита сифатида хам намоён булади. Шунинг учун хам, аввало, уз кадимий анъаналаримиздан келиб чикиб ва дунё хужжатчилигидаги илгор тажрибалардан ижодий фой-

[1] Каранг: Г о л о в а ч А.С. Оформление документов. Киев - Донецк,1983, стр. 3.

даланган холда, хужжатчилигимизни такомиллаштириш йули- дан бормок керак. Х,ужжатларнинг соф узбек тилидаги ягона андозаларини яратиш, булар билан боглик атамаларнинг бир хиллигига эришиш борасида иш олиб бориш бугунги кундаги долзарб муаммолардандир. Мамлакатимизда бу йуналишдаги ишлар бошлаб юборилган, анча-мунча натижалар хам йук эмас.

Узбек тилидаги Хужжатчиликни такомиллаштиришда мавжуд тажрибалардаи куз юмиб булмайди. Хозирги кунда амалиётда “конун”, “фармон”, “карор” сузларини уларнинг номларидан кейии баъзан бош харф билан, баъзан кичик харф билан ёзиш холатлари учрамокда. Аслида, Узбекистон Республикаси ва Узбекистон Республикаси Президента номидан эълон килинган конун, фармон ва карорлар олий ташкилот ва олий мансаб эгаси номидан эълон килингани сабабли уларнинг номларидан кейин келадиган “конун”, “фармон”, “карор” сузлари бош харфда ёзилиши керак. Масалан: *“Давлат тили хацида "ги Узбекистон Республикаси К^онуни. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги “Узбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавцеини туб- дан ошириш чора-тадбирлари тугрисида”ги Фармони. Узбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Узбекистон тарихи ” телеканалини ташкил этиш чора-тад- бирлари тугрисида "ги К^арори.*

Иш юритишда, албатта, узбек тилининг уз конун-коидала- рига риоя килиш керак. Кичкинагина бир мисол: бизда узбек тилида битилган хужжатларда унинг санасини курсатиш, масалан, «12 октябрь 1989 йил» тарзида ёзиш рус тилидан кучи- риш окибатида одат булиб колган. Рус тилида «12 октября 1989 года» тарзида ёзилади ва бу рус тилининг табиати ва конуни- ятларига тула мувофик келади. Айни иборанинг узбек тилидаги маъноси хам аслида «1989 йилнинг 12 октябри» демакдир. Шундай экан, узбек тилининг уз табиати ва конун-коидалари асосида «1989 йилнинг 12 октябри» ёки, жуда булмаганда, «1989 йил 12 октябрь» тарзида ёзиш керак. Бу-ку - бир мисол. Хужжатларда суз ва ran тартиби билан алокадор, суз куллаш билан боглик жуда куп муаммолар борки, уларни факат айни тил табиатидан келиб чикиб хал этмок лозим. Аксинча йул ту- тиш, бирон-бир даражада булсин, узини оклай олмайди.

Расмий тадбирлардан таищари, хозирга кадар узбек тилида идоравий иш юритиш сох,асида бир неча амалий кулланмалар яратилди.

Кулингиздаги китоб муаллифлари 1990 йилда «Узбек тилида иш юритиш» номли кулланмани тайёрлаб, нашр эттир- ган эдилар. Бу китоб тез таркалди. Аммо истикуюл шарофати билан жуда куплаб янги тушунчалар пайдо булди, куплаб ту- шунчалар янги мохият касб этди, яна куплаб тушунчалар эса тамоман эскирди. Тилимизнинг лугат бойлигини тозалаш жа- раёнлари тезлашди, «эскирган» деган тамга билан кулланиши чекланган сузлар кайтадан «тирилтирилди», тилимиз табиати- га мувофик равишда янги сузлар ясалди. Ана шу маънода маз-кур китобни тамоман янгидан тайёрлаш эхдиёжи тугилди. Ана шу эхтиёжни инобатга олган холда тайёрланган китоб “Иш юритиш” (Амалий кулланма) номи остида бир неча марта чоп килинди. Яна шуни таъкидлаш керакки, иш юритиш хакида бошка тилларда куплаб адабиётлар, кулланма, йурикномалар мавжуд. Булар тегишли ходимларга иш юритишда услубий ёрдам беришдан ташкари идоралар иш когозларида умумий- лик, бир хилликни хам таъминлайди.Шу манбалар ва амалий тажрибалар, шунингдек, юкорида тилга олинган «Узбек тилида иш юритиш» кулланмаси асосида тайёрланган китобнинг сунгги 8-нашри 2017 йилда чоп этилган булиб, унда мавжуд муассасаларнинг деярли хаммасида энг фаол кулланадиган хужжатларга, умумий иш юритиш фаолияти масалаларига тухталинганди.

Бугун узбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавкеини тубдан оширишга жадал киришилган бир даврда ана шундай кулланманинг такомиллаштирилган янги нашрини тайёрлашга катта эхтиёж тугилди. Ана шу эхтиёжни инобатга олган холда кулингиздаги янги нашр тайёрланди. “Давлат тилида иш юритиш” амалий кулланмасининг ушбу нашрида аввалги нашрда мавжуд булган хато ва камчиликлар тузатилди ва бартараф килинди. Х,озирги кунда амалиётда куп кулланаёт- ган хужжат намуналари билан тулдирилди. Хизмат ёзишмала- ри янада такомиллаштирилди. Лугат кисми иш юритишга дойр ва иш юритишда кулланадиган янги атамалар билан тулдирилди, шунингдек, иш юритишга бевосита алокадор булмаган ай-рим атамалар чикариб ташланди.

Кулингиздаги китобнинг дастлабки бобларида иш юритиш хужжатларининг узига хос хусусиятлари, турлари, уму- мий услубий томонлари х,амда идоравий иш юритиш тили,- шунингдек, бошкарув хужжатларидаги зарурий кисмлар(рек- визитлар) ва уларни расмийлаштириш, бланка хужжатлари талаблари хусусида тухтаб утилади.

Ушбу такомиллаштирилган янги нашрни тайёрлашда кулланма муаллифлари аввалги нашрлар юзасидан мутахассис- лар, амалиётчилар билдирган фикр-мулохазалар, таклифларни эътиборга олиб, уларга жиддий ёндашдилар. Шу нуктаи назар- дан китоб мундарижаси жиддий узгартирилди, куп хужжат- ларни ёритишда аникдиклар киритилди.

Китобнинг асосий кисмида иш юритишда энг фаол кулланадиган хужжатлар тавсифланади, бу хужжатлар амалиётда кабул килинган тасниф гурухдари ичида алифбо тартибида берилган.

Хужжагларни ёритишда, имкони борича, бир хил услубга- риоя килинди: дастлаб хар бир хужжатнинг таърифи, узига хос хусусиятлари, ёзилиш тартиботи, зарурий кисмлари, бу кисм- ларнинг айрим изохдари берилди, сунг уларнинг шакллари ёки амалиётда куп кулланадиган намуналари келтирилди. Шакл ва намуналар аксарият холларда муайян хужжат ёритилгандан сунг ёки муайян булим охирида берилди ва матн ичида тегиш- ли жойда уларга хавола этилди.

Маълумки, муайян бир хужжат тури турли хизмат вази- ятларида турли куринишларга эга булади, гарчи бунда уларнинг зарурий кисмлари узгармаса-да, ахборотнинг баён тарзи мазкур хизмат вазиятига мувофик равишда кисман узгаради. Ана шуларни хисобга олиб, айни бир хужжат турининг факат битгагина намунаси эмас, балки турли хизмат вазиятларини акс эттирувчи бир неча намуналари берилди. Бу намуналар- даги фамилия, исм ва отаисмлар, муассасаларнинг номлари, уларнинг манзиллари, асосан, шартли равишда олинган. Айрим аник номларга хам шартли мисол тарзида караш максадга мувофик.

Ушбу кулланманинг биринчи нашридан кейинги утган вакт ичида узбек тилида бу сохада хам атамалар баркарорлаш- ди. Шуларни эътиборга олиб, ушбу нашр атамалар лугатини

тузишда муаллифлар узбекча атамаларни асосий гшлиб олиш- ди (алифбо тартибида берилди). Лугатнинг иккинчи устуни- да лотин ёзувига утилишида кандайдир «куприк» булишлиги учун атамаларнинг лотин ёзувидаги шакли, учинчи устунда эса сузларнинг русча мукобили берилди.

Кулланмани тулдириш, такомиллаштиришда УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института илмий ходимлари А.Саиднуъмонов, А.Ах,медова, Ж.Ёдгоров якиндан ёрдам бер- дилар.

Ушбу нашрда хам муаллифлар мутлак мукаммалликни даъво килмайдилар. Улар кулланмани янада такомиллашти- риш юзасидан билдириладиган барча фикр-мулохазаларни ба- жонидил кабул киладилар.

Кулланма буйича фикр-мулохазалар куйидаги манзиллар- га юборилиши мумкин:

100060, Тошкент шахри, Миробод тумани, Шахрисабз тор кучаси, 5-уй, Узбекистон ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института.

100129, Тошкент шахри, Навоий кучаси, 30-уй, «0‘zbe- kiston nashriyoti» Давлат унитар корхонаси.

## ИШ ЮРИТИШ ТИЛИ ВА УСЛУБИ

Узбек хужжатчилигини шакллантириш ва такомил- лаштиришдаги энг мухим ва долзарб масалалардан бири хужжатларнинг тили ва услуби масаласидир. Хужжат тай- ёрлаш ва расмийлаштиришда, энг аввало, узбек тилининг барча асосий конуниятлари ва коидаларини маълум даража- да тасаввур этиш зарур. Х,ар бир рахбар, бошкарув муасса- саларининг ходимлари, умуман, фаолияти иш когозларини тузиш билан боглик киши узбек тилининг имлосини, тиниш белгилари ва услубий коидаларини эгаллаган булиши керак. Бусиз бугунги тараккиётимиз талабларига жавоб берадиган аник, лунда ва теран мантикли хужжатчиликни яратиб булмайди. Хисоб-китобларга Караганда, бошкарув сохасидаги хизматчилар уз иш вактларининг 80 фоизгача кисмини хуж- жатлаштириш ишига сарфлар экан. Мазкур ходимлар узбек тили конуниятларидан яхши хабардор булмаса, иш вактларининг бутун 100 фоизини бу ишга сарфлаганларида хам ижобий натижага эришиш кийин.

Узбек хужжатчилигидаги жиддий урганилиши, амалий ва назарий тадкик этилиши лозим булган уринлардан бири айрим хужжатларнинг номланиши масаласидир. Бир неча тур хужжатлар рус тилида кандай номланса, узбек тилида хам шундайлигича номлаб келинган. Шуролар даврида идоравий иш юритиш, асосан, рус тилида олиб борилганлиги учун хам бунга эхтиёж булмаган.

Бундай хол хужжатларнинг номларида, матнида хам куп кузатилган. Узбек тилида узок вактлар кулланишда булган «справка», «рапорт», «инструкция», «акт», «характеристика» каби куплаб хужжат номлари учун тегишли узбекча мукобил сузлар йукмиди?! Изланса, тарихимизга, ноёб ки-

тобларимизга мурожаат килинса, топиларди. Юсуф Хос Х,о- жибнинг «Кутадгу билиг» (XI аср) асарида «ёрлик, нома» маъносидаги «билдиргулук» сузи бор. Бу суз соф туркий «билмок» феълидан ясалган. Шуларни хисобга олиб, «рапорт» дейиладиган хужжатни узбек тилида «билдириш» сузи билан номлаш мумкин. «Справка» маъносини «маълу- мотнома» сузи бемалол ифода этиб келмокда.

«Акт» шундай хужжатки, унда аникланган муайян хо- диса ёки бирон-бир фактнинг тугрилиги тасдикланади ва бунга бир неча кишининг гувохдиги келтирилади. Шундай экан, бу хужжатни узбек тилида «далолатнома» сузи билан атайвериш мумкин, бу суз мазкур хужжатнинг мохиятини тугри ва тулик акс эттира олади. Мазкур суздаги «нома» кисми хужжатнинг ёзма шаклда эканлигига ишора килади. «Инструкция» сузи урнида узбекча «йурикнома» сузини бе- малол ишлатиш мумкинлигини кейинги йиллардаги амали- ёт курсатиб турибди.

Кискаси, хужжат номларини узбек тилининг уз имкони- ятлари асосида шакллантира бориш, хужжатчиликдаги суз ва ибораларнинг узбекча мукобилини излаб топиш ва ама- лиётга киритиш бугунги куннинг талабидир.

Хужжатлар матнига куйиладиган энг мухим талаблар- дан бири - холисликдир. Хужжатлар расмий муносабатлар- ни ифодаловчи ва кайд этувчи расмий ёзма воситалар сифатида ахборотни холис акс эттирмоги лозим. Шунинг учун хужжатлар тилида суз ва суз шаклларини куллашда муайян чегараланишлар мавжуд. Хусусан, расмий иш услубида кичрайтириш-эркалаш кушимчаларини олган сузлар, кута- ринки-тантанавор ёки бачкана, дагал сузлар, шевага оид сузлар, тор доирадаги кишиларгина тушунадиган сузлар, ухшатиш, жонлантириш, муболага, истиора, ташхис каби образли тафаккур ифодаси учун хизмат килувчи усуллар ишлатилмайди. Уларнинг ишлатилиши хужжатлар матнида- ги ифоданинг нохолислигига олиб келади.

Хужжат матни аниклик, ихчамлик, лундалик, мазмуний туликлик каби талабларга хам жавоб бериши керак. Бу талаб-

ларга жавоб бера олмайдиган хужжат чинакам хужжат була олмайди, бундай хужжат иш юритиш жараёнига халакит бе- ради, унинг самарадорлигиии кескин пасайтиради.

Хужжатлар матнининг холислик, аниклик, ихчамлик, лундалик, мазмуний туликдикдан иборат зарурий сифат- лари хужжатчилик тилининг узига хос услуби, ундаги узига хос суз куллаш, морфологик ва синтактик хусусиятлар оркали таъминланади,

Хужжатлар тилида от туркумига оид сузлар куп кулла- нади. Хатто феъл билан ифодаланувчи харакат ва холатлар ифодаси учун хам отга якин суз шакллари танланади, яъни «харакат номи» деб аталувчи суз шакллари фаол ишлати- лади: «...тайёргарликнинг бориши хакида», «...карорнинг бажарилиши тугрисида», «...ёрдам бериш максадида», «...Кабул килишингизни с}файман» каби.

Феъл шаклларининг кулланишида хам бирмунча узига хосликлар мавжуд. Хусусан, мажхул нисбатдаги 3-шахс буйрук-истак майлидаги ёки утган (ёки хозирги-келаси) за- мондаги феъл шаклларининг кулланиш даражаси анча юко- ри: топширилсин, тасдиклансин, бажарилсин, бушатилсин, тайинлансин; эшитилди, карор килинди, куриб чикилди, курсатйб утилди каби.

Хужжатлардаги ran курилиши, одатда, таснифлаш, май- да кисмларга ажратишга, кайд этувчи ва карор килувчи кисмларнинг бирлигига, умуман, сабаб-окибат ва шарт-оки- бат муносабатларига асосланади. Шунинг учун хам хужжатларда нисбатан узун жумлалар, мураккаблашган, уюшик булакли гаплар куп кулланади. Лекин ran таркибида одат- даги суз тартибига катьий риоя килинади, бадиий ва бошка асарларда мумкин булган гайриодатий суз тартибига йул Куйилмайди.

Хужжатларнинг мохияти ва максадига мувофик ра

вишда, уларда сурок ва ундов гаплар деярли куллашгаидит^-"—" асосан, дарак ва буйрук гаплар.ипшг{Ш^йй^€р®Я^Р^^. ~
ларда тилнинг икки вазифаси -iха6ар бериш ва буюриш ва-

' ИНВ №----------



iOi ггТТ Л V "AV

зифалари амалга ошади. Масалан, маълумотномада ахборот ифодаланади, буйрукда буюриш акс этади, баённомада хам ахборот («Эшитилди...»), хам буюриш («Карор килинди...») уз ифодасини топади.

Хужжатлар матни биринчи шахе ёки учинчи шахе тилидан ёзилади. Якка рахбар номидан ёзиладиган фармойиш хужжатлари (буйрук, фармойиш, курсатма кабилар) биринчи шахе тилидан булади. Шунингдек, айрим шахе томони- дан ёзилган хужжатлар (ариза, тушунтириш хати каби) хам биринчи шахе, бирлик сонда ёзилади. Бошка хужжатлар эса ё биринчи шахе куплик сонда, ёки учинчи шахе бирлик сонда тузилади: «...га рухеат беришингизни сураймиз», «...деб хисоблаймиз»; «маъмурият талаб килади», «бош- карма сурайди» каби.

Хужжатлар матнини тузишда тургунлашган, колиплаш- ган суз бирикмаларидан купрок фойдаланиш лозим. Чунки колиплашган, ягона доимий шаклга эга булган суз тизимлари, иборалар, мухандислик психологияеи маълумотларига кура, бошка суз бирикмаларига Караганда 8-10 марта тез идрок килинар экан. Бунинг устига колиплашган суз бирикмалари хужжатларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш жараёнла- рини анчагина тезлаштириш имконини беради. Тайинки, хар бир хужжат турининг мохдяти ва максади билан боглик равишда узига хос колиплашган синтакгик тузилмалар шакл- лана боради. Масалан, буйрукда куйидагича колиплашган тузилмалар кулланиши мумкин:

«... сум маош билан ... лавозимига тайинлансин»;

«... уз хохишига кура ... лавозимидан озод килинсин»;

«... бошка ишга утганлиги муносабати билан ... лавозимидан озод килинсин».

Ёки хизмат ёзишмаларида мана бундай колиплашган сузлардан фойдаланиш мумкин:

«Сизга ...ни маълум киламиз»; «Сизга ...ни билдира- миз»; «Сизга ...ни эслатамиз»;

«...ёрдам тарикасида...»; «... муносабати билан...»;

«... карорига мувофик равишда ...»;

«...га корхона маъмурияти карши эмас»;

«...га корхона кафолат беради» ва х.к.

Узбек тилидаги хужжатчилик такомиллаша боргани сари бундай колиплашган бирикмалар хам купайиб, мукаммал- лашиб боради. Бунинг натижасида хужжатларни тузиш ва расмийлаштириш ишй бир кадар енгиллашади. Ана шу колиплашган бирикмаларнинг иштирокига кура хужжатчилар «хужжатлар ёзилмайди, балки тузилади» дейдилар.

Дамонки, хар кандай хужжат, энг аввало, ахборот та- шувчи восита экан, унинг ахборот сигимини кенгайтириш, фикрнинг теран, мантикли булиши мухимдир. Шунинг учун хужжатда тилнинг ортикчалик принципини четлаб утиш, сузларни тежаш принципидан окилона фойдалана билиш керак. Бунинг учун кискартмаларни куллаш яхши натижа беради, бунда меъёрга катьий ва изчил амал килмок лозим. Чунки кискартмалар узбек тилининг табиатига у кадар мос эмас, шунинг учун хам кискартмалар узбек тилида унча куп кузатилмайди. Х,озирда бир кадар одатга кирган кискартма- ларимиз бор: «проф.» (профессор), «км» (километр), «ш.к.» (шу каби), «ва х.к.» (ва хоказо) ва бошкалар. Айни пайтда тилимизнинг суз ва суз бирикмаларидаги ички маъновий имкониятларидан кенгрок ва унумли фойдаланмок зарур.

Хужжатдаги фикрни аник, лунда баён килишда хатбо- шининг ахамияти хам катта. Х,ар бир янги, алохида фикр хатбоши билан ажратилиши, бир хатбошидан иккинчи хат- бошигача булган матн 4-5 жумладан ошмаслиги максадга мувофик.

Хужжатчиликда имло ва тиниш белгилари масаласига алохдда эътибор килиш керак. Хужжатнинг номини ёзишда бизда хар хиллик мавжуд, хусусан, баъзан кичик харф билан, баъзан бош харф билан ёзилади. Хужжатнинг номи бул- ганлиги учун уни бош харф билан ёзган маъкул, шунингдек, босма матнда бошка усул билан, масалан, мазкур номни ту- лигича бош харфлар билан ёзиш оркали хам ажратиб кур-

сатиш мумкин. Лекин хужжатнинг номи булганлиги учун (сарлавхдлардаги каби) ундан сунг нукта куйиш шарт эмас.

## ХУЖЖАТ ТУРЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Бошкарув жараёнининг мураккаблиги ва серкиррали- гига мувофик равишда идоравий иш юритиш когозлари, хужжатлар хам хилма-хил ва микдоран жуда куп. Хужжатларнинг максади, йуналиши, хажми, шакли ва бошка бир катор сифатлари хам турличадир. Шундай экан, хужжатлар тилига булган умумий талаблар билан бир каторда хар бир туркум хужжатлар тузиш ишига куйиладиган купгина лисо- ний талаблар хам мавжуд. Муайян турдаги хужжат, албатта, узига хос лисоний хусусият ва сифатлар билан белгиланади. Бу хусусият ва сифатларни хар тарафлама, чукур тасаввур килмасдан туриб, мукаммал хужжатчиликни яратиш хакида гаn хам булиши мумкин эмас. Шунинг учун бу уринда хужжатлар таснифи масаласи алохдда ахамият касб этади.

Хужжатшуносликда хужжатлар бир неча жихатларга кура тасниф килинади. Таснифлашда мутлако бир хил гу- рухдаштириш мавжуд булмаса-да, хар калай, уларни бир кадар ягоналашган холда гурухдаштириш мумкин.

Хужжатшуносликдаги ана шу анъанага кура иш юри- тишдаги хужжатлар, энг аввало, тузилиш урнига кура тасниф килинади. Бу жихатдан ички ва ташки хужжатлар фаркланади. Ички хужжатлар айни муассасанинг узида тузиладиган ва шу муассаса ичида фойдаланиладиган хужжатлардир, муайян муассасага бошка ташкилот ёки айрим шахслардан келадиганлари эса ташки хужжатлар хисобланади.

Хужжатлар мазмунига кура икки турли булади: 1) содда хужжатлар муайян бир масалани уз ичига олади; 2) мураккаб хужжатлар икки ёки ундан ортик масалани уз ичига олади.

Мазмун баёнининг шакли жихатидан хусусий, намуна- вий ва колипли (ёки трафаретли) хужжатлар фаркланади.

Матннинг узига хослиги, бетакрорлиги, хамиша хам бир андозада булмаслиги хусусий хужжатларнинг асосий белгила- ридир (масалан, хизмат ёзишмалари ва шу кабилар). Бундай хужжатларда хам муайян доимий таркиб мавжуд булса-да, бевосита мазмун баёни бир кадар эркин булади. Намунавий хужжатлар бошкарувнинг муайян бир хил вазиятлари билан боглик, бир-бирига ухшаш ва куп такрорланадиган масалалар юзасидан тузилган матнларни уз ичига олади. Колипли хуж- жатлар, одатда, олдиндан тайёрланган босма иш когозларига ёзилади, бундай хужжатларда икки турли ахборот акс этади, яъни узгармас (олдиндан тайёр босма матнда ифодаланган) ва узгарувчи (хужжатни тузиш пайтида ёзиладиган) ахбо- ротлар; шунинг учун бу тур хужжатларга нисбатан купин- ча «ёзмок» эмас, балки «тулдирмок» сузи ишлатилади. Шу уринда айтиш керакки, хужжатларнинг колипли турлари дои- расини кенгайтириш - иш юритишни такомиллаштиришдаги макбул йуллардан биридир. Чунки бу тадбир хужжат матн- ларини бир хил килиш ва хужжат тайёрлаш учун кетадиган вакд хамда мехдатни анчагина тежаш имкониятини беради. Колипли хужжатлар сирасига, масалан, иш хаки ёки жойи хакидаги маълумотномалар, айрим далолатномалар, хизмат сафари гувохномалари ва бошка куплаб хужжатларни кири- тиш мумкин.

Хужжатлар тегишлилик жихатига кура, хизмат ёки расмий хужжатлар ва шахсий хужжатларга ажратилади. Хизмат хужжатлари тайёрланишига кура, муассаса ёки ман- сабдор шахсларга тегишли булса, шахсий хужжатлар якка шахслар томонидан ёзилиб, уларнинг хизмат фаолиятла- ридан ташкаридаги ёки жамоат ишларини бажариш билан боглик масалаларга тегишли булади (масалан, шахсий ари- за, шикоят ва х.к.).

Хужжатларнинг тайёрланиш хусусияти ва даражаси хам бенихоя мухим. Бу жихатига кура хужжатлар куйида- гича таснифланади: коралама; асл нусха; нусха; иккинчи нусха (дубликат); кучирма. Аксар хужжатлар дастлаб ко-

ралама нусхада тайёрланади, бу хужжат муаллифи, яъни тайёрловчининг кулёзма ёки компьютерда кучирилган даст- лабки нусхасидир. Бу нусха тузатилиб, кайта кучирилиши мумкин. Айтиш жоизки, коралама хужжат хукукий кучга эга эмас. Асл нусха хар кандай хужжатнинг асли, биринчи расмий нусхасидир. Асл нусханинг айнан кайта кучирилган шакли нусха деб юритилади, одатда, унг томонидаги юкори бурчагига «Нусха» деган белги куйилади.

Хужжатчиликда, шунингдек, айнан (факсимил) ва эркин нусхалар хам фаркланади. Айнан нусха асл нусханинг барча хусусиятларини - хужжат зарурий кисмларининг жойлаши- ши, мавжуд шаклий белгилар (герб, юмалок мухр, туртбурчак мухр, нишон каби), матндаги босма, ёзма харф шакллари ва шу кабиларни аник ва тулик акс эттиради, масалан, фотонус- хани ёки компьютерда чикарилган нусхани шу тур хужжатлар каторига киритиш мумкин. Эркин нусхада эса хужжатда- ги ахборот тула ифодаланса-да, бу нусха ташки хусусиятлари жихатидан бевосита аслига мувофик келмайди, яъни эркин нусхада асл нусхадаги мухр урнига «мухр» деб, имзо урнига «имзо» деб, герб урнига «герб» деб ёзиб куйилади ва х.к. Баъзан муайян хужжатга эмас, балки унинг бир кисмига эхтиёж тугилади. Бундай холларда хужжатдан нусха эмас, балки ку- чирма олйнади (масалан, баённомадан кучирма, буйрукдан кучирма ва х-к.). Нусха ва кучирмалар, албатта, нотариус, кадрлар булими ва шу кабилар томонидан тегишли тартибда тасдикланган такдирдагина хукукий кучга эга булади. Асл нусха йуколган холларда хужжатнинг иккинчи нусхаси бери- лади, иккинчи нусха асл нусха билан бир хил хукукий кучга эгадир.

Маъмурий-бошкарув фаолиятида хизмат мавкеига кура хужжатлар хозирги кунда, асосан, куйидагича таснифлани- ши мумкин: ташкилий хужжатлар; фармойиш хужжатлари; маълумот-ахборот хужжатлари; хизмат ёзишмалари.

Ушбу кулланмада иш юритишда куп учрайдиган асосий хужжатлар мазкур тасниф асосида берилди. Буларни ёри-

тишга утищдан олдин аксарият хужжатларга хос булган зарурий кисмлар устида тухталиб утиш жоиздир.

## Х,УЖЖАТЛАРДАГИ ЗАРУРИЙ КИСМЛАР (РЕКВИ-ЗИТЛАР) ВА УЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

Хужжатларни тайёрлаш борасида бугунги кунда шакл- ланган умумий коидаларга кура, бошкарув хужжатлари зарурий Кисмларнинг бёлгиланган мажмуига ва баркарор- лашган жойлашиш тартибига эга. Ташкилий-фармойиш хужжатлари зарурий кисмларининг тулик руйхати куйида- гича:

1. Узбекистон Республикаси Давлат герби.
2. Ташкилот ёки корхонанинг рамзий белгиси (эмбле- маси).
3. Мукофот тасвири.
4. Вазирлик ёки юкори идоранинг номи.
5. Муассаса, ташкилот ёки корхонанинг номи.
6. Таркибий тармокнинг номи.
7. Алока муассасасининг шартли раками (индекси), ташкилот ёки корхона манзили, телефон раками, факс раками, электрон почта манзили, расмий вебсайти, банкдаги хисобраками.
8. Матн сарлавхаси.
9. Сана.
10. Шартли ракам.
11. Келадиган хужжатларнинг санаси ва шартли раками- га хавола.
12. Тузилган ёки нашр килинган жойи.
13. Хужжатни олувчи (адресат).
14. Тасдиклаш устхати.
15. Муносабат белгиси (резолюция).
16. Хужжат турининг номи.
17. Назорат хакида кайд.
18. Матн.
19. Илова мавжудлиги хакидаги кайд.

20. Имзо (электрон ракамли имзо).
21. Келишув устхати.
22. Розилик белгиси (виза).
23. Мухр.
24. Нусханинг тасдикланиши хакидаги кайд.
25. Ижрочининг фамилияси ва телефон раками.
26. Хужжатнинг бажарилганлиги ва уни хужжатлар йиг- мажилдига йуналтирилганлиги хакидаги кайд.
27. Компьютерга кучирилганлиги хакидаги кайд.
28. Хужжат келиб тушганлиги хакида кайд.

Албатта, хужжатнинг хар бир тури мазкур зарурий кисм- ларнинг барчасини уз ичига олмайди. Хужжатнинг муайян турига мувофщ равишда бу кисмларнинг айрим бир турку- ми хукукий талабларни таъминлаш даражасида кулланади. Шу нарса хам мухдмки, айни кисмларнинг хужжатда жойла- шишида катъий тартиб мавжуд, улар жойлашишидаги кать- ий кетма-кетлик хужжатнинг хукукий кучини таъминлаш, хужжатни зудлик билан ишлаш, бажариш, ундан осонлик билан фойдаланиш учун мухимдир.

Мазкур 28 та зарурий кисмнинг унтаси нисбатан куп кулланади, шунинг учун асосий зарурий кисмлар деб хам юрити- лади: хужжат муаллифи (муассаса номи ёки шахсий хужжатда имзо куювчи шахе), хужжат турининг номи, сарлавха, хужжатни олувчи (адресат), келишув ва розилик белгилари, матн, тасдикдаш, имзо, мухр, илова мавжудлиги хакидаги кайд. Кулланманинг тегишли уринларида зарурий кисмларнинг кулланиши ва уларнинг хар бир хужжат турида жойлашиш тартиби билан боглик хусусиятлар батафеил баён килинган.

Зарурий кисмларнинг стандарт когоз варагига жойлаши- ши ва улар учун ажратилган жой 1-иловада (41-бет) келти- рилди. Куйида хар бир асосий кисмнинг мохияти ва уларнинг расмийлаштирилишига тухгаб утамиз.

ф - (3). «УзР **герби», «Мукофот тасвири»** тижорат таш- килотлари тузилмасидаги хужжатларга куйилмайди.

Агар ташкилот (корхона) белгиланган тартибда кайд этилган товар белгисига эга булса (эгалик хукуки гувохно-

ма билан тасдикланади), бу белгидан ташкилот (корхона) хужжатларида рамзий белги - эмблема сифатида фойдаланиш мумкин. Эмблема тасвири х,ужжатнинг чап томонида, ташкилот (корхона) номи каторида ёки ташкилот номининг юкори кисмида уртада куйилади.

**(4) - (5). «Вазирлик ёки юкори идоранинг номи»,** «Му**ассаса, ташкилот ёки корхонанинг номи»** хукукий хужжатлар: ташкилот устави ёки низомидаги номига айнан мувофик келадиган тарзда ёзилади. Ташкилотнинг уму- мий кабул килинган (хукукий хужжатларда тасдикланган) кискартма номи булса, у алохида сатрда кавсга олинмай бе- рилади. Масалан:

| |
|---|
| «Узбекистон миллий энциклопедияси»<br>Давлат илмий нашриёти<br>УзМЭ ________ __________________________________ |

**(6). «Таркибий тармокнннг номи»** одатда факат ички хужжатларда (аризалар, билдиришнома, тушунтириш хат- лари, таътиллар графиклари ва ш.к.да) курсатилади.

(2). **«Ташкилотнинг манзил маълумотлари»дан** факат ёзишмаларда фойдаланилади, ички хужжатларда умуман куйилмайди. Ташкилотнинг манзил маълумотлари корхона- лар билан почта, телеграф, телефон алокалари учун, шунингдек, банкларда пул-хисоб муомалалари (хужжатда хдсоб- раками к)фсатилган булади) утказиш учун зарур булади.

Почта ва телеграф манзили Узбекистон Республикаси Алока вазирлигининг почта коидалари талабларига мувофик расмийлаштирилади, яъни алока булими раками, республика, улка, вилоят, туман, шахар, куча, уй ва офис раками куйилади.

Тезкор алокалар учун телефон, телефакс, телекс, электрон почталардан фойдаланилади.

Банк реквизитлари факат пул-хисоб муомалалари ма- салалари буйича хатларда, масалан, кафолат хатларида **ку**йилади.

**(8) . «Матн сарлавхаси».** Аксарият хужжатлар учун хужжат мазмунини акс эттирувчи киска ва аник сарлавха булиши керак. Ташкилот номидан сунг каста харфлар билан ёзилади. Масалан: «КОМУСЛАР БОШ ТАДРИРИЯТИ» НОМИНИ ВА ТУЗИЛМАСИНИ КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ХАКИДА». Хужжатнинг чал томонидаги юкори бурчакда (баъзи холларда уртага) бланка реквизитларидан сунг куйилади.

А 5 (148x210) улчамидаги хужжатларда ва телеграмма- ларда матнга сарлавха куйилмаслиги мумкин.

**(9) . «Сана».** Имзо чекилиш санаси, тасдиклаш сана- си, розилик санаси, шунингдек, матн ичидаги саналар ракам усулида расмийлаштирилади. Саналар араб ракам- ларида алохида сатрда курсатилади. Масалан: 2012.25.01; 2014.21.12.

Молиявий маълумотлардан иборат булган хужжатлар матнида сана курсатилганда, суз билан ифодаланган сана куйилади. Масалан: 2012 йил 25 январь; 2013 йил 20 декабрь.

**(Ш) «Шартли ракам»** («Индекс») кайдлов раками булиб, хар бир келаётган ёки чикаётган хужжат расмий ин- декслаш тизимига мувофик руйхатга олинганда куйилади.

**( И ) . «Келадиган хужжатларнинг санаси ва шартли ракамига хавола».** Бу реквизит факат юборилаётган жавоб хатларида булади; «сана» ва «шартли ракам»дан пастга куйилади.

**(12) . «Тузилган ёки нашр килинган жойи».** Бу зарурий кием почта манзили куйилган хатдан тапщари хар бир Хужжатда булади; «сана» ва «шартли ракам»дан пастга жой- лаштирилади.

Уни ёзишда мамлакатнинг маъмурий-худудий булини- ши эътиборга олинади.

**(О) . «Хужжатнн олувчи»** зарурий кисми хужжатнинг унг бурчаги юкорисига куйилади. Хужжат ташкилот, унинг таркибий булинмасига ёки аник мансабдор шахсга йунал- тирилади. Бунда ташкилот номи, таркибий булинма ва

мансабдор шахе лавозими бош келишикда, фамилияси эса жуналиш келишигида курсатилади.

Масалан:

Дехконобод калий заводи Ахборот
ва коммуникация технологиялари
булими бошлиги Омон Хамроевш

ХУ$^{жж}$ат ташкилот рахбарига жунатилганда, ташкилот номи олувчи лавозими таркибига киради.

Масалан:

«У здаверлойиха»
института директори
С.КДаюмовга

Юкорида курсатилган тартнб ташкилот ичидаги ёзиш- маларда, хусусан, ташкилот ёки булинма рахбари номига билдиришнома, тушунтириш хати ва ш.к. тайёрланаётганда хам кулланади.

Агар хужжат бир турдаги бир неча ташкилотларга жунатилаётган булса, уларни умумлашган холда курсатиш лозим.

Масалан:

Бош бошкармалар,
бошкармалар ва булимлар
бошликларига

Хужжат турли ташкилотларга жунатилаётганда, «Олув- чилар» реквизити турттадан ошмаслиги керак. «Нусха» сузи иккинчи, учинчи, туртинчи олувчилар олдида курса- тилмайди. ХУ$^{жжа}$тни т}фттадан куп манзилга жунатганда, таркатиш (юбориш) руйхати тузилади ва хар кайси хужжатда факат битта олувчи курсатилади.

Хужжатни хусусий шахсга жунатаётганда, аввал почта манзили, кейин исми ва отаисми (бош харфлари), фамилияси ёзилади.

салан:

100000. Тошкент ш., Хамид
Олимжон кучаси, 5-уй,18-
хонадон, Т.А.Ахмедовга

**14 . «Тасдищлаш устхати».** Ушбу зарурий кием «Тасдиклайман» сузидан, хужжатни тасдиклаётган шахе лаво- зимининг номи, шахсий имзоси, имзосининг ёйилмаси ва санадан иборат булади.

Масалан:

**ТАСДЩЛАЙМАН**
Институт директори
------------- С. Н. Рахимов
(имзо)
2018 йил 16 декабрь

Агар хужжат бланкага ёзилмаса, лавозим олдига ташкилот номи куйилади. Х,ужжат юкори ёки бегона ташкилот рахбари томонидан тасдиклanганда хам, лавозим номига ташкилот номи куйилади. Масалан:

**ТАСДЩЛАЙМАН**
Узбекистон Республикаси ФА
Узбек тили, адабиёти ва
фольклори института
директори
------------------- Н. Махмудов
(имзо)
2018 ________________________йил
19 декабрь

Агар хужжат карор, буйрук ёки баённома билан тасдикланаётган булса, у холда тасдиклаш устхати «ТАС- ДИКДАНДИ» сузидан, бош келишикдаги хужжат номидан, унинг сана ва тартиб ракамидан иборат булади.

Масалан:

Институт директорининг
2018 йил 27 декабрдаги 5-сонли
буйруги билан
**ТАСДЩЛАНДИ**
ёки
Мехдат жамоаси йигили- шининг
2018 йил26 декабрдаги 3-сон
баённомаси билан
**ТАСДЩЛАНДИ**

Тасдиклаш устхати хужжатнинг юкори унг бурча- гига куйилади. Штат тузилмаси ва сони, штат жадвали хужжатларида тасдиклаш устхати устига мухр куйилади.

Айрим хужжат турлари (далолатнома, шартнома, устав, йурикнома, хисоботлар, режалар ва б.) учун тасдиклаш устхати мажбурий зарурий кием хисобланади.

(f5). **«Муносабат белгиси»** хизмат хужжатлари устига мансабдор шахслар томонидан муайян фикр билдириб ёзила- диган кайдлардир. Бундай кайдлар, одатда, нихоятда киска, лунда шаклда, к)фсатма тарзида ёзилади; бирор когозга, у хох юкори ташкилотдан келган йурикнома ёки буйрук бул- син, хох муайян ходимнинг талаби ёки шикояти булсин, муносабат белгисини ёзишдан олдин, рахбар у билан яхшилаб танишиб чикиши, мохдятини чукур англаши ва ижросини тугри белгилаши, вакт-вакти билан назорат килиб туришга Хам эътибор бериши лозим.

Муносабат белгисининг асосий таркибига куйидагилар киради:

- ижрочи ёки ижрочилар фамилияси;
- киска курсатма - мазмуни;
- ижро муддати (зарурият булса);
- рахбар имзоси;
- сана.

Куп х,олларда хужжатда якка муносабат белгиси булади. Хужжат ижроси тартибига ёки унинг ижрочилари таркиби- га аниклик киритиш лозим булса, бошка шахсларнинг муносабат белгиси хам куйилади.

Муносабат белгиси умумий ва аник мазмунга эга були- ши мумкин.

Умумий муносабат белгилари:

*Рсцбарлик учун инобатга олинсин.*

*Ижро учун инобатга олинсин.*

*Маълумот учун инобатга олинсин.*

Аник муносабат белгисида рахбар хужжатнинг мазму- нидан келиб чикиб, буйсунувчи лавозимдаги шахсларга тегишли топшириклар ёзади. Уларда, одатда, лавозимлари кайд этилгани холда (кичик ташкилотларда шарт эмас) аник шахслар исми ва фамилияси курсатилади:

***Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Э. Зокировга***
***Қўмита йиғилишида кўриб чиқинг ва шикоятга жавоб хати тайёрланг***

________________

**(шахсий имзо, сана)**

*К. Шодиевага*
***Ушбу хизмат сафари ҳисоботи асосида коллегия бўлими ҳисоботини тайёрланг.***
***Муддати 2019.14.10. гача***
***Мусаев 2019.03.10***

________________

**(имзо)**

Муносабат белгиси таркибий булинма тузилишига ка- раб куйилмайди (мае. *«Режа булимига», «Игилаб чицариш булимига»* тарзида эмас), балки мансабдор шахсга ёки одат- да бевосита уни бажарувчи шахсга йуналтирилади. Муносабат белгисида ижрочилар сони биттадан ошмагани маъкул, айрим х,олларда 2-4 та булиши хам мумкин:

*С.А.Мавлоновга*

*Булимда курсатилган камчиликларни тузатишга эътибор беринг.*
*Л.Ходиевга*

*Келгуси иш режасини тузишда таклифларни инобатга олинг.*

*К.Исломовга*

*К,айд цилинган камчиликларни урганиб, айбдорларни топинг.*

*Танбеуучун буйруц лойщасини тайёрланг.*

(шахсий имзо, сана)

Муносабат белгисида ижрочилар сони 2 тадан ортик булса, биринчи шахе мазкур хужжат учун масъул шахе хисобланади, бошка шахслар хужжатдаги топширикларни бажаришга жалб килиниши мумкин. Масъул ижрочи бошка ижрочилардан керакли маълумотларни олиш хукукига эга. Одатда, муносабат белгисида хужжатда кутарилган масала мохияти юзасидан рахбарнинг аник карори ва уни амалга ошириш борасидаги йул-йуриги курсатилади. Агар бундай йул-йурик булмаса, уни кандай ижро этиш ижрочи ихтиёрига берилганини билдиради:

*М. Абдуллаева,*
*М. Миркомилов,*
*С.Шариповга*

(имзо, сана)

«Бажаришингизни сурайман», «Ижро учун», «Ахмедов- ни топинг» каби бир колипдаги мавхум муносабат белгила- рини куймаган маъкул.

ЕГ



Баъзида иш юзасидан курсатмадан сунг рахбар уз шахсий фикрини «изох», «эслатма» тарзида ёзиб куйиши хам мумкин:

*Хотин-цизлар кенгаши раиси М. Абдуллаевага*
*Аницланг ва менга маълумот беринг.*
*Изох;:*
*Шу йил февралда ҳам шундай масала кутарнлган эди. Туман х,окимиятидаги масъул шахслар билан богланинг.*

(имзо, сана) ___________________________________

Муносабат белгилари буйрук феълида ёзилса хдм, ша- роитдан келиб чикиб (асосий ижро бошка шахсга юклати- лаётганда) «Илтимос киламан», «Сурайман» каби сузлар ишлатилиб ёзилгани маъкул:

*Б. Шарипов.*
*Ушбу масалани текшириб беришингизни илтимос циламан, чунки Сиз воцеадан яхши хабардорсиз.*

(имзо, сана)

Муносабат белгиси аник куриниб туриши учун, одат- да, биринчи сахифанинг юкори кисмидаги буш жойга, асосан, матнга параллел килиб кул билан (сиёхда) ёзилади. Баъзида муносабат белгисини хужжат устига ёз- масдан, алохида варакчага ёзиш хам мумкин.

Албатга, бунда варакча асосий хужжатнинг таркибий кисми булиб колади. Муносабат белгиси аник куриниб туриши учун асосий курсатма билан рахбар имзоси уртаси- га чизикча куйилади.

**(16) . «Жужжат турининг номи»** (буйрук, далолатно- ма, маълумотнома ва б.) хатлардан ташкари барча хизмат хужжатларида курсатилади, бланка реквизитларидан сунг катта харфлар билан ёзилади ва матн сарлавхаси билан бир ибора сифатида укилади.

***(yf)*** **. «Назорат хакида кайд»** факат ижроси назорат остига олинган хужжатларга куйилади. Ушбу кайд рангли калам ёки махсус штамп билан «Н» харфи ёки «назорат» сузи оркали ифодаланади. Ушбу белги хужжатнинг чап чек- касига, «Матн сарлавхаси» кисми каршисига куйилади.

**(18) . «Матн».** Хужжат матни мазмуни имкони бори- ча лунда, киска иборалар билан, зарур холларда, жадвал шаклида, кийин булмаган ran тузилишида баён этилади. Агар матнда фамилиялар, географик номлар ёки айрим тенг маъмурий-худудий бирликлар санаб утилса, улар алиф- бо тартибида жойлаштирилади. Агар узлуксиз богланган матн бир нечта карор, хулосалардан иборат булса, улар араб ракамлари билан ракамланадиган булимларга, кичик бу- лимларга, бандларга ажратилиши лозим.

Хужжатлар матнларини икки кисмга ажратиш тавсия этилади. Биринчи кисмда хужжат тузишнинг асослари ёки сабаблари курсатилади; иккинчи кисмда таклиф, фикрлар, хулосалар, илтимослар баён этилади.

Агар хужжат мазмунини тушунтириш ва асослаш зару- рати булмаса, матн факат хулоса кисмдан иборат булиши мумкин.

**(19) . «Илова мавжудлиги хакидаги кайд».** Агар хужжатда матнда курсатилган илова булса, у холда иловалар борлиги тугрисидаги белги куйидаги шакл буйича расмий- лаштирилади: Илова: 10 варакда, 2 нусхада.

Агар хужжатда матнда курсатилмаган илова булса, уларнинг номи, хар бир иловадаги вараклар сони ва нусха- лар сони курсатилган холда санаб утилиши керак.

Масалан:

Илова: 1. Янги укув йилига мактабларнинг тайёргарлиги тугрисида маълумотнома - 8 варакда, 2 нусхада.

2. Мактаблар руйхати - 3 варакда, 2 нусхада.

Агар илова хужжатда курсатилган барча манзиплар- га жунатилмаётган булса, у холда иловаларнинг борлиги тугрисидаги белги куйидаги шаклда расмийлаштирилади:

| |
|---|
| Илова: Миллатлараро муносабатлар масалалари буйича до- имий комиссиянинг 2015.18.03. даги хулосаси ва унга илова - жами 21 варакда, 2 нусхада. |

Агар хужжатга иловаси бор бошка бир хужжат илова ки- линса, у холда илованинг борлиги тугрисидаги бошка белги куйидаги шакл буйича расмийлаштирилади:

Илова: 5 варакда, 2 нусхада биринчи манзилга

Башарти илова тикилган (брошюраланган) тарзда булса, у холда вараклар сони к)фсатилмайди.

**(2$) . «Имзо»** реквизити таркибига хужжатни имзолаёт- ган шахснинг амалдаги лавозими номи, унинг шахсий имзо- си ва имзонинг ёйилмаси (исми, отаисми бош харфлари ва фамилияси) киради. Масалан:

Узбекистон Республикаси «Эл-юрт умиди» фонди раиси
(имзо) А.Б.Ахмедов.

**Х,ужжатларни «унинг урнига» деган ибора, шунингдек, лавозим номи олдига кия чизик билан имзолашга йул куйилмайди.**

Икки мансабдор шахснинг имзолари коллегиал орган- лар хужжатларига куйилади. Кдрорлар ва баённомалар коллегиал органнинг рахбари ва котиби томонидан имзолани- ши тавсия этилади. Коллегиал органларда яккабошчилик тартиби асосида кабул килинадиган фармойишларда битта имзо булади.

Х,ужжатлар (далолатномалар, молия хужжатлари ва ш.к.) мазмуни учун бир неча шахслар жавобгар булган так- дирда, икки ёки ундан ортик имзолар куйилади.

Комиссия томонидан тайёрланган хужжатларда уни тай- ёрлаган шахслар лавозими эмас, балки комиссия таркибида- ги вазифалари таксимланиши курсатилади. Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси | (имзо) | В.В.Махмудов |
| Комиссия аъзолари | (имзолар) | А.П.Х,акимов<br>Р.С.Аброров<br>Б.А.Набиев |

Хужжат бир неча мансабдор шахслар томонидан имзо- ланганда, уларнинг имзолари эгаллаб турган лавозимларига мувофик устма-уст навбат билан жойлаштирилади. Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| Институт директори | (имзо) | З.А.Х,ошимов |
| Бош хисобчи | (имзо) | В.В.Собиров |

Хужжат лавозимлари тенг бир неча шахслар томонидан имзоланганда, уларнинг имзолари бир каторда жойлаштирилади. Масалан:

Узбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги
Молия вазири Узбекистон миллий
(имзо)____ О.З.Насриддинхужаев кутубхонаси директори
(имзо)_______________У.А.Тешабоева

(Я) . **«Келишув устхати».** Келишиш хужжат лойихаси- ни дастлабки куриб чикиш ва бахолаш усулидир. Келишиш ташкилот ичида хам (турли таркибий булинмалар ва мансабдор шахслар билан), унинг тапщарисида хам (хужжат лойихасидаги масалаларга уз ваколатларига мувофик бе- восита муносабати булган буйсунувчи ва буйсунмайдиган ташкилотлар билан) амалга оширилиши мумкин.

Хужжат лойихасини ички келишиш имзоловчининг шахсий имзоси ва имзолаш санасини уз ичига олган виза билан расмийлаштирилади. Зарур булган холларда имзоловчининг лавозими курсатилиши мумкин. Унинг имзоси- ни исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси билан курсатиб ёзиш шарт. Масалан:

КЕЛИШИЛДИ
УзР Молия вазирлиги режа булими бошлиги (имзо)
___________ А.В.Усмонов __________________

Хужжат коллегиал орган билан келишилиши лозим булган х,олларда «келишув устхати»да хужжат номи бош кели- шикда курсатилиб, сана ва тартиб раками куйилади. Масалан:

КЕЛИШИЛДИ
«Узбектуризм» миллий компанияси мехнат жамоаси
кенгаши йигилиши баённомаси. 2019.11.02. 3-сон.

Агар хужжат келишуви бошка хужжат воситасида амалга оширилса, «Келишув устхати»да уша хужжатнинг тури, муаллифи (ташкилот номи), санаси, шартли раками курсатилади. Масалан:

КЕЛИШИЛДИ
“Узстандарт” агентлиги хати. 2019.15.05. №7/05-09

Хужжат лойихаси буйича мулохазалар ва кушимчалар алохида варакда баён килинади ва бу хакда лойихада тегишли белги куйилади. Устхат белгиси хужжатларнинг ташки- лотда колдирилаётган нусхаларига - олд томонига, «имзо» реквизита остига куйилади.

(й)**. «Розилик белгиси (виза)»** хужжатнинг ички ке- лишувини ифодалайди. «Виза» сузи аслида лотин тилида «курилган», «караб чикилган» маъносини бериб, амалиётда бирон-бир хужжатни тайёрлаган шахснинг бу хужжатга масъуллигини тасдикловчи имзосини, шунингдек, мансабдор шахснинг муайян хужжатдаги фикрга (илтимос ёки талаб- га) розилигини англатади. Шу уринда паспортдаги чет элга чикишга рухсат берилганлигини билдирадиган белги хам кучма маънода «виза» деб аталишини эслатиб утиш мумкин.

«Розилик белгиси», яъни «виза»да шахсий имзо, унинг ёйилмаси, санаси, зарур холатларда - розилик билдираётган шахснинг лавозими куйилади. Масалан:

Юрисконсульт
(имзо) М.С.Бегматов
2019.16.05.

Розилик белгисини куювчи шахсларда хужжат матни юза- сидан эътироз булган такдирда, бу реквизитга «Рози эмасман», «Эътирозим бор», «7-бандига кушилмайман», «Мулохазалар илова килинди» каби иборалар купшлиши мумкин.

Х,ужжатнинг ташкилот ичидаги келишувини белги- лашда (розилигини олишда) куйидаги кетма-кетликка риоя этилади:

- хужжатни тузувчй шахе;
- хужжат тузилган таркибий булинма рахбари;
- ташкилот ичидаги бошка манфаатдор булинмалар мансабдор шахеи;
- жамоат ташкилотлари (заруриятга караб);
- молия ёки хисобхона хизмати рахбари;
- ташкилотнинг мазкур йуналиш фаолиятига рахбарлик килувчи уринбосари;
- ташкилот адлия хизмати рахбари ёки адлия масла- хатчиси.

Тегишли хужжат билан таништириш хам «розилик белгиси» билан расмийлаштирилади.

Розилик ёки танишиш белгиси «имзо» реквизита остига куйилади.

Агар жунатилаётган хужжат булса, «Розилик белгиси» ташкилотда коладиган хужжат нусхасига, бошка хужжатларда эса биринчи нусхасига куйилади.

**(Ц) . «Мухр».** Мухим хужжатлар (пул маблаглари ва моддий бойликларнинг сарфланишини кайд килувчи мансабдор шахслар, шунингдек, хукукий хужжатлар - ишонч- номалар, шартномалар, буюртманомалар, кафолат хатлари ва бошкаларда назарда тутилган жавобгар шахслар имзолари) хакикийлигини тасдиклаш учун мухр куйилади. Мухр гербли (давлат герби тасвири туширилган) ва оддий булади. Тижорат тузилмаларида оддий юмалок мухрдан фойда- ланилади.

**Мухр босилганда, унинг изи хужжатни имзоловчи шахе лавозими номининг бир кисмини коплаб туриши керак.**

Мухр сакланадиган жой ва уни саклаш учун жавобгар шахе ташкилот ёки юридик шахе рахбари томонидан белги- ланади ва буйрук билан расмийлаштирилади.

**(й) . «Нусханинг тасдикланиши хакидаги кайд».** Хужжатнинг иккинчи ёки кейинги бошка нусхаларини тасдиклаш белгисидир. Одатда, хужжат нусхаси кулда ёки компьютерда ёзилади, шунингдек, тезкор матбаа воситалари билан тайёрланади.

Хужжат нусхасининг биринчи варагига «нусха» белгиси куйилади.

Ташкилот факат узида тайёрланган хужжатлардан нусха бериши мумкин (бу коида архив муассасалари ва нота- риусга нис батан кулланмайди).

Фукароларни ишга, укишга кабул килиш, уларнинг мехнат, тураржой ва бошка хукукларини кондиришга таал- лукли ишларни хал килишда, шахсий хужжат йигмажилд- ларини шакллантиришда ташкилот бошка ташкилотлар томонидан берилган амалдаги конун хужжатларига мувофик масалаларни хал килиш учун зарур хужжатлар (маълумот тугрисидаги дипломлар, гувохномалар) нусхалари тайёр- ланади. Хужжат нусхаси ташкилот рахбари ёки таркибий булинма рахбари рухеати билан берилади.

Нусханинг тасдикланиши хакидаги кайд «Имзо» рекви- зитининг остига куйилиб, «Тугри» деб ёзилган тасдиклов- чи суз, тасдикловчи шахснинг лавозими номи, шахсий им- зоси, унинг исми ва отаисми бош харфлари хамда фа- милияси, нусха тасдикланган санадан иборат булади.

Масалан:

Тугри
Кадрлар булими
нозири --------------------- Г.Х-Иероилова
имзо

2019.18.06.

Хужжатдан олинган нусхаларни бошка ташкилотларга жунатишда ёки бирор масъул шахснинг узига беришда тасдикловчи имзо мухр билан тасдикланиши лозим.

Жунатма хужжатларнинг ташкилотда коладиган нусха- лари соддалаштирилган куринишда тасдикловчининг лавозими, тасдикланган санаси курсатилмай хам тасдиклан- гаии кайд этйлищи мумкин.

**@ «Ижрочининг фамилияси ва телефон раками».** Хар бир хужжатда ижрочиси (тузувчиси)нинг фамилияси ва унинг хизмат телефони раками хужжат охирги вараги- нинг олд томонига ёки жой булмаганда, орка томоннинг пастки чаи бурчагига куйилади. Масалан:

| | | |
|---|---|---|
| Азизхонов | 71 | 2441824 |
| Мусаев | 71 | 244 8516 |

**(£6) «Хужжатнинг бажарилганлиги ва уни хужжатлар йигмажилдига йуналтирилганлиги хакидаги кайд».**
Бундай белги хисобдан чикарилиб, хужжатлар йигмажилди- да саклаш ва маълумотнома максадида фойдаланишга таал- лукли хужжатларга, ижроси бажарилганлиги кайд этилган холда куйилади.

Бундай кайдлар куйидагиларни уз ичига олади: ижроси хакида кискача маълумот; «Хужжатлар йигмажилдига» ёзу- ви; хужжат сакланадиган йигмажилднинг раками.

Кайдлар бажарувчи ёки хужжат бажарилган ташкилот таркибий булинмаси рахбари имзоси билан тасдикланади ва бажарилган сана куйилади. Масалан:

18-12 хужжатлар йигмажилдига (имзо)
2019.24.07
«Машъал» фирмаси бош хисобчиси
билан телефон оркали гаплашилиб,
масала хал этилди 2019.22.07 (имзо)

Х,ужжат бажарилганлиги ва йигмажилдга йуналти- рилганлиги хакидаги кайд хужжатнинг охирги вараги олд сахифасининг чап куйи бурчагига куйилади.

**@ . «Ахборот компьютерда кучирилгаилиги хакидаги кайд».** Маълумотларнинг компьютерга утказилган- лиги тугрисидаги белги «Ахборот компьютерга кучирил- ди» ёзуви, маълумотларни компьютерга утказиш учун масъул шахе имзоси ва кучириш еанаеидан иборатдир. Бундай кайд хужжатнинг куйи кисмидаги буш жойга **ку**йилади.

**(Ц) . «Х,ужжат келиб тушгаилиги хакидаги кайд».** Бундай реквизит келган хужжатларга махсус кайдлов штампи (туртбурчак мухр) оркали ёки кул билан ёзиб кайд этилади. Кайдлов штампида хужжат олувчи ташкилот номи, сана ва кайдлов курсаткичи учун жой ажратил- ган булади.

Кайдлов штампининг намунавий шакли:

«Машъал» фирмаси
санаси ______________________________
№

Шундай штамп булмаган холда, хужжат олинган сана ва хужжат курсаткичи кулда ёзилади.

Бундай белги хужжатнинг биринчи вараги олд томони- нинг унгдаги куйи бурчагидан жой олади.

***Ташкилий-фармойиш хужжатлари зарурий цисмлс рининг жойлашуви ва улчамлари***

*1-илова*



## БЛАНКАЛАР - БОСМА ИШ ЦОГОЗЛАРИ КАНДАЙ БУЛИШИ КЕРАК?

Хужжатнинг хар бир тури (карор, фармойиш, буйрук, хат ва б.) уз мохияти ва вазифасидан келиб чикиб, юкори- дагн зарурий кисмларнинг муайян кисми мажмуига хдмда уларни жойлаштириш стандарт тартибига эгадирки, булар хдкида биз ушбу кулланмада уша х,ужжатлар устида фикр юритганда алохида тухтаб утамиз. Дархакикат, юкорида кайд этилган баъзи зарурий кисмлар бир-бирини истисно этади, муайян хужжатнинг таркибий кисмига айни вактда кирмайди (масалан, «Хужжатни олувчи» ва «Тасдиклаш устхати» зарурий кисмлари бир вактда фойдаланилмайди).

Шу билан биргаликда, айрим зарурий кисмлар, туридан катьи назар, хар бир хужжат учун, албатта, булиши шарт. Бундай зарурий кисмларнинг муайян хужжатда булмаслиги уни хукукий кучдан махрум этади.

Хужжат бланкаси таркибига кирадиган доимий зарурий кисмлар хужжатда булиши шарт булган мажбурий кисмлар- дир. Бундай кисмлар когознинг стандарт варагига олдиндан киритилиб, босмахона усули билан ёки махсус штамп ёрда- мида купайтирилади. Бундай когозлар бланка[1] - босма иш когози дейилади.

Узбекистон Республикасида амалдаги давлат стандарти- га мувофик, ташкилий-фармойиш хужжатлари учун зарурий кисмлар таркибидан келиб чикиб, хизмат бланкаларининг 2 тури жорий этилган: хатлар бланкаси ва умумий бланка.

**Хатлар бланкасига** куйидаги зарурий кисмлар киради: «Ташкилотнинг рамзий белгиси» (агар мавжуд булса), «Ва- зирлик ёки юкори идоранинг номи» (шундай буйсуниш мавжуд булса), «Ташкилот номи», «Алока булинмасининг кур-

[1] Бу суз асли французча (бланк) булиб, унинг лугавий маъноси “ок, тоза когоз”дир. Бу атама узбек тилига «бланка» шаклида кирган. Уни уз- бекчалаштириб, «босма иш когози» деб хам ифодалай олдик. Ушбу кул- ланмада жойига караб хар икки суздан фойдаланилди.

саткичи, почта ва телеграф манзили, факс, телефон раками, банк х,исобраками», «Санаси», «Индекси», «Хужжат келиб тушганлиги хакида кайд». Хатлар бланкасининг намунаси 44-бетдаги 1 -иловада курсатилди.

**Умумий** бланкага куйидаги зарурий кисмлар киради: «Вазирлик ёки юкори идоранинг номи» (шундай буйсуниш мавжуд булса), «Ташкилотнинг номи», «Хужжат турининг номи», «Санаси», «Индекси», «Тузилган ёки нашр килинган жойи». Умумий бланканинг намунаси 45-бетдаги 2-иловада курсатилди.

Х[а]Р икки турдаги бланкада зарурий кисмлар бурчакда (хужжатнинг чапдаги юкори бурчаги) ёки уртада (юкори четки буш жойдан пастда) жойлаштирилади. Хатлар учун, умуман, бошка бланкалар учун хам зарурий кисмларнинг бурчакда жойлашгани кул келади.

Бланкалар, одатда, А4 (210x297 мм) ва А5 (148x210 мм) бичимдаги когозларда босилади.

Хужжатлар бланкаларида четки буш жойлар булиши керак (чап томонда — 20 мм; юкорида камида — 10 мм; унг ва пастда камида — 8 мм).

Хужжатларнинг аник турлари (буйрук бланкалари, маъ-лумотнома бланкалари, далолатнома бланкалари ва б.) бир йилда 200 дан купрок тузиладиган булса, шундай бланкалар чикаришга йул куйилади.

Аксарият хужжатларни, масалан, далолатнома, маълу- мотнома, ишончнома, шунингдек, хисобхона хужжатларини ва бошкаларни тузиш осон булиши учун улардаги колип сузлар ёзилиб купайтирилган иш когозлари хам одатда бланка дейилади. Булардан фарклаш учун юкоридаги расмий хизмат бланкалари «фирма бланкаси» деб хам юритилади. Хозирги ишлатилиш куламида бу атама тор келиб колган- лиги учун унинг урнига, мазмунидан келиб чикиб, «хос иш когози» атамасини куллашни тавсия этамиз.

***Хатлар бланкаси намунаси*** *1-илова*

«Бизнес мактаби» а/ж «Интел - Синтез»
100036, Тошкент,
Амир Темур кучаси, 3 офис 620
Тел/факс: (314) 224-68-09 УзР МБ «Юнусобод» булимих/р.
1161418 Тошкент ш.
_____________ -сон _____________
_____________ даги _________ - сонли

***Умумий бланка намунаси***

*2-илова*

«Бизнес мактаби» а/ж «Интел-Синтез»

_ №_______________

Тошкент

## I. ТАШКИЛИЙ ХУЖЖАТЛАР

Ташкилий хужжатлар мазмунан ташкилот, муассаса ва корхоналарнинг хукукий макоми, таркибий тармокдари ва ходимлари, бошкарув жараёнида жамоа иштирокининг кайд килиниши, бошка ташкилотлар билан алокаларнинг хукукий томонлари каби масалаларни акс эттиради. Гувохнома, йурик- нома, низом, коида, устав, шартномалар ана шундай хужжатлар сирасига киради.

### ГУВОХНОМА

Муайян шахснинг хизмат ва бошка холатларини, шунингдек, бирор ишга (масалан, тафтиш утказишга) оид ва- колатини курсатувчи хужжат.

**Хизмат гувохномаси** давлат ва хужалик бошкаруви ор- ганлари, махаллий давлат хокимияти органлари ходимларига берилади хамда ходимнинг шахси ва лавозимини тас- диклайдиган хужжат хисобланади.

Хизмат гувохномаси ходимнинг паспорти уршгаи бос- майди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 5 январдаги 2-сон карорига мувофик «Давлат ва хужалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари ходимларининг хизмат гувохномаси тугрисида намунавий низом» тасдикланди. Шу низомга мувофик, хар бир киши ишга кабул килинганда, кадрлар булими (ёки кадрлар иши билан шугулланувчи лавозимдаги шахс)дан гувохнома олади. Бундай гувохдома ёнда олиб юришга мослаштирилиб, дафтарча шаклида тайёрланади.

Хизмат гувохномаси ишга кабул килиш тугрисидаги буйрук ва биринчи рахбарнинг карори асосида белгилана- диган кадрлар билан ишлаш хизматлари ёки бошка хизматлар томонидан берилади.

Хизмат гувохномаси муайян муццатга, бирок 3 йилдан ор- тик булмаган муддатга берилади ва куйидаги хдпларда:

- ходимнинг фамилияси, исми ва отаисми узгарганда;
- ходимнинг лавозими узгарганда;
- хизмат гувохномаси яроксизланганда;
- хизмат гувохномасининг амал килиш муддати тугаган- да алмаштирилади.

Х,ужжат йукотиб куйилганда хизмат текшируви утказилади ва биринчи рахбарнинг карори билан янги гувохнома берилади.

Берилган хизмат гувохномасининг сакланиши учун жа- вобгарлик унинг эгасига юкланади. Хизмат гувохномаси йукотиб куйилганлиги, яроксизланганлиги ва эхтиётлаб сакланмаганлиги учун айбдор шахслар конун хужжатлари- да белгиланган тартибда интизомий ёки бошка жавобгар- ликка тортиладилар.

Хизмат гувохномасини бошка шахсларга бериш катъиян такикланади.

Хизмат гувохномалари бланкалари, муковалари кать- ий хисобот бериладиган хужжатлар хисобланади, давлат ва хужалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органларининг буюртманомалари асосида факат «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чикариш бирлашмаси, «Шарк» нашриёт-матбаа акцияд орлик компанияси хамда Узбекистон Республикаси Президента Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги корхона- ларида тавсифга биноан, калбакилаштиришга карши химоя элементларига эга булган махсус когозда тайёрланади.

Хизмат гувохномалари бланкалари компьютердан фой- даланган холда, ходимни ишга кабул килиш тугрисида- ги буйрук ва унинг паспорта асосида тулдирилади. Зарур маълумотлар киритилгандан кейин гувохномалар бланка- ларнга уларнинг эгалари фотосуратлари ёпиштирилади, у органнинг биринчи рахбари томонидан имзоланади, давлат органининг гербли мухри (хужалик бошкаруви органининг

мухри), зарурият булганда, голографик белги билан тас- дикланади ва пластик плёнка билан хдмоя килинади.

Давлат ва хужалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари томонидан бериладиган хизмат гувохномалари курсатиб утилган органлар биноларига (хонала- рига) кириш хукукини тасдиклайдиган хужжат хисобланади.

Узбекистон Республикаси Президента Администрация- си, Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сената ва К,онунчилик палатаси, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Узбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратурасининг масъул мансабдор шахсла- ри давлат ва хужалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органлари биносига кушимча талабларсиз, хизмат гувохномасини курсатган холда кириш хукукига эга.

Алохида тартиб урнатилган давлат органларида бинога кириш махсус рухсатнома берилган холда, ушбу орган учун амал килувчи норматив-хукукий хужжатга мувофик амалга оширилади.

Хизмат гувохномаси текшириш хукукини берадиган хужжат хдсобланмайди (амалдаги конун хужжатларига мувофик бундай хукукка эга органлар томонидан берилган хизмат гувохномаси бундан мустасно).

Амал килиш муддати тугаган ёки яроксиз холга келган хизмат гувохномалари хакикий эмас деб хдсобланади ва йук килинади.

Олиб куйилган ва кайтарилган хизмат гувохномаларини йук килиш хар йили, улардан бундан кейин фойдаланишни истисно этадиган талабларга риоя килган холда амалга оширилади ва далолатнома билан расмийлаштирилади.

Хизмат I увохдомаларини йук; килиш далолатномалари тегишли органнинг биринчи рахбари томонидан тасдиклана- ди ва камида 5 йил сакланади.

Хизмат гувохномалари бланкалари (1-илова) 60x85 мм улчамга эга булган, хар бир ярми (ёзувли кисми) буйича сак- киз кирра шаклнда сув когоз белгили байрокнинг кук ва зан- гори рангига буялган Узбекистон Республикаси давлат бай- рогига ухшаш буёкнинг химоя турига эга булади.

Бланканинг чап томонидаги юкори бурчагига ок рангдаги ун икки юлдузчали ярим ой тасвири жойлаштирилади. Унг томонининг чап кисмида 3x4 см улчамли фотосурат учун рамка жойлаштирилади, ёнидаги унг томонида ок; фонда Узбекистон Республикаси герби тасвири булади.

Хизмат гувохномалари бланкаларини тайёрлашда айрим холларда давлат ва хужалик бошкаруви органлари, махаллий давлат хокимияти органларининг расман тасдикланган рамз- лари тасвиридан фойдаланишга йул куйилади.

Зарурият булганда, техник имкониятлар хисобга олнинган холда, хизмат гувохномалари бланкалари химоянинг кушим- ча даражаси билан тайёрланиши мумкин.

Хизмат гувохномаси бланкасини тулдиришда давлат ва хужалик бошкаруви органи, махаллий давлат хокимияти органининг номи, гувохнома эгасининг фамилияси, исми ва ота- исми, таркибий булинма номи, хдсобга олиш раками, амал килиш муддати, гувохномани имзолаган рахбарнинг лавозими, фамилияси, исми, отаисми бош харфлари ва «лавозим- дан бушаганда кайтарилиши керак» деган огохлантирувчи ёзув мавжуд булиши мажбурий талаб хисобланади. Матн горизонтал холатда жойлаштирилади.

Гувохномаларнинг асосий зарурий кисмларини (вазир- ликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар номи, рахбарнинг лавозими, огохлантирувчи ёзув ва шу кабиларни) блан- кани матбаа усулида тайёрлаш жараёнида киритишга рухсат берилади.

***Хизмат гувохномаси намунаси***

*1-илова*

| | |
|---|---|
| **Министерство экономи<br>ки и промышленности<br>Республики Узбекистан<br>УДОСТОВЕРЕНИЕ № 438<br><br>Юсупов Алишер Олимович<br><br>Заместитель начальника<br>главного управления по<br>вопросам модернизации<br>экономики и развития<br>промышленности<br>При оставлении должно<br>сти подлежит возврату<br>Действителен до 1 января<br>2022 года<br>Министр Б.Ходжаев** | **Узбекистон Республикаси Икти-<br>содиёт ва саноат вазирлиги<br><br>ГУВОХНОМА № 438<br><br>Юсупов Алишер Олимович<br><br>Иктисодиётни модернизация-<br>лаш ва саноатни ривожланти-<br>риш масалалари буйича бош<br>бошкармаси бошлигининг<br>уринбосари<br>Лавозимдан бушаганда кайта-<br>рилиши шарт<br>2022 йил 1 январгача амал<br>килади<br>Вазир Б.Хужаев** |

Хизмат гувохномаларининг матни махсус биноларда химояланган компьютерда босилади. Ахборот базаси масъул шахсда сакланади ва бино тапщарисига чикарилмайди.

Хизмат гувохномалари рахбарнинг имзолаши учун факат уни тайёрлаш учун масъул булган шахе томонидан тавдим этилади.

Гувохномаларни тасдиклаш учун фойдаланиладиган мухр тегишли хизмат рахбарида сакланади ва ундан факат унинг иштирокида фойдаланилади. Калбакилаштиришни истисно этиш максадида хизмат гувохномасига кушимча равишда голографик белги куйилиши мумкин ва пластик плёнка билан химояланади.

Матн давлат тилида (унг томонида) ва рус тилида (чап томо- нида) бир хил мазмунда тулдирилади.

**Хизмат гувохномаларини бериш ва кайтаришни хи- собга олиш дафтари**

(давлат ва хужалик бошкаруви органи, махаллий давлат хокимияти органи номи, бошлаш ва тугатиш санаси)

Хизмат гувохномаларини бериш ва кайтариш махсус даф-' тарларда руйхатдан угказилади. Уларда гувохноманинг эгаси, гувохноманинг, бланканинг тартиб раками, гувохнома берилган сана, унинг амал килиш муддати, у берилганлиги ва кайта- рилганлиги тугрисидаги маълумотлар булиши керак (2-илова).

Тулдириш дафтарлари ип утказиб тикилади, мухрланади ва тегишли хизматларда камида 5 йил сакланади.

Ходимларнинг хизмат гувохномалари амал килиш муддати тамом булган, амал килиш муддати тамом булгунга кадар ишдан бушаган холларда ва бошка холларда уни берган ор- ганга кайтарилиши шарт. Ходимларнинг хизмат гувохномалари кайтарилиши юзасидан жавобгарлик тегишли органлар- нинг шахсан биринчи рахбарлари зиммасига юкланади.

*2-илова*

| тф | Гувох,-нома ва блан канинг тартиб рака ми | Эгаси ва им- зол аган шахснинг Ф.И.О. | Амал килиш мудда ти | Эга- си- нинг фото- сура- ти | Олин- ган- лиги тугри- сида имзо, сана | Кай тариш санаси, олган шахс нинг Ф.И.О., лаво зими, имзоси | Йук килиш тугри- сида белги (дало лат нома санаси ва тартиб раками) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

Хизмат сафари гувохномаси. Ходим зиммасига сафар вактида юклатилган хизмат вазифасини бажаришга ваколат беради. Унинг зарурий кисмлари:

1. Хужжат номи (Хизмат сафари гувохномаси).
2. Гувохнома берилган шахснинг фамилияси, исми ва отаисми.
3. Гувохнома берувчи ташкилотнинг номи.
4. Бориладиган жойлар (шахар ёки бошка ахоли манзил- лари) ва ташкилотлар номлари.
5. Хизмат сафари муддати (неча кунлиги курсатилади, дам олиш кунлари, бориш ва келиш кунлари хам шу мудцат- га киритилади).
6. Хизмат сафарига асос булган буйрук еки фармойиш- нинг тартиб раками, санаси.
7. Гувохноманинг орка томонида: хизмат сафарида булган жойлар (шахар ва муассаса номлари) ва у ердан жунаб кетилган вактлар кайд и (мухр ва имзо билан тасдикланади). ***Намуна***

*3-илова*

| | |
|---|---|
| *Олд томони* | |
| ХИЗМАТ САФАРИ ГУВОХНОМАСИ | |
| 2020 йил 15 апрель № 108 | *Тошкент 2-автосозлаш корхонасининг бошпиги Диёр Собирович Акбаровга* (лавозими, исми, отаисми) |
| (манзил) (мухр) | *«Узавтосаноат» акциядорлик компанияси* (гувохнома берган бирлашма, ташкилот *томонидан берилди, у* корхона номи) |
| *Тошкент ш.дан* | *Асака шщригм* |
| жунаб кетди | (жойнинг номи, бирлашма. |

*3-илова давоми*

*«JVMANAvto-Uzbekistan» KfCza* (мух,р) ташкилот, корхона номи)

*хизмат сафарига юборилди.*

Хизмат сафари муддати — 6 кун

завод билан шартнома тузиш '
(хизмат сафари максади)

Лсос:
2020 йил 15 апрелдаги 21 -сонли
буйрук(фармойиш)
___сериядаги ____________ ракамли паспорт
курсатилганда хакций деб хисоблансин.

(имзо)
(мухр)

Бирлашма, корхона, ташкилот, муассаса рахбари

| | |
|---|---|
| *орца томони* | |
| Хизмат сафарида булганлиги тугриеида кайдлар — булган жойлари ва жунаб кетган вактлари: | |
| ш. дан жунаб кетди | Асака ш. га етиб келди |
| 7020 й | 7090 й |
| мухр имзо | мухр имзо |
| Асака ш. дан жунаб кетди | пт. га етиб келди. |
| 2020 й. | 7020 й |
| мухр имзо | мухр имзо |
| ш. дан жунаб кетди | пт. га етиб келли |
| 2020 й. | 2020 й. |
| MV р имзо | мухр имзо |
| X<br>ш. дан жунаб кетди | ш. га етиб келди |
| ■2020 й | 2020 й |
| мухр имзо | мухр имзо |

Хизмат сафари гувохномаси муассаса рахбари буйруги- дан сунг ходим кулига берилади. Хизмат сафарига жунаб ке- тиш олдидан ва кайтиб келгандан сунг уша саналарни кур- сатиб, муассаса мансабдор шахси гувохноманинг тегишли жойига имзо чекади ва мухр босади. Умуман, хизмат сафари гувохномасини расмийлаштиришда мухрлар ва имзолар булишига алохида ахамият бериш керак, акс холда, хизмат сафари билан боглик сарфлар буйича хисоб-китоб килишда гувохнома хужжат вазифасини утай олмайди.

Хизмат сафари гувохномаси махсус бланкага расмий- лаштирилади (3-иловага каранг).

Шахсга муайян малака берилганлиги хакидаги гувохнома ва шу турдаги бошка гувохномаларда унинг муддати курсатилмайди, малака комиссияси раиси ва аъзолари им- зоси булади.

Бирор шахсга муайян имтиёз берилганлиги хакидаги гувохнома матнида тегишли конун ёки хукумат карорига хавола ёзилиши керак.

## ИЧКИ МЕХДАТ ТАРТИБОТИ КОИДАЛАРИ

Ушбу хужжатда муассаса ёки корхона ишини ташкил этиш, ходимлар билан маъмурият уртасидаги узаро мажбу- риятлар, таътиллар бериш, ходимларни хизмат сафарларига юбориш тартиблари, ички тартиб ва бошка масалалар акс этади.

Ички мехнат тартиботи коидалари ташкилот мехнат жамоаси умумий йигилишида мухокама этилиб тасдиклан- гандан сунг ташкилот бланкасига кучиртирилади; хукук маслахатчиси имзолаганидан сунг ташкилот рахбари томонидан тасдикланади. Ушбу хужжат шакли 1-иловада берилади.

## ЙУРЩНОМА

К^онун ёки бошка меъёрий хужжатларни тушунтириш максадида чикариладиган х,укукий хужжат. Муассаса, корхона, ташкилот, юридик шахслар ва бошкалар (уларнинг бу- линмалари, хизматлари)[1], мансабдор шахе ва фукароларнинг ташкилий, илмий-техникавий, молиявий ва бошка фаолият томонлари хусусида тартиб-коида урнатиш максадида давлат ёки жамоа бошкарув органлари томонидан чикарилади (ёки уларнинг рахбарлари тасдикпайди).

Йурикноманинг асосий зарурий кисмлари:

1. Энг юкорида тасдиклаш устхати.
2. Хужжатнинг сарлавхаси, номи (Йурикнома).
3. Матн (кириш кисми, булимлари, кичик булимлари ва х.к.).
4. Й}фикнома тузувчининг лавозими, исми, отаисми ва фамилияси, унинг имзоси.
5. Йурикнома тузилган вакт (санаси) ва тартиб раками, шартли раками (индекси).

***Ички мехнат тартиботи цоидалар шакли***

*1-илова*

Ташкилот
номи

«Тасдиклайман»
Ташкилот рахбари

Имзо Имзо ёйилмаси
2019 йил 10 январь

2019 йил 10 январь № 8 Тошкент

ИЧКИ МЕХНАТ
ТАРТИБОТИ КОИДАСИ

М А Т Н  Т У З И Л М А С И

Умумий коида
Ишга кабул килиш, бошка ишга утиш,

[1] Бундан буен булар ташкилот ёки муассаса ёхуд корхона деб олинади.

ишдан бушатиш тартиботи Ходимларнинг асосий мажбуриятлари Маъмуриятнинг асосий мажбуриятлари Иш вакти ва ундан фойдаланиш Ишдаги ютуклар учун рагбатлантириш Мехнат интизомини бузганлиги учун жазолар Ички тартиб Ишни ташкил этиш

Розилик белгиси
КЕЛИШИЛДИ
Мехнат жамоаси умумий йигилиши баённомаси

2019 ________________________________________ j
ил 10 январь № 8 ______________________________

Зарурий кисмнинг 1-ракамида тасдикловчи суз **(«Тасдиклайман»),** бошкарув органи рахбари лавозими курсатилган ёзув, унинг имзоси, санаси булади:

«ТАСДИКДАЙМАН»
Узбекистон Республикаси

(имзо)
2019 йил 15 май

Ёки тасдикловчи буйрук ёхуд йигилиш карорининг кайди (тартиб раками, санаси) келтирилади:

Узбекистон Республикаси
Фанлар академияси Хайъатининг
2019 ____________________йил 15 майдаги - ракамли
карори билан тасдикланган.

Сарлавх,а билан хужжат номи куշилган холда келади. Лекин хужжат номи («Йурикнома» сузи), одатда, сарлавха- дан кейин хатбошидан катта харф билан ёзилади. Сарлавха йурикнома талаблари каратилган масала, мавзу ёки шахс- ларни аник чегаралаб ифодалаши керак. Масалан:

Иш юритишни жорий килиш хдкида ЙУРИКНОМА

Йурикнома матни булимлардан таркиб топади, булим- лар модда ва бандларга булиниши мумкин. Йурикнома, одатда, «Умумий коида» деб аталадиган кириш кисмидан бошланади. Унда йурикноманинг максади, риоя килит до- ираси, фойдаланиш тартиби ва бошка умумий масалалар курсатилади. Матннинг асосий кисми аник курсатма берув- чи хусусиятга эга булади. Бунда «лозим», «керак», «зарур», «йул куйилмайди», «мумкин эмас» каби сузлар кулланади. Матн учинчи шахе номидан ёки шахссиз баён килинади.

Йурикномалар ичида ходимнинг л а в о з и м ( м а н с а б ) й у р и к н о м а с и алохида гурухни ташкил этади. Унда умумий кием, ходимнинг вазифалари, бурчлари, хукуклари ишни бахолаш мезони ва ходим масъулияти курсатилади (1- ва 2-иловаларга каранг). Лавозим йурикномасини ходимнинг бевосита рахбари ишлаб чикади, сунг булим мудири ёки муассаса рахбари тасдиклайди. Чунончи, бош хисобчи муассасанинг бошка хисобчилари учун, бош мухандис ку- рилиш-монтаж ишидаги ёки бошка сохадаги ходимлар учун лавозим йурикномаларини ишлаб чикади. Бундай йурикномалар, бошкалари каби, муассаса ёки унинг бошкарув органлари тасдиклагандан сунг хукукий кучга эга булади.

Лавозим йурикномасининг узига хос зарурий кисмлари бор:

1. Муассаса ёки унинг булинмаси номи (аксарият холларда худудий-маъмурий булиниш асосида).
2. Хужжат номи (Лавозим йурикномаси).
3. Тасдиклаш устхати.
4. Санаси.
5. Шартли раками.
6. Жойи.
7. Сарлавхаси.
8. Матни.
9. Имзо.

Коида, методик тавсиянома, методик курсатма каби амалиётда куп кулланадиган х,ужжатлар хам мохият-эътибори билан кенг маънода йурикнома хисобланади.

Коида муайян харакат тартиботини белгилайди (масалан, идора жойлашган уй-жойдан фойдаланиш коида- си; архивга хужжат материаллари топшириш коидаси) ёки Зфнатилган меъёр асосида бажариладиган иш-фаолиятни кзфсатади (ички тартибот коидаси, олий укув юртига кабул килиш коидаси).

***Лавозим йурикномаси умумий шакли***

*1-илова*

Муассаса номи — ТАСДИКДАЙМ А Н

Муассаса рахбари
имзоси имзо ёйилмаси

ХОДИМ ЛАВОЗИМИНИНГ НОМИ

0000.00.00

**0.** **00**.**0**
**0**. № **00** Тошкент
ЛАВОЗИМ ЙУРИКДОМАСИ

МАТН ТУЗИЛМАСИ

Умумий коида
Вазифаси
Лавозим мажбуриятлари
Хукуки
Масъулияти

Узаро муносабати (лавозим нуктаи назаридан)

Таркибий булинма рахбари — имзо — имзо ёйилмаси

Розилик белгиси

Йурикнома билан танишдим: — имзо — имзо ёйилмаси

***Лавозим йурнцномаси намунаси***

***2-илова***

Узбекистон монтаж «Автокорхона» боищарувининг ва махсус курилиш 2019 йил 15 мартдаги 2- ракамли ишлари уюшмаси баённомаси билан

ТАСДИКЛАНГАН

ЮК АВТОМОБИЛЛАРИ
ИШЛАРИНИ Х.ИСОБ-КИТОБ
КИЛИШ ТАРТИБОТИ ХАКИДА

ЛАВОЗИМ ЙУРИКНОМАСИ

Корхона юк ташувчи машиналаридан тулик ва унумли фойдаланиш учун мавжуд коидага мувофик юк автомобил- лари ишларини хисоб-китоб килишнинг куйидаги тартиботи урнатилсин:

1. Диспетчер юк машиналарининг йул когозини иш ку- нининг бошланиши олдидан хар бир автомашинага алохида ёзиб беради (узок хизмат сафаридагилар учун истисно килинади) ва уни хар бир хайдовчига тилхат билан (имзо чектириб) топширади. Йул когозини бир юк автомобили- дан иккинчисига бериш рухсат этилмайди.

2. Йул когозининг барча зарурий кисмлари тугри ва аник тулдирилиши керак. Тузатилган ёки ёзувлари учи- рилган йул когозлари тасдикловчи хужжат сифатида кабул Килинмайди.

3. Ёнилги ва мойлар, корхона хисобчилари ой бошида хайдовчига ажратган нормаланган микдор курсаткичига мувофик тилхат билан берилади.

4. Иш куни тугагандан сунг йул когози диспетчерга Кайтарилиши керак. Айни вактда идишда колган ёнилги микдори улчанади ва бу улчов йул когозининг тегишли жойига ёзиб куйилади.

5. Х,[а]Р бир автомобиль буйича юк автомашиналари ишлари курсаткичи кунма-кун тартибда юк автомобилла- ри ишларининг хисоб-китоби кайдномасида ёзиб борила- ди, шу асосда диспетчер хдр бир ой учун автомобиллар ишлари хисоб-китобининг кушма кайдномасини тузади.

6. Айрим хайдовчиларнинг хужалик хдсобидаги баъ- зи юмушларни бажаришларини мунтазам назорат килиб бориш учун автокорхонада «Машиналардан фойдаланиш дафтари» жорий килинади.

7. Ой тугагандан сунг, кейинги ойнинг бошидан 5 кун ичида автокорхона буйича кушма кайднома йул когозлари ва хар бир машина учун ёзилган кайдномалар билан корхона хужалиги хдсобчисига топширилади.

Корхона директори (имзо) С. Р. Содиков
Бош хисобчи (имзо) ***Я.*** С.Хидиров

## НИЗОМ-УСТАВ

Ташкилот ёки унинг таркибий булинмалари, кичик ёки кушма корхона ва шу кабилар тузилиши, хукуки, вазифала- ри, бурчлари, ишни татпкил килиш тартиботини белгилай- диган хукукий хужжат. Низом айрим мансабдор шахсларга ва турли тадбирлар (курик, мусобака, танлов ва бошкалар) га нисбатан хам тузилиши мумкин.

Купинча низом муассасалар таъсис этилиши ёки ташкил топиши пайтида тузилади ва юкори ташкилотлар фармойи- ши билан (ёки тегишли хокимият томонидан) тасдиклана- ди. Муассасаларнинг таркибий кисмлари уларнинг рахбар- лари томонидан тузилади ва муассаса рахбари фармойиши билан ёки тасдиклаш устхатини куйиш билан кучга киради.

Муваккат комиссиялар, гурухдар ва шу кабиларнинг хукукий макомлари хам низом билан белгиланади.

Низомнинг асосий зарурий кисмлари:

1. Вазифалари низом билан белгиланаётган муассаса (таркибий кием) номи.

2. Хужжат турининг номи (Низом).

3. Мазмуни (матни): муассаса тузилишининг максад ва асослари; асосий вазифалари; муассаса тузилиши, хукуки, ишни ташкил килиш тартиботи.

4. Муассаса рахбари имзоси.

5. Сана ва жойи.

6. Тасдиклаш устхати (юкори кием ид а унг бурчакда жойлашади).

Ташкилот тузилиши билан боглик низомларда «муассаса рахбари имзоси» )фнига жамоа умумий йигилиши тас- диги санаси куйилади, шунингдек, уларда тегишли хокими- ятда тасдикланган сана, карор раками хам кайд этилади. Шу муносабат билан уларда зарурий кисмлар жойлашиш шакли умумий шаклдан узгачарок булиши мумкин (1-, 2-иловалар- га каранг).

Устав муайян муносабат доирасидаги фаолият ёки би- рор давлат органи, ташкилот, муассасанинг тузилиши, ва- зифасини йуналтириб турадиган асосий низом ва коидалар мажмуидир. Устав бирор орган ёки муассаса вазифалари ва хукукий холатини тавсифлайдиган меъёрий ахамиятга эга. Бинобарин, устав низомга нисбатан кенг тушунчадир. У купрок маълум бир тармок, сохалар, йирик муассасалар буйича тузилади. Чунончи, давлат нашриётлари буйича на- мунавий устав кабул килинган, шу асосда хар бир нашри- ёт уз низомини кабул килади. Уставнинг зарурий кисмлари низомнинг зарурий кисмларига ухшаш булади. Лекин уставнинг мазмун кисмида молиявий ва моддий базалари, хисобот бериш, тафтиш органлари ишлари тартиботи ва шу кабилар курсатилади.

Тармок (соха)нинг узига хос хусусиятидан келиб чикиб, унинг уставида кушимча кисмлар хам булиши мумкин. Масалан, акциядорлик жамиятлари уставида аъзолик хакидаги коида, яъни акциядорлик жамиятига аъзо булиш, ундан чикиш ёки чикариш каби коидалар булади.

***Низом намунаси***

***1-илова***

Тошкент шахар
Шайхонтохур тумани
хокимлигининг 20 — йил
« ____ » ______даги
«000/0»-сонли карорига
биноан руйхатта олинган

«Тасдикдайман»
Узбекистон Республикаси
Президента Администрацияси
хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар
агентлиги бош директори
________________ (имзо)

**«УЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИНИНГ Н И З О М И I. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

1Л «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Узбекистон Республикаси Вазирлар Махка- масининг 1997 йил 20 мартдаги 154-сонли карори билан ташкил этилган. Мазкур нашриёт Узбекистон Республикаси Президента Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тизимига кирадиган мустакил илмий нашриёт хисобланади.

1.2 «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти «Узбекистон Республикасидаги корхоналар тугрисида», «Ноширлик фаолияти тугрисида»ги Узбекистон Республикасининг конунларига ва бошка меъёрий хужжатларга, шунингдек, ушбу Низомга биноан фаолият курсатади.

1.3 Нашриёт юридик шахе хисобланади. Хужалик хисобида иш куради. Мустакил балансга, банк муасса- саларида миллий хамда хорижий валютада хисобраками ва бошка ракамларига, Узбекистон Республикаси давлат герби тасвири туширилган, уз номи ёзилган думалок мухрга эга.

1.4 Нашриётнинг дастурий йуналиш фаолиятига куп жилдли универсал энциклопедиялар, шунингдек, сохд энциклопедиялари, лугатлар, маълумотномалар ва бошка адабиётларни тайёрлаш ва нашр этиш киради.

## II. МЛКСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1 «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётининг асосий максади кенг китобхонлар оммасининг энциклопедик нашрлар, лугатлар, маълумотномалар ва бошка нашрларга булган эхтиёжини конди- ришдир.

2.2 Нашриётнинг бош вазифаси куп жилдли «Узбекистон миллий энциклопедияси»ни юксак гоявий-илмий савияда ва юкори матбаа даражасида тайёрлаш ва нашр этишдир.

2.3 Нашриёт, шунингдек, ички ва ташки бозор, китобхонлар эхтиёжи ва китоб савдоси хамда бошка ташкилот- лар буюртмалари буйича, китоб-журнал ва тасвирий санъ- атга дойр адабиётлар, календарь ва плакатлар, канцелярия моллари, бланкалар, ёрлик (этикетка)лар босиб чикаради, ташкилотлар, корхоналар, фирмалар ва фукароларга тижо- рат ва воситачилик хизмати к)фсатади.

2.4 Нашриёт узини-узи тула коплаб, ишлаб чикариш самарадорлиги ва рентабеллигини таъминлайди, илгор тахрир-ноширлик технологиясини жорий этади, молия маблагларидан окилона фойдаланади, бюджет туловла- рини амалга оширади, уз эхтиёжларига ва фаолиятининг конкрет шарт-шароитларига караб, нашриёт тизимини та- комиллаштириб боради.

2.5 «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти уз нашрларида Узбекистон Республикаси- нинг ижтимоий-сиёсий, иктисодий ва маънавий хаётда эришган ютукларини, халкимизнинг куп асрлик бой та- рихи, фани, маданияти, кадриятлари, узбек тилининг кенг имкониятлари, мамлакатимизнинг жахон маданияти та-

раккиетида тутган урни ва ахамиятини атрофлича илмий акс эттиришга, тарихий вокеа ва ходисаларга, шахсларга холисона бахо беришга хамда уни оммага етказишга харакат килади.

## III. ХУКУ К ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1 Нашриёт мавзулар буйича матбаа махсулотлари чоп этиш режасини тузади ва тасдиклайди. Уз фаолиятини мустакил режалаштиради ва хомашё ресурслари ва мате- риалларнинг мавжудлигини хамда чикараётган китоблари- га булган талабларни хисобга олиб, тараккиёт истикболла- рини белгилайди.

3.2 Нашриёт барча босмахоналар, ташкилотлар ва му- аллифлар билан шартнома асосида иш олиб боради.

3.3 Матбаа махсулоти нашриёт рахбари ёки унинг вако- лати билан иш курувчи шахе рухеат бергандан кейингина таркатувга чикарилади.

3.4 Нашриёт уз хужалик фаолиятини юритиши учун Узбекистон Республикасининг хамма худудларида ва хо- рижий давлатларда фирма дуконлари, савдо шохобчалари барпо этиш, кушма ва кичик корхоналар очиш, конунда белгиланган тартибда уларни тасарруф этиш, шунингдек, ташки ва ички иктисодий фаолият билан боглик булган муомалаларни амалга ошириш, чет эл фирмалари билан бевосита шартномалар тузиш, улар билан хамкорликда ки- тоблар нашр этиш хукукига эга.

3.5 Нашриёт уз махсулотларини мустакил равишда давлат савдо тармоклари, тижорат ёки хусусий савдо корхона- лари ва таркатувчилари оркали накд пулга ва пул утказиш йули билан сотиш хукукига эга.

3.6 Нашриёт, давлат, тижорат ва бошка ташкилотлардан улар билан тузилган шартномалар буйича товар биржала- рида, ярмаркаларда бартер ва х.к. буйича амалдаги конун- чиликда белгиланган уз хукуклари доирасида чекланмаган микдорда моддий-техника махсулотларини сотиб олиши мум

***3.1*** Нашриёт узига тегишли бинолар, иншоотлар, уску- налар, асбоблар, маданий-маърифий ва согломлаштириш максадлари учун мулжалланган мулкларга, пул маблагла- ри ва бошка кимматбахо когозларга хамда ушбу Низомда кузда тутилган бошка фаолиятларни моддий таъминлаш учун зарур булган маблагларга эгалик килиши мумкин.

3.8 Нашриётга бириктирилган асосий ва айланма маб- лаглар унинг Низом жамгармасини ташкил этади, унинг микдори нашриёт баланси билан белгиланади. Низом жамгармасидан ташкари бошка жамгармалар хам бар- по этилиши мумкин. Ижтимоий, захира жамгармалари, ишлаб чикаришдаги фавкулодда ходисалардан химояла- ниш жамгармаси шулар жумласидандир.

3.9 Нашриёт ходимларнинг мехнат ва турмуш шароит- ларини яхшилаб бориши, уларнинг ижтимоий ва иктисо- дий манфаатларини химоя этиши, ходимларнинг малакаси- ни ошириб бориши, мехнат мухофазаси меъёрларига риоя этиши шарт.

3.10 Моддий рагбатлантириш тартибини ишлаб чикади ва тасдиклайди хамда муддатларини белгилайди.

3.11 Ишларни бажариш учун уриндошлик шартлари асосида юкори малакали мутахассисларни жалб килади, уларнинг мехнатига хак тулаш микдори ва тартибини белгилайди.

## IV. МУЛКИ ВА МАБЛАГЛАРИ

4.1 Низом жамгармасини хосил килувчи асосий ва айланма маблаглар, шунингдек, нашриётнинг мустакил ба- лансида акс этадиган бошка бойликлар нашриёт мулкини ташкил этади.

4.2 Нашриёт узининг асосий ва айланма маблагларини белгиланган максадга мувофик ишлаб чикариш, хужалик фаолияти учун сарф килади.

4.3 Нашриёт уз тасарруфидаги мол-мулкига нисбатан конунга зид булмаган хар кандай харакатларни амалга

ошириши, жумладан, уни бошка юридик ва жисмоний шахсларга сотиши, топшириши, айирбошлаши, ижарага бериши, вактинчалик фойдаланиш учун бепул ёки карзга бериши мумкин.

Соликларни, бюджетга туланадиган бошка туловлар- ни тулагандан кейин нашриётда колган фойда тула-тукис унинг тасарруфига утади ва соф фойдани кайси сохаларга ишлатишни узи мустакил хал этади.

4.4 Нашриёт маблаглари ишлаб чикариш фаолиятидан олинадиган даромаддан, кредитлар ва бошка тушумлардан хосил булади.

4.5 Нашриёт энциклопедик нашрлар таннархини ар- зонлаштириш учун давлат бюджетидан ажратиладиган маблагларни матбаа хомашёлари, техника воситалари со- тиб олиш хамда ходимларнинг ойлик иш хаклари учун сарф этади.

4.6 Нашриёт уз манфаатларини хукук нуктаи наза- ридан химоя килишни таъмин этади, пул маблагларидан окилона фойдаланиш буйича чора-тадбирларни амалга оширади.

4.7 Давлат ва унинг органлари нашриётнинг уз зимма- сига олган мажбуриятлари юзасидан жавобгар булмайди. Худди шунингдек, нашриёт хам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар булмайди.

4.8 Жорий йилда фойдаланилмай колган маблаглар олиб куйилмайди, келгуси молия йил ига утказилади.

## V. ИЛМИЙ ГАХРИРИЙ РАХ,ЬАРЛИК

5.1 «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётига илмий-методик рахбарликни Бош тахрир хайъати амалга оширади. Бош тахрир хайьати таркибига йирик олимлар, жамоат арбоблари киради.

Бош тахрир хайъати «Узбекистон миллий энцикло- педияси»нинг гоявий, илмий, тахририй ва бадиий дара- жасини оширишда, маколалар мезонини белгилашда,

сузликларни тасдикдашда, мураккаб ва мунозарали маса- лаларни хал этишда бевосита катнашади. Унинг йигилиш- лари йилнинг хар чорагида бир марта утказилади. Бош тахрир хайъати аъзоларининг исм-фамилиялари руйхати энциклопедия сарварагида бериб борилади.

5.2 Универсал энциклопедияда фан сохалари буйича илмий маслахат кенгашлари хам тузилади. Уларнинг аъзо- лари Бош тахрир хайъати аъзолари рахбарлигида ишлайди ва муайян еоханинг сузлиги ва маколаларини куриб чикади ва тасдиклайди.

## VI. БОШКАРУВ ВА НАЗОРАТ

6.1 Нашриётга директор бошчилик килади. Уни Узбекистон Республикаси Президента Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бош директор лавозимига тайинлайди ва вазифасидан озод килади.

6.2 Директор нашриёт номидан ишонч хатисиз иш ту- тади, нашриёт номидан барча муассаса, корхона ва таш- килотларда ваколатли хисобланади, конун доирасида нашриёт мулки ва маблагларини тасарруф этади, нашриётнинг бутун ишлаб чикариш, хужалик фаолиятини моддий жихатдан таъминлайди, маблаглар ва ашёларни тежаб сарфлаш буйича зарур чоралар куради, шартномалар туза- ди, ишонч хатлари, шу жумладан, бошка одамларга ишонч хукукини топширади, банкларда хисобракамлари ва бош- Ка ракамларни очади.

6.3 Директор уз ваколати доирасида мехнат жамоаси ходимлари бажариши шарт деб хисобланган буйруклар ва фармойишлар чикаради. Ишчи ва хизматчилар билан мехнат муносабатларини амалдаги мехнат конунлари асосида ишлаб чикилган жамоа мехнат шартномаси ва ички мехнат тартиби буйича олиб боради. Ишчи ва хизматчи- ларнинг ижтимоий, моддий ва бошка жавобгарлиги маса- лаларини хал килади.

Нашриёт фаолиятига дойр низом ва тартибларни белгилайди.

6.4 Нашриёт тузилмаси ва лавозимлари «Узбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти директори томонидан тасдикланади.

6.5 Нашриёт директори нашриёт фаолияти билан боглик масалалар юзасидан мехцат жамоаси умумий йигили- шида вакт-вакти билан хисобот бериб туради.

6.6. Корхона хисобракамидан пул маблагларини хисоб- га утказиш ёки бериш директор, унинг зфинбосари ва бош хисобчи, унинг зфинбосари фармойиши буйича амалга оширилади.

6.7. Нашриёт фаолиятини тафтиш этиш ва текшириш амалдаги конунларга мувофик утказилади. Тафтишнинг якуний натижалари мехнат жамоасига маълум килинади.

## VII. КОРХОНАНИ ТУГАТИШ ВА КАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ

7.1. Нашриёт Узбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ёки тегишли суд карори буйича тугатилади ва кайта ташкил этилади.

7.2. Нашриёт кайта ташкил этилганда ва тугатилганда, ишдан бушатилаётган ходимларнинг хукуклари ва манфа- атлари конунчиликка биноан сакланишига кафолат берилади.

7.3. Нашриёт давлат реестридан чикарилган пайтдан бошлаб тугатилган ёки кайта ташкил этилган деб хисобланади.

**Низом нашриёт жамоасининг**
**20 __ йил «___ » « ________ » да**
**булиб утган умумий йигилишида**
**куриб чикилиб, кабул килинган.**

***Таркибий булинма х<ацида низом шакли***

***2-илова***

| | |
|---|---|
| Корхона<br>номи | “Тасдиклайман”<br>Корхона рахбари Имзо Имзо ёйилмаси<br><br>0000.00.00 |

таркибий булинма номи идкида

НИЗОМ

0000.00.00 № 00

Тошкент

Матн тузилмаси

Умумий коида Асосий вазифалар Олиб борадиган ишлари ***Хуку к,*** ва мажбуриятлари Масъулияти Узаро муносабатлари Ишни ташкил этиш

| | | |
|---|---|---|
| Таркибий булинма рахбари | Имзо | Имзо ёйилмаси |
| Розилик белгиси | | |
| Низом билан танишдим: | Имзо<br>0000.00.00 | Имзо ёйилмаси |

## ТАШКИЛОТ ТУЗИЛМАСИ ВА ШТАТЛАР СОНИ. ШТАТ ЖАДВАЛИ

Ташкилот низомига мувофик унинг тузилмаси ишлаб чикилади, штатлар (иш уринлари) сони белгиланади. Булар тегишли х,ужжатда кайд этилади. Бунда ташкилотнинг бутун булинмалари тузилмаси, ташкилотга берилган лавозим- лар ва хар бир лавозим буйича штат бирлиги сони курсатилади. Хужжат ташкилот бланкасида тузилади, ташкилот рахбари уринбосари томонидан имзоланади, бош хисобчи билан келишувдан сунг директор томонидан тасдикланади (1-иловага каранг). Ташкилот тузилмаси ва штатлар сони хужжатидаги кейинги узгаришлар рахбар буйруги билан амалга оширилади (2-иловага каранг).

***Ташкилот тузилмаси ва штатлар сони шакли***

***1-илова***

Ташкилот

ТАСДИКЛАЙМА

Н

номи

Корхона рахбари

Ташкилот тузилмаси
штатлар сони

0000.00.00
Мухр

0000.00.00 № 00
Тошкент
ТАШКИЛОТ ХОДИМЛАРИ
(АППАРАТ)

| Таркибий булинма ва лавозимлар номи | Штатлар сони |
|---|---|

Ташкилот рахбари уринбосари
(ёки булим бошлиги) Имзо Имзо

Розилик белгиси ёйилмаси

***Ташкилот тузилмаси ва штатлар сонига узгаришлар киритиш х,ацида буйрук, шакли***

***2-илова***

Ташкилот
номи

ТАШКИЛОТ ТУЗИЛМАСИ ВА ШТАТЛАР СОНИГА УЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ХАКИДА

0. 00.00 № 00 Тошкент

БУЙРУК

________________________________ муносабати билан

БУ ЮРАМ АН:

Ташкилот тузилмаси ва штатлар сонига куйидаги узгаришлар киритилсин:

**1** ____________________________________________
**2** ____________________________________________
3 ____________________________________________

| | | |
|---|---|---|
| Директор | Имзо | Имзо ёйилмаси |

Розилик белгиси

**Штат жадвали** ташкилот бланкасида тузилиб, унда лавозимлар руйхати, штат бирлиги сони, лавозим маошлари, устамалар, иш хдкининг ойлик фонди тугрисида маълумот- лар булади. Хужжат ташкилот рахбари уринбосари томонидан имзоланади, бош хисобчи билан келишувдан сунг рахбар томонидан тасдикланади. Тасдиклаш устхатида таш-

килот умумий штатлари сони ва иш хдкининг ойлик фонди алохида курсатилади.

Штат жадвали шакли 3-иловада берилди. Штат жадвали- га узгаришлар киритиш корхона рахбарининг буйруги билан расмийлаштирилади (4-иловага каранг).

***Штат жадвали шакли***

***3-илова***

Ташкилот номи I Ии су] цп а хаки ойлик фонди шииуринли атни

ШТАТ ЖАДВАЛИ

шкилот ıбий бул аппарат

ТАСДИКЛАЙМАН
Ташкилот рахбари

Имзо Имзо ёйилмаси

00.00.00 № 00
Тошкент

Та тарет йи л учун жи инма я

00.00.00
Мухр

| Таркибий булинма хос раками Таркибий булинма номи | Лавозим хос ра-ками Лавозим номи | Штат-даги урин-лар сони | Хизмат маоши (сум хи-собида | Устамалар (сум | | Ойлик иш хаки фонди (сум хи-собида) | Изох |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | шахсий | бошка турлари | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

Ташкилот рахбари уринбосари
(ёки булим бошлиги) Имзо Имзо ёйилмаси

Розилик белгиси

***Штат жадвали***

***Штат жадвалига узгаришлар киритиш хацида буйрук шакли***

***4-илова***

Ташкилот
номи

ШТАТ ЖАДВАЛИГА УЗГАРИШЛАР КИРИТИШ ХАКИДА

0.           00.00 № 00 Тошкент

БУЙРУК

_____ _ ______________________________ муносабати билан

БУЮРАМАН:

Ташкилотнинг штат жадвалига куйидаги узгаришлар киритилсин:

1 ________________________________________________
2 ________________________________________________
3 ________________________________________________

Ташкилот рах,бари           Имзо           Имзо ёйилмаси

Розилик белгиси

## ТАЪТИЛЛАР ГРАФИГИ

Ташкилот ходимлари таътиллар графиги булинмалар тавсия килган руйхат асосида тузилади. Ишлаб чикариш заруратига караб рахбар томонидан руйхатга узгаришлар киритилади ва тасдикланади. Шулар асосида кадрлар були- мида таътиллар графиги тузилади (1-иловага каранг).

***Таътиллар графиги шакли*** ,

***1-илова***

| | |
|---|---|
| Ташкилот<br>номи<br>ТАЪТИЛЛАР Г1 №<br><br>Жойи<br><br>йитт | ТАСДИКЛАЙМАН<br>Ташкилот рахбари<br>>АФИГИ<br>Имзо Имзо<br>еиилмаси<br>Сана<br><br>учун |

| Та бель рака ми | Фамилияси, исми ва отаисми-нинг бош харфлари | Лаво зими | Ойлар Таътилга ва ишга тушиш санасидаги узгаришлар | Таътилга чикиш ва ишга тушиш санасидаги асосий узга-ришлар |
|---|---|---|---|---|
| | | | 1 2 3 4 5 6 7 8 В 10 11 | |
| 1 | 2 | 3 | 4 5 | |
| | | | | |
| | | | | |

| | |
|---|---|
| Кадрлар ] булими бошлиги I<br><br>Таркибий булинма рахбарлари имзолари<br><br>КЕЛИШИЛДИ:<br>Касаба уюшмаси кумитаси йигилиши баённомаси № | Пахсий Имзолар 1мзо ёйилмаси |

## ШАРТНОМА

Икки ёки ундан ортик томоннинг фукаролик хукуклари ва мажбуриятларини белгилаш, узгартириш ёки тухтатиш йулидаги келишувидир. Бошкача килиб айтганда, шартнома томонларнинг бирон-бир муносабатлар урнатиш хакидаги келишуви (битими)ни кайд этувчи ва муносабатларни тар- тибга солувчи хужжатдир. Шартнома тугрисидаги умумий коидалар Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодек- си (353-385-моддалар)да баён этилган.

Шартнома давлат ёки нодавлат, жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар, шунингдек, фукаролар уртасида тузилиши мумкин. Шартнома муносабатлари муассаса билан айрим шахе ёки шахслар уртасида урнатилаётган булса, бунда тузилажак хужжат аксар холларда **мехнат битими** деб аталади.

Шартномада томонлар бажариши лозим булган шартлар ва бошка мажбуриятлар курсатилади. Баъзи шартномаларда олинган мажбуриятни бажармаслик натижасида келтирила- диган зарарни тулаш тадбирлари хам белгиланади. Томонлар шартноманинг барча моддалари буйича бир битимга келганларидан кейин шартнома тузилган хисобланади.

Шартномалар уз мазмунига кура хилма-хил куринишга эга: махсулот етказиб бериш хакида, кишлок хужалик махсулотларини давлат йули билан харид килиш хакида, мулкий (моддий) жавобгарлик хакида, бино ва иншоотлар курили- ши хакида, тураржой ижараси хакида, уй-жой ёки транспорт воситаларини олди-сотди, хадя килиш, алмаштириш, мол-мулкни ижарага олиш, карз бериш хакида ва бопщалар. Муассасалар уртасида кенг таркалган шартнома турлари- га мол (товар) етказиб бериш, пудрат, иморатлар ижараси, асбоб-ускуналарни урнатиш хакидаги шартномаларни кур- сатиш мумкин.

Х,ар кандай шартнома уз мазмуни ва шаклига кура конунга мувофик булиши керак. Бу коиданинг бузилиши

шартноманинг конуний кучини йукка чикаради ва уни шу ахволда тузган ёки тузишга йул куйган мансабдор шахс- ларни жавобгарликка олиб келади.

Шартномалар огзаки, ёзма усулда тузилиши хамда нотариал идоралар томонидан тасдикланган тарзда хам булиши мумкин. Шартноманинг айрим турлари, чунон- чи, иморатларни олди-сотди шартномаси тегишли давлат идораларида кайд килиниши зарур. Кейинги холат факат конунда белгиланган тавдирда кулланади.

Шартнома муассасаларга тегишли булганда, томон- лар имзолагунга кадар, унда муайян муассаса хисобчиси ва адлия маслахатчисининг розилик белгиси булиши мак- садга мувофивдир. Томонлар мазкур хужжатнинг барча боб ва кисмлари буйича келишиб олиб, уни тегишли равишда расмийлаштирганидан кейингина шартнома тузил- ган хисобланади.

Ташкилотларда кенг кулланадиган оддий шартнома- ларнинг зарурий кисмлари куйидагилар:

1. Шартноманинг номи (махсулот етказиб бериш шартномаси, иморатни ижарага олиш шартномаси, пудрат шартномаси каби).

2. Шартнома тузилган сана.

3. Шартнома тузилган жой.

4. Шартнома тузаётган томонларнинг аник ва тулик номи (матннинг кейинги уринларида уларни кискартириб, шартли номлаш мумкин: «буюртмачи», «институт», «муассаса», «уй-жойлардан фойдаланиш идораси», «бажа- рувчи», «ижрочи», «директор», «ходим» каби); томонлар вакилларининг исми ва отаисмлари, фамилиялари, уларнинг ваколат доираси (уларга шартнома тузиш хукукини берувчи ваколатлар хакида).

5. Шартнома матни (бу кием баъзан бобларга булина- ди, хар бир боб рим ракамлари билан белгиланади. Боблар бандларга булиниб, уларнинг тартиб ракамлари араб ракамлари билан курсатилади. Худди шу ерда низоларни

куриб чикиш тартиби, шартноманинг умумий суммаси, унинг умумий амал килиш муддати хдм баён килинади).

6. Томонларнинг хукукий манзиллари.

7. Томонларнинг имзолари ва мухрлари.

Шартномалар уларни тузишга вакил килинган шахслар томонидан имзоланади; бунда «имзо» деган зарурий кисмда имзо куйган шахсларнинг лавозимлари эмас, балки шартно- мавий муносабатлар урнатаётган хукукий (юридик) шахсларнинг (тулик ёки кискарган) номи кзфсатилади.

Шартномалар икки нусхадан кам тузилмаслиги лозим, чунки хар бир хукукий шахснинг хужжатлар йигмасида камида бир нусхаси булиши керак. Шартноманинг барча нус- халари бир хил хукукий кучга эга булади.

Шартнома матни варакнинг хар иккала томонига компь- ютерда бир оралик билан ёзилади, бобларнинг бандлари эса узаро бир ярим оралик билан ажратилади. «Ш А Р Т Н О М А» сузини катта харфлар билан орасини очик килиб ёзиш тавсия этилади.

Юкорида айтиб утилганидек, шартномалар уз шакли ва мазмунига кура нихоятда хилма-хилдир. Куйида уларнинг баъзиларига, уларни тузиш ва расмийлаштириш билан боглик омилларга кискача тухталиб утамиз, зарур уринларда намуналар келтирамиз.

Маълумки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махка- масининг 1993 йил 19 июндаги 297-сонли ва Узбекистон Республикаси Фан ва техника давлат кумитасининг 1993 йил 26 июндаги карорларига мувофик, укув юртлари ва илмий муассасалар, жумладан, УзР Фанлар академияси тизи- мидаги барча илмий-тадкикот муассасалари, лойихалаш ва конструкторлик бюролари 1994 йил январь ойидан бошлаб барча тоифадаги ходимларни шартнома (контракт) буйича ишга ёллашга утди (кейинчалик олий укув юртлари ходим- лари учун контракт тизими бекор килинди).

Бундай тизим жорий этилишининг асосий максади рес- публикадаги мавжуд илмий ходимлардан унумли фойдаланиш, илмий-тадкикот ишлари самарадорлигини кучайти-

риш, илмий ходимлар масъулиятини ошириш ва уларнинг мехнатини кадрлаш хамда рагбатлантиришдан иборатдир.

Контракт, низомга кура, бир йил муддатга тузилади. Унинг мудцатини илмий муассаса рахбари тегишли илмий ходим билан узаро келишган холда белгилайди. Кон- тракт-шартноманинг зарурий белгилари умумий шартномалар учун юкорида курсатиб уталган белгилардан деярли фарк килмайди. 1-, 2-иловаларда контракт-шартномаларнинг муайян холатларга мослаштирилган, бир кадар соддалашти- рилган намуналари эътиборингизга хавола килинади.

***Контракт-шартнома намуналари***

***1-илова***

## 20-СОНЛИ МЕХ.НАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шахри 2019 йил 2 январь

1. Узбекистон Республикаси Фанлар академияси президента (И.О.Фамилияси) (кейинги уринларда «Президент») ва филология фанлари доктори, (И.О.Фамилияси) (кейинги уринларда «Институт директори») мазкур ШАРТНОМАни куйидагилар хакида туздик:

2. Филология фанлари доктори (И.О.Фамилияси) УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института ди- зектори лавозимига тайинланади.

3. Шартнома буйича ишлаш муддати бир йил, яъни **2019** йил 2 январдан 2020 йил 31 декабргача.

### Институт директорининг мажбуриятлари:

4. а) УзР ФА хамда Узбек тили, адабиёти ва фолькло- зи института низомлари, мехнат ва технология интизоми 'Ички мехдат тартиби коидалари ва Интизом тугрисидаги к;оидалар)га риоя килиш;

б) Академия президентининг конуний фармойишлари- ни бажариш;

в) институт фаолияти учун шахсан жавоб бериш ва унинг тузилмасини замон талабларига биноан такомил- лаштириш;

г) у[зининг] асосий фаолиятини илмий-ташкилий ишларни бажаришга сафарбар килиш;

д) мехдатни мухофаза килиш, институт олимларининг уз устида ишлашини мунтазам назорат этиш, хавфсизлик техникаси ва хизмат санитарияси талабларига риоя ки- лишни ташкил этиш;

е) лавозим йурикномаларига риоя килиш;

ё) конун хужжатлари ва бошка меъёрий хужжатларга риоя этиш;

ж) жамоа шартномаси шартларига риоя килиш, институт ходимларини нобюджет маблаглар хисобидан ижтимоий химоялаш;

з) фан тараккиёти учун зарур булган устувор муаммо- ларни танлаш, илмий, ижтимоий-ташкилий ва хужалик ишларининг юкори даражада бажарилишини ташкил килиш;

и) таянч докторантура ва докторантура оркали юкори малакали илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш режаларини бажариб бориш;

й) иктидорли ёш олимларга чет тилларни ургатиш ва уларни тажриба орттириш учун хорижий давлатларга са- фарларга юборишни таъминлаш;

к) халкаро илмий алокалар буйича ишларга рахбарлик килиш ва белгиланган тартибда хамкорлик ишларини олиб бориш;

л) илмий натижаларнинг амалда кулланишини таъминлаш, институтнинг моддий-техник базасини яхшилаш, асосий фондлар ва бошка мол-мулкларнинг сакланишини таъминлаш;

м) Фанлар академияси Хайъати бошкармалари ва булимларига институтнинг илмий ва илмий-ташкилий фао- лияти тугрисида хисоботлар такдим этиб бориш.

### Академия президентининг мажбуриятлари:

5. а) Институт директори мехнатини ташкил этиш, уни мехнатни мухофаза килиш ва хавфсизлик техникаси коидалари, жамоа шартномаси ва бошка меъёрий хужжатлар билан таништириш;

б) иш хакини уз вактида тулаш;

в) хавфсиз ва самарали мехнат учун шарт-шароитлар яратиш;

г) малакасини ошириш;

д) хар ойда ягона тариф сеткасининг 16-даражасига мувофик мансаб маоши тулаш ва белгиланган тартиб асосида хизматда эришган ютуклари учун пул мукофоти тулаш;

е) хар йили 48 иш кунидан иборат мехнат таътили бериш;

ё) хужалик ишлари ва танлов ишлари муддати даво- мида белгиланган тартибда уриндошлик (0,5 мивдорда) асосида институт штатида ишлашга рухсат бериш.

6. Иш куни тартиби - соат 8.30 да бошланиб, соат 17.30 да тамом булади.

7. Мехнат шартномаси унинг муддати тугаши билан бекор килинади.

8. Мехнатга оид низолар мазкур мехнат шартномаси ва амалдаги конунлар асосида хал этилади.

### Томонларнинг масъулияти:

9. Томонлар ушбу Мехнат шартномасининг барча бандларига риоя киладилар.

**Томонларнинг манзиллари ва имзолари:**

| | |
|---|---|
| Президент И.О.Фамилияси | Директор |
| 100000, Тошкент шахри<br>Академик Яхё Fуломов кучаси,<br>70-уй,<br>УзР ФА хайъати.<br>тел.71 233-59-46 Имзо<br>Тошкент, 2019 й. 2 январь | Тошкент шахри,<br>Шахрисабз тор кучаси,<br>5-уй.<br>тел. 71 233-71-44<br>Имзо<br>Тошкент, 2019 й. 2 январь |

***2-илова***

---

Ю-ШАРТНОМА

Тошкент шахри 2019 йил 8 январь

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори института маъмурияти номидан директор Н. МАХМУДОВ (кейинги уринларда «Ди**ректор** » деб юритилади) бир томон, ____________________________ (кейинги уринларда «Ходим» деб юритилади) иккинчи томон булиб, ушбу шартномани куйидагилар хдкида туздилар:

1. **Директор Ходимни** 2019 йил «____________» ____ дан **2019** __________йил «_______________ » гача булган муддат-га ____________________________ лавозимига тайинлайди.

2. Иш куни тартиби: асосий иш вакти соат 08.30 дан 17.30 гача, тушлик вакти соат 12.30 дан 13.30 гача, хизмат жойи эса Институт биноси деб белгиланади.

3. Ушбу шартномани бажариш даврида томонларнинг мажбуриятлари куйидагича булади:

3.1. **Ходимнинг** мажбуриятлари ва хукуклари:

— ушбу шартномада кузда тутилган шартлар асосида

нунлари, меъёрий хужжатлар ва **Директорнинг** буйрук; (фармойиш)ларига мувофик узи тайинланган лавозимга муносиб вазифаларни бажаради;

—------------------------------------------------------------ шартноманинг

-------------------------------------------------------------— » деб номланган режали илмий иш буйича куйидагиларни бажаради:

Бажарилган иш буйича йилнинг хар уч ойида ва йил- лик хисоботлар топшириб туради;

— Институт фаолиятига алокадор ишларда иштирок этади;

— уз тадкикоти буйича маколалар эълон килиб бо- ради, оммавий ахборот воситаларида фаол иштирок этади;

— Институтдаги асосий фаолиятига зарар етмаган холда **Директорнинг** розилиги билан бошка ташкилот- ларда уриндошлик асосида ишлаши мумкин.

3.2. **Директорнинг** мажбуриятлари ва хукуклари:

— Ходимнинг уз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши учун шароитлар яратади; унга лаборатория, хоналар, кутубхона, илмий асбоб-ускуна ва жихозлардан фойдаланиш имконини беради;

— Ходимга хар ойда----------------разряд буйича лавозимий маош туланишини таъминлайди;

— ижтимоий сугурта ва нафакавий таъминотнинг конунларда кузда тутилган туловларини тулашни кафолат- лайди;

— касабакум билан биргаликда маданий-ижтимоий имтиёзлар (санаторий, дам олиш уйлари, моддий ёрдам каби) ва бошка хизматлардан фойдаланиш имконини яратади;

— хар йилги мехнат таътилини уз вактида беради;

— молиявий имкониятларга караб, Ходимга унинг кушимча хизматлари, топширикларни бажаргани ва фа- оллиги учун хамда илмий иш натижаларига кура махсус буйрук билан кушимча хак ёки мукофот тулайди, унинг маош разрядини оширади;

— мехнат интизоми **Ходим** томонидан муттасил бу- зиб келиниши кузатилганда, Ходимнинг сабабсиз ишда булмаган вакти учун иш хавдцан ушлаб колиши, маош разрядини пасайтириши ёки шартномани бекор килиши мумкин;

— шартнома Ходимга боглик булмаган сабабларга кура муддатидан олдин тухтатилган холларда унга ко- нунларда белгиланган мивдорда товон туланишини таъ- минлайди.

4. Бажарилган илмий иш Илмий кенгаш томонидан ёки унинг карори асосида тузилган эксперт комиссияси томонидан бахоланади ва кабул килиб олинади.

5. Томонлар уртасида юзага келадиган мехнат низо- лари Узбекистон Республикасининг Мехнат кодекси асосида хал килинади.

6. Ушбу шартномага узгартириш ва кушимчалар киритиш томонларнинг ёзма розилиги (келишуви) билан амалга оширилиши мумкин.

7. Ушбу шартнома муддати тугагач, у аввалги шарт- лар билан янги муддатга узайтирилиши ёки янги шарт- лар асосида кайта тузилиши мумкин.

8. Шартнома куйидаги холатларда муддатидан олдин тухтатилиши мумкин:

— **Ходим** шартнома мажбуриятларини мунтазам ба- жармаганда;

— Ходимнинг тадкикот натижалари хисобот-экспер- тиза вактида коникарсиз топилганда;

— Директор уз шартнома мажбуриятларини мунтазам равишда бажармаганда ёки Ходимнинг ваколат ва хукукла- рини бузувчи ё чекловчи карорлар кабул килганда;

— Ходим хизмат килаётган Институт штатлари ёки юкори идоралардан ажратилаётган бюджет кискартирил- ганда.

9. Шартнома, томонларни назарда тутган холда, икки нусхада тузилади ва томонлар имзолаган санадан эътибо- ран кучга киради.

10. Томонларнинг манзиллари:

Институт: 100170, Шахрисабз тор кучаси, 5-уй.

Ходим________________________________________________

Директор: (имзо) Ходим (имзо)

**УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института рахбарияти ва ходим - Узбек тили тарихи ва шевашунослик булими мудири билан тузилган 2020 йил 3 январдаги мехнат шартномасига КУШИМЧА КЕЛИШУВ**

**2020 йил “ ____” _____________ Тошкент ш.**

**I.** УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг директори **Низомиддин МАХМУДОВ** (бунлан буён “Иш берувчи” деб номланади) ва **ОДИЛОВ** Ёркинжон (бундан буён «Ходим» деб номланади) мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

- ходим коронавирус эпидемияси муносабати билан, 2020 йил “___ ” ___________ дан вактинча масофавий иш усулида ишлаш режимига утказилади;

- иш берувчи ва ходим уртасида ишга дойр хужжатлар хамда алокалар электрон тартибда, яъни ходимнинг электрон почтаси ёки телеграми ва иш берувчининг электрон почтаси ёки телеграми оркали алмашинади;

- ходимнинг иш куни режими, мехнатга хак тулаш ва шартноманинг колган бандлари узгаришсиз, уз кучида колдирилади;

**II.** Мавжуд эпидемия хавфи ва карантин чоралари бартараф этилгандан кейин иш берувчинннг буйруги билан масофавий иш усули бекор килинади ва ходимнинг иш фаолияти одатий иш режимига утказилади.

**Томонларнинг манзили ва имзоси:**

| Иш берувчи: | Ходим: |
|---|---|
| 100060, Тошкент шахри | ________________________ |
| Шахрисабз тор кучаси, 5-уй | ________________________ |
| профессор Н.Махмудов | ________________________ |

**УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институти рахбарияти ва ходим - Фольклор булими етакчи илмий ходими билан тузилган 2020 йил 3 январдаги мехнат шартномасига**

**КУШИМЧА КЕЛИШУВ**

**2020 _________йил "__________ "**

**Тошкент ш.**

I. УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг директори **Низомиддин МАХМУДОВ** (бундан буён "Иш берувчи" деб номланади) ва **Тура Мирзаев** (бундан буён «Ходим» деб номланади) мазкур шартномани куйидагилар хакида туздилар:

- ходим коронавирус эпидемияси муносабати билан, 2020 йил " __ "___________ дан вактинча уйдан туриб ишлаш режимига утказилади;
- иш берувчи ва ходим уртасида ишга дойр хужжатлар хамда алокалар электрон тартибда, яъни ходимнинг электрон почтаси ёки телеграми ва иш берувчининг электрон почтаси ёки телеграми оркали алмашинади;
- ходимнинг иш куни режими, мехнатга хак тулаш ва шартноманинг колган бандлари узгаришсиз, уз кучида колдирилади;

II. Мавжуд эпидемия хавфи ва карантин чоралари бартараф этилгандан кейин иш берувчининг буйруги билан масофавий иш усули бекор килинади ва ходимнинг иш фаолияти одатий иш режимига утказилади.

**Томонларнинг манзили ва имзоси:**

| **Иш берувчи:** | **Ходим:** |
|---|---|
| **100060, Тошкент шахри** | ________________________ |
| **Шахрисабз тор кучаси, 5-уй** | ________________________ |
| **профессор Н.Махмудов** | ________________________ |

**Махсулот етказиб бериш шартномаси.** Амалиётда мах- сулот етказиб берувчи билан истеъмолчи уртасида мах,сулот етказиб бериш буйича хам муносабатлар урнатилади. Бу муно- сабатлар махсулот етказиб бериш шартномаси оркали расмий- лаштирилади. Махсулот етказиб бериш шартномасига мувофик, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган махсулот етказиб берувчи - сотувчи шартлашилган муддатда ёки муддат- ларда узи ишлаб чикарадиган ёхуд сотиб оладиган товарларни сотиб олувчига тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиш учун ёки шахсий, оилавий максадларда, рузгорда ва шунга ухшаш бошка максадларда фойдаланиш билан боглик булмаган бошка максадларда фойдаланиш учун топшириш, сотиб олувчи эса товарларни кабул килиш ва уларнинг хакини тулаш мажбу- риятини олади.

Етказиб берувчи корхона ва истеъмолчи ташкилот хужалик шартномаларини тузишда Вазирлар Махкамаси томонидан тасдикланган тегишли низомларга ва амалдаги ко- нунларга риоя килишлари керак.

Етказиб бериш шартномаси куйидаги зарурий кисмлар- ни уз ичига олади:

1. Хужжат тури номи ва унинг тартиб раками.
2. Шартнома тузилган жой ва сана.
3. Шартнома тузувчи томонларнинг номи.
4. Шартномани имзоловчи шахсларнинг исми, отаисми ва фамилияси; уларнинг ваколатлари хакида маълумот.

5. Етказиб берилиши зарур булган махсулотнинг аник номи, микдори, зарурий холларда эса уларнинг турлари.

6. Шартноманинг умумий амал килиш муддати ва етказиб беришнинг аник мудцатлари.

7. Махсулотнинг сифати ва туликлиги.

8. Шартнома суммаси ва махсулот нархи.

9. Махсулотни микдорий ва сифат жихатдан кабул ки- либ олиш тартиби.

10. Идишларга ва махсулотнинг жойланишига булган талаблар.

И. Етказиб бериладиган махсулот учун хисоб-китоб тартиби.

12. Мулкий жавобгарлик.

13. Томонлар уртасидаги низоларни к>фиб чикиш жойи ва тартиби.

14. Томонларнинг хукукий манзиллари [бунда корхона-ларнинг турли банк (давлат, хусусий) муассасаларидаги хисоб-китоб ракамлари, албатта, курсатилади].

15. Шартнома тузган томонларнинг имзолари ва мухр- лари.

Барча етказиб бериш шартномаларига етказиб берувчи ва истеъмолчи корхоналарнинг масъул ходимлари (моддий-техника таъминоти ва сотиш булимларининг ходимлари, бош ёки катта хисобчилар, адлия маслахатчилари) олдиндан рухсат белгиларини куйиши керак. Шартнома тегишли равишда расмийлаштирилгандан кейин махсус даф- тарда руйхатга олинади.

Етказиб бериш шартномалари лойихаси етказиб берувчи корхона томонидан икки нусхада тузилади, имзоланади ва келишиш хамда имзолаш учун истеъмолчи корхонага юборилади. Истеъмолчи корхона шартнома лойихасини ол- гач, ун кун ичида уни имзолаши ва унинг бир нусхасини етказиб берувчи ташкилотга кайтариши керак. Етказиб бериш шартномаси томонларнинг ундаги хар бир боб, хар бир банд буйича тула келишувидан кейингина тузилган деб хисобланади (3-иловага каранг). Келишиш жараёни- да етказиб берувчи корхона томонидан таклиф килинган

шартнома юзасидан истеъмолчи корхонада эътирозлар пайдо булса, зиддиятлар баёни тузилиши мумкин (4-ило- вага каранг).

***3-илова***

***Намуна***

**ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ №**

Тошкент ш. « » 20 й

Уз Низоми асосида фаолият курсатувчи «Чулпон» нашриёти номидан директор (И. О. Фамилияси) (матнда **«Сотувчи»)** бир томондан ва «Шарк зиёкори» ОАЖ директори (матнда **«Хари- доо»')** иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

**I. Шартнома мазмуни**

1.1. **«Сотувчи» - «Чулпон»** нашриётида нашрдан чикарил- ган китоб махсулотларини **«Харидор»** пул утказиб китоб олиш истагини билдирган такдирда, китоб махсулотини унга етказиб беришни, **«Харидор»** эса махсулотининг микдори ва нархига караб хакини тулаш ва топширилган махсулотни белгиланган тартибда кабул кнлиб олиш мажбуриятини олади.

| Номи | Нусхаси | 1 донаси нархи | Умумий бахо- си (сум) |
|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 |
| | | | |
| | | | |
| | | | |
| Жами: | | | |
| | | | |

1.2. Махсулотнинг умумий нархи ________________________
_______________________________ сумни ташкил этади.

1.3. **«Харидор»** махсулотни уз транспортида олиб чикиб кетади.

## II. Тулов шартлари

2.1. **«Харидор»** олиб кетаётган махсулот жами бахоси- нинг % микдорида хакини олдиндан утказиб бергандан сунг махсулотни олиб кетишга рухсат берилади.

2.2. Махсулотнинг колган -------------- % микдоридаги маб- лагини 30 кун ичида **«Сотувчи»** хисобракамига утказиб беради ва тулик хисоб-китоб килади.

2.3. Тулов, тулов топширикномаси асосида пул утка- зиш йули билан амалга оширилади.

## III. «СОТУВЧИ»иинг мажбуриятлари

3.1. **«Сотувчи»** маблаг тушгандан сунг, шартнома талабларига риоя килган холда махсулотни сифатли дара- жада, уз вактида ажратиб беришни;

3.2. Махсулотнинг сифати лозим даражада булмаган такдирда, олиб чикиб кетган кундан бошлаб 1 ой давомида алмаштириб беришни зиммасига олади.

## IV. «ХАРИДОР»нинг мажбуриятлари

4.1. Махсулотни юкхат ва хисоб-фактура асосида кабул килиш вактида унинг сонига ва сифатига караб кабул Килиб олиш.

4.2. Махсулот келиб тушганидан кейин тегишли даражада сифатли булмаганлари аникланган такдирда уларни бир ой давомида «Сотувчи»дан алмаштириб олиш.

## V. Низоларни хал килиш тартиби

5.1. Томонлар уртасида ушбу шартнома буйича юза- га келиши мумкин булган низолар узаро келишув асо-

сида музокаралар йули билан хал килинади. Низолар- ни узаро музокаралар йули билан хал килиш имкони булмаган такдирда улар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига кура хужалик судларида куриб хал килинади.

## VI. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонларнинг жавобгарлиги Узбекистон Респуб- ликасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолияти- нинг шартномавий хукукий базаси тугрисида»ги 1998 йилдаги конунига асосан белгиланади.

6.2. Тулов муддатларига риоя килмаганлиги учун **«Харидор» «Сотувчи»га** хаки туланмаган махсулот кийматидан кунига 0,2% мивдорида бекарорлик жарима- сини тулайди. **«Сотувчи»** китоб махсулотини шартнома шартлари буйича уз вактида ажратиб бермаса, етказиб берилмаган махсулот микдори буйича, хар бир кечикти- рилган кун учун 0,2% мивдорида **«Харидор»га** бекарорлик жаримасини тулайди.

### VII. Форс-мажор холатлар

7.1. Томонларнинг хеч кайси бири иккинчи тараф ол- дидаги мажбуриятларини унга боглик булмаган сабаб- ларга (уруш, хукумат карорлари, табиий офатлар) кура бажара олмаганлиги учун ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлар буйича жавобгар эмас.

### VIII. Шартноманинг кучга кириши ва амал килиш муддати

8.1. Шартнома имзоланган кундан бошлаб юридик кучга киради. Икки нусхада тузилиб, томонларга бир нус- хадан саклаш учун топширилади.

8.2. Шартноманинг амал килиш муддати 20__________ йил -----------------гача.

## ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ:

| «СОТУВЧИ» | **«ХАРИДОР»** |
|---|---|
| «Чулпон» нашриёти<br>Тошкент, 100129,<br>Навоий кучаси, 30-<br>уй Х.Р.: -- -------- | «Шарк зиёкори» МЧЖ<br>Тошкент, 100083 Бухоро<br>кучаси, 26-уй<br>Х.Р.:—— ——— |
| тел.000-00-00, бух. 000-00-00 | тел. 000-00-00, хдс. 000-00-00 |
| **Директор** _______ ____ | **Директор** _____________ |

***Намуна*** ***4-илова***

«Узсаноаткурилишматериаллари» уюшмасининг

«Машъал» кушма корхонаси

билан тузган шартномаси юзасидан

ЗИДЦИЯТЛАР БАЁНИ

| **Етказиб берувчининг тахрири** | **Истеъмолчининг тахрири** |
|---|---|
| Етказиб берувчи 2016 йилда<br>30000 дона гишт.<br>5000 дона шифер,<br>50 тонна ох.ак етказиб бериш,<br>Истеъмолчи эса завод<br>махсулотларини кабул<br>килиш мажбуриятини олади. | Етказиб берувчи 2016 йилда<br>35000 дона гишт,<br>6000 дона шифер,<br>40 тонна охак етказиб бериш,<br>Истеъмолчи эса завод<br>махсулотларини кабул<br>килиш мажбуриятини олади. |
| Етказиб берувчи (имзо) | Истеъмолчи (имзо) |
| А.О.Салимов | С.И.Алиев |
| 2016 йил 24 январь | 2016 йил 24 январь |

Етказиб берувчи Истеъмолчи томонидан имзоланган шартнома лойихдси хамда зидциятлар баёнини олгандан кейин уни 10 кун ичида куриб чикиши ва макбул таклифлар- ни шартномага киритиши зарур, низоли масалаларни эса худди шу муддат ичида хдкамлик мухокамасига хавола ки- лиши ва бу хакда Истеъмолчига хабар бериши керак.

Агар шу 10 кун мобайнида Етказиб берувчи низоли ма- салаларни хакамлик мухокамасига хавола килмаса, шартноманинг Истеъмолчи таклиф этган бандлари Етказиб берувчи томонидан кабул килинган хисобланади.

________________________________________________ ***5-илова***

## ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ

(Телевизорлар сотиш буйича)

2018 йил “ ___”_____ Тошкент ш.

Кейинги зфинларда “Сотувчи” деб аталадиган “ _________ ” компанияси номидан __________________________ (устав/ишончнома/буйрук ва х,.к.) оркали бир томондан, кейинги уринларда “Сотиб олувчи” деб аталадиган _______________ иккинчи томондан куйидагилар тугриси- да ушбу шартномани туздилар:

### I. Шартнома предмети

1.1. Шартномада товар дебномланувчи“________________ ” компанияси томонидан _____ да ишлаб чикарилган _____ ***(х,арфда ёзилади)*** та ________________ русумли LCD те- левизорлар иккала тараф уртасида тузилаётган шартноманинг предмети х,исобланади.

1.2. Товарнинг кафолат муддати 3 (уч) йил. Кафолат муддати товар сотиб олувчига топширилган пайтдан, товар алмаштирилганда эса янгидан ута бошлайди.

1.3. Хар бир телевизорнинг нархи ______________________ (харфда ёзилади) сум. Товар хаки шартнома тузилган пайтда туланиши лозим.

1.4. Агар товардан фойдаланилмаган, унинг истеъмол ху- сусиятлари сакланган булса ва сотувчидан сотиб олингани- нинг исботи булса, сотиб олувчининг товарни алмаштириш ёки кайтариб олиш хакидаги талаби каноатлантирилади.

1.5. Сотиб олувчи узига товар топширилган пайтдан бошлаб ун кун мобайнида харид килинган тегишли сифатли товарни харид жойида улчами, шакли, хажми, андоза- си, ранги, туплами бошкача булган худди шундай товарга алмаштириши мумкин. Бунда у нархларда фарк булган такдирда сотувчи билан зарур хисоб-китобни амалга оширади. Агарда сотувчида алмаштириш учун зарур товар булмаганда, сотиб олувчи харид килинган товарни сотув- чига кайтариб бериш ва унга туланган пул суммасини кайтариб олиш хукукига эга.

**I.** 6. Шартнома икки нусхада тузилган ва улар бир хил кучга эга.

**II. Шартнома томонларининг хукук ва мажбуриятлари**

**2.1.** ***Сотувчининг хукук/іари:***

- сотилган товар хакини тулашни;
- товарни уз вактида кабул килиб олинши;
- шартнома шартларига тулик риоя этишни;
- сотиб олувчи томонидан узига етказилган зарарларнинг копланишини талаб килиш.

**2.2.** ***Сотувчининг мажбуриятлари:***

- сотиб олувчи талаб килган холларда товар тугрисида унга зарур ва тугри ахборотни конун хужжатларида белгиланган ёки чакана савдода куйиладиган талабларга мувофик холда бериш;
- товарни сотиб олувчига мулк килиб топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни топшириш;
- шартномада курсатилган микдордаги товарни топшириш;
- шартномада курсатилган сифатдаги товарни топшириш;
- учинчи шахсларнинг хар кандай хукукларидан холи булган товарни топшириш;
- товарни шартномада курсатилган ассортиментда топшириш;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли хужжатлари билан бирга топшириш;
- шартномада курсатилган бут товарни топшириш;
- шартномада назарда тутилган товарни сотиб олувчига идишда ёки уралган холда топшириш;
- товарни сотиб олувчига топширгунга кадар сакдаш.

**2.3.** ***Сотиб олувчининг хукуцлари:***

- товар тугрисида зарур ва тугри ахборотни конун хужжатларида белгиланган ёки чакана савдода куйиладиган талабларга мувофик холда беришни;
- шартнома тузилгунга кадар товарни куздан кечириш, уз олдида товарнинг хоссаларини текширишни ёки товардан Кандай фойдаланишни курсатишни;

- сотиб олаётган товарни узига мулк килиб топши- ришни;
- шартномада курсатилган микдордаги товарни топши- ришни;
- шартномада курсатилган сифатдаги товарни топши- ришни;
- учинчи шахсларнинг хукукларидан холи булган товарни топширишни;
- товарни шартномада курсатилган ассортиментда топ- ширишни;
- товарни мансуб ашёлари ва тегишли хужжатлари билан бирга топширишни талаб килиш.

**2.4.** ***Сотиб олувчининг мажбуриятлари:***

- сотиб олган товар хакини уз вактида тулаш;
- товарни уз вактида кабул килиб олиш;
- шартнома шартларига тулик риоя этиш;
- сотувчига етказилган зарарни коплаш;
- сотувчи томонидан товарни саклаш учун килинган зарур харажатларни тулаш.

Сотиб олувчи шартноманинг товарлар микдори, ассортимента, сифати, бутлиги, идиши ва уралиши тугрисидаги шартлари бузилганлиги хакида сотувчига ун кун муддат ичида маълум килиши шарт.

**III. Шартнома буйича жавобгарлик**

3.1. Агар сотиб олувчига унинг талабига кура сотиш жойида дархол товар тугрисидаги ахборотни олиш имкони берилмаган ёхуд унинг товарни куздан кечириш, товар- нинг хоссаларини текшириш ёки товардан фойдаланиш- ни курсатишни талаб килиш хукуки таъминланмаган булса, у чакана олди-сотди шартномасини тузишдан асоссиз бош тортилгани туфайли узи курган зарарни тулашни сотувчидан талаб килишга, агар шартнома тузилган булса, окилона муддатда шартномани бажариш- дан бош тортишга, товар учун туланган суммани кайта- ришни ва зарарни коплашни талаб килишга хакли.

Сотиб олувчига товар тугрисида тегишли ахборот олиш имконини бермаган сотувчи товар сотиб олувчига топширилганидан сунг товарда пайдо булган камчилик- лар учун хам, агар сотиб олувчи бу камчиликлар узи- да бундай ахборот булмагани сабабли пайдо булганини исботласа, жавобгар булади.

3.2. Агарда товар сотиб олувчига идишсиз ва уралма- ган холда ёки тегишли идишга жойланмаган ва тегишли даражада уралмаган холда топширилган такдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва урашни ёхуд тегишли булмаган идиш ва урашни ал- маштиришни талаб килиш ёки бу талабларни куйиш урнига ушбу шартноманинг 3.3-банди биринчи кисмидаги талабларни куйишга хакли.

3.3. Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси- нинг 434-моддасига кура сотиб олувчига сифати тегишли даражада булмаган товар сотилганида, агар унинг камчиликлари шартнома тузиш пайтида маълум килин- маган булса, сотиб олувчи уз хохишига кура:

худди шу маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада булган товарга алмаштиришни;

харид нархини тегишинча кайта хисоблаган холда бошка маркадаги (моделдаги, артикулдаги) сифати тегишли даражада булган товарга алмаштиришни;

товарнинг камчиликларини текинга бартараф этиш- ни ёки сотиб олувчи ёхуд учинчи шахе томонидан товарнинг камчиликларини бартараф этиш учун килинган харажатлар копланишини;

харид нархини мутаносиб равишда камайтиришни; курилган зарар урнини коплаган холда шартнома бе- кор килинишини талаб килиш хукукига эга.

Товар учун туланган пул суммасини сотиб олувчига кайтариш вактида сотувчи ундан товардан тулик ёки

кисман фойдаланганлиги, товар куриниши иуколган- лиги ёки бошка шунга ухшаш холатлар туфайли товар киймати канча пасайган булса, шунча суммани ушлаб кол ишга хдкли эмас.

3.4. Сотувчи шартнома буйича мажбуриятни бажар- маган такдирда, зарарни коплаш ва неустойка тулаш сотувчини мажбуриятни асл холида бажаришдан озод килмайди.

3.5. Агарда сотиб олувчи шартноманинг товарлар микдори, ассортимента, сифати, бутлиги, идиши ва ура- лиши тугрисидаги шартлари бузилганлиги хакида сотувчига ун кун муддат ичида маълум килмаса, сотувчи шартлар бузилганлиги натижасида келиб чикадиган оки- батлар учун жавобгар булмайди.

## IV. Форс-мажор холатлар

4.1. Сотувчи форс-мажор холатлар (мажбуриятларни лозим даражада бажариш учун тускинлик килувчи енгиб булмас куч таъсири: электр учиши натижасида юзага ке- ладиган куйиш, товар етказилаётган пайтда содир булган тасодифий шикастланиш, ёнгин чикиши, сув тегиши натижасида бузилиши ва бошка холатлар) натижасида юзага келадиган окибатлар учун жавобгар булмайди.

**V. Тарафларнин**

**г реквизитлари** Сотувчи: Сотиб олувчи:

Х,исобраками Х,исобраками

Валюта хдсобраками Валюта хисобраками

” банкнинг “ _______ ” банкнинг

булимида, банк коди булимида, банк коди

*Шартнома*

| | |
|---|---|
| СТИР | СТИР |
| телефон_________________ | телефон_________________ |
| ***(ваколатли шахе Ф.И.О. ва имзоси)*** | ***(<ваколатли шахе Ф.И.О. ва имзоси)*** |

**Ижара шартномаси.** Омборхоналар, иш жойлари (бинолар)ни ва тураржойларни, асбоб-ускуналар ва бошка- ларни ижарага олишда бир томонга карашли мол-мулкдан иккинчи томоннинг вактинча фойдаланиши юзасидан келишув ва узаро мажбуриятлар ижара шартномаси билан расмийлаштирилади.

Ижара шартномалари икки корхона ва ташкилот уртасида, шунингдек, корхона, ташкилот бир томон ва жисмо- ний шахе иккинчи томон булиб хам тузилиши мумкин.

Ижара шартномаси мазмунига куйидаги зарурий кисмлар киради:

1. Шартнома мавзуси ва ижарага олинаётган мол- мулкнинг тавсифи.
2. Ижара муддати.
3. Ижара шартлари (бу кисмда мол-мулкдан кандай максадда ва кандай коидаларга риоя килган холда фойдаланиш курсатилади).
4. Ижара хаки ва хисоб-китоб тартиби. Булардан ташкари, шартномалар учун хос булган зарурий кисмлар (томонларнинг манзиллари, имзо ва мухрлари, кушимча шартлар) акс эттирилади.(6-иловага каранг)

***б-илова***

## ИЖАРА ШАРТНОМАСИ (УМУМИЙ ШАКЛИ)

шахри сон 20 йил

(кейинги уринларда «Ижарага

*юридик шахснинг тулиц номланиши*

берувчи» деб юритилади) асосид

*Устав, низом, ишончнома в.%*

номидан иш юритувчи _ _________ бир томондан

_______ _________________ (кейинги уринларда «Ижарачи»
*юридик шахснинг номи*
деб юритилади) номидан ________________________ асосида иш
*Устав, низаи, ишончнома ва %!*
юритувчи_____ ______________ иккинчи томондан, куйидагилар
*вазифаси, фамилияси, исми*
тугрисида мазкур шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. ______________________________________________ Шартномани тузиш учун асос булиб ____________________________ хизмат килади.

1.2. Шартномага мувофик Ижарага берувчи топширади, Ижарачи эса жами сумлик ( )
v* *Сумма суз билан курсатилади*
куйидаги мол-мулкни: ________________________________
(кейинги уринларда "Мол-мулк" деб юритилади), фойдаланиш ва хак эвазига муддатли эгалик килиш учун олади.

1.3. Мол-мулк ижарага берувчининг мулкчилигида колади.

1.4. Мол-мулкнинг бахоси, техник хдпати, эскириш даражаси ва бошка хусусиятлари мазкур шартноманинг ажралмас кисми булган "Ижарага берилаётган мол-мулк тавсифномаси"да белгилана- ди (шартномага 1-илова).

1.5. Мол-мулк Ижарачига ____________________________ _____ __учун _______йил мудцатга ижарага берилади. Ижара муддати 20_____ йил ________________ да тугайди.

## 2. ИЖАРА ХАКИ МИКДОРИ ВА ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Ижарачи мол-мулкдан фойдаланганлик учун Ижарага бе- рувчига сум микдорда (__________________ _____________ ______ ) х,ак
w f —• *Сумма суз билан курсатилади* ~
тулаб бориш мажбуриятини олади, шу жумладан ииллар буиича:
20 _ йилда_______________________ сум;
20 _ йилда_______________________ сум;

2.2. Ижара туловлари ижарачи томонидан хар чоракда ижара хаки суммасининг 1/4 кисми мивдорида тенг хиссаларда хар чорак бошланишидан олдинги ойнинг________ -санасидан кечиктирмай тулаб борилади.

2.3. Ижара хаки мивдорига куйидагилар: ___________________________ унингдек, шартноманинг 1.2-бандига мувофик мол-мулк кийматидан йилига _______% ижара фоизи кушилади.
Ижара хдкининг хисоб-китоби ушбу шартноманинг ажралмас

кисми булиб хдсобланадиган "Базавий хисобварак" асосида белгиланади (шартномага2-илова).

2.4. Ижара х,аки ушбу шартномада белгиланган муддатда туланмаган такдирда, Ижарачи туловни кечиктирганлик учун пеняни хисоблаган холда урнатилган тартибда ундириб олади.

## 3. **ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУ К ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Шартнома имзолангандан кейин ________ ичида Ижарага берувчи Йжарачига 1-иловадаги талабларга жавоб берадиган холатда'ги мол-мулкни топшириши, Ижарачи эса ушбу мол-мулкни кабул килиши шарт. Бунинг учун тарафлар мол-мулкни топшириш пайтида "Мол-мулкни ижарага топшириш-кабул килиш хакида

1- сонли далолагнома"ни тузадилар.

3.2. Мол-мулкни тупик тиклаш ва таъмирлаш буйича тарафларнинг мажбуриятлари "Таъмирлаш ва тиклаш ишлари режаси"да белгиланади.

3.3. Мол-мулкнинг яроксиз холатга келиб колишига сабабчи булган авариянинг келиб чикишида айбдор булган тараф ________ кун ичида уни таъмирлаш ва тиклаш ишларини амалга ошириши шарт. Авария учинчи шахсларнинг айби билан содир этилган булса, ________________кун ичида ________________________________

учинчи шахсга даъво талаблари билдирилади ва у уз хисоби- дан зарурий таъмирлаш ишларини амалга оширади.

Агар мол-мулк форс-мажор холатларига кура яроксиз холга келса ёки учинчи шахсга билдирилган даъво талабларини кондиришнинг имконияти булмаса, тарафлар мол-мулкни таъмирлаш ва тиклаш харажатларини куйидагича таксимлайдилар:

Ижарачи________%; Ижарага берувчи __________%.

3.4. Езма суровномани ёки бошка имзоланиши лозим булган хужжатни олган тараф_____ кун ичида унга ёзма равишда жавоб бериши ёки имзолаб, хужжатни юборган тарафга жунатиши лозим.

3.5. Ижарачи куйидаги мажбуриятларни бажариши шарт.

3.5.1. Шартноманинг 1.5-бандида белгиланган тартибда мол-мулкдан факат унинг бевосита белгиланиши буйича фойдаланиш;

3.5.2. Мол-мулкни яровдш ва соз холатда 20___йил «__________ » ____________ санасига Ижарага берувчига кайтариш;

Мол-мулкни кайтариш пайтида тарафлар шартномага «Топшириш-кабул килиш хакидаги 2-сонли далолатнома» ни тузадилар.

3.5.3. Шартномага 4-иловада белгиланган меъёрлардан ортик таъмирлаш ишларини бажармаслик ва Ижарага берувчининг ёзма розилигисиз мол-мулкка ажратиб булмайдиган даражадаги узгар-тириншар ьсиритмаслик;
3.5.4. Ижарага берувчининг розилиги булмасдан туриб мол-мулкни кайта ижарага бермаслик;
3.5.5. Ижара шартномаси муддатидан олдин бекор килинганда ёки ижара муддати тугаганда узининг мол-мулкни капитал ва жорий таъмирлаш буйича мажбуриятларидан келиб чиккан холда амалга оширмаган таъмирлаш харажатларини Ижарага берувчига тулаш ва мол-мулкка зарар етказилмайдиган холда ажратиб олиниши мумкин булмаган узгартиришлар билан кушиб бепул топшириш.

## 4. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШ МУДЦАТИНИ УЗАЙТИРИШ ВА МОЛ-МУЛКНИ СОТИБ ОЛИШ ШАРТЛАРИ

4.1. Шартнома буйича уз зиммасига олган мажбуриятларини виждонан бажарган Ижарачи шартноманинг амал килиш муддати тугагандан сунг учинчи шахсларга нисбатан шартномани кайта-дан янги муддатга тузишда устунлик хукукига эга.
4.2. Ижарачининг мол-мулкни сотиб олишига йул куйилади (йул куйилмайди).
4.3. Мол-мулкни сотиб олишга йул куйилган такдирда, мол-мулк куйидаги тартибда сотиб олинади: ____________________________
(амортизация мудцатига берилган мулкнинг ижара хакини тулик тулаш, мулкнинг колдик киймати буйича бахосини тулаш ёки мулк киймати ижара туловлари билан тулик копланган булса ба-лансдан балансга бериш ва х.к.

## 5. ШАРТНОМАНИ БИР ТАРАФЛАМА БЕКОР КИЛИШ АСОСЛАРИ

5.1. Шартнома, агар иккинчи тараф шартнома мажбуриятларини мунтазам бажармасдан келса, муддатидан олдин бир тараф то-монидан бекор килиниши мумкин.
5.2. Шартнома куйидаги холларда сузсиз бекор килинади:
5.2.1. ______________________________________________ Ижараг а берувчи томонидан - агар Ижарачи ____________________ ой мо-байнида ижара хакинитуламасдан келса, шунингдек, куйидаги

5.2.2. ______________________________________________ И жарачи томонидан - агар мол-мулк Ижарачи жавоб бермай- диган холатларга кура фойдаланишга яроксиз холда булса, шунингдек, куйидаги холларда: ___________________________________.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Уз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар амалдаги конун хужжатлари ва мазкур шартномага мувофик жавобгар буладилар.

6.2. Кушимча жавобгарлик чоралари: __ __________

7. ШАРТНОМАНИНГ БОПЩА (МАХСУС) ШАРТЛАРИ

7.1. Тарафлар,куйидаги форс-мажор холатларга мувофщ шартноманинг 5-бандида белгиланган жавобгарликдан озод килинадилар: ________________________________

7.2. Кушимча шартлар:___________________________________

8. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

8.1. Шартномага киритилаётган барча узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган холдагина хакикий хисобланади.

.2. Шартнома 20 ___йил " __ " __________ бошлаб кучга киради ва 20 _ йилгача амал килади.

8.3. Тарафларнинг юридик манзили ёки банк реквизитлари узгарган холда, бир-бирларини _________ кун ичида хабардор киладилар.

**Томонларнинг манзиллари ва имзолари**

| | |
|---|---|
| СТИР | СТИР |
| имзо ёйилмаси | _________ имзо еиилмаси |
| Мухр урни | |

Ташкилот ва корхоналар уртасида тузиладиган ижара шартномалари сирасида муайян ташкилотларга тегишли автомобилни бошка бирор ташкилотга ижарага беришда тузиладиган шартномалар хам учрайди. Мазкур шартномаларнинг матни куйидагича тузилади:

1. Шартнома номи.
2. Шартноманинг тузилган вакти ва жойи.

3. Шартнома предмети (унда ижарага берилаётган автомобилнинг техник тавсифи, ижара максади ёритилади).
4. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби.
5. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари.
6. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби.
7. Шартноманинг бошка шартлари.
8. Тарафларнинг реквизитлари. (7-иловага каранг) ***7-илова***

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ**

2018 йил “ __ ” ___________________ Тошкент ш.

Кейинги уринларда «Ижарага берувчи» деб аталадиган ______________________ ***(юридик шахснинг тулиц номи)***
______________________ ***(Устав, низом, ишончнома ва х,.к)***
асосида иш юритувчи _______ ________________ _ ***(лавозими, фамилияси, исми)*** бир томондан, кейинги уринларда “Ижарачи” деб аталадиган ______________ ________________ _
(юридик шахснинг тулик номи) ______________________________
(Устав, низом, ишончнома ва х.к) асосида иш юритувчи •
***(лавозими, фамилияси, исми)*** иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Шартномага мувофик, Ижарага берувчи унга тула хужалик юритиш хукуки асосида тегишли булган куйидаги автомобилни (русуми, давлат раками, спидометр курсаткичи (км), техник холати, кузов раками, двигатель раками, шасси раками) техник курикдан утказган ва унинг холати тугрисида техник паспортга белги куйган холда Ижарачига топшириш, Ижарачи эса вактинча фойдаланиш

учун уни ижарага олиш ва ижара хдкини тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижарачи автомобилдан куйидаги максадларда фойдаланади:

## 2. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби

2.1. Автомобилнинг киймати кайта нархлаш коэффициентлари ва амортизация меъёрларини хцсобга олган холда ____ сумни ташкил этади.

2.2. Ижара хаки Ижарачи томонидан ойига________________ сум микдорда хар ойнинг бошланишидан 10 кун олдин тулаб борилади.

## 3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари

3.1. Ижарага берувчи шартнома имзолангандан кейин кун ичида автомобилни Ижарачига топширади.

3.2. Автомобилни жорий таъмирлаш ва профилактика куригидан утказиш ____________ _______________ хисобидан амалга оширилади.

3.3. Капитал таъмирлаш ________________ томонидан хар ________ йилда амалга оширилади.

3.4. Авария холатида айбдор тараф ______________________ муддат ичида уз хисобидан автомобилни таъмирлайди.

3.5. Агар авария учинчи шахсларнинг айби билан содир этилган булса,______________________________ учинчи шахсга нисбатан ____________муддат ичида даъво талабларини куяди ва уз хисобидан таъмирлайди.

3.6. Форс-мажор холатлар келиб чикканда тарафлар харажатларни куйидаги тартибда таксимлайдилар:

3.7. Автомобиль ушбу шартнома имзоланишидан олдин утказилган техник курикда аникланган ва техник пас-

портда кайд этилган холатда Ижарага берувчи томонидан топширилиши ва Ижарачи томонидан кайтариб топшири- лиши лозим.

3.8. Ижарачи автомобилни кайтариб топшириши хакида Ижарага берувчини камида ________________________ олдин ха- бардор килиши лозим.

**4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби**

4.1. Ижара хакини белгиланган муддатда туламаган Ижарачи тулови кечиктирилган хар бир кун учун Ижарага берувчига ижара хакининг ____________фоизи микдорида пеня тулайди.

4.2. Тарафлар уз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Узбекистон Респуб- ликасининг Фукаролик кодекси ва бошка конун хужжатлари хамда мазкур шартномага мувофик жавобгар буладилар.

4.3. Тарафлар зфтасида келиб чикадиган низолар та- рафларнинг узаро келишуви асосида хал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган такдирда низо белгиланган тартибда судда хал этилади.

**5. Шартноманинг бошка шартлари**

5.1. Шартномага киритилаётган барча узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган холдагина хакикий хисобланади.

5.2. Шартнома20 ____ йил“ _____”_____________ дан бош- лаб кучга киради ва 20 _______ йил “_____ ” __________________ гача амал килади.

5.3. Шартнома 2 нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масала- лар амалдаги конун хужжатларига мувофик тартибга со- линади.

| | |
|---|---|
| 6. **Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:**<br>Ижарага берувчи: Ижарачи: | |
| Хисобраками | Хисобраками |
| СТИР | СТИР |
| | |
| ***(ваколатли шахе Ф.И.О ва*** ***имзоси)*** | ***(ваколатли шахе Ф.И.О. ва*** ***имзоси*** ***)*** |
| Мухр урни | |

**Тулик моддий жавобгарлик хакида шартнома.** Пул маблаглари ва моддий-товар бойликларини саклаш учун масъул булган шахслар билан тулик; шахсий моддий жавобгарлик хакида ёзма шартнома тузилади.

Тулик моддий жавобгарлик хакидаги ёзма шартномалар корхона (муассаса, ташкилот) билан 18 ёшга тулган ва бевосита моддий бойликларни саклаш, кабул килиш ва таркатиш (сотиш), ташиш билан боглик ишларни бажарув- чи ёки шундай лавозимни эгаллаб турган шахслар уртасида тузилади.

Бу шартномага кура, моддий жавобгар шахе узи кабул килиб олган моддий бойликлар учун тулик моддий жа- вобгарликни уз зиммасига олади ва уларни кабул килиш, саклаш, таркатиш ва хисобга утказиш юзасидан белгиланган коидаларга риоя килиш мажбуриятини олади. Корхона эса моддий жавобгар шахсларга унга ишониб топширилган Кимматдор буюмларнинг сакданишини таъминловчи кулай шароитлар яратиб беришни зиммасига олади.

УзР Мехнат кодексининг 203-моддасига мувофик, тулик моддий жавобгарлик хакида шартнома тузадиган ходимларнинг тоифалари руйхати жамоа шартномасида белгилаб куйилади, агар у тузилмаган булса - иш берувчи билан касаба уюшмаси кумитаси ёки ходимларнинг бошка

вакиллик органи уртасидаги келишувга биноан белгила- нади. Бевосита пул ёки товар бойликлари билан муомала килувчи ходимлар томонидан биргаликда бажариладиган, жамоа моддий жавобгарлиги жорий этилиши мумкин булган булинмаларнинг руйхати хам худди шу тартибда белгиланади.

Агар ходим талабгор булаётган иш (лавозим) тулик моддий жавобгарлик хакида шартнома тузишни талаб кил- са, ходим эса бундай шартнома тузишга рози булмаса, иш берувчи уни ишга кабул килишни рад этишга хаклидир.

Якка тартибдаги тулик моддий жавобгарлик хакидаги шартномага биноан, кимматдор буюмлар уларнинг сакла- нишини таъминламаганлиги учун шахсан жавобгар була- диган аник бир ходимга топширилади. Бундай шартнома тузган ходим жавобгарликдан озод булиш учун узининг айби йуклигини исботлаб бериши керак.

Тулик моддий жавобгарлик хакидаги шартноманинг зарурий кисмлари куйидагилардир:

1. **Х,Ужжат тури номи.**
2. Шартнома тузилган жой.
3. Шартнома тузилган сана.
4. Томонларнинг номи, шартномани тузиб имзо- ловчи шахсларнинг лавозими, тулик исми, отаисми ва фамилияси.
5. Моддий жавобгар шахснинг мажбуриятлари.
6. Корхона ёки муассасанинг мажбуриятлари.
7. Шартноманинг амал килиш муддати.
8. Томонларнинг манзиллари.
9. Шартнома тузган шахсларнинг имзолари.
10. Корхона ёки муассасанинг мухри.

8-иловада тулик шахсий моддий жавобгарлик хакида шартнома намунаси келтирилди (шартнома тузилган сана хужжат номидан кейин ёзилиши хам ёки хужжат сунгида куйилиши хам мумкин).

***Шартнома***

***Намуна*** ***S-илова***

***Тулик, шахсий моддий жавобгарлик х;ацида*** ШАРТНОМА

Тошкент заргарлик буюмлари заводига карашли моддий бой-ликларнинг сакланишини таъминлаш максадида корхона номидан иш курувчи завод директори Фарход Азимович Сафаров (кейинги уринларда «Маъмурйят» деб аталади) бир томон ва устахона ходимиОбид Икромович Тохлров (кейинги уринларда «Ходим» деб аталади) иккинчи томон булиб, ушбу шартномани куйидагилар хакида туздик:

1. Пул, хомашё, тайёр махсулот ва бошка моддий бойликларни саклаш билан бевосита алокадор булган лавозимни эгаллаб турган ходим корхона томонидан ишониб топширилган моддий бойлик- ларнинг сакланиши учун тулик моддий жавобгарликни уз зиммасига олади ва шу муносабат билан:

— унга саклаш ёки бошка максадларда топшириб куйилган корхона моддий бойликларига эхтиёткорлик билан муносабатда булиш ва зарарнинг олдини олиш чораларини куриш;

— унга ишониб топширилган моддий бойликлар сакланиши ва бутунлигига хавф солувчи барча холатлар хакида Маъмуриятга уз вактида хабар бериш;

— моддий бойликларнинг харакати ва колган кисмларини хисобга олиб бориш ва белгиланган тартибда пул-товар хисоботларини тузиш ва такдим этиш;

—- узига топширилган моддий бойликларни йукламадан утказиш (инвертарлаш)да иштирок этиш мажбуриятларини олади.

2. Маъмурйят эса:

— Ходимга муътадил иш олиб бориш учун зарур шароитларни яратиб бериш ва унга ишониб топширилган моддий бойликларнинг тулик сакданишини таъминлаш;

— Ходимни корхонага етказилган зарар учун ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги хдкидаги жорий конунлар билан, шунингдек, унга ишониб топширилган моддий бойликларни саклаш, кабул килиш, ишлов бериш, таркатиш (сотиш), сотиш ёки ишлаб чикариш жараёнида куллаш билан боглик амалдаги йурикномалар, меъёрномалар ва коидалар билан таништириш;

- моддий бойликларни белгиланган тартибда йукламадан утказиш ишини амалга ошириш мажбуриятларини олади.

3. Ходимнинг айби билан унга ишониб топширилган моддий бойликларнинг сакланиши таъминланмаган хдпларда корхонага етказилган зарар хджмини аниклаш вауни ундириб олиш амалдаги конунларга мувофик амалга оширилади.

4. Агар курилган зарарда Ходимнинг айби булса, у моддий жавобгар хисобланади.

5. Ушбу шартнома Ходимга ишониб топширилган корхона моддий бойликлари билан ишлашдаги бутун вакт давомида уз ку- чини йукотмайди.

6. Ушбу шартнома икки нусхада тузилади, биринчи нусхаси - Маъмуриятда, иккинчиси эса Ходимда сакланади.

Шартнома тузувчи томонларнинг манзиллари:

| | |
|---|---|
| Маъмурйят: | Ходим: |
| 100000, Тошкент шахри, | 100071, Тошкент шахри, |
| Катортол кучаси, | Янгиобод кучаси, |
| 108-уй. | 48-уй. |
| (имзо) Ф.А.Сафаров | (имзо) О.И.Тох,иров |

2018 йил 7 январь (мухр) ________________________

Кейинги йилларда кафиллик шартномалари дам тузилмовда. Купинча бундай шартномалар банк ва жисмоний шахе, банк ва юридик шахе ёки муайян ташкилот ва муассасалар уртасида амалиётда кузатилмокда. Кафиллик шартномалари бирор ташкилот муайян махсулотни лизинг асосида сотиб олаётгандахдм кулланади. Бу каби х,олатларда кафиллик шартномалари “Кафил”, “Лизинг берувчи” ва “Лизинг олувчи” зфтасида тузилади.

Кафиллик шартномалари куйидаги кисмлардан иборат булади:

1. Шартнома номи.

2. Шартнома тузилган вакт ва жой.

3. Шартнома тузувчиларнинг, яъни “Кафил”, “Лизинг берувчи” ва “Лизинг олувчи” нинг тулик номи, рах,барлар- нинг фамилия, исми, отаисмлари.

4. Шартноманинг мохдяти.
5. Шартноманинг амал килиш муддати.
6. Кафиллик суммаси.
7. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари.
8. Низоларни хдл килиш тартиби.
9. Кафилликнинг тухтатштиши.
10. Бошка шартлар.
11. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари.

***Намуна*** ***9-илова***

**КАФИЛЛИК ШАРТНОМАСИ**

(Кафил томонидан лизинг туловларини кисман тулаб бериш учун)
“ ” 2018 йил №
Тошкент шахри

Уз Низоми асосида иш юритувчи ________________________

***(келгусида ташкилотнинг тулик, номи)***

“Кафил” деб юритилади) номидан ________________________
________________ бир томондан, Компаниянинг--------------------

***(раубарнинг Ф. И. О., лавозими)***

Низоми, Компаниянинг филиали тугриеидаги Низом ва Компания номидан 2018 йил «01» январда берилган 08-сонли ишончнома асосида иш юритувчи “Узкишлокхужаликмашлизинг” акциядорлик лизинг компаниясининг Тошкент вилояти филиали (келгусида **Лизинг берувчи** деб юритилади) номидан директор А. Насридцинов иккинчи томондан, ________
__________________________________хужалиги (келгусида
“Лизинг олувчи” деб юритилади) номидан хужалик рах,-бари______________________________ учинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар тугрисида туздилар:

**1. Шартноманинг мохияти**

Ушбу шартномага мувофик **Кафил Лизинг олувчи** ва **Лизинг берувчи** уртасида 20 ________________ йил « ______ » ________________да тузилган________________ -сонли мо-
лиявий лизинг шартномаси буйича лизинг тулови мажбуриятларининг **Лизинг олувчи** томонидан шартномада белгиланган муддатларда ва микдорларда бажарилмаган кисмини (яъни, тулов мажбуриятининг бир кисмини) тулаб беришни уз зиммасига олади.

**2. Шартноманинг амал килиш муддати**

Ушбу шартнома Тарафлар уртасида имзоланган кун- дан бошлаб кучга киради ва **Лизинг олувчи** томонидан лизинг шартномасида белгиланган муддатларда ва микдорларда туланмаган лизинг туловлари суммаси ва хосил булган зарар (пеня)ни **Кафил** томонидан **Лизинг бе- рувчига** тулаб берилган кунгача булган муддатга кадар амалда булади.

**3. Кафиллик суммаси**

**Кафил** ушбу шартнома асосида **Лизинг олувчи-** нинг лизинг туловлари (ва пеня) буйича тулов мажбуриятининг ________________________(______________________________
________________________) сумлик кисмини **Лизинг берувчи-**
га тулаб бериш мажбуриятини олади.

**4. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари**

4.1. **Кафилнинг** мажбуриятлари:

4.1.1. **Лизинг олувчи** томонидан молиявий лизинг шартномаси буйича олинган тулов мажбуриятлари лизинг шартномасининг 2-иловаси (Лизинг туловларини хдсоблаш ва тулаш жадвали)да белгиланган муддат ва микдорларда бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган такдирда, ушбу шартномада курсатилган суммадаги лизинг туловлари кисмини ва пеняни 5 (беш) банк иш куни ичида **Лизинг берувчига** тулаб беради;

4.1.2. **Лизинг берувчи** олдида **Лизинг олувчининг** ушбу шартномада белгиланган суммадаги мажбуриятлар

кисмини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаган- лиги учун **Лизинг олувчи** билан баравар (солидар) жавобгар хдсобланади;

4.1.3. Кафилнинг мустакил юридик шахе сифатидаги фаолияти туЬстатилган ёки юридик макомига узгартиришлар киритилган такдирда мазкур шартнома буйича белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши унинг хукукий вориси зиммасига утади.

4.1.4. **Кафил** мазкур шартнома амалда булган даврда **Лизинг** берувчининг ёзма розилигисиз бошка банкларда хисобракамлар очмаслик мажбуриятини олади.

4.2. Кафилнинг хукукдари:

4.2.1. **Лизинг олувчидан** у[зи] томонидан **Лизинг берувчига** туланган сумманинг тулаб берилишини ва **Лизинг олувчи** учун уз зиммасига олинган жавобгарлик натижасида курилган бошка зарарларнинг копланишини талаб килиш;

4.2.2. Исталган вактда **Лизинг** олувчидан унинг мо- лиявий ахволи хакидаги маълумотларни талаб килиб олиш;

4.2.3. Молиявий лизинг шартномасининг нусхасини ва туланган лизинг туловлари тугрисидаги маълумотларни **Лизинг олувчидан** ёки **Лизинг берувчидан** талаб килиш;

4.2.4. **Кафилга** нисбатан даъво кузгатилган такдирда “Лизинг олувчи”ни иш жараёнига жалб этиш;

4.2.5. **Лизинг олувчи** ушбу шартноманинг 4.3.2-бан- дида курсатилган уз мажбуриятларини бажармаган такдирда унинг банкдаги хисоб-китоб ракамига тулов талаб- номасини куйиш оркали туланмаган суммани ва пеняни хеч бир истисносиз ундириш.

4.3. **Лизинг олувчининг** мажбуриятлари:

4.3.1. **Лизинг олувчи** кафиллик билан таъминланган уз мажбуриятлари кисмини бажарган такдирда бу хакда **Кафилни** зудлик билан огохлантириши;

4.3.2. **Кафил** унинг мажбуриятларини **Лизинг берувчи** олдида бажарган такдирда **Кафил** томонидан

туланган суммани ва курилган Оарча зарарларни тулао бериши;

4.3.3. Кафилнинг талаби билан унга узининг молиявий ахволи хакидаги маълумотномаларни тавдим килиши керак.

4.4. Лизинг олувчининг хукуклари:

4.4.1. Кафилга нисбатан даъво кузгатилганда иш жараёнида иштирок этиш;

4.4.2. Кафиллик шартномасига нисбатан даъвони куриб чикиш жараёнида Лизинг берувчига нисбатан талаблар ва эътирозлар билдириш;

4.5. Лизинг берувчининг хукуклари:

4.5.1. Лизинг олувчи томонидан уз вактида тулан- маган ва ушбу шартномада курсатилган лизинг туловлари суммаси ва пенянинг микдори курсатилган Талабнома ха- тини Кафилга юбориш;

4.5.2. Кафил ушбу шартноманинг 4.1.1. ва 4.1,2-бандларида курсатилган уз мажбуриятларини ба- жармаганда, Кафилнинг банкдаги хисоб-китоб ракамига тулов талабномасини куйиш оркали туланмаган суммани ва пеняни хеч бир истисносиз ундириш;

4.6. Лизинг берувчининг мажбуриятлари:

4.6.1. Зарурият тугилган холатларда Кафилнинг та- лабига кура, унинг вакилини молиявий лизинг шартномаси буйича Лизинг олувчи томонидан туланган лизинг туловлари тугрисидаги маълумотлар билан таништириш.

**5.** Низоларни хал килиш тартиби

Ушбу шартномани амалга ошириш жараёнида юзага келадиган низолар Узбекистон Республикасининг “Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартнома- вий-хукукий базаси тугрисида”ги конунининг 17-19-мод- даларига асосан, даъвогарлик тартибини саклаган холда Лизинг берувчи жойлашган манзилдаги Хужалик су- дида хал килинади.

**6. Кафилликнинг тухтатилиши**

6.1. Кафиллик ушбу шартнома буйича белгиланган мажбуриятлар тулик бажарилганда ёки **Лизинг берув**чининг розилиги асосида тухтатилиши мумкин.

6.2. **Лизинг берувчи** ушбу кафиллик шартномаси муддати тугаганидан кейинги бир йил муддат мобайнида **Кафилга** нисбатан даъво кузгатмаса, кафиллик тухта- тилади.

**7. Бошка шартлар**

7.1. Ушбу шартномада кузда тутилмаган холатларда томонлар Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси- нинг 292-298-моддалари хамда бошка амалдаги конунчи- лик меъёрларига амал киладилар.

7.2. Мазкур шартнома уч нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга. Шартноманинг бир нусхаси **Лизинг берувчига,** иккинчиси **Лизинг олувчига** ва учинчиси **Кафилга** берилади. ______________________________________________

**Томонларнинг юридик**
**манзиллари ва реквизитлари:**

| **ЛИЗИНГ ОЛУВЧИ** |
| --- |
| **Тошкент** вшхояти тумани |
| **Х/Р:** |
| **МФО:** |
| **СТИР:**<br>**Рахбар**<br>Имзо |
| Мух,р 5фни |

| | |
|---|---|
| ЛИЗИНГ-БЕРУВЧИ<br>“Узкншлокхужалпкмаш лизинг”<br>акциядорлик-лизинг- | КАФИЛ |
| компанияси Тошкент-вилоят-филиали | Тошкент-вилояти тумаии |
| Т ошкент- Ш- -Абай кучаси -4А-уй.<br>АТБ-“Агробанк”Тошкент- шахар -Бош<br>-амалнётлар- бошкармаси<br>Асосий-х/р-2021-0000-9040-2125- | Х/р:<br>МФО:<br>СТИР:<br>Рахбар |
| 1001<br>Транш-х/р--2321 0000-2040-2125- 1333<br>Транш-з^/р—-2322-0000-9040-2125-<br>1333<br><br>МФО-00394,-СТИР-203‘071'206,-<br>ОКОНХ 96190<br><br>Филиал-дпректорп<br>А.Насриддинов<br><br>Имзо<br>Мухр урни<br>Бош.<br>хисобчн<br><br>Юрист | Имзо Мухр урни |

Юкорида нотариал идоралар томонидан тасдикланади- ган шартномалар хакида айтиб утган эдик. Бундай шартномалар мазмунан жуда хилма-хилдир: тураржой ва иморат- ларни олди-сотди шартномаси, тураржойни кисман ёки тулик; хдця килиш шартномаси; транспорт воситасини хадя килиш шартномаси, шахсий уй-жойларни ижарага олиш (бериш) шартномаси, умумий мулкни булиш шартномаси ва хоказолар. Гарчи «Узбекистонда нотариат» амалий кул- ланмаси нашр этилган (Тошкент: «Адолат» нашриёти, 1998) ва унда бир катор хужжатлар билан бирга, шартномалар ва уларнинг расмийлаштирилиши билан боглик жихатлар анча батафсил баён этилган булса-да, нотариал идоралар тас- диклайдиган шартномалар ва умуман нотариал идораларга

боглик хужжатлар туркуми махсус урганишни ва узбек тилида уларнинг тайёр андозаларини яратишни такозо этади.

Куйида ана шундай, нотариал идоралар тасдигидан утадиган шартномалар хакида фикр юритамиз.

Нотариал тасдикланадиган шартномалар ичида **хадя шартномалари** алохида урин эгаллайди. Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 502-моддасида Хамда бугунги кунда фойдаланилаётган «Нотариуслар томонидан нотариал харакатларни амалга ошириш тартиби тугри- сида»ги йурикномада курсатилишича, хадя шартномасига мувофик, бир тараф (хадя килувчи) бошка тараф (хадя олувчи)га ашёни текинга мулк килиб бериши ёки бериш мажбуриятини олиши; унга узига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк хукуки (талаби)ни бериш мажбуриятини олиши; ёхуд уни узи ёки учинчи шахе олдидаги мулкий мажбуриятдан озод килиши ёки озод килиш мажбуриятини олиши мумкин.

Ашё ёки хукук мукобил берилганида, ё булмаса, муко- бил мажбурият мавжуд булганида, шартнома хадя деб тан олинмайди... Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк хукукини текинга беришни ёки бирон-бир шахени мулкий мажбуриятдан озод этишни ваъда килиш (хадя этишни ваъда килиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган булса ва келажакда аник шахсга ашё ёки мулкий хукукни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод килиш макса- ди аник куриниб турган булса, хадя шартномаси деб тан олинади.

Ашё, мулк хукуки ёки мулкий мажбуриятдан озод килиш шаклида хадя нарсасини аник курсатмасдан, узининг мол-мулкини ёки мол-мулкнинг бир кисмини хадя этишни ваъда килиш уз-узидан хакикий эмас.

Хадя ни хадя олувчига хадя килувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома уз-узидан хакикий эмас. Бундай хддяга нисбатан ФКнинг ворислик тугрисидаги коидалари кулланади. Бошкача килиб айт- ганда, бундай фармойиш васиятнома шаклида расмий- лаштирилади.

**Транспорт воситасинн хадя килиш шартномаси.** Транспорт воситасини хддя килиш шартномаси нотариал тасдикланиши керак. Бу шартнома икки нусхада тузилиб, уни хдр иккала томон - хддя килувчи ва уни кабул килувчи имзолайди. Нотариус хужжатни урганиб, унинг хдр иккала нусхасига тасдик белгиларини ёзиб чикади ва гербли мухр билан тасдиклайди. Шундан сунг хадя килиш шартномаси махсус руйхатга киритилади ва тегишли тартиб ракамига эга булади. Транспорт воситаларини хадя килишда техник паспорт, кариндошликни тасдикловчи хужжат, хадя килувчи турмуш уртоги (эри ёки хотини)нинг розилиги, транспорт йигимининг хамда давлат божининг туланганлиги хакидаги патталар, албатта, курсатилиши керак.

***Транспорт воситасини х;адя цилиш шартномаси намунаси***

***10-илова***

**ШАРТНОМА**

Тошкент шахри, икки минг ун туккизинчи йил, ун бешинчи март Биз, Тошкент шахар Олмазор кучаси 18-уйда яшовчи Содик Холикович Салимов ва Тошкент шахар 4-К^орасув дахаси 40- уй, 28-хонадонда яшовчи К^одир Муминович Иброхимов, ушбу шартномани куйидагилар хакида туздик:

1. Мен, С. Х. Салимов, Тошкент шахар ИИБ давлат авто- назорат руйхатлаш ва имтихон олиш булими томонидан 2018

йил 24 февралда берилган ГЕ 434545 ракамли техник паспортга асосан менга тегишли «Ласетти» маркали енгил машинани (2018 йилда ишлаб чикарилган, шасси раками 40145, мотор раками 86517, ок рангли, давлат раками белгиси 01А 525 СВ) К^. М. Иброхимовга хддя килдим.

2. Мен, К М. Иброхимов, мазкур автомашинани С.Х.Салимовдан хадя сифатида-кабул килдим.

3. Мазкур автомашина шартнома тузувчилар томонидан 64000000 (олтмиш турт миллион) сум мивдорида бахоланди.

4. Хадя килинган автомашина бу шартномага кадар хеч кимга сотилган эмас, гаровга куйилмаган, низода булмаган, фойдаланиш такивдаб куйилмаган.

5. Шартнома уч нусхада тузилди: 1-нусха нотариал идорада савданади, колган нусхалар К. М. Иброхдмовга автомашинани руйхатдан чикариш ва руйхатга куйиш учун берилди.

(имзо) С.Х.Салимов
(имзо) К.М.Иброхимов

(Нотариал идоранинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

Энди уй-жойни ёки унинг бир кисмини хадя килиш шартномасига намуна келтирамиз:

***11-илова***

## УЙ-ЖОЙНИ ХАДЯ КИЛИШ ШАРТНОМАСИ

Узбекистон Республикаси Фаргона вилояти Маргилон шахри икки минг ун гуккизинчи йил йигирма биринчи май куни

Биз, Фаргона вилояти Маргилон шахар Мустакиллик кучаси 25-уйда яшовчи Солижон Холикович Крдиров ва Маргилон шахар Навоий кучаси 40-уйда яшовчи Коб ил Солижо- нович Кодиров, ушбу шартномани куйидагилар хакида туздик:

1. Мен, Солижон Холикович Цодиров, Маргилон шахар Мустакиллик кучасидаги 400 квадрат метрли ер майдонига жойлашган 25-ракамли уй-жойимни углим Кобил Солижоно- вич Кодировга хадя килдим.

Хадя килинаётган уй-жой яшаш майдони 72 квадрат метр булган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнаванд айвонли битта

бир каватли, пи шик гиштдан курилган уйдан иборат булиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ховлида ёзги ва кишки омборхона, хаммом ва хожатхона бор.

2. Х,адя килинаётган уй-жой Маргилон шахар давлат нотариал идораси томонидан 1985 йилнинг 4 апрелида 1425 раками билан руйхатга олиниб кайд этилган уй-жойни олди-сотди шартномаси хамда Маргилон шахар техник инвентарлаш идораси- нинг 1997 йил 7 майдаги 517-ракамли маълумотномасига асосан менга, Солижон Холикович Кодировга тегишлидир.

3. Мен, Кобил Солижонович Кодиров, отам Солижон Холикович Кодиров хадя килган уй-жойни миннатдорлик билан кабул килдим.

4. Уй-жойнинг инвентар нархи 98800000 (туксон саккиз миллион саккиз юз минг) сум.

5. Ушбу шартнома тузилгунга кадар хадя килинаётган уйжой бошка шахсга утказилмаган, гаровга куйилмаган ва бу уйжой юзасидан хеч кандай низо ва такиклар булмаган.

6. УзР Фукаролик кодексининг 488-моддасига асосан фукаролар Солижон Холикович Кодиров ва Зулайхо Абдуллаевна Кодировалар хадя этилаётган уй-жойдан фойдаланиш хукукини узларида саклаб коладилар.

7. УзР Фукаролик кодексининг 185-моддасига кура, ушбу шартнома тегишли техник инвентарлаш идорасида руйхат- дан утказилган пайтдан бошлаб хадяни кабул килувчида мулк хукуки вужудга келади.

8. Фукаролик кодексидаги тегишли моддаларнинг мазму- ни бизга нотариус томонидан тушунтириб берилди.

9. Ушбу шартномани тузиш учун кетадиган харажатларни Солижон Холикович Кодиров тулайди.

10. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланди: бир нусхаси Маргилон шахар давлат нотариал идорасида колдирилади, иккинчиси хадяни кабул килувчига, яна бир нусхаси шартномани руйхатга олган техник инвентарлаш идорасига берилади.

(имзо) С.Х.Кодиров
(имзо) К-С К°Диров

(Нотариал идоранинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

Кучмас ва кучар мулкларни, хусусан, уй-жойларни (ёки унинг бир кисмини), автомобилларни олди-сотди ва айир- бошлаш шартномалари хам, албатта, нотариал идоралар томонидан тасдикланиши керак. 12- ва 13-иловаларда ана шундай шартномаларга намуналар келтирилади (уй-жой- нинг олди-сотди шартномасини тузишда яна бир катор хужжатлар зарур буладики, бундай зарурий хужжатлар руйхати тегишли нотариал идораларда мавжуд булади ва шартнома тузилаётганда улар томонидан талаб килиб олинади):

***Намуна*** *12-шова*

**Уй-жойни олди-сотди**

**ШАРТНОМАСИ**

Узбекистон Республикаси Фаргона вилояти Маргилон шахри, икки минг ун иккинчи йил йигирма биринчи май куни

Биз, Фаргона вилояти Маргилон шахар Мустакиллик кучаси 25-уйда яшовчи Солижон Холикович Кодиров ва Фаргона вилояти Тошлок тумани Яккатут кишлогида яшовчи Исроил Исмоилович Комиловлар ушбу шартномани куйидагилар хакида туздик:

1. Мен, Солижон Холикович Кодиров, Маргилон шахар Мустакиллик кучасидаги 400 квадрат метрлиермайдонидажой-лашган 25-ракамли уй-жойимни сотдим; мен, Исроил Исмоилович Комилов эса юкорида курсатилган манзилдаги уй-жойни сотиб ол-дим.

Олди-сотди килинаётган уй-жойнинг яшаш майдони 72 квадрат метр булган 4 та хона, 2 та дахлиз ва олди ойнаванд айвонли битта бир каватли, пишик гиштдан курилган уйдан иборат булиб, уйнинг умумий фойдали майдони 110 квадрат метр. Шунингдек, ховлида ёзги ва кишки ошхона, омборхона, хаммом ва хожатхона бор ва бу Маргилон шахар техник инвентарлаш идорасининг
2015 йил 15 майдаги маълумотномаси билан тасдикланади.

2. Сотилаётган уй-жой Маргилон шахар давлат нотариал идораси томонидан 1995 йил 4 апрелида 1836 раками билан руйхатга олиниб кайд этилган ва Маргилон шахар техник ин-

вентарлаш идорасида 1995 йил 4 апрелдан 5445 разами билан руйхатга киритилган мерос хукуки гувохномасига асосан менга, Солижон Холикович Кодировга тегишлидир.

3. Уй-жойнинг инвентарлаш нархи 68800000 (олтмиш саккиз миллион саккиз юз минг) сум булиб, томонлар уни 86000000 (саксон олти миллион) сумга бахоладик ва мен, Солижон Холикович Кодиров, сотилган уй учун Исроил Исмоилович Комиловдан курсатилган микдордаги пулни ушбу шартномани имзолашдан олдин тулик олдим.

4. Ушбу шартнома тузилгунга кадар олди-сотди килинаётган уй-жой бошка шахсга утказилмаган, гаровга куйилмаган ва бу уй-жой юзасидан хеч кандай низо ва такиклар булмаган.

5. Сотилаётган уй-жойда УзР Фукаролик кодексининг 488-моддасига асосан фойдаланиш хукукини узида саклаб кола- диган шахслар йук.

6. УзР Фукаролик кодексининг 185-моддасига кура, ушбу шартнома тегишли техник инвентарлаш идорасида руйхатдан утказилган пайтдан бошлаб уй-жойни сотиб олувчида мулк хукуки вужудга келади.

7. Ушбу шартномани тузиш учун кетадиган харажатларни уй-жойни сотиб олувчи Исроил Исмоилович Комилов тулайди.

8. УзР Фукаролик кодексидаги тегишли моддаларнинг мазмуни бизга нотариус томонидан тушунтириб берилди.

9. Шартнома уч нусхада тузилиб имзоланади. Бир нусхаси Маргилон шахар давлат нотариал идорасида колдирилади; бир нусхаси сотиб олувчи И.И.Комиловга берилиб, бир нусхаси шартномани руйхатга олган техник инвентарлаш идорасида колдирилади.

(имзо) СХ.К^одиров

(имзо) И.И.Комилов

(Нотариал идоранинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

Уй-жойларни айирбошлаш шартномаси хдм деярли олди-сотди шартномасидан фарк килмайди. Факат бу ерда айирбош килинаётган уй-жой (квартира)лар алохида-алохи- да тавсифланади, уларнинг инвентар нархлари хам айрим-

айрим к5фсатилади. Томонларни ва шартномани руйхатга олувчи техник инвентарлаш идораларини хисобга олган холда, шартнома беш нусхада тузилиши мумкин. Автомашинани олди-сотди шартномасига нисбатан ав- томашиналарни айирбошлаш шартномасида хам айни шундай узгаришлар булиши мумкин.

***Намуна*** ______________________ ________ _____ *13-илова*

**Автомашинани олди-сотди ШАРТНОМАСИ**

Узбекистон Республикаси Тошкент вилояти Янгийул шахри, икки минг ун туккизинчи йил ун бешинчи апрель куни

Биз, Тошкент вилояти Янгийул шахар Яссавий кучаси 45-уйнинг 18-хонадонида яшовчи Ту ргу н Иброхимович Турсунов ва Тошкент шахар Форобий шохкучаси 65-уйда яшовчи Мирпулат Миракбарович Мирахмедов ушбу шартномани куйидагилар хакида туздик:

1. Мен, Тургун Иброхимович Турсунов, Янгийул туманлараро руйхатлаш ва имтихон олиш булими томонидан 2018 йилнинг 26 апрелида берилган ГЕ 654376 ракамли техник паспортга к)фа менга тегишли булган “Нексия” русумли, 2011 йилда ишлаб чщарилган, шасси раками 616263, мотор раками 211221, кузов раками 542432, кизил рангли, 10 Н 485 АВ давлат ракамли белшсига эга булган автомашинамни сотдим; мен, Мирпулат Миракбарович Мирахмедов, юкорида курсатилган автомашинани сотиб олдим.

2. Юкорида зикр этилган автомашина 80 от кучига эга булиб, томонлар уни 66000000 (олтмиш олти миллион) сумга бахо- ладик ва автомашина ана шу нархга сотилди.

3. Мен, Тургун Иброхимович Турсунов, сотилган автомашина учун Мирпулат Миракбарович Мирахмедовдан к)фсатилган микдордаги пулни мазкур шартномани имзолаш арафасида тулик олдим.

4. Ушбу шартномага кадар олди-сотди килинаётган автомашина бошка шахсга **упсазилмаган,** гаровга куйилмаган, низода булмаган, унга такик солинмаган.

5. Ушбу шартномани тузиш учун кетадиган харажатларни Мирпулат Миракбарович Мирахмедов тулайди.

6. Ушбу шартнома М.М.Мирахмедовга юкоридаги автомашинани Янгийул туманлараро руйхатлаш ва имтихон олиш булимидан руйхатдан чикариш хукукини беради.

7. Ушбу шартнома ДАН идораларида руйхатга куйилиши лозим. Шартнома уч нусхада тузилиб, бири Янгийул шахар давлат нотариал идорасида сакланади, колганлари автомашинани руйхатдан чикариш ва руйхатга куйиш учун М. М. Мирахмедов- га берилади.

(имзо) Т.И.Турсунов

(имзо) М.М.Мирахмедов

(Нотариал идоранинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри) ________

Шахсий мулк хукукида фукароларга карашли булган уй-жойларни, айрим хоналарни ижарага бериш хакидаги шартномалар амалдаги конунчиликка мувофик; ижарага олувчи (ижарагир) билан уй эгаси (ижарадор) уртасида тузилади. Бундай холларда шартнома тузиладиган муддат томонларнинг келишуви билан белгиланади. Уй-жой ижараси хакидаги шартномада унинг мазмуни, муддати ва бошка шартлар курсатилади. Бир катор мамлакатлар Фукаролик кодексларининг тегишли моддаларида шахсий уй-жой хо- наларидан фойдаланганлик учун хак тулаш томонларнинг келишуви билан белгиланиши, лекин бу туловлар конунда белгиланган микдордан факат 20% гача ошиши мумкинлиги к}фсатилган.

Агар шартнома тураржойни (хонани) бушатиш шарти билан бир йилга етмаган муддат учун тузилган булса, ижарагир шартномани янги мудцатга янгидан тузиш хукукидан махрум булади, колган бошка холларда у бундай хукукка эгадир.

Уй-жой ижараси хакидаги шартнома муайян уй-жой якинидаги нотариал идора томонидан тасдикланади. Ана шундай шартнома намунасини келтирамиз:

***Намуна*** *14-илова*

**ШАРТНОМА**

Тошкент шахри, икки минг ун туккизинчи йил учинчи сентябрь

*Шартнома*

Биз, Тошкент шах,ар Бех,зод кучаси 15-уйда яшовчи Анвар Хамидович Каримкулов ва Тошкент шахдр Сагбон кучасида- ги 142-уйда яшовчи Маъмур Тухтаевич Олимов,ушбу шартномани куйидагилар х,акида туздик:

1. Мен, А. Х- Каримкулов, Тошкент шах,ар Бехзод кучаси
15- уйдаги тураржойнинг 18 (ун саккиз) квадрат метрли хонаси- ни М.Т.Олимовга ижарага бердим. Бу уй-жой Тошкент шахдр бош нотариал идораси томонидан 2011 йил 10 сентябрда тас- дикданган ва махсус руйхатда 1404 тартиб ракамли хдця килиш шартномасига мувофик менинг номимга (тасарруфимга) утган.

2. Тураржой икки йил муддатга - 2019 йил 4 сентябрдан 2021 йил 4 сентябргача ижарага берилади.

3. Тураржойдан фойдаланиш учун туланадиган х,ак шарт- лашаётган томонларнинг келишувига мувофик белгиланади ва конунда кузда тутилган микдордан оширилмайди.

4. Ижарагир тураржойни тегишли шароитда саклаш ва жо- рий таъмир ишларини уз хдсобидан амалга ошириш мажбуриятини олади.

5. М. Т. Олимовнинг тураржойдан бошка максадларда фой- даланиши такикланади.

6. Ушбу уй мусодара килинган такдирда мазкур шартнома А.Х-Каримкуловнинг хох,иши билан муддатидан олдинрок бекор килиниши мумкин.

7. Шартнома муддати тугагандан сунг М. Т. Олимов ту- раржойни тегишли тартибда ва яшашга ярокли х,олда топшириш мажбуриятини олади.

8. Тураржой ижараси тулови шартнома буйича хар бир квадрат метр учун сум хдсобидан келиб чикиб, ойига ____________ ______ минг сум, жами _____ минг сум мивдорида белгиланади.

9. Шартномани тасдиклаш буйича харажатлар уй эгаси А.Х- Каримкуловнинг хисобидан булади.

Шартнома уч нусхада тузилди:

1- нусхаси нотариал идорада сакланади.

2- нусхаси А.Х-Каримкуловга берилди.

3- нусхаси М.Т.Олимовга берилди.

(имзо) А.Х-Каримкулов (имзо)

М.Т.Олимов (Нотариал идоранинг тасдик бедгилари ва мух,ри) _______

**Транспорт воситасининг ижара шартномаси.** Ташкилот ва муассасалар уртасида хдм транспорт воситасини ижарага бериш ва ижарага олиш харакатлари олиб бори- лади. Мазкур харакатлар эса тегишли хужжатлар билан расмийлаштирилади. Шундай хужжатлардан бири “Транспорт воситаси ижараси шартномаси” булиб, у куйидаги зарурий кисмлардан иборат булади:

1. Шартнома предмети.
2. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби.
3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари.
4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби.
5. Шартноманинг бошка шартлари.
6. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари. ___ *15-илова*

**ТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ**

2018 _________ йил “____”
__________________ Тошкент ш.

Кейинги зфинларда “Ижарага берувчи” деб аталадиган *(юридик шахснинг тулиц номи)*

(Устав, низом, ишончнома ва х.к) асосида иш юритувчи

*(вазифаси, фамилияси, исми)*

бир томондан, кейинги уринларда “Ижарачи” деб аталадиган ____________________________________________

*(юридик шахснинг тулик, номи)*

(Устав, низом, ишончнома ва х.к) асосида иш юритувчи

*(вазифаси, фамилияси, исми)* иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Шартномага мувофик;, Ижарага берувчи унга туда хужалик юритиш хукуки асосида тегишли булган куйидаги автомобилни (русуми, давлат раками, спидометр курсаткичи (км), техник холати, кузов раками, двигатель раками, шасси раками) техник курикдан утказган ва унинг холати тугрисида техник паспортга белги куйган холда Ижарачига топшириш, Ижарачи эса вактинча фойдаланиш учун уни ижарага олиш ва ижара хакини тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Ижарачи автомобилдан куйидаги максадларда фойдаланади:

**2. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби**

2.1. Автомобилнинг киймати кайта нархлаш коэффициентлари ва амортизация меъёрларини хисобга олган холда сумни ташкил этади.

2.2. Ижара хаки Ижарачи томонидан ойига ________________ ____________сум мивдорда хар ойнинг бошланишидан 10 (ун) кун олдин тулаб борилади.

**3. Тарафларнинг хукук ва мажбуриятлари**

3.1. Ижарага берувчи шартнома имзолангандан кейин кун ичида автомобилни Ижарачига топширади.

3.2. Автомобилни жорий таъмирлаш ва профилактика куригидан утказиш ______________________________ хисобидан амалга оширилади.

3.3. Капитал таъмирлаш______________________ томонидан хар------------ ойда амалга оширилади.

3.4. Авария холатида айбдор тараф ________________________ муддат ичида уз хисобидан автомобилни таъмирлайди.

3.5. Агар авария учинчи шахсларнинг айби билан содир этилган булса, ______________________ учинчи шахсга нисбатан _____________ муддат ичида даъво талаблари куяди ва уз хисобидан таъмирлашни амалга оширади.

3.6. Форс-мажор холатлари келиб чикканда тарафлар куйидаги тартибда харажатларини таксимлайдилар:

3.7. Автомобиль ушбу шартнома имзоланишидан олдин утказилган техник курикда аникланган ва техник паспортда кайд этилган холатда Ижарага берувчи томонидан топширилиши ва Ижарачи томонидан кайтариб топширилиши лозим.

3.8. Ижарачи автомобилни кайтариб топшириши хакида Ижарага берувчини камида ________________________________ол-дин хабардор килиши лозим.

**4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал Килиш тартиби**

4.1. Ижара хакини белгиланган муддатда туламаган Ижарачи тулови кечиктирилган хар бир кун учун Ижарага беруввчига ижара хакининг ________________ фоизи мивдорида пеня тулайди.

4.2. Тарафлар уз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва бошка конун хужжатлари хамда мазкур шартномага мувофик жавобгар буладилар.

4.3. Тарафлар уртасида келиб чикадиган низолар тарафларнинг узаро келишуви асосида хал этилади. Тарафлар келишувга эришимаган такдирда низо белгиланган тартибда судда хал этилади.

**5. Шартноманинг бошка шартлари**

5.1. Шартномага киритилаётган барча узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган холдагина хакикий хисобланади.

5.2. Шартнома 20_____йил “_____ ” _________________дан бошлаб кучга кирадива 20______йил “_____ ” _________________ гача амал килади.

5.3. Шартнома 2 нусхада тузилган булиб, иккаласи хам бир хил юридик кучга эга.

5.4. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги конун хужжатларига мувофик тартибга солинади.

**6. Тарафларнинг реквизитлари ва имзолари:**

Ижарага берувчи: Ижарачи:

Хисобраками: Хисобраками:

СТИР______ ______________ , СТИР

*(ваколатли шахе Ф.И.О. ва имзоси) (ваколатли шахе Ф.И.О. ва имзоси)*

Мухр урни

**Кучмас мулкни сотиш шартномаси**

Ташкилот ва муассасалар уртасида хам кучмас мулклар сотилади ва харид килинади. Мазкур амалиёт хам алохида шартномалар асосида расмийлаштирилади. У куйидаги зарурий кисмлардан ташкил топади.

1. Шартнома предмети.
2. Тарафларнинг мажбуриятлари.
3. Шартнома суммаси.
4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби.
5. Якунловчи коидалар.
6. Тарафларнинг реквизитлари.(16-иловага каранг)

*16-ипова*

**КУЧМАС МУЛКНИ СОТИШ ШАРТНОМАСИ**

2018 ________________________йил “—” Тошкент ш.

Кейинги уринларда “Сотувчи” деб аталадиган ____________

*(Ф.И.О. ёки корхона, ташкилот, муассаса номи)*

оркали бир томондан, кейинги уринларда “Сотиб олувчи” деб аталадиган ______________________________________________

*(Ф.И.О. ёки корхона, ташкилот, муассаса номи)*

иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Сотувчи ________________________________ ни *(кучмас мулкнинг номи)* (кейинги уринларда “объект” деб юритилади), Сотиб олувчига мулк килиб топшириш, Сотиб олувчи эса объектни кабул килиш ва мазкур шартномада курсатилган бахосини тулаш мажбуриятини олади.

1.2. Объектнинг тавсифи: ____________________________

*(жойлашган ери, манзили, ер майдони ва бошца кучмас мулклигини анщ белгилаш имконини берувчи белгилар)*

**2. Тарафларииг мажбуриятлари**

2.1. Сотувчининг мажбуриятлари:

объектни Сотиб олувчига ________________________ дан *(объектни топширишнинг анщ санаси хамда вацти ёки маълум муддат, давр)* кечиктирмасдан топшириш;

объект билан биргаликда мазкур шартноманинг ажралмас кисми булиб хдсобланадиган руйхатга мувофик (1 -илова), унга оид хужжатларни кушиб топшириш;

объектни сифат жихатидан -------------------------------------------

*(объектнинг сифати курсатилади)*

талабларига жавоб берадиган холатда топшириш;

кучмас мулкка булган хукукнинг Сотиб олувчига ути- шини давлат руйхатига олиш учун зарур булган барча ха- ракатларни уз хисобидан амалга ошириш.

2.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:

мазкур шартномада белгиланган муддатда объектни кабул килиб олиш;

шартноманинг 3-бандига мувофик курсатилган сумма- ни тулаш;

ушбу шартноманинг 2.1-бандида назарда тутилган ха- ракатларни амалга оширишда Сотувчига зарурий ёрдам бериш.

**3. Шартнома суммаси ва хисоб-китоб килиш тартиби**

3.1. Шартнома бахоси ___________________________________
*(сумма ёзма куринишда)* сумни ташкил этади.

3.2. Шартнома буйича хдсоб-китоб ______________________
*(хисоб-китоб шакли)* оркали амалга оширилади.

3.3. Сотиб олувчи шартнома бахосининг__________________
фоизи микдорида олдиндан туловни амалга оширади.

**4. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби**

4.1. Тарафлар шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган такдирда Узбекистон Республикасининг амалдаги конун хужжатларига мувофик жавобгарликка тортиладилар.

4.2. Ушбу шартнома юзасидан ёки у билан боглик холда тарафлар уртасида келиб чикадиган низо ва зиддиятлар тарафлар 5фтасида музокаралар олиб бориш йули билан

хал этилади.

Музокаралар олиб бориш йули билан низони хал этиш имконияти булмаган такдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя килингандан кейин фукаролик ёки хужалик судида куриб чикилади.

**5. Якунловчи коидалар**

4.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган булиб, тарафларга биттадан берилади. Иккала нусха хам бир хил юридик кучга эга.

4.4. Шартномага илова килинган объектга булган мулк хукукини тасдикловчи хужжатлар руйхати мазкур шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

**6. Тарафларнинг реквизитлари:**

| Сотувчи | Сотиб олувчи |
|---|---|
| Хисобраками | хисобраками |
| Валюта хисобраками | Валюта хисобраками |

“—” банкнинг булимида, “—” банкнинг булимида,
банк коди --------------------- банк коди
----------------------------------
СТИР----------------------- СТИР
---------------------------
Товарни юклаш реквизитлари: Товарни юклаш реквизитлари:

Ташкилот ва муассасалар уртасида у ёки бу объектни, мулкни ижарага бериш ва ижарага олиш хдракатлари амалга оширилади. Мазкур жараённи расмийлаштириш учун “Мулк ижараси шартномаси” тузилади. Мулк ижараси шартномаси куйидаги зарурий кисмлардан таркиб топади:

1. Шартнома предмети.
2. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби.
3. Тарафларнинг мажбуриятлари.
4. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш шарт- лари.
5. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби.
6. Шартноманинг бошка шартлари.
7. Тарафларнинг реквизитлари. (17-иловага каранг)

*17-илова*

**МУЛК ИЖАРАСИ ШАРТНОМАСИ**

2018 _______ йил “_ ” Тошкент ш.

Кейинги уринларда “Ижарага берувчи” деб аталадиган
_________________ *(юридик шахснинг ту лиц номи)* ______________
(Устав, низом, ишончнома ва х к) асосида иш юритувчи
____________________________ *(вазифаси, фамилияси, исми)*
бир томондан, кейинги уринларда “Ижарачи” деб аталадиган
__________________________ *(юридик шахснинг тулиц номи)*
______________________ *(Устав, низом, ишончнома ва х.к)*
асосида иш юритувчи ________________________________________

*(вазифаси, фамилияси, исми)* иккинчи томондан куйидагилар тугрисида ушбу шартномани туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Шартномага мувофик Ижарага берувчи топширади, Ижарачи эса ушбу шартноманинг ажралмас кисми булган топшириш-кдбул килиш далолатномаси оркали куйидаги мол-мулкни:

(кейинги уринларда “мол-мулк” деб юритилади) ижарага олади.

1.2. ____________________________________________ Мол-мулк________________________________________________ макса-дида фойдаланиш учун ижарага берилади.

**2. Ижара хаки ва хисоб-китоб килиш тартиби**

2.1. Ижарачи шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган мол-мулкдан фойдаланганлик учун Ижарага бе- рувчига ойига ___

*(ёзма ёзилади)* мивдорида хдк тулайди.

2.2. Ижара туловлари Ижарачи томонидан хдр чоракда чорак бошланишидан олдинги ойнинг__________-санасидан ке-чиктирмай тулаб борилади.

Ижара хакининг хисоб-китоби ушбу шартноманинг ажралмас кисми булиб хисобланадиган “Базавий хисоб варак” асосида белгиланади.

**3. Тарафларнинг мажбуриятлари**

3.1. Ижарачининг мажбуриятлари:

а) мол-мулкдан факат аввалдан белгиланган максадда фой-даланиш;

б) мол-мулкни яровди ва соз холатда саклаш;

в) уз хисобидан ва уз вактида мол-мулкни таъмирлаш;

г) ижара туловларини шартномада белгиланган муддатларда тулаб бориш;

ижарага олинган мол-мулкни каитариши х,акида Ижарага берувчини камида________ ой олдин ёзма равишда огохдантириш;

е) мол-мулкни далолатнома буйича эскириш меъёрла- ри хисобга олинган холда соз ва ярокли холатда кайтариш;

ж) шартнома муддатидан олдин бекор килинганда ёки муддати тугаганда мол-мулкни Ижарага берувчига кири- тилган узгартиришлар билан бирга топшириш;

з) шартнома муддати тугамасдан туриб мол-мулк кай- тарилганда ёки шартнома муддати тугаганда узининг мол-мулкни таъмирлаш буйича мажбуриятларидан келиб чиккан холда амалга оширмаган таъмирлаш харажатлари- ни Ижарага берувчига тулаш.

3.2. Ижарага берувчининг мажбуриятлари:

а) шартнома имзолангандан кейин ___________________ ичи- да Ижарачига соз холатдаги мол-мулкни топшириш-кабул килиш далолатномаси асосида топшириш;

б) Ижарачи билан келишган хак мивдорида мол-мулк- ни таъмирлаш учун зарурий моддий фондларни бериш.

## 4. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш шартлари

4.1. Шартнома куйидаги холларда муддатидан олдин Ижарага берувчининг ташаббуси билан бекор килиниши мумкин:

Ижарачи:

а) ижара хакини _______ ой мобайнида туламасдан келса;

б) касддан мол-мулкнинг холатини ёмонлаштирса;

в) мол-мулкдан шартномада назарда тутилган тартибда ва белгиланиши буйича фойдаланмаса.

4.2. Шартнома куйидаги холларда муддатидан олдин Ижарачининг ташаббуси билан бекор килиниши мумкин:

а) мол-мулк Ижарачи жавоб бермайдиган холатларга кура фойдаланишга яроксиз булса;

б) Ижарага берувчи ижарага олинган мол-мулкдан шартномада белгиланган тартибда фойдаланишга тускин- лик килса.

**5. Тарафларнинг жавобгарлиги ва низоларни хал килиш тартиби**

5.1. Тарафлар уз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Узбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва бошка конун хужжатлари хамда мазкур шартномага мувофик жавобгар буладилар.

5.2. Тарафлар }фтасида келиб чикадиган низолар тарафларнинг узаро келишуви асосида хал этилади. Тарафлар келишувга эришмаган такдирда низо белгиланган тартибда судда хал этилади.

**6. Шартноманинг бошка шартлари**

6.1. Ижарачи Ижарага берувчининг ёзма розилиги билан мол-мулкни кайта ижарага беришга ва мулкни яхши- лаш максадида узгартиришлар киритишга хакли.

Мол-мулкни яхшилаш максадида киритилган узгартиришлар учун килинган харажатлар куйидаги тартибда, муддатда ва микдорда копланади:

6.2. Шартномага киритилаётган барча узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда тузилган ва иккала тараф томонидан имзоланган холдагина хакикий хисобланади.

6.3. Шартнома2 __0 ______________ йил“ ” _ данбош-

лаб кучга киради ва 20_________йил “______” __________________ гача амал килади.

6.4. Шартнома икки нусхада тузилган ва хар икки нусха бир хил юридик кучга эга.

6.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги конун хужжатларига мувофик таргкбгз солинади.

*Ташкилий хужжатлар*

1- илова - Мол-мулкни ижарага топшириш-кдбул килиш далолатномаси.

2- илова - Базавий хисобварак.

**7. Тарафларнинг реквизитлари:**

| Ижарага берувчи: | Ижарачи: |
|---|---|
| Х,исобрацами | Хисобраками |
| Валюта хисобраками | Валюта хисобраками |
| ’банкнинг | [1]банкнинг |
| булимида, банк коди | булимида, банк коди |
| СТИР _ | СТИР ___ |
| телефон | телефон_ |
| *(ваколатли шахе Ф.И.О. ва имзоси)* | *(ваколатли шахе Ф.И.О. ва* |

*18-илова*

АКШ фукароси Форт Кристофер Джеймс (Fort Kristopher **James)НН** тулов асосида Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтига 10.00.01 - Узбек тили йуналиши буйича стажёр-тадкикотчиликка кабул килиш хакдцаги **№0-00 сонлй** ШАРТНОМА

I Тошкент шахри 2019 йил 1 июнь

*Шартнома*

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори института (матннинг кейинги уринлари- да «Укув муассасаси» деб юритилади) бир томондан хамда 1988 йилда таваллуд топган АКШ фукароси Форт Кристофер Джеймс (Fort Kristopher James) (матннинг кейинги уринларида «Стажёр» деб юритилади) иккинчи томондан куйидагилар хакидаги мазкур шартномани туздилар:

**1- МОДДА**

1.1. Укув муассасаси ушбу шартнома шартларига мувофик стажёрга Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклор иинститутида 2019 йилнинг 5 июни- дан 2020 йилнинг 5 июнига кадар 10.00.01 - Узбек тили мутахас- сислиги буйича илмий тадкикот олиб боришига зарур шароит яратиш мажбуриятини уз зиммасига олади.

1.2. Стажёрнинг Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклор иинститутида таълим олиши тулов асосида чет эл фукароларининг УзР ФА тизимида таълим олиши коидаларига кура амалга оширилади.

1.3. Стажёрни укитиш 2019 йилнинг 5 июнидан 2020 йилнинг 5 июнига кадар амалга оширилади.

**2- МОДЦА**

Укув муассасаси куйидагиларга мажбур:

2.1. Стажёрга илмий маслахатчи тайинлаш.

2.2. Стажёрга кутубхона, укув зали, спорт ва маданият маж- муаларидан фойдаланиш хукукини бериш;

2.3. Зарур булганда укув муассасасидаги таълим давомида умумий асосда ётокхонадан жой ажратиш.

2.4. Узбекистонга укшнга бориш, таътил вактида ватанига кайтиш хамда Узбекистон худуди буйлаб харакатланиш учун кириш-чикиш визаларини олишга кумаклашиш.

2.5. Согликни саклаш муассасасида тиббий ёрдам олишини таъминлаш.

2.6. Тайёрланган диссертацияни мухокама килиш.

2.7. Ушбу шартнома 2019 йилнинг 1 июнида кучга кириб, 2020 йилнинг 5 июнига кадар амал килади.

**3- МОДДА**

Стажёр куйидаги мажбуриятларга эга

3.1. 2019 йилнинг 5 июнидан Укув муассасасига укишга кабул килиш масаласини куриб чикиш учун куйидаги хужжатлар- ни кабул килиш:

- шахсий анкета;
- олий маълумот тугрисидаги нотариал тасдикланган хужжат нусхаси;
- ушбу укув юртида таълим олиши учун номзодда тиббий карши курсатмалар мавжуд эмаслигини тасдикловчи тиббий сертификат;
- паспорт, виза;
- раем (6х4 улчамда 6 дона).

3.2. Укишга 2019 йилнинг 5 июнигача етиб келиш.

3.3. УзР конунларига риоя килиш, Узбекистон Республикасида яшаш ва харакатланиш буйича чет эл фукаролари учун белгиланган коидалар, «Узбекистонда чет эл фукароларининг таълим олиши тугрисида»ги низом, укув муассасасининг ички тартибларига катъий амал килиш.

3.4. 2019 йилнинг 1 июлига кадар укиш 2500 (икки ярим минг) АКД1 доллари ёхуд бошка конвертацияланган валютада унга тенг суммани тулаш.

3.5. Институт мулкига етказилган моддий зарарни коплаш.

3.6. Укув муассасасининг барча курсатмаларини вактида бажариш.

**4- МОДДА**

4.1. Укув муассасаси академик дастурни узлаштирмаганли- ги, дарсларни колдирганлиги, Узбекистон Республикаси конунларини бузганлиги, шунингдек, шартномада курсатилган суммани уз вактида туламаганлиги учун Стажёрни укишдан четлатиш хукукига эга.

4.2. Томонлар уртасида низо ва келишмовчиликлар юзага келганда, улар иложи борича музокаралар йули билан хал килиш чораларини куриши керак. Томонлар музокарага келмаса, уларнинг низолари судда куриб чикилиши мумкин. Бу холда суд харажатлари даъвогар томонидан копланади ва суд карорига асосан ундирилади.

### 5- МОДЦА

5.1. Укув муассасаси Стажёрнинг хдёти ва унга тегишли мулкни сугурталаш мажбуриятини уз зиммасига олмайди.

5.2. Укув муассасаси Стажёрнинг якинлари ва кариндошларини таклиф килиш, уларга кириш визаларини расмийлаштириш мажбуриятларини уз зиммасига олмайди ва уларни тураржой билан таъминламайди.

### 6- МОДЦА

6.1. Ушбу шартнома имзолanganидан сунг аввал тузилган барча шартномалар уз кучини йукотади.

6.2. Шартнома суммаси инфляция ва нархлари индексация- си муносабати билан томонлар келишувига асосан узгартирили- ши мумкин.

6.3. Ушбу шартномага узгартириш ва кушимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиб, иккала томон имзолаши керак.

6.4. Ушбу шартнома турт нусхада узбек тилида тузилиб, имзоланди. Барча нусхалар тенг юридик кучга эга.

Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:

Укув муассасаси: Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори института, 100160, Тошкент, Шахрисабз тор кучаси, 5.
Тел.: 233-36-50; факс: 233-71-44.
Институт директори, филол.фан. доктори, проф. Махмудов Н.М.

Стажёр:
________ Форт Кристофер Джеймс
(Fort Kristopher James)

Стажёрнинг илмий маслахатчиси:
УзР ФА УТАФИ булим мудири Н.Каримов

Шартнома Олий ва урта махсус таълим вазирлигида 2019 йил 5 июнда № ______ ракам билан руйхатга олинди.

Масъул шахе Ф.И.Ш. ва имзоси

## МЕХНАТ БИТИМИ

**Мехнат битими** хам шартнома турларидан бири булиб, у оркали муассасалар билан уларнинг хисобида турмай- диган ходим(лар) уртасидаги узаро муносабатлар расмий- лаштнрилади. Ходим (ишчи) аник бир ишни бажаришни зиммасига олади, муассаса эса иш хакини тулаш ва шу ишни бажариш учун шароит яратиб бериш мажбуриятини олади.

Мехнат битими тузишга муайян муассаса ёки ташки- лотда керакли мутахассис булмаган ва бажарилиши зарур булган ишлар бирон-бир сабабга кура тегишли муассаса ва корхоналар билан шартнома асосида бажариб булмайдиган холлардагина рухсат этилади.

Айрим холларда корхона хисобида турувчи ходимлар билан хам мехнат битими тузилади. Бунда ходимлар бево- сита уз асосий вазифалари доирасига кирмайдиган ишни бажариш мажбуриятини оладилар.

Масалан, шу корхона ходимлари малакасини ошириш буйича маърузалар укиш ёки асосий ишдан кейин фар- рошлик килиш каби.

Мехнат битими асосида хак тулаш корхонанинг хисоб- дан ташкари (штатсиз) ходимлар учун тасдикланган иш хаки фонди хисобидан амалга оширилади.

Мехдат битими камида икки нусхада тузилади. Бир нусхаси бажарувчи(лар)га берилади, иккинчиси эса тегишли корхонанинг хисоб булими ёки бошка таркибий булинма хужжатлар йигмажилдида сакданади.

Мехнат битими куйидаги зарурий кисмларни уз ичига олади:

1. Хужжат номи (Мехнат битими).
2. Тузилган санаси ва жойи.

3. Мехнат битими тузаётган томонларнинг тула ва аник номи, уни имзоловчи шахсларнинг лавозими, тулик исми, отаисми ва фамилияси.

4. Шартнома мазмуни (Унда бажарувчи ва буюртмачи- нинг мажбуриятлари санаб курсатилади).

5. Ишни бажариш муддати ва бажарувчига туланади- ган иш хакининг умумий микдори.

6. Иш сифатига куйиладиган талаблар ва уни кабул килиб олищ тартиби.

7. Бажарувчига хак тулаш муддати ва тартиби.

8. Томонларнинг хукукий манзиллари.

9. Томонларнинг имзолари.

10. Муассаса (корхона) мухри.

Куриниб турибдики, мехнат битимлари хам худди шарт- номалар сингари зарурий кисмларга эга ва шартномалар каби расмийлаштирилади. К^уйида мехнат битимига наму- налар келтирамиз: (19-20 иловаларга каранг)

***Ыамуна***

_____________ ______________________ ________ *19-илова*

**МЕХДАТ БИТИМИ**

2019 йил 30 май

«Мехнат» акциядорлик компанияси (АК) раиси Карим Рахимович Рахмонов оркали бир томон ва Тошкент шахар Билимдон кучаси 15-уйда яшовчи Наримон Абдуллаевич Салимов иккинчи томон булиб, ушбу мехнат битимини куйидагилар хакида туздик:

1. АК Н.А.Салимовни олти ой муддатга, яъни 2019 йилнинг 18 июнидан 18 декабригача консерва цехи усталигига ёл- лайди.
2. Н. А. Салимов технологик жараённи ташкил этади ва цехдаги асбоб-ускуналарнинг самарали ишлашини таъминлайди.
3. АК зарурий микдорда ишчилар ажратиб беради ва ишлаб чикаришни транспорт, хомашё, идишлар ва бошка буюмлар билан таъминлайди.
4. Н.А.Салимовнинг ойлик маоши 2800000 (икки миллион саккиз юз минг) сум мивдорида белгиланади. Махсулот сифати ва режадаги топширикларни ошириб бажарганлиги учун унга АК бошкарувининг 2019 йил 11 январдаги карори билан тасдикланган низомга мувофик устама хак туланади.
5. Н.А.Салимов ва унинг оиласи АКдаги ишлаш вакти давомида кулай шароитли уй-жой билан таъминланади.
6. Н.А.Салимов узига топширилган барча ишларни виждонан бажариш ва АК ички тартиботи коидаларига риоя килиш- ни зиммасига олади.
7. Битимда курсатилмаган бошка барча холларда томонлар мехнат хакидаги конунларга амал киладилар.
8. Ушбу битим юзасидан келиб чикадиган барча низолар конунда белгиланган тартибда хал килинади.

Томонларнинг хукукий манзиллари:

а) «Мехнат» акциядорлик компанияси - Тошкент вилояти Янгийул тумани. Халк; банки Хонобод булимидаги жорий хисоб раками 81676;

б) Н. А. Салимов - 100147, Тошкент шахар, Билимдон кучаси, 15-уй. Тошкент шахар Миробод туман ички ишлар були-

ми томонидан 2013 йил 14 сентябрда берилган АА сериядаги 0868791 ракамли паспорта бор, телефони 292-10-88.

“Мехнат” АК раиси (имзо) К.Р.Рахимов Уста__ (имзо)
____________________________ Н.А.Салимов

***Намуна*** *20-илова*

МЕХДАТ БИТИМИ

2019 йил 4 сентябрь Тошкент шахри

К[иш]лок хужалиги иктисодиёти илмий-тадкикот института (кейинги уринларда «Буюртмачи» деб аталади) унинг директори Рахим Одилович Орипов оркали бир томон, Тошкент давлат иктисодиёт университета доцента, иктисод фанлари номзоди Махмуд Собирович Неъматов (кейинги уринларда «Бажарувчи» деб аталади) иккинчи томон булиб, ушбу мехнат битимини куйидагилар хакида туздилар:

I. Бажарувчининг мажбуриятлари:

1.1. Институт ходимлари учун «Иктисодий кибернетика ва унинг тараккиёт истикболлари» мавзуида маърузалар туркуми- ни укиб бериш.

1.2. Маърузаларни институт жамоат ташкилотлари билан хамкорликда тузилган дастур асосида хар пайшанба куни икки соатдан укиш.

1.3. Маърузаларнинг 30 соат хажмдаги тулик туркумини 2019 йил декабрь ойи охирида укиб тугаллаш.

II. Буюртмачининг мажбуриятлари:

2.1. Машгулотлар учун хона ва керакли жихозлар ажратиш.

2.2. Тингловчиларнинг машгулотларда булишини таъминлаш.

2.3. Х[а]Р бир академик соат учун 200000 сум хисобидан барча укиган маърузалари учун бажарувчига 6 000000 (олти миллион) сум хак тулаш.

2.4. Хак тулаш маърузалар туркуми тула укиб булингандан кейин амалга оширилади.

III. Ушбу мехнат битими юзасидан низолар конунларда белгиланган тартибда хал этилади.

IV. Томонларнинг хукукий манзиллари:

Буюртмачи: 100197, Тошкент шахри 4-Кррасув дахаси,

20-уй, тел. 265-07-08, Саноат-курилиш банкининг Мирзо Улугбек туман булимидаги хисобраками 507286343.

Бажарувчи: 100071, Тошкент шахри *Я*нгиобод кучаси, 23-уй. Тошкент шахар Шайхонтохур туман ички ишлар булими томонидан 2010 йил 22 декабрда берилган АА сериядаги 0890906 ракамли паспорта бор, тел. 71 233-71-44.

Иловалар:

1. Маърузалар туркуми дастури - 2 варак, 1 нусха.
2. Тингловчилар руйхати - 2 варак, 1 нусха.
3. Институт рахбарияти телефонларининг ракамлари - 1 варак, 1 нусха.

## II. ФАРМОЙИШ ХУЖЖАТЛАРИ

Бу турдаги хужжатлар, асосан, ташкилот рахбари (директор)нинг буйрук, курсатма, фармойиши хамда ташкилот (муассаса) карорлари асосида юзага келади.

### БУЙРУК

Мазкур хукукий хужжат муайян муассаса олдида турган асосий ва кундалик вазифаларни хал килиш максадида кул- ланади. Мохият-эътибори билан буйруклар иккига булинади: асосий фаолиятга оид ва кадрлар шахсий таркибига оид. Улар кетма-кет тартибда алохида ракамланади ва айрим сакланади.

Асосий фаолиятга оид буйруклар ишни ташкил килиш, муассаса ёки унинг булимлари фаолиятини тартибга солишда кулланади. Уларда, одатда, юкори ташкилотлардан келган курсатма хужжатлар ходимларга етказилади, буларнинг ижроси юзасидан аник чора-тадбир белгиланади, масъул шахслар ва бажариш муддати тайинланади. Буйрук воситасида рахбарлар ташкилотнинг ишлаб чикариш, режалаштириш, хисобот, мо- лиялаштириш, кредит ажратиш, махсулотни сотиш фаолияти, ташки иктисодий фаолият, ташкилот тузилмасини такомил- лаштириш хамда ишларни ташкил этиш ва бошка масалалар буйича амалий иш юритади.

Ички мехнат тартиботи коидалари, мукофотлаш низоми ва шу кабиларни тасдиклаш билан боглик меъёрий буйруклар хам асосий фаолиятга оид буйруклар сирасига киради. Бундай буйруклар умумий тарзда булиб, муайян бир шахсга эмас, балки бутун жамоага каратилади.

Буйрукнинг асосий зарурий кисмлари:

1. Герб, муассасанинг рамзий белгиси (бланка кисмлари).
2. Вазирлик ва бошкарма номи.

3. Муассаса хос разами.
4. Хужжат шаклининг хос раками.
5. Муассаса номи.
6. Сарлавхаси (мазмунидан келиб чикиб номланади).
7. Санаси.
8. Раками (№).
9. Буйрук чиккан жой номи.
10. Хужжатнинг номи (Буйрук).
11. Буйрук матни (башарти иловалари булса, кайд килинади).
12. Рахбар ёки уринбосар имзоси.

Буйрук лойихаси мутахассислар томонидан тайёрлана- ди; бош ёки етакчи мутахассислар, **хукук** маслахатчиси, бош хисобчи билан келишилади. Хукук маслахатчиси буйрукни куртцца куйидагиларга эътибор беради: масалани буйрук билан расмийлаштириш максадга канчалик тугри келиши; буйрук лойихаси амалдаги конунларга, хукумат карорларига канчалик мувофик келиши; мазкур идоранинг илгари берилган буйрукларига мос келиши.

Буйрук лойихасига тегишли имзолар куйилиб, у блан- кага кучирилгач, ташкилот рахбари уни имзолайди. Асосий фаолиятга оид буйрукларда, одатда, мазмунидан келиб чикиб сарлавха куйилади (баъзи киска буйрукларда куйилмаслиги хам мумкин). Рахбар имзолаган буйрук иш юритиш буйича масъул ходим томонидан тегишли дафтарга кайд этилади.

Буйрукнинг асосий матни асословчи (кириш) ва фармойиш кисмларидан таркиб топади. Асословчи (кириш) кисмида буйрукдан максад, шарт-шароит, сабаблар кзфсатилади, асос килиб олинаётган буйрукка хавола килинади (номи, раками, санаси ёзилади). Айрим холларда буйрукка асос булган хужжат унинг фармойиш кисми тегишли бандида хам курсатилади. Баъзи буйрукдарни асослашга хожат булмаслиги мумкин, бундай холларда улар тугридан-тугри фармойиш кисми билан хам берилаверади.

Буйрукнинг фармойиш кисми янги сатрдан, бош харфлар билан ёзиладиган «БУЮРАМАН» сузидан бошланади. Шу суздан сунг икки нукта куйилиб, янги сатрдан фармойиш-

лар берилади. Заруриятга караб фармойишлар бандларга бу- линиб, арабча ракамлар билан белгиланади. Ракамдан сунг нукта куйилиб, суз бош харфдан бошланади. Фармойишлар- да, одатда, ким кандай вазифани кайси мудцатда бажариши курсатилади. Харакат мажхул феъл шаклида ифодаланади («Амалга оширилсин», «Таъминлансин», «Юклатилсин», «Хисоблансин» ва х,.к.). Бажарувчилар - муассаса ёки унинг таркибий кисмлари (булимлари), мансабдор шахслар (лаво- зимлари курсатилган холда) купинча жуналиш келишигида кайд килинади.

Буйрукда ишнинг бажарилиш мудцати умумий тарзда ёки хар бир фармойишда аник курсатилиши мумкин. Буйрук имзо чекилгандан сунг кучга киради. Лекин айрим бандларга оид фармойишда кучга кириш муддати аник курсатилган булиши мумкин.

Буйрукнинг фармойиш кисми охирида буйрукни назорат кдпиш кимга юклатилганлиги хам кайд килиб куйилади: «Буйрук ижросини назорат килиш (лавозими ва фамилияси тулик ёзилади) зиммасига юклатилсин».

Баъзи буйрукларда шу буйрук муносабати билан илгариги жорий ёки бошка хил хужжат бекор килинганлиги хам курса- тиб утилади. Асосий фаолиятга оид буйрук шакли намунаси
1, 2-иловаларда берилди.

Кадрларнинг шахсий таркибига оид буйрук ёки индивидуал буйруклар бирор ходим ишга кабул килинганда ёки бушатилганда, бошка булимга утказилганда, шунингдек, муайян ходим мукофотланганда, мехнат таътилига чикканда ва шу каби холларда берилади. Бундай буйруклар, одатда, бу- лимлар рахбарлари тавсияномаси, шахсий аризалар ва шу ка- билар асосида тайёрланади.

Куп корхоналарда кадрларнинг шахсий таркибига оид буйруклар махсус бланкаларда ёзилади.

3- 8-иловаларда кадрларнинг шахсий таркибига оид буйруклар намуналари берилди.

Кадрларнинг шахсий таркибига оид буйруклар махсус босма иш когозлари булмаган такдирда оддий буйрук кого- зига хам ёзилади. У холда буйрук бошига «Кадрлар шахсий

таркибига оид» деб ёзиб куйиш керак. Буйрук сарлавхдлари: «Ишга кабул килиш хдкида буйрук», «Бошка ишга утказиш хдкида буйрук», «Ишдан бушатиш хдкида буйрук»,«Мех,нат таътили бериш х,акида буйрук», «Рагбатлантириш хакида буйрук» ва хоказо.

Бундай буйрукларда кириш кисми булмаслиги мумкин. Фармойиш кисмида, одатда, бандлар булади. Буйрук кисмидаги «КД-БУЛ КДЛИНСИН», «ТАЙИНЛАНСИН», «УТКАЗИЛСИН», «ТАШАККУР БИЛДИРИЛСИН», «БУШАТИЛСИН» каби феъллар бош харфлар билан ёзилади. Фамилия хам бош харфлар билан, исми ва отаисми эса матнда оддий харфлар билан ёзилади (масалан, Собит Холматович КАРИМОВ).

*Буйрук; шакли* *1-илова*

Герб, муассасанинг рамзий белгиси, аломати

Вазирлик номи
Муассаса номи
САРЛАВХДСИ

Муассаса хос раками Х,ужжат шаклининг хос раками

0. 00.00 №
–
жойи

<u>Асословчи (кириш) кисми</u>

БУЙРУК

БУЮРАМАН
1 ____________________
2.____________________
3 . ____________________
4 . ____________________
5. Буйрук ижросини назорат килиш ____________________
зиммасига юклансин (лавозими ва фамиляси тулик ёзилади)

Директор (имзо) И.О.Ф.

***Асосий фаолиятга оид буйруц намунаси***

*2-илова*

**ЯНГИЙУЛ «ЛАЗЗАТ» БИРЛАШМАСИДА БУЮМЛАР ВА МОЛИЯВИЙ ЙУКЛАМА УТКАЗИШ ХАКИДА**

2019 йил 25 ноябрь №405 Янгийул ш.

БУЙРУК

Кандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари ук>шмасининг2019 йил 19 ноябрдаги 03-99-ракамли буйругини бажариш борасида бирлашмада товар-моддий кимматдор буюмлар, корхона мулки, ишлаб чикаришнинг тугалланмаган асосий маблаглари, балансдаги хдсоб-китоб ва бошка бандларида турган пул маблаглари юзасидан буюмлар ва молиявий йуклама утказиш учун

БУЮРАМАН:

I. Буюмлар ва молиявий йуклама утказишда куйидаги муд датлар белгилансин:

1. Тайёр махсулотларнинг ишлаб чикаришда. тугалланмаган харажатлари учун - 2020 йил 1 январгача.

2. Бирлашма мулки, асосий маблаглар учун - 2019 йил 15 декабргача.

3. Мулжалланган зарарни коплаш учун вакти н чал и к карз (дотация) хдсоб-китоби, соликдар бадаллари ва бюджетдан бошка туловлар буйича молия органлари билан хисоб-китоб, пул маблаглари, кимматдор буюмлар ва катъий хнсоботдаги хужжатлар, юкори ташкилотлар билан хисоб-китоб холати учун - 2020 йил 1 январгача.

II. Режалаштирилган йукламани утказиш учун куйидагилардан иборат комиссия тузилсин:

1. Каримов JI. - раис (касаба уюшмаси кумитасн раиси)
2. Шодиев Л. - аъзо (сифат булими бошлиги)
3. Максимова А. - аъзо (бош хисобчи)
4. Рашидов А. - аъзо (режа булими бошлиги)

5. Ходиев И.Р. - аъзо (цех бошлиги)

Буйрукни назорат килиш директор уринбосари 3. Валиев зиммасига юклатилсин.

Директор (имзо) Б.И.Олимов

***Кадрлар шахсий таркибига оид буйрук, намунаси***

*3-илова*

УзР Тошкент вилояти Бекобод
тумани «Фаровон» кичик корхонаси

КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД

2019 йил 15 апрель №28 Зафар ш.

БУЙРУК

**§ 1**

Корхонанинг бош мутахассиси Карим Соатович ХОТАМОВ 2019.22.4 дан Тошкент давлат аграр университетига 2 ойлик малака ошириш курсига хизмат сафарига ЮБОРИЛСИН.

Асос: Тошкент вилояти х,окимлиги кишлок хужалиги бошкармасининг 2019.10.04 даги 212-ракамли фармойиши.

**§ 2**

К.С.ХОТАМОВ Тошкентда 2 ойлик малака ошириш курси- да булиши даврида корхонанинг бош мутахассислик вазифаси мухндис Маматов Рахмонали Абдухолик углига ЮКЛАТИЛСИН.

§ 3

4- цех мухндиси Хайрихон КОДИ РОВ А штат жадвалидаги маош билан 2-цехга бошлик килиб ТАЙИНЛАНСИН.

Асос: Корхона директори уринбосари К.Шерматов тавсияси.

**§4**

Хукукшунос М. Абдумаликов навбатдаги мехнат таътилидан кайтиб, 2019 йил 18 апрелдан уз вазифасини бажаришга тушди деб хисоблансин.

Директор (имзо) С.Бойбеков

***Буйрук,***

***Кадрлар шахсий таркибига оид буйрук, намунаси***

*4-илова*

«Осиё» фирмаси
КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД
2019 йил 3 май №3 Тошкент ш.

Б У Й Р У К

1. **Ишга кабул килинсин:**

1.1. Узаро тузилган шартномага кура Шухратжон РУСТАМЖОН УГЛИ 2019.17.05.дан режа булими бошлиги лавозимига КАБУЛ КИЛИНСИН. Ойлик маоши _ сум мивдорида БЕЛГИЛАНСИН.

Асос: 2019.03.05.да тузилган 12-ракамли шартнома

Буйрук билан танишдим (имзо) (сана)

1.2. Бах,одир ИСМОИЛЖОН УГЛИ 2019.17.05.дан икки ойлик синаш муддати билан техника булими етакчи мутахассиси лавозимига КАБУЛ КИЛИНСИН. Ойлик маоши штат жадвали буйича сум мивдорида БЕЛГИЛАНСИН.

Асос: Баходир Исмоилжон угли аризаси

Буйрук билан танишдим: (имзо) (сана)

2. **Бошка ишга утказилсин:**

Иктисод булимининг катта мутахассиси А. САИДБЕКОВА 2019.10.5. _________дан уз розилиги билан шу булимнинг етакчи мутахассиси лавозимига УТКАЗИЛСИН. Ойлик маоши штат жадвали буйича ___ сум мивдорида БЕЛГИЛАНСИН.

Асослар: А. Саидбекова аризаси, иктисод булими бошлиги Г.Собировнинг билдиришномаси.

Буйрук билан танишдим: (имзо)
(сана)

3. Ишдан бушатилсин:

Девонхона мудираси З.И.АЛИЕВА мехнат шартномасидаги муддат тугаши муносабати билан УзР МК __ -моддаси,^бандига кура 2019.20.05.дан уз лавозимидан БУШАТИЛСИН.

Асос: 2018 йил 15 декабрда тузилган 19-ракамли мехнат шартномаси

Буйрук билан танишдим: (имзо)
(сана)

Фирма
директори имзо Л.М.Саидова

Келишилди:
(тегишли шахслар имзоси)

***Ишга цабул цилиш дщцидаги буйрук, намунаси***

*5-илова*

Наманган шойи ишлаб чикариш бирлашмаси

КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД
2019 йил 15 май №105 Наманган ш.

Б У Й Р У К

Ишга кабул килиш хакида

Нозима Каримова ОЛИМОВА 2019 йил 20 майдан 2000000 (икки миллион) сумлик маош билан буяш цехининг катта мухандиси лавозимига ТАЙИНЛАНСИН.

Асос: Н.К.Олимова аризаси.

Бош директор (имзо) Л.К.Тухтасинов

Имзо:
Кадрлар булими

***Буйрук,***

***Мехнат таътили бериш х^ацида буйрук, намунаси***

*6-илова*

Наманган шойи ишлаб чикариш бирлашмаси

КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД

2019 йил 20 май №108 Наманган ш.

БУЙРУК;

Мехнат таътили бериш хакида

Катта мухандис Бахринисо Каримовна ГУЛОМОВАга 2019.25.5 дан 24 иш кунидан иборат навбатдаги мехнат таътили БЕРИЛСИН.

Асос: Тасдикланган мехнат таътили графиги ва Б. К. Гуломова аризаси.

***Ишдан бушатиш х,ак,ида буйрук, намунаси***

*7-нлова*

Наманган шойи ишлаб чикариш бирлашмаси

КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД

2019 йил 24 май № 112 Наманган ш.

БУЙРУК

Ишдан бушатиш хакида

Мехнатни илмий ташкил килиш булими мухдндиси Феруза Неъматовна ШАМСИЕВА УзР МК нинг _________ -моддасига биноан, уз хохишига кура, 2019 йил 28 майдан лавозимидан БУШАТИЛСИН.

Бош директор (имзо) Л.К.Тухтасинов

Имзолар:

Булим

бошлиги Бош

хисобчи

Розилик берди:

Касаба уюшмаси кумигаси 5-йигилиши баённомаси 2019 йил 23 май

***Хизмат сафари х,ацида буйрук, намунаси***

*8-илова*

«Узёгмойсаноат» ассоциацияси 0000000
“Андижон ёгмой” АЖ 0000000

КАДРЛАР ШАХСИЙ ТАРКИБИГА ОИД

2019 йил 25 январь №17 Андижон ш.

БУЙРУК Хизмат сафари хакида

Тошкент шахрида утказиладиган озик-овкат саноати ходимлари семинарида иштирок этиш учун 2019 йил 29 январдан 5 февралгача Тошкентда хизмат сафарида буламан.

Асос: «Узёгмойсаноати» ассоциацияси буйруги. 2019.21.01. №69. Шу муносабат билан

БУ ЮРАМ АН:

1. Мен булмаган даврда заводга директорлик вазифаси директор уринбосари Э.Р.СОЛИХОВга ЮКЛАТИЛСИН.
2. Тошкентга самолётда бориш-келиш хамда хизмат сафари учун керакли хак тулансин.

Директор имзо Б.Р.Хакимов

## БУЙРУКДАН КУЧИРМА

Амалиётда асосий фаолиятга оид буйруклардан кучирма тайёрлашга эхтиёж тугилади. Хужжатдан кучирма - асл хужжатнинг муайян бир кисмидир. Буйрукдан кучирма буйрукнинг фармойиш кисмидан олдинги хамма кисмла- рини камраб олади. Буйрукнинг фармойиш кисмидан эса факат аник холат учун зарур булган маълумот олинади.

Буйрукдан кучирма, одатда, бланкага ёзилиб, тас- диклаб берилади: «Аслига тугри» жумласи билан котиб (ёки буйрукдан кучирма берувчи шахе) имзо чекади. 9- ва 10-иловаларда буйрукдан кучирма намуналари берилди.

*Буйруцдан кучирма*

***Асосий фаолиятга оид буйруцдан кучирма намунаси***

*9-плова*

**ЯНГИЙУЛ «ЛАЗЗАТ» БИРЛАШМАСИДА**
**БУЮМЛАР ВА МОЛИЯВИЙ ЙУКЛАМА**
**УТКАЗИШ ХДКИДА**

2019 йил 25 ноябрь №405 Янгийул ш.

**БУЙРУКДАН КУЧИРМА**

**I.** Кдндолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноати корхоналари уюшмасининг 2019 йил 19 ноябрдаги 03-99-ракамли буйругини бажариш борасида бирлашмада товар-моддий кимматдор буюмлар, корхона мулки, ишлаб чикаришнинг тугалланмаган асосий маблаглари, балансдаги хисоб-китоб ва бошка бандларида турган пул маблаглари юзасидан буюмлар ва молиявий йуклама утказиш учун

БУ ЮРАМ АН:

**II.** Режалаштирилган йукламани утказиш учун куйидагилардан иборат комиссия тузилсин:

1. Каримов Л.К. - раис
(касаба уюшмаси кумигаси раиси).

Директор (имзо) Б.И.Олимов

Аслига тугри

Котиб-шахсий

референт имзо С.Шамсиева

0000.00.00

***Кадрлар шахсий таркибига оид буйруцдан кучирма намунаси***

*10-илова*

**ЯНГИЙУЛ «ЛАЗЗАТ БИРЛАШМАСИ»**
2018 **ЙИЛ ЯКУНИ БУЙИЧА**
**БИРЛАШМА ИШЧИЛАРИНИ**
**МУКОФОТЛАШ ХАКИДА**

2019 йил 4 февраль №22 Янгийул ш.

**БУЙРУКДАН КУЧИРМА**

2018 йилда бирлашма ишчилари йиллик режаларини хдм- ма курсаткичлар буйича бажардилар. 100 миллион сумдан зиёд фойда олинди. Киём цехидан ташкари (бошлиги Д. А. Рахимова) хамма цехлар уз режаларини бажардилар. Йил якуни буйича, айникса, Р. Хамроев, С.Ашурова, М.Ризаев, К.Сиддиков каби ишчилар мехнатда алохида урнак курсатдилар.

«Кандолатчилик, чой ва пиво-алкоголсиз ичимлик саноа- ти корхоналари уюшмаси» давлат акциядорлик концернининг 2019.30.1. даги 100-ракамли буйруги билан «Лаззат» бирлашма- сииинг ишчиларини йил якуни буйича мукофотлашга рухсат берилди. Бирлашма мехнат жамоаси кенгаши ва касаба уюшмаси кумитасининг кушма йигилиши (2019.01.02, 3-баённома) каро- рига асосан,

БУЮРАМАН:

8. Уз вазифасига совукконлик билан караганлиги учун «Лаз- зат» бирлашмаси ишчиларини йил якунлари буйича мукофотлаш низомининг 32-бандига мувофик цех бошлиги Д. А. Рахимова йил якуни буйича мукофотдан 100% махрум килинсин.

Директор (имзо) Б.Р.Хакимов
Аслига тугри: (имзо) К.ЛДотамова

## КУРСАТМА

Идораларда ахборот-методик тусдаги масалалар, шунингдек, буйруклар, йурикномалар ва бошка хужжатларнинг ижроси билан боглик; ташкилий масалалар юзасидан чикариладиган х,укукий хужжат. Курсатмаларга биринчи рахбар, шунингдек, лозим булса, бош мухандис, уларнинг уринбосарлари имзо чекиш хукукига эга. Курсатма муассасанинг хос иш когозига босилади. У хам буйрук каби, одатда, сарлавха билан ёзилади, асос (кириш) ва фармойиш кисмларидан таркиб топади. Асос (кириш) кисмида, фалон «максадда», фалон «буйрукни бажариш учун» каби таомил- га кирган иборалар кулланади ва «ЮКЛАЙМАН», «ТАВ- СИЯ ЭТАМАН» сузлари билан фармойиш кисми бошлана- ди. Муайян ходимга унинг хизмат лавозими вазифаларига кирмайдиган ишлар юклатилса, «ТАВСИЯ ЭТАМАН» сузи кулланади. Курсатманинг фармойиш кисми буйрукнинг фармойиш кисмига ухшаш булади.

1, 2-иловаларда курсатма намуналари берилди.

***Курсатма намунаси***

1-илова

Янгийул «Лаззат» бирлашмаси

**КИЁМ ЦЕХДДА ЯНГИ УСКУНАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ЯХШИЛАШ ХАКИДА КУРСАТМА**

2019 йил 18 январь № 117 Янгийул ш.

«Лаззат» бирлашмасини кайта жихозлаш хакида 2018 йил 15 июлдаги 107-ракамли буйрукка биноан, бирлашманинг 3 та це- хида Германиядан олинган янги ускуналар )фнатилди. 2 та цехда:

шоколад ва ирис цехларида машиналардан унумли фойдаланилмокда. Лекин киём цехида «Т-108 КС» машиналаридан фойдаланиш технологияси ишчилар томонидан яхши узлаштирилмаган, натижада куп махсулотлар чикитга чикиб кетмокда. Шу муносабат билан цех бошлиги Д.А.РАХДМОВАга куйидагиларни

ЮК ЛАЙМ АН:

1. Цехда янги машиналар технологияси буйича уч ойлик укиш ташкил килинсин.

2. Май ойида икки ходимни Берлинга хизмат сафарига жунатиш учун аник тавсиялар берилсин.

Директор (имзо) Б. И.Олимов

***Курсатма намунаси***

*2-илова*

«Эталон» фирмаси

2019 йилдаги мехцат таътиллари жадвали хакида

КУРСАТМА

2019 йил 02 январь №28 Тошкент ш.

2019 йил учун ходимлар мехнат таътили
жадвалини тузиш хдкида ТАКЛИФ ЭТАМАН:

1. Таркибий булинма рахбарлари 2019 йилда ходимларнинг таътилга чикишлари руйхатини муддати курсатилган х;олда тузкб; кадрлар булимига топширсинлар.

Руйхатня топшириш муддати: 2019.10.01.

2. Кадрлар булими фирма ходимларининг 2019 йил таътиллари кушма жадвалини тузиб, фирма директори тасдигига такдим этсин.

Масъул: Кадрлар булими бошлиги С. Иброхдмова.
Жадвални такдим этиш муддати: 2019.15.01.

Фирма директори

уринбосари Имзо Н. А. Умаров

Розилик белгиси

## ФАРМОЙИШ

Муассаса маъмурияти (директор, унинг зфинбосарлари, бош мухандис, унинг зфинбосарлари), шунингдек, булим- ларнинг рахбарлари томонидан амалий масалалар юзасидан кабул килинадиган х,ужжат. Одатда, фармойишларнинг амал килиш муддати чекланган булиб, булимларнинг тор доирасига, айрим мансабдор шахслар ва фукароларга таал- лукли булади. Фармойиш матни, худди буйрукдаш каби зарурий кисмлардан таркиб топади, факат унинг асос (кириш) кисмида «БУЮРАМАН» сузи урнига «ТАВСИЯ КДЛА- МАН», «РУХСАТ БЕРАМАН» каби иборалар ишлатилади.

3- , 4-иловаларда фармойиш намуналари берилди.

***Фармойиш намунаси***

*1-илова*

«Чилангар» фирмаси

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИНИ УТКАЗИШ ТУГРИСИДА

ФАРМОЙИШ 2019 йил 15 февраль №5 Тошкент ш.

3- цех авария холатига тушганлиги муносабати билан

КЖЛАЙМАН:

1. 3-цехда зудлик билан таъмирлаш ишлари утказилсин.

Масъул: Таъмирлаш-техника булими бошлиги Д. И. Маъруфов.

Бажариш муддати: 2019.21.02.

2. Таъмирлаш ишларини назорат килиш 3-цех бошлиги С. Туроповга топширилсин.

Корхона

директори имзоси Р. Шодмонов

Розилик белгиси

***Фармойиш намуналари***

*2-илова*

Янгийул «Лаззат» бирлашмаси
2016 йил 25 ноябрь
№406 Янгийул ш.

«ЛАЗЗАТ» БИРЛАШМАСИДА НОВВОТ
ЦЕХИ ИШИНИ КАЙТА ТАШКИЛ
ЭТИШ ХАКИДА

ФАРМОЙИШ

2015 йил якунига кура новвотга эхтиёж нихоятда усган. Бу мах,сулотни янада купрок ишлаб чикариш учун муайян ишларни амалга ошириш, Хитойдан янги жихозлар олиб келиш зарур. Шу муносабат билан куйидагиларни

ТАВСИЯ ЭТАМАН:

Бирлашмага фойда бермайдиган ёрдамчи цехларни тугатиш максадида бирлашмада доимий фаолият курсагувчи комисси- яга бу борадаги аник таклифларни шу йил 22 декабргача ишлаб чикиш топширилсин; масъул - комиссия раиси К.Зокиров.

Директор (имзо) Б.И.Олимов

*3-илова*

АХБОРОТ ВА ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ

ФАРМОЙИШ

2019 йил 22 июнь №28-Ф *

Хукуматнинг 2019 йил 20 июндаги 437-ф сонли фармойиши- да белгиланган топширикдарни бажариш, тизимдаги корхона ва ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий-иктисодий ривожла- ниш якунларига оид хисобот ва маълумотларнинг муддатида, сифатли тайёрланишини таъминлаш максадида:

1. Тизимдаги корхона ва ташкилотлар рахбарлари 2019 йилнинг 1-ярми якунларига оид хисобот ва маълумотларни белгиланган муддатларда талаб даражасида тайёрлаб, Агентликнинг Иктисодий тахлил ва прогнозлаштириш бошкармасига такдим этилишини таъминласинлар.

2. Агентлик Марказий аппарата бошкарма ва булимлари уз йуналиишари буйича амалга оширилган ишлари хакида талаб этилган дастлабки маълумотларни Иктисодий тахлил ва прогнозлаштириш бошкармасига уз вактида такдим этсинлар.

3. Иктисодий тахлил ва прогнозлаштириш боищармаси (Ф. Х,асанов) Агентлик бошкарма ва булимлари хамда тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг биринчи ярим йиллик якунларига оид дастлабки маълумот ва хисоботларни умумлаштирсин ва белгиланган муддатда Вазирлар Махкамасига такдим этилишини таъминласин.

4. Х,исобот ва маълумотларни тайёрлашда:

— тизим корхона ва ташкилотлари томонидан 2019 йилнинг 1-ярмида ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурининг энг мухим устувор вазифалари ижросини таъминлашга оид чора-тадбирлар комплексида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига;

— саноат корхоналари томонидан прогноз курсаткичларнинг бажарилиши камровига хамда модернизация ва технологик жихозланиш дастури доирасида амалга оширилган ишларга;

— корхона ва ташкилотларнинг молиявий-иктисодий холатини согломлаштиришга, дебитор ва кредитор карзлар хамда тайёр махсулот колдикларининг камайишига алохида эътибор каратилсин.

5. Мазкур фармойиш ижросининг назорати Бош директор уринбосари Р. Сафаев зиммасига юклансин.

Бош директор (имзо) К. Алламжонов

## III. МАЪЛУМОТ-АХБОРОТ ХУЖЖАТЛАРИ

Маълумот-ахборот хужжатлари анчайин катта гурух- ни ташкил килади, улар иш юритиш жараёнида, айникса, куп ишлатилади. Бу гурух ариза, баённома, билдиришнома, васиятнома, далолатнома, ишончнома, маълумотнома, тав- сифнома, тавсиянома, таклифнома, таржимаи хол, тушунти- риш хати, эълон, хисобот каби хужжатларни уз ичига олади.

### АРИЗА

Муайян муассасага ёки маисабдор шахе номига бирор илтимос, таклиф ёки шикоят мазмунида ёзиладиган расмий хужжат. Ариза амалиётда энг куп кулланадиган ва кенг таркалган иш когозидир. Мактаб укувчиси ва талаба, мене- жер ва фермер, мухандис ва олим, тадбиркор ва мансабдор шахе - жамиятнинг барча аъзоси ариза ёзишдан холи эмас. Ариза ёзувчиларнинг ёши ва лавозими, ариза йулланаётган муассасалар ва идоралар гоят хилма-хилдир. Аризалар ил- мий-тадкикот муассасаси директорига, мактаб директори- га, олий укув юрти ректорига, корхона директорига, туман рахбариятига - хуллас, оддий аризачининг таклиф, илтимос ёки шикоятини куриб чикиб хал кила оладиган хар кандай идора, хар кандай бошлик номига ёзилиши мумкин.

Х,ажми, услуби ва туридан катъи назар, ариза узининг умумий зарурий кисмларига эга ва у ана шу кисмларнинг изчиллиги асосида тузилади.

Аризанинг зарурий кисмлари:

1. Ариза йулланган муассасанинг ёки мансабдор шахснинг номи.

2. Ариза ёзувчининг тураржойи, вазифаси, исми, отаисми ва фамилияси.

3. Хужжатнинг номи (Ариза).

4. Асосий матн (таклиф, илтимос, шикоят).

5. Аризага илова килинадиган х,ужжатлар номи (агар зарур деб топилса).

6. Ариза ёзувчининг имзоси, исми ва отаисми бош харф- лари, фамилияси.

7. Ариза ёзилган вакт (йил, кун ва ой).

Шуни эслатиб утмок жоизки, аризанинг зарурий кисмлари барча аризаларда хам бирдай такрорланавермайди. Масалан, ходим узи ишлаётган корхона ёки идора рахбари- ятига ариза ёзганда, унинг яшаш жойи хакидаги маълумот зарур булмайди. Бундай холларда ходим узи ишлайдиган булим ва лавозимини курсатса, кифоя. Шунингдек, купчи- лик аризалар учун иловаларнинг хам хожати булмайди.

Юкорида санаб утилган зарурий кисмларнинг одатдаги жойлашуви 1-иловада курсатилди.

Ариза хам бошка хар кандай расмий хужжат каби аник ва киска жумлалар билан тушунарли килиб ёзилиши керак.

***Ариза шакли***

*1-илова*



Х,ужжат тилининг аниклиги, тушунарлилиги максад- нинг тезрок амалга ошишига хизмат килади.

Ариза, асосан, кулда ёзилади ва мазмуни эркин баён килинади. Мазмуни ва услубига кура аризалар бир хил эмас: у бир неча суздан иборат булиши, масалалар юзасидан фикр-му- лохазалар билдирилган хат тарзида булиши хам мумкин. Шу нуктаи назардан аризалар содда ва мураккаб турларга ажра- тилади. Мураккаб ариза матни катта булиши билан бирга, унга иловалар килиниши мумкин. Аксар холларда аризалар шахсий хусусиятга эгадир. Шунингдек, хизмат аризалари хам булади. Хизмат аризаси - фукаролар ёки ташкилотларнинг уз хукукларини амалга ошириш ёки манфаатларини химоя килиш юзасидан ёзма ахборотларидир. Даъво аризалари ана шундай аризалардандир. Илтимос ва шикоят мазмунидаги аризалар таклиф мазмунини акс эттирувчи аризаларга хамда даъво аризаларига нисбатан куп кулланади.

Мактабгача таълим муассасаларига болаларни жой- лаштиришда ариза ота ёки она номидан ёзилади.

***Намуна*** *2-илова*

Тошкент шахар Шайхонтохур
тумани МТБ тасарруфидаги
384-мактабгача таълим
муассасаси рахбари Маргуба
Рустамовага Огахий кучаси 42-
уйда яшовчи К.И.Алимовдан

**АРИЗА**

Кдзим - Севинч Нодировани 20 августдан 384-мактабгача таълим муассасасига кабул килишингизни сурайман.

Илова: 1. Туман МТБнинг 2019 йил 20 августдаги йуллан- маси.

2. Маошим хакидаги маълумотнома.

3. Тугилганлик гувохном^сидан кучирма.

4. Тиббиёт маълумотномаси.

2019 йил 10 сентябрь (имзо) (К.И.Алимов)

***Намуна*** *3-илова*

Тошкент ша^ар Олмазор туманидаги 111-умумий урта таълим мактаби директори
П.К.Курбоновага Чимбой кучаси 42-уйда яшовчи
Ж.Каримовадан **АРИЗА**

Углим - Абдулла Каримовиинг 7 ёшга тулганлиги муносабати билан шу мактабнинг биринчи синфига кабул килиишнгизни илтимос киламан.

Илова: 1, Тугилганлик гувохномасидан кучирма.

2. Ота-онанинг иш жойидан маълумотнома.

3. Тиббий маълумотнома.

4. 3х4 (ёки 5х6) бичимли раем.

2019 йил 22 сентябрь (имзо) Ж.Каримов

Куйида биз айрим турдаги аризалардан намуналар келтирамиз.

4- 7-ил овал арда ишга кириш хакидаги аризалардан намуналар (бундай аризаларда ариза зарурий кисмларининг барчасидан фойдаланилади) берилди.

***Ишга кириш л;ак,идаги аризалардан намуналар***

*4-илова*

Тошкент шахар Хал к таълими
бош бошкармаси
бошлиги ______________________
____________ ______________ га
Тошкент шахар Сагбон кучаси
44-уйда яшовчи
О.Р.Рахимовадан

**АРИЗА**

Мени Шайхонтохур ёки Олмазор туманларида жойлашган мактаблардан бирига география укитувчиси килиб юборишингизни сурайман.

2019 йил 25 сентябрь (имзо)
О.Рахимова

***Намуна*** *5-илова*

Тошкент фармацевтика институтута
саноат фармацияси факультетининг
декани ________________________ га
Тошкет шахдр Уйгур кучаси 156-уйда
яшовчи Холида Сафаровадан

**АРИЗА**

Мени факультетга котиба вазифасига ишга кабул килишингизни сурайман.

Аризага урта маълумот ва махсус иш юритувчилик курсини тугатганлик тугрисидаги гувохномаларни илова киламан.

2019 йил 2 февраль (имзо) Х. Сафарова

***Намуна*** ________________________________________ *6-илова*

Тошкент вилояти Чиноз тумани
4-касалхона бош врачи
С.Р.Рахимовга даволовчи врач
Карима Ботировна Собировадан

**АРИЗА**

Мени 4-касалхонанинг ички касалликлар булимига врач сифатида ишга кабул кшшшингизни сурайман.

Керакли хужжатлар аризага илова килинди.

2020 йил 10 март (имзо) К.Собирова

Ишдан бушатиш хакидаги аризаларнинг аксариятида илова кисми булмайди, шунингдек, ходимнинг яшаш жойи- ни курсатишнинг зарурати йук-

**Ишдан бушатиш хакидаги аризалардан намуналар**

7-илова

Тошкент давлат аграр университета
ректори ___________ ___________га
институтнинг катта укитувчиси
Рустам Солиевдан

**АРИЗА**

Мени институтнинг катта укитувчиси лавозимидан уз ихтиёримга кура озод этишингизни сурайман.

2018 йил 20 декабрь (имзо)
Р.Солиев

8-илова

Тошкент вилояти Чиноз тумани 4-
касалхона бош врачи С.Р.Рахимовга
даволовчи врач Карима Ботировна
Собировадан

**АРИЗА**

Бошка шахарга доимий яшаш учун кетаётганлигим туфайли мени 2018 йил 2 январдан касалхонанинг даволовчи врачи лавозимидан озод этишингизни сурайман.

2018 йил 28 декабрь (имзо)
К.Собирова

Аризаларнинг навбатдаги кенг таркалган тури укув юртла- рига кириш ёки муайян масалада ёрдам курсатиш хакидадир. Укишга кириш учун ёзиладиган аризаларнинг барчасига зару-

рий х,ужжатлар илова килинади. Укув юртларига такдим этиладиган анкста-колип шаклидаги аксарият аризалар хар турдаги укув юртларига мослаб тайёрланган булиб, улар асосан, узбек, керакли уринларда рус тилида расмийлашти- риб келинмокда; бундай аризаларда ортикча уринлар хам учрайди (улар таржимаи хол, кадрларнинг шахсий варака- си, маълумотнома каби хужжатларнинг хусусиятларини умумлаштириб олган). Шунинг учун хам бир колипдаги аризаларни кайта куриб чикиб, ихчамлаштириб, асосан, узбек тилидаги шаклини муомалада колдириш зарур. Биз укув юртларига кириш хакидаги анкета колип тарзидаги ариза намунасини келтириб утирмадик, чунки у ерда хар бир ёзи- лажак жавобнинг саволи бандма-банд келтирилган булади.

***Уцишга цабул цилиш .\акидаги***
***содда ариза намунаси***

*9-илова*

Тошкент вилояти Бустонлик
туманидаги 47-умумий урта
таълим мактаби директори
А.Рахдмовга 9-синф укувчиси
Одил Салимовдан

**АРИЗА**

Ота-онам билан Бустонлик туманига доимий яшаш учун ку- чиб келганимиз сабабли мени шу мактабнинг 9-синфига кабул килишингизни сурайман.

2018 йил 8 май (имзо)
О.Салимов

Энди талабаларнинг таълим олиш жараёнида шароит такозоси билан ёзиши мумкин булган аризалардан намуналар (10 - 13-иловалар) келтирамиз:

**Талабалар ёзиши мумкин булган
аризалар намуналари**

*10-жова*

Тошкент тиббиёт академияси Даволаш
факультетининг декани АДДусановга
1- боскич талабаси Нажим Тошкуловдан

**АРИЗА**

Вилоятдан келганимни инобатга олиб, менга талабалар ту-раржойидан жой беришингизни сурайман.

2019 йил 14 сентябрь(имзо)
Н.Тошкулов

*11-илова*

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика
университета Педагогика ва психология
факультетининг декани М.О.Одиловга
2- боскич талабаси Собир Мах,мудовдан

**АРИЗА**

Касаллигим туфайли кишки имтих,он ва синовларни вактида топшира олмадим. Ана шу имтих,он ва синовларни кайта топши-ришга рухсат беришингизни с)файман.

Аризамга касаллигим хдкидаги врач маълумотномаси илова килинди.

0000.00.00 (имзо) С.Мах,мудов

*12-илова*

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат
техника университета ректори _______________ га Механика
факультетининг 3-боскич талабаси Рахима Салимовадан

**АРИЗА**

Соглигим ёмонлашганлиги ва узок вакт даволанишим зарурлиги туфайли менга бир йиллик укув (академик) таътили беришингизни сурайман.

Аризамга тиббиёт муассасасининг хулосаси илова килинди.

2018 йил 19 февраль (имзо)
Р.Салимова

*13-илова*

Тошкент ахборот технологиялари
университета касаба уюшмаси **кумигасига**
университетнинг 2-боскич талабаси Комил
Рахимовдан

**АРИЗА**

Стипендия микдорининг камлиги ва хусусий хонадонда ижарада яшаётганимни эътиборга олиб, менга моддий ёрдам курсаташингизни илтимос киламан.

2017 йил 19 сентябрь (имзо) К. Рахимов

Иш жараёнида хам ходимлар узлари ишлаб турган муассасанинг рахбариятига турли мавзуларда аризалар ёзади- лар. Ариза бошка ишга утказиш, нафака белгилаш, кушимча таътил бериш, моддий ёрдам курсатиш ва хоказолар хакида илтимос мазмунида ёзилиши мумкин. Куйида (14-20-ило- валарда) ана шундай аризалардан намуналар келтирамиз:

***Ариза***

*14-илова*

«Тошкент ёг-мой комбината»
АЖ раиси ___________________ га
маргарин цехи ишчиси Толиб
Кавдоровдан

**АРИЗА**

Оилавий сабабларга кура (отамнинг огир касаллиги ва доимий парваришга мухтож булиб колганлиги сабабли), менга 2019 йилнинг 9 авгуетидан 9 сентябрига кадар маошсиз таътил беришингизни сурайман.

Аризамга 3-шахар бирлашган касалхонасидан берилган маълумотнома илова килинди.

2019 йил 7 август (имзо) Т. Кдвдоров

*15-шова*

«Чевар» фирмасининг директори
М.Назировага умумий цех
бичувчиси Робия Шукуровадан

**АРИЗА**

Менга 2015 йилнинг 22 февралидан 22 декабргача, яъни болам бир ёшга етгунга кадар кисман маош туланадиган таътил беришингизни сурайман.

Аризамга боланинг тугилганлик хдкидаги 2014 йил 28 декабрда берилган У-ЮС серияли 476244 ракамли гувох,номанинг кучирмаси илова килинди.

2015 йил 20 февраль (имзо) Р.Шукурова

*16-илова*

Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 47-умумий урта таълим мактаби директори А.Рахимовга мактабнинг кимё фани укитувчиси Толиб Хусановдаи

**АРИЗА**

2018/2019 укув йили учун 48 иш кунидан иборат навбатдаги мехнат таътилимни 2019 йил 1 июлдан беришингизни сурайман.

17-илова

Тошкент шахар Шайхонтохур тумани Техник инвентарлаш идорасига Тошкент шахар Бехзод кучаси 20-уйда яшовчи Х.С.Салимовдан

**АРИЗА**

Мен, Халил Собирович Салимов, узимга тегишли уйнинг бир кисмини сотишим муносабати билан техникавий хужжатлар нусхасини тайёрлаб беришингизни сурайман.

2017 йил 24 май (имзо) Х.С.Салимов

*Ариза*

*18-илова*

УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института директори
Н.Махмудовга
институт катта илмий
ходими А.Ахмедовадан

**АРИЗА**

Менга булим томонидан бажарилган тадкикотларни бажариш учун компьютер ажратишингизни сурайман.

2019 йил 7 март (имзо)
А.Ахмедова

*19-илова*

«l11 арк» нашриёт-матбаа акциядор-
лик компанияси касаба уюшмаси
раиси ______________га
Муковалаш цехининг бошлиги
______________ дан

**АРИЗА**

Менга 2020 йил июль ойида юрак-томир касалликлари шифохонасида даволаниш учун йулланма ажратишингизни сурайман.

Аризамга йулланмага эхтиёжим борлиги хакидаги тиббиёт муассасаси берган маълумотнома илова килинди.

2020 йил 15 март (имзо)
Ф.И.О.

Баъзан аризалар жамоа, бир гурух одамлар номидан ёзи- лиши хам мумкин. Табиийки, бундай аризанинг мазмуни купчиликнинг манфаатини ифодалайди. 20-21-иловаларда шундай аризаларнинг намуналари берилди.

### *Купчилик номидан ёзиладиган илтимос аризаси намуналари*

*20-плова*

Кдшкадарё вилояти Халк таълими бошкармаси бошлигига Яккабог туманининг Чекшура кишлоги ахолисидан

**АРИЗА**

Бизнинг кишлокда 800 дан ортик оила истикомат килади. Уларнинг аксарияти - куп болали оилалар. Хднузгача кишлогимизда тулик; урта маълумот берувчи мактаб йук. 9-синфни битирган ёшларимиз укишни давом эттириш учун кушяи кипшокка ёки туман марказига катнашга мажбур булмокдалар.

Юкоридагиларни эътиборга олиб, кишлогимизда тулик урта мактаб курилишига ёрдам беришингизни сураймиз. Копилок ахди мактаб курилишига хдм моддий, хам хашар йули билан кумаклашишга тайёр.

2015 йил 7 январь (имзо) (Исм ва фамилиялар)

*21-илова*

Тошкент шахар Учтепа тумани 4- уй-жойлардан фойдаланиш корхонасининг бошлиги Х А.Жураевга шу туманнинг Жийдазор кучаси 6- уйда яшовчи ахоли номидан

**АРИЗА**

Биз яшаётган уй курилганига йигирма саккиз йил булди. Бу давр ичида ундаги сув утказиш ва иситиш кувурлари эскириб, занглаб, яроксиз холга келган, йулак эшиклари синиб кетган ва хоказо. Жорий таъмирлаш ишлари палапаргиш бажарилган.

Юкоридагиларни эътиборга олиб, ёзги мавсумда мазкур уйни тула-тукис таъмирлаб беришингизни 6-уй сохиблари номидан сураймиз.

2016 йил 4 март (имзо) (Исм ва фамилиялар)

Фукаролар расмий ва жамоат ташкилотларига хам турли мазмундаги аризалар билан мурожаат этадилар. Бу аризалар воситасида давлат идоралари ёки жамоат ташкилотлари орка- ли муайян хдк-хукукларини амалга оширадилар.

Шу билан бирга, шикоят мазмунидаги аризаларда фука- роларнинг хдк-хукукларини, конун йули билан мухофаза ки- линадиган манфаатларини бузиш ёки чеклашларни бартараф килиш х,акида мурожаатлар уз аксини топади.

Тегишли адабиётларда фукароларнинг давлат ва жамоат ташкилотларига расмий тарзда ёзадиган шахсий аризалари тахминан куйидагича тасниф этилган:

- ижтимоий таъминот масалалари буйича тегишли вазир- лик, шахар, туман, вилоят ижтимоий таъминот булимларига, махалла идораларига ёзиладиган аризалар;
- маъмурий, хукук ва бошка идораларга ёзиладиган аризалар;
- фукаролик холати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) идораларига ёзиладиган аризалар;
- нотариал идораларга ва нотариал харакатларни амалга оширувчи бошка идораларга ёзиладиган аризалар;
- фукароларнинг турли даражадаги судлар, прокуратура сингари идораларга ёзадиган ва улар томонидан куриб чики- ладиган аризалари;
- уй-жой-коммунал идораларига ёзиладиган аризалар.

Мазкур тасниф асосида муайян гурухдарга булинган
аризалар хам, уз навбатида, мазмун жихатидан турли-туман булади. Масалан, фукаролар куп болали ёки ёлгиз оналарга, кам таъминланган оилаларнинг болаларига нафака ва ёрдам пуллари белгилаш, ижтимоий таъминот булимларига нафака белгилаш, уз нафакаларини кайта хисоблатиш, ишлаб чика- ришда орттирилган майиблик муносабати билан ишчи ва хиз- матчиларга етказилган зарарни коплаш, уруш катнашчилари ва ногиронларига транспорт воситаларини (бепул ёки накд пулга) бериш, болаликдан ногирон булганларга хар ойлик на- факалар бериш, ногирон ва нафакахурларга мулжалланган интернат уйларга кабул килиш, ногирон ва нафакахурларни (дам олиш уйлари, даволаш муассасаларига) йулланмалар билан таъминлаш хакида аризалар ёзадилар.

Масалан, нафака белгилаш ёки уни кайта хисоблатиш учун ёзилган аризани тахлил килиб курайлик. Ариза шахдр, туман х,окимлиги ёки ижтимоий таъминот булими кошида- ги нафака белгилаш комиссиясига ёзилади. Ариза берувчи узи хакидаги тулик маълумотни аризанинг бош кисмида курсатиб утади (иш ва яшаш жойи, паспорт маълумотлари, фахрий унвони, илмий даражалари, нуфузли мукофотлари ва б.). Ариза матнида максад ва унинг конунийлиги аник баён килинади, шу билан бирга, нафака белгилангандан сунг иш, тураржой, оилавий ах,воли буйича буладиган узгаришлар хдкида ижтимоий таъминот булимини уз вактида хабардор килиб туриш мажбуриятини уз зиммасига олганлиги ёзилади. Аризада нафака белгилаш учун зарур булган хужжатлар (мехнат дафтарчасининг асл нусхаси, паспорта, олий укув юрти дипломи, фахрий унвони нусхалари, муайян давр ичидаги даромади хакидаги маълумотнома)нинг илова килинганлиги курсатилади.

Ишлаб чикаришда бахтсиз ходиса туфайли орттирилган майиблик муносабати билан ишчи ёки хизматчига етказил- ган зарарни коплаш ва нафака белгилашни сураб ёзилган аризага бахтсиз ходиса хакидаги далолатнома ва касабакум- нинг мехнат мухофазаси буйича комиссиясининг хулосаси илова килинади.

**Маъмурий, хукукни мухофаза этиш ва бошка идораларга ёзиладиган аризаларнинг** мавзу доирасига куйидагилар кириши мумкин: алимент тулашдан бош тортиб юрган шахсларни кидириш, угирлик содир булганлиги, паспортнинг йуколганлиги хакида хабар бериш, жиноят натижасида моддий ёки жисмоний зарар курганлик, муайян шахснинг бедарак йуколганлиги, тураржойда руйхатга олиш ёки руйхатдан чикаришни сураш, фукарога паспорт бериш ёки паспортни алмаштириш, автомобиль ёки ов милтигини руйхатга олиш, ов милтиги сотиб олишга рухсат сураш ва бошкалар. 22-29-иловаларда ана шундай аризалардан баъзи намуналар келтирилади (бундай аризаларнинг айримлари, хусусан, моддий зарарни, алиментни ундириш хакидаги дризалар баъзан даъво аризалари деб аталадики, биз улар хакида кейинрок тухталамиз).

***Угирлик содир булганлиги х;олатида ёзиладиган ариза намунаси***

*22-илова*

Тошкент шахар Мирзо Улугбек
тумани Ички ишлар булими
бошлигига
100141, Тошкент ш. Дурмон йули
кучаси 170-уйда яшовчи Маъмура
Олимовна Каримовадан

**АРИЗА**

2015 йил 12 январь куни кечаси, мен ишда булган пайтда, номаълум шахе эшиклар кулфини бузиб, уйимга кириб, куйидаги буюмларни угирлаб кетган: 1. Бахоси 1918000 сумлик 3x3 м улчамли гилам. 2. Бахоси 940000 сумлик кишки аёллар пальтоси.
34,5 млн. сум накд пул.

Угирлик содир этган шахени ва угирланган моддий бойликларни кидирув буйича чора куришингизни сурайман.

2015 йил 13 январь (имзо) М.О.Каримова

***Суд-тиббиёт экспертизасига йулланма олиш учун ариза намунаси***

***23-илова***

Тошкент шахар Шайхонтохур тумани
Ички ишлар булими бошлигига 100108,
Беруний кучасидаги 18-уйда яшовчи
Рамил Айнитдинович Шарафитдиновдан

**АРИЗА**

Менга фукаро Андрей Фёдорович Николаев томонидан етказилган тан жарохатларининг огирлик даражасини аницлаш ва тасдиклатиб олиш учун суд-тиббиёт экспертизасига йулланма беришингизни сурайман.

2019 йил 12 июнь (имзо)
Р.А.Шарафиддинов

***Муайян шахснинг бедарак йуколганлиги муносабати билан ёзиладиган ариза намунаси***

24-илова Тошкент вилояти Янгийул тумани Ички ишлар булими бошлигига Гулбахор шахдрчаси Фуркат кучаси 8-уй, 15-хонадонда яшовчи Яхшибой Сарибоевдан

**АРИЗА**

Отам, 1947 йилда тугилган Менглибой Сарибоев, 2019 йил 15 февраль куни тахминан соат $17^{00}$ ларда уйдан чикиб кетиб, кайтиб келмади. У паришонхотирлик касалига учраган ва доим мазкур манзилда яшаб келган.

Белгилари: урта буй, думалок ажиндор юзли, киррабурун, кузлари кора, олдинги икки тиши сарик металлдан куйилган.

Кора пальто, кулранг телпак, калиш-махси, тук кук костюм-шим кийган.

М. Сарибоевни кидирув чорасини куришингизни сурайман.

2019 йил 16 февраль(имзо) Я. Сарибоев

***Ов милтиги сотиб олишга рухсат сураш аризаси намунаси***

25-илова

Тошкент вилояти Чиноз тумани Ички ишлар булими бошлигига шу туманнинг Элобод кишлогида яшовчи Махмуджон Маткаримовдан

**АРИЗА**

Менга 16-калибрли куш кувурли ов милтиги сотиб олишга рухсат беришингизни сурайман. 027632 ракамли овчилик чип-тасига эгаман.

2013 йил 22 август (имзо) М. Маткаримов

***Ов милтигини руйхатга олиш jſацидаги ариза намунаси***

***26-илова***

Тошкент вилояти Чиноз тумани Ички ишлар булими бошлигига шу туманнинг Элобод кишлогида яшовчи Махмуджон Маткаримовдан

**АРИЗА**

Мен томонимдан сотиб олинган 16-калибрли куш кувурли (стволли) ов милтиги (ТОЗ № 161873) руйхатдан утказишга рухсат беришингизни сурайман.

***Янги паспорт олиш аризаси намунаси***

***27-илова***

Тошкент шахар Учтепа тумани Ички ишлар булими бошлигига Тошкент шахар Мевазор кучаси 20- уйда яшовчи Олимжон Рахимовдан

**АРИЗА**

Мен 2019 йил 14 август куни 11-йуналишда катнайдиган автобус да кетаётиб, Учтепа туман Ички ишлар булими томонидан 2011 йилда берилган паспортимни йукотдим. Менга янги паспорт беришингизни сурайман.

2019 йил 20 сентябрь (имзо) О.Рахимов

***Тасдикловчи маълумотнома олиш учун ариза намунаси***

***28-илова***

Узбекистон Республикаси
Согликни саклаш вазирлиги
марказий архивининг
директорига Тошкент шахар
Сиргали тумани 8-Сиргали
дахдси 4-уй,
16- хонадонда яшовчи
Манзура Алиевна Хамндовадан

АРИЗА

Мен 1988-1991 йилларда Тошкент шах,ар Олмазор тумани-даги 4-поликлиникада навбатчи врач лавозимида ишлаганман. Ана шу ишлаган йилларимни тасдикловчи маълумотнома беришингизни илтимос киламан.

2017 йил 16 февраль (имзо) М.А Дамидова

***Автомобилни руйхатга олиш аризаси намуна***

***29-илова***

Тошкент шахар Ички ишлар
бошкармаси давлат автоназорати
бошлигига 100041, Тошкент шахар
Мирзо Улугбек тумани Дурмон йули
кучаси 6-уйда яшовчи Фарход
Рузиевич Кузиевдан

АРИЗА

Мен томонимдан 2016 йил 14 сентябрда сотиб олинган, кузов раками 0726324, шасси раками 0725240, рама раками 726893 булган «Матиз» русумли автомобилни руйхатга олишингизни ва унга давлат белгилари беришингизни сурайман.

2016 йил 17 сентябрь (имзо) Ф.РДузиев

*Ариза*

Тегишли хокимликларнинг фукаролик холати далолатномаларини ёзиш булимларига (ФХДЁ) фукаролар никохни кайд этиш ёки уни бекор килиш, тугилганлигини ёки муайян шахснинг вафот этганлигини кайд этиш (тасдиклаш), оталикни аниклаш ва уни кайд этиш, угилликка (кизликка) олиш, фамилия, исм ва отаисмини узгартириш, фукаролик холати хужжатлари ёзувларини узгартириш, кайта тиклаш ва бекор килиш, йуколган ё^и бекор килинган фукаролик холати хужжатларини кайта тиклаш, щу асосда такрор гувохномалар бериш хакида ва бошка мазмундаги аризалар ёзадилар. Бундай аризаларнинг аксарияти фукаролик холати хужжатларини кайд этиш булим- ларида белгиланган, расмий андозалар буйича тулдирили- шини эътиборга олиб, уларнинг хаммасига оид намуна келти- рилмай, иккинчи марта гувохнома беришни сураб ёзиладиган аризаларгагина намуналар берилди (30-32-иловаларга каранг)

***Намуна*** ***30-шова***

Тошкент шахар Мирзо Улугбек тумани
Фукаролик холати далолатномаларини
ёзиш булимига 100041, Тошкент шахар
Дурмон йули кучасидаги 80-уйда
яшовчи Рахима Хакимовна
Парпиевадан

**АРИЗА**

Менга фукаро Жалил Набиевич Парпиев билан булган никохимнинг бекор килинганлиги хакидаги гувохномани кайтадан (иккинчи марта) беришингизни сурайман. Никох 2011 йил 17 апрель куни Мирзо Улугбек тумани ФХДЁ булимида кайд килинган.

Гувохнома аввалгисининг йуколганлиги сабабли зарур булиб колди.

2019 йил 1 июнь (имзо) Р.Х-Парпиева

***Намуна*** ***31-илова***

Маргилон шахар Фукаролик холати далолатномаларини ёзиш булимига
713701, Маргилон шахар Мустакиллик кучаси 402-уйда яшовчи Ботир Хасанович Азимовдан

**АРИЗА**

Углим, 2012 йил ноябрда тутилган Бобур Ботирович Х,асановнинг тугилганлиги хакида гувохномани кайтадан беришингизни сурайман. Унинг тугилганлиги 2018 йил 17 ноябрь куни Маргилон шахар ФХДЁ булимида кайд этилган.

Ота-оналар: отаси - Ботир

Хасанович Азимов онаси - Гулчехра

Алиевна Азимова

Гувохнома аввалгисининг йуколганлиги сабабли зарур булиб колди.

2019 йил 8 июль (имзо) Б.К;.Азимов

***Намуна*** ***32-илова***

Тошкент шахар Сиргали тумани Фукаролик холати далолатномаларини ёзиш булимига
100198, Тошкент шахар, 6-Руйлик дахаси 101-уйдаги 24-хонадонда яшовчи Норкобил Бойкобилович Чориевдан

**АРИЗА**

Менга фукаро Жамила Кдюмовна Чориева билан булган никохим хакидаги гувохномани кайтадан беришингизни сурайман.

Никох 2012 йил 10 март куни Сиргали тумани ФХДЁ булимида кайд этилган.

Гувохнома аввалгисининг йуколганлиги сабабли зарур булиб колди.

2018 йил 29 ноябрь (имзо) Н.Б.Чориев

**Давлат нотариал идораларига йулланадиган аризалар хам** мазмунан хилма-хилдир. Чунончи, жамгар- мани васият килиш, васиятномани узгартириш ёки бекор килиш, меросни кабул килиб олиш, меросдан воз кечиш, мерос мол-мулкни куриклаш, мархумнинг жамгармала- ри бор-йуклигини текшириб куриш, мулкка меросхурлик хакидаги гувохномани олиш, нотариал идоралар томонидан тасдикланган хужжатларнинг нусха (дубликат)ларини бериш, мол-мулкни олди-сотди ва хадя килиш билан алокадор шартномаларни расмийлаштиришни илтимос килиш, карз шартномаси буйича олинган пулларни кайтаришга оид аризалар ана шулар жумласидандир. 45-47-иловаларда шундай аризалардан намуналар берилди. Шуни айтиб утиш жоизки, давлат нотариал идоралари булмаган жойларда фукаролар мазкур мазмундаги аризалар билан нотариал харакатларни амалга ошириш хукукига эга булган идораларга, хусусан, шахарча, кишлок, овул фукаролар йигини (раиси)га муро- жаат килишлари мумкин.

***Давлат нотариал идораларига йулланадиган аризалар намуналари***

***33-илова***

Тошкент шахри Учтепа тумани
Миллий банк филиалига
Тошкент шахар Шайхонтохур
тумани Дилкаш кучаси
17- уйда яшовчи Назира
Пулатовна Сулаймоновадан

**АРИЗА (васиятнома)**

Банк омонат кассасидаги 1320-ракам буйича сакланаётган пул жамгармасини Карим Хамидович Ботировга васият килиб Колдираман.

(имзо) Н.П.Сулайманова

Тошкент ш., икки минг ун иккинчи йилнинг ун туккизинчи ноябр куни

***34- илова***

Тошкент шахар 15-давлат нотариал идорасига Тошкент вилояти Янгийул шахар Х,урият кучаси 15-уйда яшовчи Махмуд Мансурович Муминовдан

**АРИЗА**

Менинг отам, Тошкент шахар Яшнобод тумани Паркент кучасидаги 45-уйда яшовчи Мансур Муминов, 2019 йил 14 март куни вафот этди.

Тошкент шахар Паркент кучаси 45-уйда жойлашган ховли-жой- нинг туртдан бир кисми ва Тошкент шахри Миробод тумани Халк банки филиали 25/045-сонли омонат кассасида 23456 хисобраками остида сакланаётган 1012000 (бир миллион ун икки минг) сум пул жамгармасидан иборат мерос мулкни УзР Фукаролик кодексининг 1135-, 1142-модцаларига мувофик кабул киламан.

2019 йил 21 апрель ________ (имзо)_________ М.М.Муминов

***35- илова***

Тошкент шахар 15-давлат нотариал идорасига Тошкент вилояти Янгийул шахар Хуррият кучаси 15-уйда яшовчи Махмуд Мансурович Муминовдан **АРИЗА**

Менинг отам, Тошкент шахар Яшнобод тумани Паркент кучаси 45-уйда яшовчи Мансур Муминов, 2019 йил 14 март куни вафот этди.

7. Тасдиклаш устхати (агар баённома тасдикланиши зарур булса).
8. Йигилиш раиси ва котибининг фамилияси.
9. Матн:

а) катнашувчилар руйхати ёки сони;

б) кун тартиби;

в) эшитилди;

г) сузга чикдилар;

д) карор килинди.

10 . Иловалар (агар улар мавжуд булса).

11 . Имзолар.

Баённомани тузишда уларнинг хукукий жихатдан тулаконлилигини таъминлаш керак. Бунинг учун баённомада барча асосий зарурий кисмлар мавжуд булиши, улар тугри расмийлаштирилиши лозим.

Доимий маслахат органи йигилишининг баённомаси- да йигилишда иштирок этувчилар сони курсатилиши жуда мухимдир, чунки бу хукукий ахамиятга эга. Мажлис ка- рорларини кабул килиш ва унинг конуний булиши учун

иштирокчиларнинг низом буйича етарли эканлиги (кворум) асосий шарт хисобланади.

Маъмурий идораларда баённома умумий ёки махсус босма иш когозларида расмийлаштирилади. Баённома бир неча сахифадан иборат булса, факат биринчи сахифа босма иш когозида, колган бетлари эса оддий когозда ёзилади.

Йигилиш утказилган кун баённоманинг санаси хисобланади. Мунтазам иш курувчи органлар баённомасининг тартиб раками календарь йили буйича изчил давом этади.

Мажлис баённомасида катнашувчилар руйхати берил- ганда, доимий аъзолар ва таклиф этилганлар фамилияси алох,ида-алох,ида алифбо тартибида кайд этилади. Таклиф этилганлар сони 15 кишидан ошмаса, уларнинг фамилия- сини, кавс ичида эса иш жойини курсатиш керак.

Кенгайтирилган мажлисларда иштирок этувчиларнинг сони курсатилади ва катнашувчилар руйхати мажлис баён- номасига илова килинади.

Мажлис баённомаси кириш ва асосий кисмдан иборат булиб, кириш кисми кун тартиби билан тугайди. Кун тар- тибидан сунг икки нукта куйилиб, куриладиган масалалар тартиб раками билан берилади. Хар кайси масала алохида сатрдан ёзилади. Уларнинг узаро тартиби масаланинг дол- зарблиги ва мухимлигига караб белгиланади. Мажлис ба- ённомасйда КУН ТАРТИБИни бош келишикда ифодалаш ва бош (катта) харфлар билан ёзиш керак.

Кун тартибидаги масалаларни баён килишда маъруза- чининг исми, фамилияси, лавозимини алохида жумла билан ёзиш максадга мувофикдир.

Баъзан кун тартибининг охирги кисмида «Турли масалалар» сарлавхаси билан алохида кием бериладики, бу максадга мувофик эмас, чунки кун тартибидаги хар бир масала аник ва равшан булиши лозим.

Матннинг асосий кисми кун тартиби масалаларига мувофик жойлашади. Х$^{а}$Р бир булим уч кисмдан иборат

булади: ЭШИТИЛДИ, СУЗГА ЧИКДИЛАР, КАРОР КИЛИНДИ. Бу сузлар бош (катта) харфлар билан ёзилади. Агар кун тартибида икки ёки ундан ортик масала кури- ладиган булса, «ЭШИТИЛДИ» сузидан олдин кун тартибидаги масалаларнинг раками куйилади, суздан кейин эса икки нукта куйилиб, янги сатрдан маърузачининг исми, фамилияси бош келишикда ёзилади. Фамилиядан сунг тире куйилиб, маъруза ёки хабарнинг кискача мазмуни баён килинади. Агар маъруза матни тайёр холда булса, ти- редан кейин «Матн илова килинади» деб ёзиб куйилади.

«СУЗГА ЧИКДИЛАР» бирикмаси х,ам айнан шу шакл- да ёзилади. Зарурият булганда, кавс ичида хар бир сузлов- чининг иш жойи ва лавозими курсатилади. Масалан: СУЗГА ЧИКДИЛАР: А.И.Рахимов (мактаб директори) - ...

Мажлисда берилган саволлар хам баённомада ёзилади. Маърузачига саволлар ва уларга бериладиган жавоблар «СУЗГА ЧИКДИЛАР» булимига киритилади ва курсатилган тартибда расмийлаштирилади («савол» ва «жавоб» суз- лари урнида суровчининг исми, отаисмининг бош харфла- ри ва фамилияси; жавоб берувчининг исми, отаисмининг бош харфлари ва фамилияси эса факат саволга маърузачининг узи жавоб бермаган холлардагина курсатилади).

Матннинг учинчи кисмида мух,окама этилган масала буйича карор кабул килинади. «КАРОР КИЛИНДИ» бирикмаси хам бош харфлар билан ёзилади.

Кун тартибидаги хар бир масала юзасидан алохида- алохида «ЭШИТИЛДИ», «СУЗГА ЧИКДИЛАР», «КАРОР КИЛИНДИ» сарлавх,алари куйилади ва сузловчи- лар нуткининг кискача мазмуни, кабул килинган карор расмийлаштирилади (217-бетдаги 1-иловага каранг).

## БАЁННОМАДАН КУЧИРМА

Зарурият туфайли мажлис давомида кабул килинган карорлардан кучирмалар расмийлаштирилади. Буйрукдан кучирмада булганидек, баённомадан кучирма хам имзо билан тасдикланади. Баённомадан кучирма куйидаги асосий Кисмлардан иборат:

Ташкилот номи.
1. Х,ужжат номи (Баённомадан кучирма).
2. Сана (мажлис утказилган сана).
3. Шартли ракам.
4. Баённома тузилган жой.
5. Матн:

а) КУН ТАРТИБИ;
б) ЭШИТИЛДИ;
в) КАРОР КИЛИНДИ.

6. Имзолар.
7. Нусха тасдикланганлиги хакида белги (мухр билан).

Баъзан баённомадан кучирмаларда йигилишда катнашувчиларнинг фамилияси ёки сони, шунингдек, курилган масала буйича мух,окамада иштирок этганлар фамилияси хам курсатиб утилади.

Баённоманинг матн кисмидан факат ташкилот ёки шахсга етказилиши керак булган кисмигина олинади. Агар кун тартибида уч масала мухокама этилган булса, керакли масала буйича кабул килинган карор олинади.

2-иловада баённомадан кучирма шакли, 3-4-иловалар- да эса унинг намуналари берилди.

*Баённомадан кучирма*

### *Баённома шакли*

***1-илова***

Сиргали туман укувчи ва ёшлар илмий-техника ижодиёти маркази жамоаси йигилишининг 3-ракамли БАЁННОМАСИ

2016 йил 18 сентябрь

Тошкент шахри

Раис - М.С.Рахимов Котиб- С.П.Махмудов

Катнашдилар: 65 киши (руйхат илова килинди)

КУН ТАРТИБИ:

1. Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги конуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да мактабдан ташкари тарбия муассасалари олдига куйилган вазифалар ва уларни амалга ошириш. Маърузачи О. Каримова.

2. Марказ жамоасининг биринчи ярим йил учун тузилган иш режасини тасдиклаш. Маърузачи О.Р.Солиева.

3. Навруз байрамига багишланган адабий-бадиий кеча уюштириш. С. Каримов ахбороти.

1. ЭШИТИЛДИ:

(Г)Каримова - маъруза матни илова килинди.

СУЗГА ЧИКДИЛАР:

А. Миракбарова - (Нуткининг киска мазмуни ёки саволи баён килинади).

П.С.Чориев - (Нуткининг киска мазмуни ёки саволи баён килинади).

КДРОР КИЛИНДИ:

(Кабул килинган карорлар баёни ёзилади).

2. ЭШИТИЛДИ:

О.Р.Солиева - (Маърузасининг кискача ёки тулик баёни ёзилади).

СУЗГА ЧИКДИЛАР:

Т. Ахмедова - КДРОР КИЛИНДИ:

(Кабул килинган карорлар баёни ёзилади).

3. ЭШИТИЛДИ:

С. Каримов ахбороти - (Ахборотнинг мазмуни баён килинади). КАРОР КДЛИНДИ:

(Кабул килинган карорлар баёни ёзилади)

| | | |
|---|---|---|
| Раис | (имзо) | М.С.Рахимов |
| Котиб | (имзо) | С.П.Махмудов |

***Баённомадан кучирма шакли***

***2-илова***

Корхона мехнат жамоасининг ______ йил « ___ » ______ даги умумий йиғилишининг___________ ракамли

БАЁННОМАСИДАН КУЧИРМА

Корхона билан мехнат муносабатида турувчилар __________ киши.

Кдтнашганлар _______ киши.

Иштирок этмаганлар _______ киши.

Шулардан узрли сабабларга кура (бола тарбияси таътилида, касаллигига кура, мехнат ва бошка таътилларда, хизмат сафаридагилар) ______ киши

ЭШИТИЛДИ:
Корхона жамоа шартномаси лойихасини маъкуллаш хакида.

СУЗГА ЧИКДИЛАР:

1.______________________________________________ _

2. ______________________________________________ _

3. ______________________________________________ ___

ва х.к. _______________________________ ___________

КАРОР КИЛИНДИ:

1. Жамоа шартномаси ва унинг иловалари маъкуллансин.

2. Шартномани мехнат жамоаси номидан имзолаш ваколати корхона касаба уюшмаси кумитасининг раисига топширилсин. Унда мехнат жамоасидан куйидаги вакиллар иштирок этсинлар: 1.

2. ______________________________________________

3 . ______________________________________________

3. Жамоа шартномаси имзоланган кундан эътиборан кучга кириши белгилаб куйилсин.

Умумий мажлисраиси ______________________________

Котиб ________________________

*Баённомадан кучирма*

*Баённомадан кучирма намунаси*

*3-илова*

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори института илмий кенгаши йигилишининг 17-ракамли

**БАЁННОМАСИДАН КУЧИРМА**

2019 йил 10 октябрь Тошкент шахри

КУН ТАРТИБИ:

3. «Халкаро терминэлементларнинг изохди иллюстратив лугати» китобини нашрга тавсия этиш. А. Мадвалиев ахбороти.

3. ЭШИТИЛДИ:

А. Мадвалиев - Илмий кенгаш аъзоларини «Халкаро тер- минэлементларнинг изохди-иллюстратив лугати» билан батаф- сил таништирди. Ушбу лугат 1000 дан ортик терминэлементни камраганлиги, уларнинг хар бири хозирги кун талаби даражаси- да изохданганлигини курсатиб утди.

3. КАРОР КИЛИНДИ:

1. «Халкаро терминэлементларнинг изохди-иллюстратив лугати» нашрга тавсия этилсин.
2. Масъул мухаррир этиб филология фанлари доктори Н.Махмудов тасдиклансин.

| | | |
|---|---|---|
| Раис | (имзо) | И.О.Ф. |
| Котиб | (имзо) | И.О.Ф. |

***4-илова***

**Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий кен- гаши йигилишининг 2018 йил 7 декабрдаги 5-сонли баён- номасидан**

**К У Ч И Р М А**

**КАТНАШДИЛАР:**

16 нафар кенгаш аъзосидан 12 нафари - Н. Махмудов, F. Исмоилов, А.Мадвалиев, Ё.Одилов, Т.Мирзаев, Б.Назаров, Н. Каримов, И.Даккулов, Ж.Эшонкулов, Э.Очилов, Д.Худойберганова, Л. Худойку ва б.

**КУН Т А Р Т И Б И :**

1. ОТ-Ф1-78 “Хозирги глобаллашув даврида узбек тили, унинг тарихий тараккиёти ва истикболлари (вазифавий услуб- лар тахлили асосида)” илмий-тадкикот лойихаси юзасидан

2018 йилда бажарилган ишларнинг оралик хисоботи.

**ЭШИТИЛДИ:**

Лойиха рахбари, филология фанлари доктори Д. Худойберга- нова ахбороти: лойиха буйича куйидаги уч йуналишда иш олиб борилмокда: 1) “Хозирги глобаллашув даврида узбек тили, унинг тарихий тараккиёти ва истикболлари (вазифавий услублар тахлили асосида)”; 2) “Узбек тили услубшунослиги” укув кулланмаси- ни яратиш; 3) узбек-лотин ёзувидаги куп жилдли “Узбек тилининг изохди лугати”ни нашрга тайёрлаш. 1-йуналиш назарий тадкикот булиб, иш якунида бир жамоавий монография яратилади. 2-йуна- лишда олий таълим тизими учун “Узбек тили услубшунослиги” укув кулланмаси яратилади, 3-йуналишда куп жилдли “Узбек тилининг изохли лугати” лотин алифбосида тузилади. Лойиха ижро- чилари сони 11 киши булиб, институтда ишлаётган тилшунос олимларнинг асосий кисми ушбу илмий лойихага жалб этилган. Улардан фан докторлари - 5 киши, фан номзодлари ва фалсафа докторлари 4 киши. Илмий даражасиз кичик илмий ходимлар ва техник ходимлар 2 киши.

**1- йуналиш буйича** - “Хозирги глобаллашув даврида узбек тили, унинг тарихий тараккиёти ва истикболлари (вазифавий ус- лублар тахдили асосида)” мавзуси буйича 13 босма табок хаж- мидаги иш тайёрланди. Мазкур иш куйидаги мавзулар доира-

сида бажарилди: тадкикотнинг “Кириш” кисмига дойр: “Узбек тилшунослигининг бугунги муаммолари”, “Вазифавий услублар пишикдиги - тил тараккиёти кузгуси”, “XV-XVI асрларда илмий матнларнинг узига хос хусусиятлари (Навоий асарлари мисолида)”, “Алишер Навоий асарларида бадиий услуб”, “Навоий асарларида сифатнинг орттирма даражаси”, “Навоий асарларида паронимлар ва парономазия”, “Алишер Навоий асарларида иктисодий атамалар”, “Навоий ва узбек адабий тили” мавзуларида; “Илмий услуб” кисмига дойр: “Илмий матн ва иктибос”, “Илмий матнда экспрессивлик муаммоси”, “Илмий матнда киритма”, “Илмий услуб жанрлари ва турлари”, “Терминларни меъёрлаштириш муаммолари”, “Илмий-индивидуал услуб” мавзуларида; “Расмий услуб” кисмига дойр: “Конун ижодкорлигида услуб масаласи”, “Мустакиллик даврида расмий услуб тараккиёти (морфологик, лексик сатхдар мисолида)”, “Расмий услуб синтаксиси”, “Расмий услуб прагматикаси”, “Расмий иш юритиш услуби”, “Расмий услуб лексикаси”, “Расмий услуб морфологияси”, “Расмий услуб синтаксиси”, “Расмий услуб прагмастилистикаси” мавзуларида; “Бадиий услуб” кисмига дойр: “Лингвостилистикада устувор йуналишлар”, “Бадиий матнга лингвомаданий ёндашув”, “Ономастик бирликларнинг услубий хусусиятлари”, “Бадиий матннинг лингвостилистик тадкик объекти хусусида” мавзуларида; “Публицистик услуб” кисмига дойр: “Публицистик услуб тараккиётида нолисоний омиллар”, “Огзаки публицистик услуб”, “Глобаллашув даври публицистик матнларида узлашма ва архаиклашган сузлар”, “Эркин Аъзамнинг публицистик матнда суз куллаш махорати”, “Публицистик матнлар сарлавхалари- нинг лисоний хусусиятлари”.

**2- йуналиш.** Лойиханинг мазкур йуналиши буйича амалга оширилиши лозим булган “Узбек тили услубшунослиги” укув кулланмасини 'ёзиш 2019 йилга мулжалланган.

**3- йуналиш буйича** - А, Б, В, Г, Д, Е, Ё, Ж, З, И, К, Л, М харфлари буйича лугат маколалари лотин ёзувига кучирилди. Бу лугат маколалари замонавий узбек адабиёти намуналари- дан, даврий матбуот материалларидан танлаб олинган янги сузлар ва иллюстратив мисоллар билан тулдирилди, тайёрланган материал дастлабки тахрирдан утказилди. Тупланган суз-

Хисобот даврида лойиха иштирокчилари томонидан 5 та китоб (2 та монография, 3 та дарслик ва кулланма), 44 та илмий макола (жумладан, хорижда 5 та) чоп этилган, халкаро ва республика микёсидаги илмий анжуманларда 21 марта маъруза килинди; радио ва телевидениедаги эшиттириш ва курсатувларда 20 марта чикиш килинди.

Мухокамада Ё. Одилов, Т. Мирзаев, И. Х,аккулов, Ж. Эшонкулов, Р. Баракаев, Н. Махмудовлар сузга чикиб, илмий лойиха буйича олиб борилаётган ишларнинг узбек ва жахон тилшунослигидаги урни, лойиха ижрочиларининг уз йуналишлари буйича илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилган етакчи тилшунослар эканлиги, бажарилган ишларнинг режа асосидалиги ва максадга мувофиклиги хакида га- пирдилар ва илмий лойиха буйича ишларни давом эттириш максадга мувофиклигини кайд этдилар.

**КАРОР КИЛИНДИ:**

1. ОТ-Ф1-78 «Хозирги глобаллашув даврида узбек тили, унинг тарихий тараккиёти ва истикболлари (вазифавий услуб- лар тахдили асосида)» илмий-тадкикот лойихаси юзасидан
2018 йилда бажарилган ишларнинг оралик хисоботи маъкул- лансин.

2. Мавзу буйича хисобот даврида 5 та китоб (2 та монография, 3 та дарслик ва кулланма), 44 та илмий макола (жумладан, хорижда 5 та) чоп этилган халкаро ва республика микёсидаги илмий анжуманларда 21 марта маъруза килингани радио ва теле- видениедаги эшиттириш ва курсатувларда 20 марта эшиттириш ва курсатувлар уюштирилгани кайд этилсин.

3. Илмий лойиха буйича ишларни давом эттириш максадга мувофик деб хисоблансин.

4. Хисобот Фанлар академияси ва Инновацион ривожла- ниш вазирлигига топширилсин.

**КЕНГАШ РАИСИ** **Н.М. МАХМУДОВ**
**ИЛМИЙ КОТИБ** **Ғ. М. ИСМОИЛОВ**

**А С Л И Г А**

**Т У Г Р И ИЛМИЙ** **Г.М.ИСМОИЛОВ**

## БИЛДИРИШНОМА, БИЛДИРИШ

Муайян муассаса (таркибий кием) рахбарига хизмат фаолияти билан алокадор мухим масалалар юзасидан ёки юкори идора, мансабдор шахсга бирон-бир вокеа ва ходиса хакида хабардор килиш зарурати тугилганда такдим этиладиган му- фассал ёзма ахборот. Унда, одатда, баён килинаётган масалалар буйича тузувчи (ёзувчи)нинг таклифлари акс этади.

Кимга йулланганига караб билдиришнома ички ва ташки турларга ажралади.

Ички билдиришнома рахбар шахе ёки булим мудири номига ёзилади. У тоза когоз варагига кулда ёки компьютерда ёзилиши мумкин. Бундай билдиришномалар муаллиф томонидан имзоланади. Ташки билдиришнома, яъни рахбар томонидан юкори идорага ёки мансабдор шахсга ёзиладиган билдиришнома, одатда, хос иш когозига икки нусхада ёзилади. Х,ужжатнинг иккинчи нусхаси муассасанинг узида колдирилади. Бундай билдиришнома рахбар томонидан имзоланади.

Билдиришнома ташаббус, ахборот ва хисобот хусусия- тига эга. Бу хусусиятлар хужжат матни сарлавхасидаёк уз аксини топади. Ташаббус билдиришномаси матнида тегишли масала юзасидан умумий ёки аник таклифлар илгари сурилиб, рахбарни уларни хал килишга ундайди (масалан, «Тошкент труба заводи» ККда мукофотлаш низомининг бузилганлиги хакида).

Ахборот билдиришномаси, одатда, рахбарга муайян жа- раённинг умумий холати тугрисида хабар беради. Масалан, Чиноз тумани Навоий номидаги фермер хужалигида чигит экишнинг бориши (2016 йил 10 апрелдаги холати) хакида.

Хисобот билдиришномаси маълум бир ишнинг тугал- ланиши хакида ёки бирон-бир курсатма, тавсия, режанинг ижроси тугрисида рахбарни хабардор килиши керак булади (масалан, УзР Фанлар академияси Тарих институтида янги то- пилган кулёзмаларни урганиш ишларининг бориши хакида).

***Маълумот-ахборот хужжатлари***

Муайян вазифа ёки мажбуриятларнинг бажарилиши хакидаги хисобот билдиришномаси амалиётда рапорт хам дейилади. Асли французча булиб, рус тили оркали бизга кирган бу сузнинг мукобили сифатида «БИЛДИРИШ» ата- масини куллаймиз '.

Билдиришноманинг зарурий кисмлари:

1. Билдиришнома йулланган рахбарнинг лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари хамда фамилияси жуналиш келишигида.

2. Билдиришнома тайёрлаган шахснинг лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари хамда фамилияси чикиш келишигида.

3. Матн сарлавхаси.

4. Хужжат турининг номи (Билдиришнома).

5. Билдиришнома матни (мазмуни).

6. Канча вараклиги курсатилган иловалар руйхати (агар иловалар булса).

7. Билдиришнома тайёрловчи ходим ёки рахбарнинг имзоси (агар бир неча шахе томонидан тайёрланган булса, у барча муаллифлар томонидан имзоланади).

8. Билдиришнома такдим этилган сана (муаллиф ёки муассаса рахбари томонидан билдиришнома имзоланаётган пайтда куйилади).

Юкоридагилардан куриниб турибдики, зарурий кисмлари ва ёзилиш шакли жихатидан билдиришномалар хизмат маълумотномаларига якин туради. Фарки шундаки, маълумотномаларда асосан талаб килинган, суралган вокеа-ходи- салар хакидагина ахборот берилади, билдиришномаларда эса вокеа-ходисаларни санаш билан бирга, уларни келтириб чикаргаи омиллар тахлил килинади ва тегишли хулосалар килиниб, таклифлар айтилади.

Билдиришнома тайёрлаётган шахснинг хулоса ва таклифлари аник, равшан ва ишонарли булмоги керак. Шунинг учун хам билдиришномаларда чикарилган хулосаларни

[1] 1990 йилда нашр этилган «Узбек тилида иш юритиш» кулланмасида ушбу хужжат «бидцирги» номи билан берилган эди. Утган йилларда амалиётда бу ном сингишмади. Шунинг учун муаллифлар «рапорт» терми- нини «билдириш» тарзида ифодалашни максадга мувофик деб топдилар.

тасдикловчи, вокеа-ходиеаларга, конунчилик курсатмалари- га, тегишли хужжатларнинг ракам ва санасига хамда баён этилган масалани бевосита муассаса мисолида урганиш ёки синаб куриш натижасида олинган бошка далилларга хаво- лалар килиниши зарур. Билдиришнома матни, асосан, икки кисмдан иборат. Биринчи кисмда унинг ёзилишига сабаб булган далиллар, вокеалар баён килиниши, иккинчи кисмида эса хулосалар ва аник иш-харакатлар хакидаги таклифлар акс этмоги зарур. Муаллифнинг фикрича, бундай иш-харакатлар баён килинган вокеалар муносабати билан юкори идора ёки мансабдор шахе томонидан бажарилиши керак.

Агар билдиришномада баён килинаётган маълумотлар аник бир сана ёки вакт оралигига тааллукди булса, худди маъ- лумотномадагидек, ушбу вакт матндан алохида зарурий кием сифатида ажратилиб, матн олдидан жойлаштирилади. Масалан «2017 йил 1 январдаги холатга кура» ёки «2018 йилнинг 1 январидан 1 сентябригача булган давр учун». Бу маълумотларни матн сарлавхасига кушиб юбориш хам мумкин. 1-4-илова- ларда билдиришнома намуналари, 5-иловада унинг бошка бир шакли, 6-7-иловаларда билдириш намуналари берилди.

***Билдиришнома намуналари***

***1-илова***

Тошкент лак-буёк заводининг директори
К^.Б.Каримовга
завод карамогидаги болалар оромгох,и-
нинг бошлиги JI. Комиловадан

БОЛАЛАР ОРОМГОХИ ЁТОК БИНОЛАРИНИНГ УМУМИЙ АДВОЛИ ХАКИДА
БИЛДИРИШНОМА

Сизнинг курсатмангизга биноан, мен техник-назоратчи С. Бакиров билан биргаликда шу йил 2012 йил 7-8 май кунлари завод карамогидаги болалар оромгохи ёток биноларини текшириб чикдим.

Барча ёток бинолари коникарли ахволда. Бирок 1-бинода дераза ойналарини урнатиш, 2-бинони кисман бууяш, 3-бинода эса эшикларни таъмирлаш зарур деб х,исоблайман.

Болалар оромгохи бошлиги (имзо) Л. Комилова 2012 йил 8 май

***2- илова***

«Сувсоз» ДУКнинг Шайхонтохур туман булими мудири
_________________га
«Чупонота» махалласи оксоколи
_________________дан

**БИЛДИРИШНОМА**

Сизнинг курсатмангизга биноан махдлламизнмнг Гулха- ний кучасида эскирган сув кувурлари 2017 йил октябригача ал- маштирилиши керак эди. Бирок бу ишнинг муддати сув утказув- чи кувурларнинг уз вактида ва етарлича келтирилмаганлиги окибатида кечикиб кетмовда. Гап бу ерда бор-йуги 50 метр сув утказувчи кувур устида кетяпти. Мазкур иш юзасидан зарурий чора куришингизни сурайман.

Махдпла оксоколи (имзо) (И.О.Ф.)
2017 йил 29 ноябрь

***3- илова***

«Узавтотранс» давлат акциядорлик корпорациясига карашли 4-автосозлаш корхонасининг бошлиги СД-Курбоновга
корхона бош техниги М. Дадабоевдан

**БИЛДИРИШНОМА**

Корхона томонидан созланган автомашиналарни шу ернинг узида текшириш ва назорат синовини утказиш бир канча созлов- чи-слесарлар ва хайдовчиларнинг белгиланган вактдан кейин хам бироз муддат колиб ишлашини такозо этмокда. Бирок биз белгиланган вактдан ташкари бажарилган ишларни хдсоб були- мида расмийлаштиришда кийинчиликларга дуч келмокдамиз.

Сиздан ушбу масалани ижобий хал этишни сурайман.

Корхона бош
техниги (имзо) М. Дадабоев
2017 йил 16 апрель

***Билдиришнома***

***4-илова***

«Узфармсаноат» давлат акциядорлик концерни раиси М.Н.Рахматовга

маъмурий-хужалик булимидаН

**БИЛДИРИШНОМА**

Узбекистон кимё саноати корхоналари уюшмаси «Узкимё-саноати» раисининг 2017 йил 4 июндаги 56-фармойишига асосан концерннинг шу йилнинг биринчи ярмидаги фаолияти хакида материаллар тайёрланди.

Ахборот-маълумот материаллари микдорининг нихоятда куплнги, шунингдек, концерн ихтиёридаги хисоблаш марказининг тула кувват билан ишламаётгани туфайли топширилган вазифани сифатли бажариш учун бошкд хисоблаш марказларини жалб килиш зарурати пайдо булди. ТДИУ хузуридаги Узбекистон иктисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий-тадкикот маркази ана шу ишни амалга ошира олади.

Мазкур масалани марказ билан келишган холда ижобий хал килишингизни сурайман

Булим мудири (имзо) М.Холматов

2017 йил 16 июнь

Юкорида келтирилган билдиришнома намуналарининг деярли барчаси ариза шаклига ухшаш. Билдиришноманинг яна бир шакли хам борки, унда таркибий кисмларнинг жой- лашиши бироз бошкачарок. Бундай билдиришномаларда муассаса, таркибий булинма номи, хужжат номи, унинг ёзи- лиш санаси хамда матн сарлавхаси когоз варагининг юкори чап бурчагига ёзилади, билдиришнома йулланаётган шахе номи уз урнида, яъни варакнинг юкори унг бурчагига ёзилади (5-иловага каранг).

***Маълумот-ахборот хужжатлари***

***Билдиришнома шакли*** **5-илова**

| | |
|---|---|
| Мирзо Улугбек номидаги | Декан зфинбосари |
| Узбекистон Миллий университета | А.Рахимовга |
| 2019 йил 5 ноябрь | |
| Кафедрага методик ёрдам | |
| курсатиш хакида | |
| Б И Л Д И Р И Ш Н О М А | |
| Билдиришнома матни (унинг ёзилиш сабаблари, хулосалар, талаб ва таклифлар). | |
| Илова: (агар зарур булса) | |
| Кафедра мудири (имзо) | И.Ахмадхужаев |

Агар билдиришнома мантикан ва мазмунан тугри, ишонарли далил ва исботлар билан ёзилса, унинг х,ар иккала шаклидан хам фойдаланиш мумкин.

***6-илова***

«Учкун» фермер хужалиги рахбари
О.Иулчиевадан Туман фермерлар
уюшмаси раиси М.Аноркуловга

Б И Л Д И Р И Ш Фермер хужалигимиз пахта йигим-терими мажбуриятларини 28 октябрда, муддатидан 10 кун илгари бажарди. Давлатга 20 минг тонна пахта топширилди, хосилнинг 95 фоизи биринчи навга кабул килинди. Мавсум охиригача фермер хужалигимиз кучи билан яна 4 тонна пахта топшириш мажбуриятини оламиз.

Фермер хужалиги раиси (имзо) М.Аноркулов
2018 йил 28 октябрь

***Билдиришнома***

***7-илова***

ТДТУ Энергетика факультета декани
Ж.Тошевга Тиллар (узбек ва рус)
кафедраси укдгувчиси
А.Саидномановдан

Б И Л Д И Р И Ш

2020 йил 18 март туртинчи жуфтлик 13:20 да буладиган узбек тили дарсига 167-19 гурух талабаларидан беш нафари: ( т а л а б а л а р н и н г ф а м и л и я с и , и с м и в а о т а и с м лари) келмаганлигини маълум киламан.

2020 йил 18 март (имзо)
А.Саидноманов

## ВАСИЯТНОМА

Васиятнома бир шахснинг (васият килувчининг), у вафот килган такдирда, узига кдрашли булган мол-мулкни тасарруф этиш буйича хохиш-иродаси баён килинган хуж- жатдир. У муайян андоза буйича тузилиши, белгиланган талабларга (васият килувчининг хукукий муомала лаёкати, фармойишнинг конунийлиги, васият килувчи томонидан узининг сунгги хохиш-иродасини баён килиш эркинлиги) жавоб бериши керак.

Васиятнома буйича хар кандай шахе (жумладан, конунда белгиланган меросхурлар доирасига кирмайдиган шахслар хам), шунингдек, давлат, жамоат, кооператив ташкилотлари меросхур булиши мумкин. Васият килувчи уз мол-мулкини (унинг бир кисмини) бир ёки бир неча меросхурга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фукароларнинг узини узи бошкариш идораларига васият килиш хукукига эга. У, шунингдек, васиятномада улимидан сунг уни кайси кабристонга кумиш, ёдгорлик куйиш ёки куймаслик, кандай маросимлар утказиш хакида ва шунга ухшаш фармойишлар бериш хукукига эга.

Васият килувчи ёки мерос колдирувчи васиятнома ту- зилганидан кейин уни истаган пайтда бекор килиш ва узгартириш борасида эркин булиб, бунда у бекор килиш ёки узгартириш сабабларини к}фсатишга мажбур эмас.

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1124- 1133-моддаларида васиятнома, унинг шакли ва ёзилиш услуби, турлари, уни бекор килиш ва узгартириш, васиятнома билан боглик бошка холатлар батафеил курсатиб берилган.

Васиятнома, одатда, ёзилган жойи ва вакти курсатилган холда ёзма шаклда тузилиши лозим. Куйидаги васиятно- малар ёзма шаклда тузилган хисобланади: а) нотариал тас- дикланган васиятномалар; б) нотариал тасдикданган васи- ятномаларга тенглаштирилган васиятномалар.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият килувчининг уз кули билан имзоланиши керак. Агар васият килувчи бирон-бир жисмоний нуксони, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли ва- сиятномани уз кули билан имзолай олмаса, унинг илтимоси- га биноан, нотариус ёки конунга мувофик васиятномани тас- диклайдиган бошка шахе хозир булганида, васият килувчи уз кули билан имзолай олмаганлигининг сабаблари к)фсатилган холда, васиятномага бошка шахе имзо куйиши мумкин. Лекин нотариус ёки васиятномани тасдикловчи бошка шахе, васи- ятномадан манфаатдор шахслар ва уларнинг оила аъзолари, васият килувчининг конуний меросхурлари, тулик муомала лаёкатига эга булмаган фукаролар, васиятномани укий олмай- диган бошка шахслар, ёлгон гувохлик бергани учун илгари судланган шахслар васиятномага имзо куйиши мумкин эмас.

Нотариал тасдикланган васиятнома васият килувчи томонидан ёзилган ёки унинг сузларидан нотариус томонидан ёзиб олинган булиши керак. Васиятномани кейинги холатда ёзиб олиш пайтида умумий кабул килинган техника восита- ларидан фойдаланиш мумкин.

Васият килувчининг сузларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият килувчи унинг матнини нотариус олдида тулик укиб чикиши лозим. Агар васият килувчи айрим объектив сабабларга кура васиятномани шахеан укий олмаса, унинг матни васият ки- лувчига нотариус томонидан укиб эшиттирилади, бу холат васиятномада тегишлича кайд этилади.

Васият килувчининг хохишига кура, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чикилмасдан (махфий васиятнома) тасдикланади. Махфий васиятномани васият килувчи хакикий саналмаслик хавфи (эхтимоли) бор- лигидан уз кули билан ёзиши ва имзолаши керак. Васиятнома икки гувох ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланиши лозим. Гувохлар, фамилия, исми ва отаисмлари доимий тураржойларини курсатган холда, хатжилдга имзо куядилар. Ушбу хатжилд гувохлар ва нотариус иштирокида бошка хатжилдга солинади ва бу хатжилд хам елимланиб, нотариус унга тасдиклаш устхатини ёзиб куяди.

1-6-иловаларда нотариал тасдикланган васиятнома намуналари келтирилди.

***Нотариал тасдикланган васиятнома намуналари***

***1-илова***

**ВАСИЯТНОМА**

Фаргона вилояти Кува шахри, икки минг ун саккизинчи йил-нинг йигирма учинчи апрель куни

Мен, Кува шахар Фаргоний кучаси 158-уйда яшовчи Содик Собирович Икромов, вафотим олдидан ушбу васиятнома оркали куйидаги топширикии бераман:

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли булган барча мол-мулкимни, жумладан, Кува шахар Фаргоний кучасидаги 54- ракамли ховли-жойимни, унинг нималардан иборат эканли- гидан ва каерда жойлашганлигидан катъи назар, кизим, Назира Содиковна Абдукаримовага васият килиб коддираман.

2. Менга Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси- даги 1142-модданинг мазмуни, яъни меросдан мажбурий улуш олиш хукукига эга булган меросхурлар хакида нотариус томонидан тушунтириш берилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилиб имзоланди: уларнинг бири саклаш учун Кува шахар давлат нотариал идорасида колдирилди, иккинчиси васият килувчи С.С.Икромовга берилди.

(Имзо) С.С.Икромов

Васиятномадаги тасдикловчи ёзув (устхат)

Ушбу васиятномани 2018 йил 23 апрель куни мен, Фаргона вилояти Кува шахар давлат нотариал идорасининг давлат нота-риуси Абдусаттор Абдукаххорович Мамадалиев, фукаро Собир Содикович Икромовнинг хохиш-иродасига биноан ва амалдаги конунларга риоя килган холда тасдикладим.

Васиятнома фукаро Собир Содикович Икромов томонидан менинг хузуримда имзоланди. Васият килувчининг шахси аникланди, муомалага лаёкатлилиги текширилди, ушбу нотариал харакатни амалга ошириш чогида унинг муомалага лаёкатлилиги тугрисида бирон-бир шубха тугилмади.

Руйхат (реестр)га 1234 раками билан кайд этилди, 62060 сум мивдорида давлат божи олинди.

Давлат нотариуси (имзо) А.А.Мамадалиев
Мухр

***2-илова***

ВАСИЯТНОМА

Фаргона вилояти Маргилон шахри, икки минг ун саккизин- чи йилнинг ун саккизинчи июль куни.

Мен, Фаргона вилояти Маргилон шахдр Увайсий кучасидаги 212-уйда яшовчи Солижон Олимович Гафуров, ушбу васиятно- мам оркали куйидаги топширикни бераман:

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли булган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигидан ва каерда жой-лашганлигидан катъи назар, жиянларим Эркин Обидович Гафуров ва Эргаш Обидович Гафуровларнинг хар иккалаларига тенг хдссада васият килиб колдираман.
2. Уларга менга тегишли булган кутубхонани (узим йиккан китобларни) Маргилон шахридаги 45-умумий урта таълим мак-табига топшириш мажбуриятини юклайман.
3. Менга Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексидаги 1142-модданинг мазмуни, яъни меросдан мажбурий улуш олиш хукукига эга булган меросхурлар хакида нотариус томонидан ту-шунтириш берилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилди ва имзоланди: улар-нинг бири саклаш учун Маргилон шахар давлат нотариал идора-сида колдирилди, иккинчиси эса васият килувчи Солижон Оли-мович Гафуровга берилди.

(имзо) С.О.Гофуров

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви)

***3-илова***

ВАСИЯТНОМА

Тошкент вилояти Бекобод шахри, икки минг ун саккизинчи йилнинг йигирма иккинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти Бекобод шахар Гулистон кучасидаги 24-уйда яшовчи Мирзакарим Мирзарах,имович Х,амидов, ушбу васиятнома оркали куйидаги топширикни бераман:

1. Менга тегишли булган мол-мулкимдан Бекобод шахар Гулистон кучасидаги 24-ракамли ховли-жойимни углим Мирза-али Мирзакаримович Х,амидовга, Тошкент вилоят ДАН Бекобод тумани руйхатлаш ва имтихон олиш булимида 1998 йилнинг 17 апрелидан руйхатда турувчи ВЕ серияли 943934 ракамли техник паспорт буйича менга тегишли NEXIA русумдаги ок рангли, давлат ракамли белгиси 01А917GA булган автомашинамни углим Мирзавали Мирзакаримович Хдмидовга васият килиб колдираман.

2. Менга Узбекистон Республикаси Фукаролик кодекси- даги 1142-модданинг мазмуни, яъни меросдан мажбурий улуш олиш хукукига эга булган меросхурлар хакида нотариус томонидан тушунтириш берилади.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилди ва имзоланди: улар-нинг бир нусхаси саклаш учун Бекобод шахар давлат нотариал идорасида колдирилди, иккинчиси эса васият килувчи Мирзака-рим Мирзарахимович Хдмидовга берилди.

(Имзо) М.М.Хамидов
(Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви)

***4-илова***

**ВАСИЯТНОМА**

Тошкент вилояти Бекобод шахри, икки минг ун саккизинчи йилнинг йигирма туккизинчи май куни

Мен, Тошкент вилояти Бекобод шахар Гулистон кучасидаги 24- уйда яшовчи Мирзакарим Мирзарахимович Хамидов, ушбу васиятнома оркали куйидаги топширикни бераман:

1. Менга тегишли мол-мулкимдан Бекобод шахар Гулистон кучасидаги 24-ракамли х,овли-жойимни угилларим Мирзаали Мирзакаримович Хамидов ва Мирзавали Мирзакаримович Ха-мидовларнинг хар иккалаларига тенг хиссада васият килиб колдираман.

2. Менинг вафотим олдидан менга тегишли булган бошка барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигидан ва каер- да жойлашганлигидан катьи назар, кизим Мукаддас Мирзакари- мовна Мухдмедовага васият килиб колдираман.

3. Мен курсатган меросхурлардан бирортаси вафот эт- ган ёки меросни кабул килмаган такдирда, у(лар)нинг х,исса- сини набирам Мирзапулат Мирзаалиевич Х,амидовга утиши кераклигини васият киламан.

4. Менга Узбекистон Республикаси Фукаролик кодек- сидаги 1142-модданинг мазмуни, яъни меросдан мажбурий улуш олиш х,укукига эга булган меросхурлар хакида нотариус томонидан тушунтириш берилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилди ва имзоланди: уларнинг бир нусхаси саклаш учун Бекобод шахар давлат нотариал идорасида колдирилди, иккинчи нусхаси васият килувчи Мирзакарим Мирзарахимович Х,амидовга берилди.

(Имзо) М.М.^амидов _________________________(

*5-илова*

## ВАСИЯТНОМА

Фаргона вилояти Кува шахри, икки минг ***ун*** саккизинчи йилнинг йигирма саккизинчи апрель куни

Мен, Фаргона вилояти Кува шахар Фаргоний кучасидаги 158-уйда яшовчи Содик Собирович Икромов, ушбу васиятнома оркали куйидаги топширикни бераман:

1. Менинг вафотим олдидан менга тегишли булган барча мол-мулкимни, унинг нималардан иборатлигидан ва ка- ерда жойлашганлигидан катьи назар, шунингдек, хотиним Санобар Каримовна Икромова билан биргаликдаги никохи- миз даврида орттирган ва унинг номига расмийлаштирилган,

юкорида курсатилган манзилда жойлашган х,овли-жойнинг менга тегишли булган 1/3 кисмини кизим Назира Содиковна Абдукаримовага васият килиб колдираман.

2. Менга Узбекистон Республикаси Фукаролик кодек- сидаги 1142-модданинг мазмуни, яъни меросдан мажбурий улуш олиш хукукига эга булган меросхурлар х,акида нотариус томонидан тушунтириш берилди.

3. Саводсизлигим туфайли илтимосимга кура васиятномани менинг урнимга К^ува шахар Олтинтепа кучасидаги 14-уйда яшовчи Шухрат Муминович Жабборов имзолайди. Васиятнома матни менга овоз чикариб укиб эшиттирилди.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилди ва имзоланди: бир нусхаси саклаш учун Кува шахдр давлат нотариал идорасида колдирилди, иккинчи нусхаси васият килувчи Содик Собирович Икромовга берилди.

(Имзо) С.С.Икромов урнига Ш.М.Жабборов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзуви)

<u>Нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглатптирил- ган васиятномалар.</u> Узбекистон Республикаси «Нотариат тугрисидаги» конунининг 26-модцасига хамда Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 1126-модцасига биноан, нотариус булмаган жойларда ва холларда куйидагилар нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар хисобланади:

- касалхоналар, госпиталлар, бошка стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки кариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фукароларнинг ана шу касалхоналар, госпиталлар, бошка даволаш муассасаларининг бош врачла- ри, уларнинг даволаш ишлари буйича )финбосарлари ёки нав- батчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошликлари, кариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

- фукароларнинг Узбекистон Республикаси байроги ости- даги кемаларда еузиб юрган вактида ана шу кемаларнинг ка- питанлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

- кидирув экспедициялари ва шу каби бошка экспедиция-лардаги фукароларнинг ана шу экспедициялар бошликлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

- харбий хизматчиларнинг, нотариуслар булмаган ерларда жойлашган харбий кисмларда эса, бу кисмларда ишлаётган харбий булмаган фукаролар, уларнинг оила аъзолари ва харбий хизматчилар оила аъзоларининг хам харбий кисмларнинг командирлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

- озодликдан махрум этиш жойларида ёки камокда сакланаётган шахсларнинг тегишли муассасалар бошликлари томонидан тасдикланган васиятномалари;

- нотариус булмаган ахоли масканларида яшаётган шахсларнинг конунга мувофик нотариал харакатларни амалга ошириш хукукига эга булган мансабдор шахслар томонидан тасдикланган васиятномалари.

Юкорида айтиб утилганидек, васият килувчи исталган вактда уз васиятномасини тулалигича бекор килишга ёхуд унда мавжуд булган айрим васият фармойишларини янги васиятнома тузиш оркали бекор килишга, узгартиришга ёки тулдиришга хакди.

Васиятнома васият килувчи томонидан ёки васият килувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёки бошка мансабдор шахе томонидан унинг барча нусхаларини йук килиб ташлаш йули билан бекор килиниши мумкин.

Янги васиятнома тузиш оркали олдин тузилган васиятнома тулалигича ёки унинг кейинги васиятномага зид кисми бекор килинади.

Нотариус, васиятномани тасдикловчи бошка мансабдор шахе, шунингдек, васият килувчининг урнига васиятномани имзолаган фукаро мерос очилгунга кадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор килиниши ёки узгартири- лишига дахлдор маълумотларни ошкор килишга хакли эмас.

Васиятнома билан боглик бошка бир катор хукукий жихатлар, хусусан, васиятни талкин килиш, васиятнома-

нинг хаки кий эмаслиги, васиятномани ижро этиш, васият мажбурияти ва бошкалар хусусида тухталиб утирма- дик, чунки бундай холатлар УзР Фукаролик кодексининг 1129-1133-моддаларида батафсил ёритилган. 6-иловада нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятнома намунаси келтирилди.

***Нотариал тасдикланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятнома намунаси***

***6-илова***

## ВАСИЯТНОМА

Тошкенг шахри, икки минг ун саккизинчи йилнинг йигирма еттинчи ноябрь куни

Мен, Тошкент шахар Катортол кучасидаги 80-уй, 15-хона-донда яшовчи ва Тошкент шахридаги Онкология ва радиология илмий-тадкикот института клиникасида даволанувчи Насим Икромович Кодиров, ушбу васиятнома оркали куйидаги топши-рикни бераман:

Тошкент шахридаги 007/1320 ракамли омонат кассасида 3456 хисобраками билан сакланаётган жамгармани барча хисоб- ланган фоизлари билан биргаликда углим, Латиф Насимович Кодировга васият килиб колдираман.

Ушбу васиятнома икки нусхада тузилди ва имзоланди. Бир нусхаси саклаш учун васият килувчининг доимий яшаш жойи буйича Чилонзор давлат нотариал идорасига жунатилди, иккинчи нусхаси васият килувчи Насим Икромович Крдировга берилди.

(Имзо) Н.И.Кодиров

(Даволаш муассасасининг тасдикловчи ёзуви ва мухри)

## ДАЛОЛАТНОМА

Муассаса ёки айрим шахслар фаолияти билан боглик бирон-бир булиб утган (содир булган) вокеа, ходиса, иш-хара- катни ёки мавжуд холатни тасдиклаш, унга гувохдик бериш максадида бир неча киши томонидан тузилган хужжат. Далолатнома тузишда хилма-хил максадлар кузланади, лекин уни тузишдан асосий максад содир булган вокеа-ходисалар- ни ёки мавжуд холатни конуний-хукукий жихатдан исботлаш ёки тасдиклашдир. Бир канча холларда далолатнома тузиш махсус хукукий меъёрлар билан катьий белгиланган. Масалан, корхоналарнинг хисоб-китоб булимлари фаолиятида да- лолатномалар аввалдан белгиланган мазмун ва даврийликка асосан тузилади ва хукукий жихатдан мухим урин тутади.

Далолатнома деярли барча холларда пул маблаглари ва моддий бойликларга боглик тузилади (хатто бахтсиз ходиса ёки табиий офат хакидаги далолатнома асосида хам моддий масала бор), бинобарин, у купрок тадбиркорлик, молия-ху- жалик фаолиятида, хисоб-китоб, олди-сотди ва савдо сохала- рида кенг кулланади.

Далолатномалар тегишли тафтиш **утказилгандан** кейин, рахбарлик алмашинаётганда, моддий бойликларни бир ху- сусий ёки юридик шахсдан иккинчисига утказишда, куриб тугалланган иншоотларни кабул килишдан олдин ва кейин, машина ва ускуналарнинг янги нусхаларини синовдан утказиш чогида, кимматдор буюмларни хисобдан утказиш ёки хисобдан чикаришда, товарларни микдор ва сифат буйича кабул килиб олишда, бахтсиз ходисалар ёки табиий офатлар окибатларини текширишда, суд-тергов ишлари ва тиббиёт сохасида, ходимларнинг моддий, яшаш шароитларини ур- ганишда ва бошка холларда тузилади.

Молиявий фаолият ва савдо-тижорат сохаларида тузиладиган далолатномалар тасдиклаш (камомад ёки нуксонлар

булмаган холларда) ёки айблаш (пул камомади ёки моддий бойликлар етишмаслиги аникланганда) учун хамда тегишли (кайд этувчи, рагбатлантирувчи, жазоловчи) буйруклар эълон килиш учун асос булади.

Аксар холларда далолатнома олдиндан белгиланган кои- давий намуна асосида тузилади.

Далолатномалар вокеа-ходисаларни хакконий акс этги- риш максадида бир неча шахслар (муассаса рахбарининг буй- руги билан комиссиялар, доимий комиссиялар) ёки махсус ваколатли якка шахе (тафтишчи, назоратчи) томонидан тузилади. Кейинги холатда ва, умуман, далолатнома якка шахе томонидан тузил ганда, гувохдарнинг иштирок этиши ва имзоси булмоги шарт. Айрим холларда далолатномалар вокеа-ходи- санинг катнашчилари ёки унга гувох булган кишиларнинг ташаббуси билан хам тузилади.

Далолатноманинг зарурий кисмлари:

1. Идора, муассаса ва таркибий булинма номи.
2. Тузилган санаси ва жойи.
3. Тартиб раками ва тасдак белгиси (зарур холларда).
4. Матн сарлавхаси.
5. Хужжат тури номи (Далолатнома).
6. Хужжатни тузиш учун асос (муассаса рахбарининг буй- руги, идоранинг карори ёки курсатмаси кабилар).
7. Комиссия таркиби (раиси ва аъзолар).
8. Иштирок этувчилар (гувохлар).
9. Далолатнома матни.
10. Иловалар (хар бир илованинг нечабетлиги курсатилади).
11. Тузган ва иштирок этганларнинг имзолари.
12. Ижро хакидаги белги.

Хар бир далолатноманинг ушбу зарурий таркибий кисмлари каторига айрим холларда бошка маълумотларни хам кушиш мумкин. Чунончи, ишни кабул килиш-топшириш чогида тузиладиган далолатномаларда ходимлар томонидан топширилаётган кимматдор буюмлар, хужжатлар санаб ути- лади (иловалар тарзида), топшириш вактидаги иш ахволига бахо берилади, бажарилмаган ишлар кайд этилади ва хоказо.

***Далолатнома шакли***

***1-илова***

Вазирлик, юкори идора, ТАСДИКДАЙМАН
муассаса номи ТАСДИКЛАНГАН

МАТН САРЛАВХ.АСИ («.................... ХАКИДА»)
ДАЛОЛАТНОМА

сана
тузилган жойи

Асос: (муассаса рахбарининг (санадаги) - ракамли
буйруги ёки юкори идоранинг - ракамли карори)

Раиси (шахе лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси)

Аъзолари: 1. (лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси)
2. (лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси)
3. (лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси)дан иборат комиссия томонидан (шахе ёки шахслар лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилияси) иштирокида тузилди.

МАТН

Иловалар

Комиссия раиси (имзо) Исми ва отаисмларининг бош харфлари, фамилия

Комиссия аъзолари (имзолар) Исми ва отаисмларининг бош харфлари, фамилия

Иштирок этганлар (имзолар) Исми ва отаисмларининг бош харфлари, фамилия

Далолатноманинг мазкур шакли умумий холатни акс эт- тиради. Бирок баъзи холларда зарурий кисмларнинг урни бонщачарок булиши хам мумкин. Чунончи, хужжат номи варак зфтасида, тузилган санаси хужжат номи остида чап томонда, тузилган жойи эса унг томонда ёзилиши мумкин.

Далолатнома матнининг сарлавхаси урганилаётган ва кайд этилаётган вокеа-ходисанинг ёки холатнинг мазмунидан келиб чикиб куйилиши керак.

Масалан: ***Институт кадрлар булимида хужжатларнинг сацланиш ахволи хщида.***

Матн сарлавхаси ***«..„хацида»*** шаклида булиши хам, шунингдек, бош келишикда («.. ***.хужжатларнинг сацланиш ахволи»)*** булиши хам мумкин.

Далолатнома матни мураккаб тузилишга эга булиб, кириш ва таъкид (кайд, тасдик) кисмларидан ташкил топади.

Кириш кисми куйидаги таркибга эга: ***асос*** (далолатнома юкори идораларнинг меъёрий хужжатлари ёки муассаса рахбарининг ёзма буйругига асосан тузилади; иштирокчи- ларнинг шахсий ташаббусига кура тузиладиган далолатно- маларда бу кием булмаслиги мумкин); ***тузилди*** (ким томонидан - якка, хусусий шахсми ёки комиссиями); ***иштирок этганлар*** (асосий тузувчилардан тапщари гувох сифатида хозир булганлар ёки таклиф этилганлар). Далолатнома ту- зишда катнашган шахсларни санаганда, уларнинг лавозими, исми ва отаисмининг бош харфлари, фамилиялари к)фсати- лади. Агар далолатнома комиссия томонидан тузилса, би- ринчи булиб комиссия раиси, кейин шу тартибда комиссия аъзолари курсатилади. Комиссия аъзоларининг фамилиялари, шунингдек, иштирокчиларнинг фамилиялари, одатда, алифбо тартибида ёзилади.

Далолатноманинг таъкид кисмида комиссия томонидан амалга оширилган ишларнинг максад ва вазифалари, мохи-

ят ва хусусиятлари баён этилади, ишни амалга оширишга асос булган хужжатлар к>фсатиб утилади, аникланган холатлар кайд этилади. Зарурий холларда далолатноманинг таъкид кисмида аникланган холатлар юзасидан хулосалар ва таклифлар килинади.

Далолатнома матни сунгида унинг неча нусхалиги курсатилади. Далолатнома, одатда, уч нусхада тузилиб, бирин- чиси - юкори идорага, иккинчиси - муассаса рахбарига жунатилади, учинчиси эса хужжатлар йигмажилдига солиб куйиш учун топширилади. Шуни хам айтиш керакки, далолатнома нусхаларининг микдори манфаатдор томонларнинг сони ёки ушбу хужжатни тузишни маълум тартибга солувчи меъёрий хужжатлар курсатмасига богликдир. Далолатноманинг неча нусхалиги хакидаги маълумот асосий матн билан иловалар (агар бор булса) ёки имзолар оралигида жойлаштирилади. Далолатномага иловалар булган такдирда, улар далолатнома нусхалари хакидаги маълумотдан сунг, имзолардан аввал жойлаштирилади.

Далолатнома содир булган вокеа-ходисаларни аник- лашда ва мавжуд холатларни тасдиклашда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Бунда хужжат ту- зувчилар ёки тузишда иштирок этганларнинг лавозимлари кайта курсатилмайди. Далолатномага аввал комиссия раиси, кейин аъзолари, энг охирида уни тузишда иштирок этган- лар имзо куяди. Комиссия аъзоларининг фамилиялари хам, иштирокчиларнинг фамилиялари хам алифбо тартибида кел- тирилади. Имзолар тик ёки буйлама тартиб билан куйилади.

Тузувчилардан бирортаси далолатнома мазмунига ёки унинг бирор бандига кушилмаган чогда, бу хакда имзолардан сунг эслатиб утилади. Агар билдирилган эътироз хажми куп булмаса, далолатноманинг узида, имзолардан

кейин ёзиб куйилади. Акс холда, комиссия аъзо си уз эъти- розини алохида варакка ёзиб беради ва у далолатномага илова килинади.

Далолатнома оддий бичимдаги варакда ёки умумий босма иш когозида расмийлаштирилиши мумкин. У оддий варакда тузилганда, туртбурчак мухрни куллаш максадга мувофикдир, чунки бир канча доимий зарурий кисмлар ана шу мухрда акс этиши мумкин.

Далолатнома тузилгандан кейин комиссия вокеалар- га алокадор ва номи курсатилган шахсларни хужжатнинг мазмуни билан таништириши ва бу хавда улардан тасдик ёки гувохлик имзосини олиши керак.

Юкорида айтганимиздек, далолатномалар турли хил вокеа ва холатлар муносабати билан тузилади, биноба- рин, уларнинг хиллари, мазмуни ва шаклий тузилиши хам бир-биридан узаро фаркланади. Куйида улардан баъзила- рини куриб утамиз.

Рахбарлар, моддий жихатдан масъул ходимларнинг алмашинуви вактида тузиладиган ишни топшириш-кабул килиш далолатномаларида муассаса фаолияти ахволини аник курсатувчи куйидаги асосий маълумотлар камраб олиниши керак: рахбарлар алмашувида - режадаги ишларнинг асосий ишлаб чикариш курсаткичлари буйича бажарилиши, молиявий ва бошка сифат курсаткичлари (даромад, самарадорлик, сарф-харажат микдори ва б.), шартномаларнинг бажарилиши хакидаги маълумотлар, кадрлар билан тулдириш, мехнатга хак тулаш фондидан фойдаланиш, хисоб булимидаги ишлар ахволи, иш юритиш ва архивнинг ахволи ва бошкалар. Бош ёки катта хисобчи алмашувида - асосан, хисоб булими фаолияти атрофлича камраб олинади; кадрлар булими бошлиги алмашувида эса, асосан, ходимлар иш фаолияти билан боглик ва кадрлар булимида сакланувчи барча хужжатларнинг умумий ахволи урганилади.

*Далолатнома*

Ишни топшириш-кабул килиш далолатномаларининг зарурий кисмлари юкорида курсатилганидан деярли фарк килмайди. Унинг «Имзолар» кисмида комиссия аъзолари, иштирокчилар билан бирга ишни топширувчининг хамда кабул килувчининг имзолари хам булади.

Кадрлар буйича нозирнинг ишни топшириши хакида тузиладиган далолатнома намунасини келтирамиз:

***2-илова***

Тошкент давлат худудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси давлат кориорацияси «Тошшахарнур» давлат унитар корхонаси

ТАСДИКЛАЙМАН
Бошкарув раиси
(имзо) С. Ганиева 2018 йил 16 сентябрь

КАДРЛАР БУЙИЧА НОЗИРНИНГ ИШНИ ТОПШИРИШИ ХАКИДАГИ ДАЛОЛАТНОМАСИ

2018 йил 16 сентябрь Тошкент ш.

Асос: Бирлашма раисининг 2018 йил 12 сентябрдаги 112-ракамли буйруги.

«Тошшахарнур» ДУКнинг собик кадрлар буйича нози- ри С.В.Даминова ва янги тайинланган кадрлар буйича нозири Р.А.Салимовалар томонидан, мех,натни ташкил килиш булимининг бошлиги Р.Шарипов ва иш юритувчи РХ-Олимовлар иштирокида тузилди.

Корхонанинг кадрлар буйича назоратчиси лавозимида ишловчи С.В.Даминова ишни топширди, Р.А.Салимова кабул килиб олди. Ишни топшириш-кабул килиб олишда куйидагилар аникданди:

1. Корхона ходимларининг барча шахсий хужжатлари ва картотека (хам умумий, хам харбий мажбурлар учун) батартиб ва бус-бутун холатда.

2. 2016 йилгача булган шахсий хужжатлар корхона архиви- га топширилган; 2016-2018 йиллар хужжатлари бирлаштириб тикилмаган, алохида жилдларда турибди.

Кабул килиб олинган нарсалар:

1) корхонада ишловчи 126 ходимнинг шахсий х,ужжатлари (руйхат илова килинди);

2) 2 та картотека;

3) 2016 - 2018 йиллар учун 76 хужжат (руйхат илова ки- линди);

4) архивга топширилган хужжатларнинг руйхати;

5) «Тошшахарнур» ДУК «Кадрлар булими» ёзувлари акс этгирилган мухр.

Илова: Корхонада ишлаётган ходимларнинг шахсий
хужжатлари руйхати: 8 бет, 2 нусха.

2016-2018 йиллардаги хужжатлар руйхати: 4 бет, 2 нусха. 3

нусхада тузилди:

1- нусха - корхонанинг кадрлар буйича назоратчисига.

2- нусха - бирлашма кадрлар булимига

| | | |
|---|---|---|
| Ишни топширдим | (имзо) | С.В.Даминова |
| Ишни кабул килиб олдим (имзо) | | Р. А.Салимова |
| Иштирок этганлар | (имзо) | РДОлимов |
| | (имзо) | Р. Шарипов |

Молиявий-хужалик фаолиятини тафтиш этиш далолатномаси, одатда, тафтиш утказган бир шахе (тафтишчи, назоратчи) томонидан тузилади. Бундай далолатномалар- нинг зарурий кисмлари юкорида тафсифланган умумий тусдаги далолатномаларникидан деярли фарк килмайди. Бунда тузувчи ва иштирокчилардан таищари, фаолияти текширилган шахслар хам далолатномага имзо куяди.

Далолатномада мазмунни баён килиш услубида кескин ибораларни кулламаслик («угрилик билан шугулланган», «узлаштириб юборган» каби) керак. Бундай уринларда «камомад аникланди» деб ёзиб, суммаси курсатилади, лекин камомаднинг келиб чикиш сабаби курсатилмаса

хдм булади. Шу билан бирга, харидор, мижоз хакига метрда, тарозида ва бошкаларда улчашда, хисоблашда хиёнат килиш юзасидан аникланган холатларни, уларнинг мохиятини ойдинлаштирган холда (ишончсиз асбобларни, тегишли (алокадор) булмаган ёрликларни ишлатиш) кайд килмок зарур. Изохталаб сузларни (масалан, ***оз, ком, куп; анча*** каби) куллаш тавсия этилмайди.

***Молиявий-хужалик фаолиятини текшириш, тафтиш цилиш юзасидан тузиладиган далолатнома намунаси***

***3-илова***

| | |
|---|---|
| УзР Согликни саклаш | ТАСДИКЛАИМАН |
| вазирлиги | Чиноз туман 2-касапхонасининг |
| Тошкент вилояти Чиноз | бош шифокори |
| тумани Согликни | (имзо) _____ Э.А.Содиков |
| саклаш булими | 2019 йил 22 сентябрь |

ЧИНОЗ ТУМАН 2-КАСАЛХОНАСИДАГИ
ЮМШОК ЖИХ,ОЗЛАРНИ ТАФТИШ КИЛИШ
ХДКИДА Д А Л О Л А Т Н О М А

2019 йил 21 сентябрь Чиноз шахри

Мен, Узбекистон Республикаси Согликни саклаш вазирлигининг хисобчи-тафтишчиси Кодир Салимович Рахимов, Вазирликнинг 2019 йил 12 сентябрдаги 453-ракамли буйруги асосида иш курган холда касалхонанинг бош хисобчиси Элвира Салимовна Ибодулина иштирокида мазкур касалхонага карашли ва Хамида Каримовна Собирова масъул булган юмшок жихозларни тафтиш килдим.

Текширишда куйидагилар аникланди:

Барча юмшок мебель, шунингдек, жун ёпингичлар, тушак- лар микдори хисоб маълумотларига мос келади.

Хар бири 54 минг сумлик 15 та чойшаб ва хар бири 36 минг сумлик 3 0 та ёстшркилд — хаммаси булиб 1790000 сумлик жихозлар етишмаслиги кайд этилди.

Утказилган текшириш асосида куйидагилар таклиф этилади:

1. Моддий бойликларни саклаш ва хисобга олиш иши- га локайд муносабатда булганлиги моддий жихатдан масъул шахсга курсатиб утилсин.

2. Етишмаган буюмлар киймати Х,.К.Собированинг иш хакидан ушлаб колинсин.

| | | |
|---|---|---|
| Вазирлик хисобчи-<br>тафтишчиси: | (имзо) | К.С.Рахимов |
| Касалхона бош хисобчиси: | (имзо) | Э.С.Ибодулина |
| Моддий жавобгар: | (имзо) | Д.К.Собирова |

Кассани тафтиш килиш пайтида тузиладиган далолатномалар хам молиявий-хужалик фаолиятини текширишдаги далолатномаларга якин туради.

Касса ишларини юритиш низомида муассасаларга ка- рашли кассада сакланаётган пул маблагларини ва бошка Кимматли буюмларнинг сакланиш ахволини назорат килиш учун режали (хар ойда) ва тусатдан тафтиш килиш кузда тутилган.

Кассада тафтиш утказиш учун муассаса рахбарининг буйруги билан корхона ходимларидан комиссия тузилади. Комиссия ишида корхона хисобчиси ва кассирининг иштирок этиши шарт.

Кассани тафтиш килишда ундаги бор накд пул бир- ма-бир санаб чикилади, сакланаётган моддий ва бошка бой- ликлар учун патталар, кимматли когозлар ва катьий хисобда турувчи босма иш когозлари, шунингдек, касса дафтарини юритиш ва пулни саклаш тартиби текширилади.

Тафтиш натижалари далолатномада расмийлаштирилади, кассадаги накд буюмлар (пул ва бошкалар) хисобга олиш маълумотлари билан таккослангач, пул маблаглари- нинг ортикчалиги ёки камомади аникланади. Далолатнома кассада тафтиш утказилган куннинг узида расмийлашти- рилмоги керак. Комиссия аникланган камомад ёки ортик- чалик сабаблари хакида кассирдан ёзма тушунтириш хати талаб килиши лозим.

Бу ерда хам умумий хужалик далолатномаларида була- диган зарурий кисмлар бор. Факат асосий матн бироз бош- качарок, яъни унда пул колдиклари, ортикча накд пул ёки пул етишмаслиги каби маълумотлар батафсил, ракамлар билан баён этилади. Кассирнинг тушунтириш хати илова килинади.

Тафтиш далолатномаси икки нусхадан кам тузилмас- лиги керак, моддий жавобгар шахе хисобланган кассирга хам бир нусхаси берилади. Далолатнома тузилгач, ташкилот рахбари томонидан тасдикланади. Тафтиш натижалари кейинчалик хисоб булимининг хисоб-китоб амалларида уз аксини топади: ортикча пуллар даромад хисобига киритила- ди, камомад эса моддий жавобгар шахе (кассир) иш хакидан ушлаб колинади.

Юкорида далолатнома зарурий кисмларининг турлича уринлашуви хакида айтган эдик. Рус тилида бу хужжатнинг матн сарлавхаси, хар кандай шаклда булса хам, «акт» (далолатнома) сузидан кейин келади. Узбек тилида эса, она тилимизнинг конуниятларига кура, матн сарлавхаси хужжат номидан аввал хам ёзилиши ва у билан бир бутунликни ташкил этиши мумкин. Бунда далолатнома тузилган сана (чапда) ва жой номи (унгда) буйлама холда жойлаштирилади (4-иловага каранг).

***Кассани тафтиш этиш далолатномаси намунаси*** ***4-илова***

ТАСДИЬУТАЙМАН Узбекистон
Республикаси ФА Абу Райх,он
Беруний номидаги Шаркшунослик
института директори (имзо)
(И.О.Ф)
2018 йил 14 декабрь

Шаркшунослик института кассасида утказилган тафтиш

Д А Л О Л А Т Н О М А С И

2018 йил 13 декабрь Тошкент шахри

Раиси - институт бош хисобчисининг уринбосари Эркиной Рахимовна Олимова, аъзолари режалаш булимининг иктисодчи- си Наима Икромовна Каримова ва хисобчи Ойша Нуъмоновна Пулатовалардан иборат жихозларни йуклама килиш комиссия- си институт директорининг 2018 йил 10 декабрдаги 19-ракамли буйругига мувофик институт кассасида 2018 йил 13 декабрдаги холат асосида тафтиш утказди. Тафтиш институт кассири Наримон Убайдуллаев иштирокида утказилди.

Тафтиш утказиш натижасида:

1) кассадаги накд пул колдиги 13 минг сум эканлиги;

2) касса дафтари буйича пул колдиги 13 минг сум эканлиги аникланди.

Институт кассасида бошка кимматдор буюмлар топилмади, бу хол хисоб маълумотларига мос келади.

Касса дафтарини юритиш ва пулларни саклаш тартиби «Давлат, кооператив ва жамоат корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан касса ишларини юритиш хакида низом» талабларига мос келади.

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси: | (имзо) | Э.Р.Олимова |
| Комиссия аъзолари | (имзо) | Н.И.Каримова |
| Кассир | (имзо<br>) | О.Н.Пулатов<br>а Н. |

Кассани тафтиш килиш чогида унда пул кабул килиш ёки бериш юзасидан барча ишлар тухтатилади. Корхона ишларининг узлуксизлигини таъминлаш максадида касса тафтиши, одатда, икки булиб утказилади: кассадаги бор нарсалар (пул ва буюмлар)ни йуклама килиш ва касса ишларини урганиш.

5-иловада кассадаги бор нарсаларни йуклама килиш асосида тузиладиган тафтиш далолатномасига намуна кел- тирилди.

*Далолатнома*

***Кассани тафтиш этиш далолатномаси намунаси***

***5-илова***

ТАСДЩЛАЙМАН
«Ога-инилар» фермер хужалиги бошлиги
(Имзо) И.Рахимов
2018 йил 10 март

«ОГА-ИНИЛАР» ФЕРМЕР ХУЖАЛИГИ КАССАСИДА
2018 ЙИЛ 9 ДЕКАБРДАГИ АДВОЛГА КУРА
ТАФТИШ УТКАЗИШ
Д А Л О Л А Т Н О М А С И
2018 йил 10 декабрь Чиноз кишлоги

Асос: Фермер хужалиги тафтиш комиссиясининг 2018 йил 6 декабрдаги 26-ракамли фармойиши.

Далолатнома тафтиш комиссиясининг аъзолари Ф.Салимова ваА.Усмоновдан иборат комиссия томонидан тузилди.

Далолатнома тузишда фермер хужалиги кассири А.Изза- тов ва бош хисобчи И.Камолиддинов иштирок этдилар.

Шу йил 10 декабрь куни комиссия фермер хужалиги касса- сини текширди ва куйидагиларни аниклади:

1) кассир томонидан курсатилган накд пул сум (............сум);

2) «Кишлоккурилиш» банки булимидаги жорий хисобга мувофик чек дафтарчаси (ракамлари 00187 дан 00197 гача);

3) 2018йил 10 декабрдаги тулови тугалланмаган 32-ракам- ли кайднома буйича курувчиларга бунак тарикасида туланган пул ......сум ( сум);

4) йуклама килиш чогида касса дафтаридаги пул колдиги, кассирнинг сунгги хисоботи буйича саналганидек, ................. (.......) сумни ташкил этади;

5) кассада накд пул хисобидан камомад .............. (..... ) сумни ташкил килади. Кассир А. Иззатов камомадга далил сифатида хужалик мудири А. Камоловнинг хусусий тилхатини курсатди, лекин комиссия буни касса чикимлари хисобига киритишни маъкулламади ва кассирга мазкур камомад суммасини дархол кассага топширишни таклиф этди;

6) кассир А.Иззатов касса ишларини юритиш коидала- ринing келгусида бундай бузилишига йул куйиб булмаслиги хакида огохлантирилди.

Далолатнома 2 нусхада тузилди.

Тафтиш комиссияси

| | | |
|---|---|---|
| аъзолари: | (имзо) | Ф.Салимова |
| | (имзо) | А.Усмонов |
| Кассир: | (имзо) | А.Иззатов |
| Бош хисобчи: | (имзо) | И.Камолиддинов |

Машина, асбоб-ускуна, хилма-хил моддий ашё ва бойликларни йуклама килиш ишлари хам маъмурйят ёки каса- ба уюшмаси кумитаси тайинлайдиган комиссиялар томонидан амалга оширилади ва тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асбоб-ускуна ёки ашёнинг бундан кейин истеъмолга ярокди ёки яроксиз экан- лигини исботлаб беради. Ускуна ва буюмларни йуклама ки- лишда хам, хисобдан чикаришда хам уларнинг аник номи, киймати, микдори, умумий бахоси курсатилиши зарур. Маъ- мурият ёки тегишли жамоат ташкилоти рахбари томонидан тасдикланган далолатнома нусхаларининг биттаси, албатта, тегишли хисоб булимига топширилади. 7-иловада муассаса касаба уюшмаси кумитасига карашли спорт анжомларини йуклама килиб, хисобдан чикаришда тузиладиган далолатномага намуна келтирилади.

***7-илова***

| | |
|---|---|
| УзФА Бирлашган касаба | ТАСДИ КЛАЙМАН |
| уюшмаси кумитаси | Касаба уюшмаси кумитаси раиси |
| Илмий-тадкикот института | (имзо)--------------------Р.А.Мирсалимов |
| касаба уюшмаси кумитаси | 2018 йил 10 январь |

ДАЛОЛАТНОМА

2018 йил 7 декабрь Тошкент

*Далолатнома*

Яроксиз спорт анжомларини
Хисобдан чикариш

Асос: Институт касаба уюшмаси
кумитасининг 2018 йил 28 ноябрдаги карори.

Институт касаба уюшмаси кумитаси карорига биноан ташкил этилган касаба уюшмаси кумитаси раисининг уринбосари А.У.Эргашев (раис), тафтиш комиссиясининг аъзолари З.Ёкубова ва С.Исмоиловлар- дан иборат комиссия томонидан тузилди.

Комиссия ишида ва далолатнома тузишда институт катта хисобчиси И.Салимов иштирок этди.

Комиссия институт касаба уюшмаси кумитаси хисобида турувчи барча спорт анжомларининг умумий ахволини атрофлича урганиб чик- ди ва куйидаги спорт анжомларини бундан кейин ишлатишга яроксиз деб топди:

| Спорт анжомининг номи | Сони | Алохида нусхаси-нинг бахоси | Умумий бахоси | Изох (сотиб олинган йили, ахволи) |
|---|---|---|---|---|
| Шахмат (тахтаси билан) | 2 та | 6045 с | 12090 с. | 2005 йил (ка-таклари учиб, доналари йуколган) |
| Волейбол тупи | 3 та | 7050 с. | 21150 с. | 2011 йил (тешилган) |
| Волейбол тури | 1 та | 55120 с. | 55120 с. | 2010 йил (турлари узи-либ кетган) |
| Теннис шарчалари | 30 та | 18 с. | 540 с. | 2011 йил (ёрилган) |
| Секунд улчагич | 1 та | 81145 с. | 81145 с. | 2011 йил (ой-наси синиб, мили тушиб кеттан) |

Комиссия юкорида курсатилган ва умумий бах,оси 170045 (бир юз етмиш минг кирк беш) сум булган спорт анжомларини х,исобдан чикариш (учириш) зарур деб хисоблайди.

| | | |
|---|---|---|
| Комиссия раиси: | (имзо) | А.У.Эргашев |
| Комиссия аъзолари | (имзо) | З.Ёкубова |
| | (имзо) | С.Исмоилов |
| Катта хисобчи: | (имзо) | И.Салимов |

Нотариал идора томонидан тасдикланадиган далолатномалар хдм буладики, буларга меросни хатлашда, мерос мулкини саклаш имконияти булмаган холларда тузиладиган далолатномаларни курсатиш мумкин.

УзРнинг «Нотариат тугрисида»ги конунига асосан, мерос очилган жойдаги нотариус жисмоний ва юридик шахсларнинг хабарига кура ёки уз ташаббуси билан мерос мол-мул- кининг курикланишига дойр чора-тадбирлар куриши лозим.

Агар мерос колдирувчининг мулки (ёки унинг бир кисми) мерос очилган жойдан ташкарида булса, мерос очилган жойдаги нотариус мерос жойлашган нотариусга ёки нотариал хдракатларни амалга оширувчи фукаролар йигини раисига хабар бериб, мерос мол-мулкини курилаш чора-тадбирларини куриш хакида топширик беради. Тегишли нотариус эса мерос мол-мулкини к)фиклаш максадида уни руйхатга олади (хатлайди).

Хатлаш далолатномасида мерос мол-мулкини к}фиклаш юзасидан чора куриш тугрисида ариза олинган кун, хатлаш амалга оширилган кун, хатлашда иштирок этаётган киши- ларнинг исми, отаисми, фамилияси ва манзили, мерос колдирувчининг исми, отаисми, фамилияси, вафот этган вакти, хатланаётган мулклар турган жой, мерос мулкининг нотариус келгунча булган холати, хатланаётган буюмларнинг муфассал тавсифи, эскирганлик фоизи курсатиб утилади. Буюмларнинг бахоси, уларнинг эскирганлигини хисобга

олган холда чакана нарх буйича, чакана нархларн булмаган буюмларнинг бахоси эса шу сохадаги мутахассисларнинг хулосаси асосида белгиланади.

Нотариус томонидан куйилган бахоларга рози булмаган такдирда, меросхурлар бахоловчи мутахассисларни таклиф килиш хукукига эга. Хатлаш далолатномасининг хар бир сахифасида буюмлар сони ва кийматининг якуни чикарила- ди, хатлаш тугаллангандан кейин эса буюмлар сони ва кийматининг умумий якуни чикарилади.

Хатлаш далолатномаси охирида мол-мулкни саклаш учун топширилган шахе (сакловчи)нинг исми, отаисми, фамилияси, тугилган йили, тураржойи ва унинг шахеини тасдикловчи хужжат хакидаги маълумотлар курсатилади. Хатлаш далолатномаси камида уч нусхада тузилиб, хатлашда иштирок этган барча шахслар - нотариус, манфаатдор шахслар, мол-мулкни саклаш учун кабул килган шахе, холис гувохлар томонидан имзоланади (8-9-иловаларга каранг).

***Хатлаш далолатномаси намуналари***

***8-илова***

МЕРОС МУЛКИНИ ХАТЛАШ

Д А Л О Л А Т Н О М А С И

Чиноз шахри, 2018 йил декабрь ойининг 18-куни соат 10 дан 45 дакика утганда тузилди.

Мен, Чиноз шахар давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С.Тогаев, Чиноз шахар «Бирлик» махалла кумитаси- нинг раиси Шодмон Эшонкуловнинг берган маълумотига асосан, 2018 йил декабрь ойининг 15-кунида вафот этган Кахрамон Камоловга тегишли булган мулкни унинг кизи Сурайё Кахрамо- новна Рахматова хамда холис гувохлар - шу махаллада яшовчи фукаролар Шахноза Каримовна Абдуллаева, Малика Жураевна Махмудова, Хамрокул Сатторовлар иштирокида хатладим.

Мархумнинг ворислари:

Кизи - Сурайё Кахрамоновна Рахматова, Тошкент шахар 5-Юнусобод дахасидаги 45-уйнинг 56-хонадонида яшайди.

Угли - Шухрат Кахрамонович Камолов, Крзогистон Республикасининг Чимкент шахрида яшайди.

Нотариус келгунга кадар мерос мулки жойлашган уй-жой 2018 йилнинг 14 декабрь куни шу махалла кумитасининг раиси томонидан беркитилиб, мухрланган. Мухр бузилмаган, калитлар махалла кумитасининг раиси Шодмон Эшонкуловда сакланган.

Мерос мулки жойлашган уй-жой икки хона, олди ойнаванд айвонли ховли булиб, мархумнинг номида (эгалигида) булган.

Уйга кираверишдаги ойнаванд айвонда ва дахдиз саналган биринчи хонада хатлашга арзигулик хеч нарса йук. Уйнинг 3х5 хажмдаги катта хонасида куйидаги мулклар борлиги аникданди:

| Тартиб раками | Мулкнинг номи ва унинг тавсифи | Мулкнинг сони | Мулкнинг умумий бахоси | Изох |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Сандиклар (фойдаланиб келинган) | 2 | | 50% |
| 2. | Икки тахмон курпа | 8 | | 50% |
| 3. | Хива гилами | 1 | | 80% |
| 4. | Палое | 2 | | 30% |
| 5. | Юмшок матрасли каравот | 1 | | 50% |
| 6. | Дойра шаклидаги стол | 1 | | 50% |
| 7. | Юмшок стуллар | 4 | | 50% |
| 8. | Кийим жавони | 1 | | 50% |
| 9. | Ок-кора тасвирли «Рекорд» телевизори | 1 | | 50% |
| 10. | Фойдаланишдаги идиш-товокдар | 25 | | 50% |
| 11. | Омонат дафтарчаси | 2 | | |
| | Ж а м и | 48 | | сум |

***Далолатнома***

Хатлаш далолатномасида 11-тартиб раками билан кайд этилган 2 та омонат дафтарчаси омонат кассасида саклашга топшириш максадида нотариус томонидан олинди.

Далолатнома уч нусхада тузилди.
Далолатномани тузишда иштирок этганлар:

(имзо) С.Тогаев
(имзо) С.Рахматова
(имзо) Ш.Абдуллаева
(имзо) М.Махмудова
(имзо) Х,. Сатторов

Ушбу далолатномада курсатилган мулкларни сакдаш чорасини Куриш буйича жавобгарликни мархумнинг Тошкент шахар 5-Юнусобод дахасидаги 45-уйнинг 56-хонадонида яшовчи кизи Сурайё Кдхрамоновна Рахматова уз зиммасига олди.

Нотариус томонидан унга УзР Фукаролик кодексининг 1144-моддаси ва ЖКнинг 167-моддаси тушунтирилди.

Хатлаш далолатномасида куфсатилган мулкларни саклаш, мерос мулкини бошкариш мажбуриятини кабул килдим.

(имзо) С. Рахматова

2018 йил декабрь ойининг 19-куни соат 14 дан 40 дакика утганда хатлаш тугал ланди.

Мерос ишларини руйхатга олиш дафтарига 434 раками билан кайд этилди.

Давлат нотариуси: (имзо) С.Тогаев

Далолатноманинг бир нусхасини олдим.
(имзо) С.Рахматова

***9-илова***

Мерос мулкиини сакдаш чорасини куриш имконияти булмаганлиги хакида

ДАЛ О Л А Т Н О М А 

Чиноз шах,ри, 2018 йил ноябрь ойининг 19-куни соат 10 дан 45 дакика утганда тузилди.

Мен, Чиноз шахар давлат нотариал идорасининг давлат нотариуси С.А.Тогаев, Чимкент шахрида яшовчи Шухрат Комиловнинг отаси, 2018 йил ноябрь ойининг 15-кунида вафот этган Кахрамон Комиловнинг мерос мулкини саклаш чорасини куриш хакидаги аризасига биноан, Чиноз шахар У.Юсупов кучасидаги 25- уйда яшовчи мархумнинг хотини Шаходат Комилова хамда холис гувохдар - шу махаллада яшовчи фукаролар Шахноза Каримовна Абдуллаева, Малика Жураевна Махмудова, Х,амрокул Сатторовлар иштирокида ушбу далолатномани туздик.

Мархум Кахрамон Комилов Чиноз шахар У. Юсупов кучасидаги 25-уйда 2005 йилдан буён никохда булган хотини Шаходат Комилова билан умрининг охиригача яшаб келган.

Мархумнинг хотинига меросга булган хукук меъёрлари тушунтирилиб, уни мархумнинг угли томонидан берилган ариза билан таништирилганда, у мархумнинг мерос мулкини курсатишдан бош тортиб, мархумдан кимматга эга булган бирон-бир мулк колмаганини, уйдаги унинг шахсий буюмлари эса фойдаланиб келинаётган, кимматга эга булмаган уй-рузгор буюмларидан иборатлигини маълум килди.

Юкорида баён килинганларга асосан мерос мулкини саклаш чораси курилмадн.

| | | |
|---|---|---|
| Давлат нотариуси: | (имзо) | С.Тогаев |
| Мархумнинг хотини: | (имзо) | Ш.Комилова |
| Холис гувохдар: | 1 .(имзо) | М.Абдуллаева |
| | 2. (имзо) | Х.Махмудова |
| | З.(имзо) | Г.Сатторов |

Мерос мулкини хатлаш далолатномасига дойр бошка маълумотлар «Узбекистонда нотариат» номли амалий кул- ланмада батафсил баён килинган. Биз далолатномаларнинг турларини куриб утдик ва уларнинг намуналари билан танишдик. Булардан таищари, янги техникани ишга солиш, синаб куриш пайтида,

савдо ва умумий овкатланиш муассасаларининг санитария ах,волини текшириш чогида, муайян жой ёки корхона- даги экологик ахволни урганишда, турли фалокат ва табиий офат натижалари хакида хам далолатномалар бор. Биз уларга намуналар бермадик, чунки далолатноманинг зарурий кисмлари ва уларнинг кайси тартибда жойлашу- ви билан танишиб олган хар кандай соха эгаси уз сохаси- га тааллукли булган далолатномани бемалол туза олади.

Шу билан бирга, тиббиёт муассасаларида муддати утган дори воситалари, эскирган тиббиёт анжомларини йук килиш амалиёти куп кузатилади. Шунинг учун йук **килиш далолатномаларининг** тиббиёт сохасига оид на- муналарига тухталиб утамиз. Тиббиёт муассасаларида- ги йук килиш далолатномаси куйидаги малумотларни уз ичига олиши керак:

а) куллаш учун яроксиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йук килиш санаси, вакти ва жойи;

б) куллаш учун яроксиз дори воситалари ва тиббий буюмлар номи (серия раками, яроклилик муддати, урам- лари сони, микдори (ишлаб чикарувчининг номи курсатилган холда);

в) куллаш учун яроксиз дори воситалари ва тиббий буюмлар эгаси, моддий жавобгар шахснинг фамилияси, исми, отаисми;

г) Комиссиянинг йук килиш тугрисидаги карори;

д) йук килиш усули;

й) куллаш учун яроксиз дори воситалари ва тиббий буюмларни йук килишда иштирок этган Комиссия аъзо- ларининг фамилияси, исми, отаисми, иш жойи ва лавозими.

киммат буюмни олиш учун) берилади. Муайян давр давомида бир кднча бир турдаги вазифаларни бажариш ваколатини берувчи ишончномалар ***махсус ишончномалар*** дейилади (масалан, 2019 йил давомида суд-хакамлик идораларида корхона номидан вакиллик килиш учун берилган ишончнома). ***Умумий ишончнома*** мулкни бошкариш билан алокадор турли-ту- ман ишларни амалга ошириш хукукини беради.

Расмий ишончномаларда уларнинг амал килиш (уз ку- чини саклаш) муддати, албатта, курсатилган булади. Улар бир неча кундан бир неча йилгача булган (лекин уч йилдан ортик булмаган) муддат учун берилиши мумкин. Агар ишончномада унинг амал килиш муддати аник курсатилма- ган булса, бундай холларда у берилган кундан бошлаб бир йил давомида уз кучини саклайди. Берилган куни курсатил- маган ишончнома хакикий эмас.

Ишончнома берилган шахе уз ваколатидаги харакатлар- ни шахеан амалга ошириши шарт. Мабодо ишончнома берилган шахснинг манфаатларини химоя килишга тугри келиб колса, у харакатларни амалга оширишни бошка шахсга утказиши мумкин.

Бошка шахсга утказиш буйича ишончноманинг амал килиш муддати унинг берилишига асос булган асосий ишончноманинг амал килиш муддатидан ошиб кетмаслиги керак.

Расмий ишончномалар, одатда, юкори статистика идораси тасдиклаган тайёр, намунавий шаклдаги босма иш когозида расмийлаштирилади. Бундай босма иш когозла- рида ишончноманинг барча зарурий кисмларини тугри ва аник расмийлаштириш (тулдириш) учун махсус урин ва курсатмалар мавжуд. Босма иш когозлари булмаган чогда ишончномалар оддий когозга ёзилади ва унинг юкори чап томонига ишончнома берувчи муассасанинг туртбурчак мухри куйилади.

Моддий-буюм бойликларини олиш учун ишончномалар- ни расмийлаштириш ва бериш борасида алохида коидалар белгиланган. Бундай ишончномалар белгиланган шаклдаги босма иш когозларида корхона рахбари ва бош хисобчиси-

нинг имзоси билан расмийлаштирилиб, факат шу корхона ходимларига берилиши мумкин.

Расмий ишончноманинг зарурий кисмлари:

1. Ишончнома берувчи муассасанинг номи.
2. Ишончнома тартиб ракaми ва берилган вакти (санаси).
3. Ишончнома берилаётган (ишонч билдирилаётган) шахснинг лавозими ва тулик номи (исми, отаисми, фамилияси).
4. Кимматдор буюмлар олинадиган (берадиган) муассасанинг номи.
5. Ишончноманинг берилиш сабаби.
6. Ишончноманинг амал килиш муддати.
7. Ишончнома берилаётган шахе имзосининг намунаси.
8. Моддий-буюм бойликларини олувчининг шахсиятини тасдикловчи хужжатнинг номи (паспорт, гувохнома).

Ишончноманинг зарурий кисмлари аник, бузилмасдан, тузатишларсиз расмийлаштирилиши керак. Акс холда, мод- дий-буюм бойликларини бериш рухсат этилмайди, бундай ишончномаларни расмийлаштириш, бериш ва кайд этиш тартибига риоя килиш, шунингдек, улардан фойдаланиш юзасидан назорат этиш корхона бош (катта) хисобчисининг вазифасидир.

Ишончномаларнинг иккинчи тури ш а х с и й, яъни айрим шахе томонидан бошка бир шахсга муайян ишни бажариш учун ишонч билдириб берилган ёзма хужжатдир. Муайян ташкилотдан пул ёки кимматдор буюм, зарурий хужжатлар олиш, автомобилни бошкариш, олди-сотди шартномалари- ни расмийлаштириш, мулкни бошкариш ва бошка хусусий ишларни бажариш учун ишонч билдирилади.

Шахсий ишончномаларнинг энг куп таркалгани пул (маош, нафака ва бопщалар) олиш учун ёзилган ишончнома- дир. Бундай ёзма ваколат баъзан ваколат берувчининг тала- би, хохиши билан нотариал тасдикланиши хам мумкин, ле- кин уни мажбурий нотариал тасдикдан утказиш шарт эмас. Ишонч билдирувчи шахснинг имзоси у ишлаётган ёки уки-

ётган жой рахбарияти, у ётиб даволанаётган тиббий муассаса маъмурияти, харбий кием кумондонлиги ва шу кабилар томонидан тасдикланиши мумкин.

Шахсий ишончнома эркин усулда, одатда, кулда ёзилади, лекин унда, албатта, куйидаги зарурий кисмлар булмоги керак:

1. Хужжатнинг номи (Ишончнома).
2. Ишонч билдирувчининг тулик номи (исми, отаисми, фамилияси).
3. Ишончли шахе (ишончнома берилган шахс)нинг тулик номи.
4. Ишончнома мазмуни (топширилган вазифаларни аник курсатиш).
5. Топширилган вазифалар амалга оширилиши зарур булган муассасанинг номи.
6. Ишонч билдирувчининг имзоси.
7. Берилган (ёзилган) вакти.
8. Ишонч билдирувчининг имзосини тасдиклаган шахснинг лавозими ва имзоси.
9. Ишонч билдирувчининг имзоси тасдикланган сана ва юмалок мухр.

Ишончнома ёзишда куйидагиларга эътибор бериш керак: ишончноманинг зарурий кисмлари мазкур тартибда булиши хам мумкин, шунингдек, унинг 3-ракамли кисми 5-ракамли кисмидан сунг ёзилиши хам мумкин; зарур холларда ишонч билдирган шахснинг лавозими, яшаш жойи, ишончнома берилган кишининг шахеини тасдикловчи хужжат (паспорт) маълумотлари хам ишончномада акс этиши мумкин; агар ишончли вакил олиши керак булган пул ёки кимматдор буюм микдори аник булса, улар аввал ракам билан, кейин кавс ичида суз билан ёзиб курсатилиши мумкин; 7-ракамли ва 8-ракамли кисмлари орасида тасдиклов- чининг ***«....нинг имзосини тасдицпайман»*** деган кайди жой олади.

Шахсий ишончномаларда хам уларнинг амал килиш муддати курсатилади. Муддат бевосита («...гача амал килади» деб) ёки билвосита («... йилнинг январь ойи маошини олиш учун...» деб) курсатилади. Нафака олиш учун берилган ишончноманинг амал килиш муддати, одатда, уч ойгача булади.

Агар ишончнома берувчи ва берилган шахсларнинг хдр иккаласи бир муассасади ишласа (укиса), пул ёки кимматдор буюмларни ишончнома билан олишда ишонч билди- рилган кишининг шахсини тасдикловчи хужжат (паспорт, гувохнома) курсатилиши шарт эмас. Бошка барча холатлар- да ишончнома курсатувчи уз паспорта ёки унинг урнини босувчи хужжатни хам курсатиши шарт.

Тасдикланишига кура шахсий ишончномалар оддий ва нотариал турларга булинади. Одатда, иш хаки, нафака, стипендия, почта жунатмаларини олиш учун ёзилган оддий ишончномалар уни ёзган шахе ишловчи ёки таълим олувчи муассаса, укув юрти рахбарининг имзоси ва мухри билан тасдикланади. Нотариал ишончномалар нотариал идоралар, улар булмаган жойларда шахарчалар, кишлоклар ва овуллар фукаролар йигинларининг раислари, оксоколлари томонидан тасдикланадиган ишончномалардир. Буларга нотариал идоралар расмийлаштирадиган хилма-хил шартномаларни (масалан, тураржойни хадя килиш, сотиш, меросни утказиб бериш, мулкни бошкариш, енгил автомобилдан фойдаланиш, меросга хакдорлик хукуки хакидаги гувохнома олиш кабилар) амалга ошириш учун ёзилган ишончномалар ки- ради. Шахарчалар, кишлоклар ва овуллар фукаролар йигинларининг раислари (оксоколлари) томонидан нотариал расмийлаштирилаётган хужжатларга Узбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган, шахарчалар, кишлоклар ва овуллар фукаролар йигинларининг номлари кайд этилган мухр куйилади. Нотариал ишончномаларнинг оддийлари- дан яна бир фарки шундаки, уларда хужжат номидан кейин унинг тузилган жойи ва санаси курсатилади.

***Расмий (хизмат ащасидаги) ишончнома намунаси:***

______________ ***1-илова***

ИШОНЧНОМА

Фермер хужалигининг Олмазор фермер хужалиги бош туртбурчак мухри (ху- иктисодчи Ахмад Салимович Рахимов- жаликнинг тулик номи, га Бекобод курилиш жихозлари корхо- ишончнома раками ва наси билан 2018 йилнинг 2- ва 3-чо- вакти акс этади) рагида фермер хужалигига 60 мингга 2018 йил 3 декабрь курилишбоп гишт ва 100 тонна охак етказиб бериш тугрисида шартнома тузиш хамда мазкур топ- шири к билан боглик; барча ишларни бажаришга ваколат беради. Ишончнома 2019 йилнинг 16 декабригача амал килади.

Фермер хужалиги рахбари (имзо) А. Бобобеков (мухр)

1- иловадаги ишончнома бир марталик булиб, у лаво- зимдаги шахсга киска муддат ичида биргина ишни бажариш, яъни шартнома тузиш ваколатини беради. 2-4-илова- ларда махсус ишончнома намуналари берилган.

***Махсус ишончнома намуналари***

______________ ***2-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент ёг-мой Комбинат адлия маслахатчиси комбинатининг туртбурчак (юрисконсульт) Анвар Сатторович мухри (комбинатнинг тулик Кодировни барча суд (хакамлик) номи, ишончноманинг идораларида комбинат ишларини раками ва берилган вакти) даъвогар, жавобгар ёки учинчи 2018 йил 15 ноябрь шахе учун конунга мувофик бел

гиланган жами хукукдар билан (жумладан, ишни тинчлик билан ”, даъво талабини тан олиш, уни тула ёки кисман рад этиш, суд карорлари юзасидан шикоят килиш каби) олиб боришга вакил килади.

Ишончнома шахеан А.СДодировга берилди ва 2018 йилнинг 31 декабригача амал килади.

Комбинат директори (имзо) А.Б.Собиров

(мухр)

***Ишончнома***

***3-илова***

ИШОНЧНОМА

Мактабнинг т)фтбурчак
мух,ри (ишончнома
раками ва берилган вакти)
2018 йил 7 декабрь

Зарафшон туманидаги 7-мактаб хужалик мудири Халим Хасанович Собировга туман хужалик моллар магазинидан хисоб буйича мактабга ажратилган 5460305 (беш миллион турт юз олтмишминг уч юз беш) сумлик спорт жихозларини олишга ишонч билдиради.

Ишончнома 2018 йил 24 декабргача амал килади.

Мактаб директори (имзо) Д.Крсимов ________________________(

______________________ ***4-шова***

ИШОНЧНОМА

Корхонанинг туртбурчак мухри
(Ишончнома раками ва берилган вакти)
2019 йил 7 декабрь

Мирзо Улугбек тумани маданият булими ишчиси Халим Махмудович Икромовга бошкарув номидан барча суд идораларида даъвогар, жавобгар ва учинчи шахе учун берилган хукуклар билан иш юритишга ваколат беради.

Х-М.Икромов имзосини тасдиклайман.

Туман маданият булими раиси (имзо) М.И.Тогаев

__________ (мухр) ____________________________________ _

Махсус босма иш когозларида расмийлаштириладиган хизмат ишончномаларига намуна келтирилмади, чунки бундай ишончномани тулдириш, босма иш когозлари тула узбекчалаштирилгач, хеч кандай кийинчилик тугдирмайди.

5-9-иловаларда оддий шахсий ишончнома намуналари берилди. 10-иловада расмий ишончнома намунаси келти- рилди.

***Шахсий ишончнома намуналари***

***5-илова***

ИШОНЧНОМА

Мен, Тошкент шахдр 2-Корасув даласи 214-уй 5-хонадонда яшовчи Ахад Исмоилович Баходиров, ён кушним Наим Абдуллаевич Каххоровга шахарнинг 7-алока булимидан менинг номимга келган почта жунатмасини олиш учун ишонч билдираман.

2019 йил 10 сентябрь (имзо) А.И.Баходиров

А.И.Баходиров имзосини тасдиклайман.

Кадрлар булими бошлиги (имзо) И.Толипова

(мухр)

2019 йил 10 сентябрь

***6-илова***

ИШОНЧНОМА

Мен, Олим Кодирович Рахимов, турмуш уртогим Аниса Нуъмоновна Рахимовага Маданият саройи кассасидан менинг 2019 йил ноябрь ойи учун ёзилган маошимни олишга ишонч билдираман.

2019 йил 03 декабрь (имзо) О.К.Рахимов

ОД Рахимовнинг имзосини тасдиклайман.

Маданият саройи кадрлар

булимининг бошлиги (имзо) С.Комилова

(мухр)

2019 йил 3 декабрь

***7-илова***

ИШОНЧНОМА

Мен, Исмоил Дехконович Неъматов, касаллигим туфайли уз укам, Иброхим Дехконович Неъматовга (АА сериядаги 0414610 ракамли паспортга эга) «Шарк гули» масъулияти чекланган жа-Мйят кассасидан 2019 йил сентябрь ойи учун ёзилган маошимни олишга ишонч билдираман.

2019 йил 7 октябрь (имзо)
И.Д.Неъматов

И.Д.Неъматовнинг имзосини тасдиклайман.

Тошкент шахар 3-бирлашган
касалхонанинг бош врачи (имзо) Т.С.Содиков
(мухр)
2019 йил 07 октябрь

*8-илова*

ИШОНЧНОМА

Мен, Тошкент техника университета механика факульте- тининг 1-боскич талабаси Кодир Мирзаевич Ёкубов, курсимиз талабаси Шавкат Туробович Хдкимовга (АА сериядаги 0686520 ракамли паспортга эга) университет кассасидан менга тегишли 2019 йил июнь ойи стипендиясини олиш учун ишонч билдираман.

2019 йил 2 июль (имзо)

К.М.Ёкубов

К.М.Ёкубовнинг имзосининг тасдиклайман.

Механика факультетининг
декани (имзо) К.Т.Турсунов
(мухр)

***9-илова***

ИШОНЧНОМА

Мен, Собир Каримкулов, курсдошим Махкам Шодиевга шахарнинг 3-алока булимидан менинг номимга келган 745000 (етти юз кирк беш минг) сум микдоридаги пул жунатмасини олиш учун ишонч билдираман.

2019 йил 20 декабрь (имзо) С.Каримкулов

С. Каримкулов имзосини тасдиклайман.

Институт кадрлар булимининг бошлиги О.Муминова
(имзо)
(мухр)
2019 йил 20 декабрь

***10-илова***

И Ш О Н Ч Н О М А

4-сон
2019 йил 2 январь Тошкент шахри

Ушбу ишончнома оркали УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори института бош юрисконсульта Холмуродов Бахти- ёр (паспорт серияси ва раками: АА 1092895. 2005 йил Тошкент шахар Олмазор тумани ИИБ томонидан берилган)га Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг хукук ва манфаатларини химоя килиш максадида барча суд инстанцияларида иштирок этиш, давлат ташкилотлари ва хукукни мухофаза килувчи органлар хамда барча тадбиркорлик субъектлари билан узаро ёзишмалар ва шахсан музокаралар утказиш хукуки берилади.

Холмуродов Бахтаёрга УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг хукук ва манфаатлари билан боглик булган шартнома ва иш материаллари билан танишиш, улардан

кучирмалар олиш, нусха кучириш, рад килиш тугрисида арз килиш, далиллар такдим этиш, далилларни текширишда иштирок этиш, саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, арз килиш, суд ва хукукни мухофаза килувчи органларга огзаки хамда ёзма тушунтиришлар бериш, хукукий хужжатларни имзолаш, барча масалалар буйича уз важларини, хулосаларини такдим килиш хукуклари берилади.

Ишончнома 2019 йил 31 декабрга кадар амал килади.

УзР ФА Узбек тили,
адабиёти ва фольклори
института директори Н.М.Махмудов

Ишончномалар, иловаларда келтирилганидек, оддий ёзма шаклда ёки нотариал шаклда расмийлаштирилади.

Нотариал шаклни талаб килувчи битимларни тузиш ёхуд юридик шахсларга нисбатан харакатларни амалга ошириш учун берилган ишончнома нотариал тасдикланган булиши керак.

Х,озирги кунда хизмат сохасидаги расмий ишончнома- ларга махсус тартиб раками хам куйиб берилмокда. Бундай ишончномалар матнида ишончнома берилган шахснинг паспорт серияси ва раками хам келтирилмокда. Ишончноманинг бундай куриниши махсус босма иш когозларида расмийлаштирилади.

УзР Фукаролик кодексининг 136-, 137- ва 138-модда- ларида кузда тутилган холлар ва конун хужжатлари билан ишончноманинг узгача шакли белгилаб куйилган бошка холлар бундан мустасно.

Ишончноманинг амал килиш муддатлари юкорида ай- тиб утилди. Кушимча равишда шуни айтиш керакки, нотариус томонидан тасдикланиб, Узбекистон Республикасидан ташкарида харакатларни амалга оширишга мулжалланган, амал килиш муддати курсатилмаган ишончнома уни берган шахе томонидан бекор килингунича уз кучини саклайди.

Фукаролик кодексининг 141-моддасида ишончноманинг бекор булиш холлари баён килинган. Ишончноманинг амал килиши куйидаги х,олларда бекор булади: 1) ишончнома муддатининг тамом булиши; 2) ишончнома берган шахснинг уни бекор килиши; 3) ишончнома берилган шахснинг бош тортиши; 4) номидан ишончнома берилган юридик шахе фаолиятининг тухтатилиши; 5) номига ишончнома берилган юридик шахе фаолиятининг тухтатилиши; 6) ишончнома берган фукаронинг муомалага лаёкатсиз, муомала ла- ёкати чекланган ёки бедарак йуколган деб хисобланиши ёхуд унинг вафот этиши; 7) ишончнома олган фукаронинг муомалага лаёкатсиз, муомала лаёкати чекланган ёки беда- рак йуколган деб хисобланиши ёхуд унинг вафот этиши.

Ишончнома берган шахе истаган вактда ишончномани бекор килиши, ишончнома берилган шахе эса ундан воз ке- чиши мумкин.

Нотариал шаклни талаб килувчи битимларни тузиш учун берилган ишончнома, конунда кузда тутилган холлар- дан ташкари, нотариал тасдикланиши керак. Юридик шахе номидан бериладиган ишончнома унинг рахбари ёки таъсис хужжатларига биноан ваколат берилган бошка шахе томонидан имзоланиб, унга ушбу юридик шахснинг мухри босила- ди; пул ва бошка мулкий бойликларни олиш ёки топшириш учун бериладиган ишончнома, юкорида айтилганидек, шу юридик шахснинг бош (катта) хисобчиси томонидан хам им- золаниши керак. Юридик шахснинг талабига биноан, унинг номидан бериладиган ишончномалар нотариал тасдикланиши хам мумкин. Бундай холларда ишончномани имзолаган мансабдор шахснинг ваколатлари текширилиши керак.

Юридик шахе номидан берилган ишончномада юридик шахснинг тулик номи, рахбарий идоранинг манзили ва ишончномани имзолаган шахснинг мансаби курсатилиши шарт.

14 ёшгача булган вояга етмаганлар номидан, шунингдек, суд тартибида муомалага лаёкатсиз деб топилган кишилар

номидан ишончномаларни уларнинг ота-оналари, фарзанд- ликка олувчилари ёки хомийлари тузадилар (УзР ФКнинг 29-моддаси).

14 ёшдан 18 ёшгача булган вояга етмаганлар номидан ишончномалар уларнинг ота-оналари, болаликка олувчилари ёки хомийлари розилиги билан тузилган тавдирдагина тасдикланиши мумкин (ФК, 27-модда).

Мансабдор шахе бир ёки бир неча шахе номидан бир ёки бир неча шахсга бериладиган ишончномаларни тас- диклайди.

Бир неча шахслар номидан берилган ишончнома, агар унда курсатилган харакатлар ваколат берувчи шахслардан хар бирининг эмас, балки хаммасининг бир турдаги манфа- атларига тааллукли булгандагина тасдикланади (масалан, бир неча ворисларнинг номидан уларнинг мерос ишларини юритиш учун ишончнома берилиши).

Ваколат берувчи узи берган ишончномани бекор килиш хукукига эга. Бу холда ваколат берувчи шахе ишончнома кайси муассаса, ташкилот ёки корхонага такдим этиш учун берилган булса, шу муассаса, ташкилот ёки корхонага, берган ваколатлари бекор килинганини билдириб, ёзма равишда ариза юборади.

Нотариал тасдикдан утадиган ишончнома икки нусхада тасдикланади. Ишончнома матнида, юкорида айтилгани- дек, унинг тузилиш жойи ва вакти, ваколат берувчи ва ваколат олувчининг исми, отаисми ва фамилияси ва яшаш жой- лари тулик хамда аник курсатилади. Ваколат олувчининг яшаш жойи ваколат берувчининг сузларига асосан курсати- лиши мумкин. Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш хукукини берувчи ишончномаларда ваколат олувчининг яшаш жойи унинг хужжатлари асосида курсатилади.

Ишончномада ваколат олувчига берилган ваколатлар аник курсатилиши керак. Ишончнома уни бераётган шахе томонидан имзоланганидан кейингина мансабдор шахе томонидан тасдикланади. У тузилиб тасдиклангач, ваколат бе-

рувчи шахе кулига берилади ёки унинг илтимосига кура ва унинг хисобидан ваколат олувчи шахсга юборилади.

Нотариал тасдикдан утадиган ишончномалар хам тур- лича мазмунда булади. Масалан, мулкни умумий бошкариш, уй-жойни сотиш учун, ойлик иш хакини ёки нафакани олиш, ворислик хукуки гувохномасини олиш, автотранспорт воситасидан фойдаланиш ва уни сотиш, уй-жойни (квартирани) сотиш ёки сотиб олиш, жамгармадан пулни олиш учун ишончномалар берилади. Эътиборингизни ана шундай ишончнома намуналарига каратамиз.

***Мулкни бошкрриш буйича ишончнома намунаси***

***11-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент шахри, икки минг ун саккизинчи йил сентябрь ойининг саккизинчи куни

Мен, Тошкент шахар Ширин кучасидаги 10-уйда яшовчи Наима Содиковна Пулатова, ушбу ишончнома билан Маргилон шахар Навоий кучасидаги 56-уйда яшовчи Ботир Валиевич Маматовга менинг барча мол-мулкимни, унинг нимадан иборат эканлиги ва каерда жойлашганлигидан катьи назар, бошкаришга ва тасарруф этишга ваколат бераман.

У шу ваколатни бажариш юзасидан конун билан такикпанмаган барча битимларни тузиш, жумладан, сотиб олиш, сотиш, хадя этиш, хадя сифатида кабул килиш, айирбошлаш, гаровга куйиш, уй-жойлар ва бошка мулкларни гаровга олиш, тузилган битимлар буйича хисоб-китобларни амалга ошириш, меросни кабул килиш ёки ундан воз кечиш, барча шахслар, муассасалар, корхоналар, ташкилотлар, шу жумладан, Узбекистон Республикаси Марказий банки булинмаларидан, бошка банклар, алока булимлари ва телеграфлардан, барча асослар буйича, менга тегишли мулкларни, (омонат) пулларни, кимматдор когозлар ва хужжатларни кабул килиш, менинг банкдаги хисобракамимдан фойдаланиш, почта, телеграф ва бошка барча турдаги хат-хабар- ларни олиш, давлат муассасалари ва нодавлат ташкилотларида

менинг номимдан менга тааллукли ишларни олиб бориш, шунингдек, барча суд муассасаларида конун доирасида даъвогар- га, жавобгарга, учинчи шахсга, жабрланувчига берилган барча хукуклар билан менга алокадор ишларни олиб бориш, жумладан, даъвони кисман ёки тулик тан олмаслик, даъвони тан олиш, даъво предметини узгартириш, келишув битимини тузиш, суд карори устидан шикоятнома бериш, ижро варакасини ундириш- га такдим этиш, мулк ёки пулни кабул килиш хукукларига эга.

Ишончнома УЧ ЙИЛЛИК МУДДАТГА берилди.

(Имзо) Н.С.Пулатова

(мухр)

(Нотариал идоранинг ишончномани тасдикловчи ёзувлари ва

мухри) **Уй-жойни сотиш ишончномаси намунаси**

***12-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент шахри, икки минг ун туккизинчи йил март ойининг ун биринчи куни

Мен, Тошкент шахар Бобур кучасидаги 40-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Султон Каримович Рахимов, ушбу ишончнома билан Самарканд шахар Тинчлик кучасидаги 14-уйда яшовчи Лола Йулдошевна Каримовага Самарканд шахар Олмазор кучасидаги менга тегишли булган 21-уйдаги ховли-жойни узи хохла- ган нарх ва шартлар асосида сотишига ваколат бераман.

Шу билан бирга, унга ваколатни бажариш ч ог и да зарур буладиган барча маълумот ва хужжатлрни олиш, олди-сотди буйича шартнома тузиш ва уни имзолаш, менга тегиши керак булган пулларни олиш хамда мазкур ваколатни бажариш билан боглик барча зарурий харакатларни амалга ошириш хукукини бераман.

Ушбу ишончнома ваколатларни бировга утказиш хукукисиз (хукуки билан) ОЛТИ ОЙЛИК мудцатга берилди.

(Имзо) С.К.Рахимов

(Нотариал идоранинг ишончномани тасдикловчи ёзувлари ва

мухри)

### *Уй-жойни сотиб олиш учун ишончнома намунаси*

***13- илова***

ИШОНЧНОМА

Узбекистон Республикаси Тошкент вилояти Чиноз шахри, икки минг ун саккизинчи йил июль ойининг уттизинчи куни

Мен, Тошкент вилояти Чиноз тумани Яллама кишлоги М.Узоков кучасидаги 24-уйда яшовчи Тургунбой Махкамович Пулатов, ушбу ишончнома билан Тошкент шахар Яккасарой тумани Бобур кучасидаги 25-уйнинг 8-хонадонида яшовчи фукаро Хуршид Жураевич Алиевга менинг номимга Тошкент шахри- нинг исталган худудидан узи хохдаган нарх ва шартлар асосида уч хонали квартира (уй-жой) сотиб олишга ваколат бераман.

Унга ушбу ваколатни бажариш учун зарур булган хар кандай хужжатларни олиш, менинг номимдан ариза билан мурожаат килиш, имзо куйиш, олди-сотди шартномасини тузиб имзолаш, сотиб олинган квартира (уй-жой) учун пул тулаш хукукини бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боглик булган яна бошка барча харакатларни бажариш хукуки билан БИР ЙИЛ ЛИК муддатга берилди.

(Имзо) Т.М.Пулатов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

### *Иш х^ацини олиш ишончномасининг намунаси*

***14- илова***

ИШОНЧНОМА

Навоий вилояти Учкудук шахри, икки минг унинчи йил сентябрь ойининг бешинчи куни

Мен, Учкудук шахар Олмазор кучасидаги 45-уйнинг 18-хонадонида яшовчи Содик Солиевич Холматов, ушбу ишончнома билан мазкур манзилда яшовчи Лола Каримовна Солиева- га Навоий кон-металлургия комбинатининг Учкудук филиали

кассасидан 2019 йилнинг май-июль ойлари учун менга тегишли булган иш хакини олишга ваколат бераман.

Унга иш хакини олганлик хакида менинг урнимга имзо ку- йиш ва ушбу ваколатни бажариш юзасидан лозим буладиган бошка харакатларни амалга ошириш хукукини бераман.

(Имзо) С.С.Холматов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

***Нафаца пулини олиш ишончномасининг намунаси***

***15-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент шахри, икки минг ун туккизинчи йилнинг йигирма саккизинчи май куни

Мен, Тошкент шахар Сиргали тумани 5-Куйлик дахасида- ги 75-уйнинг 10-хонадонида яшовчи фукаро Тохир Каримович Рахимов, ушбу ишончнома билан Тошкент вилояти Зангиота тумани Эшонгузар шахарчасининг Навоий кучасидаги 25-уйда яшовчи Ботир Тохирович Рахимовга Тошкент шахар Сиргали туманидаги 198-алока булимидан икки минг ун туккизинчи йил- нинг январь - июнь ойлари учун менга тегишли булган нафака пулимни олишига, нафака пулини олганлиги учун имзо куйиши- га ва ушбу ваколатни бажариш учун лозим булган бошка хара- катларни амалга оширишига ишонч билдираман.

(Имзо) Т.К.Рахимов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

***Жамгармадан пулни олиш ишончномасининг намунаси***

***16-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент вилояти Чиноз шахри, икки минг ун туккизинчи йилнинг йигирма биринчи май куни

Мен, Тошкент шах,ар Яшнобод тумани Кррасув дахаси 9- уйнинг 5-хонадонида яшовчи фукаро Шотурсун Шоахме- дович Шорасулов, ушбу ишончнома оркали Тошкент вилояти Чиноз шахар Навоий кучасидаги 25-уйда яшовчи Шомахмуд Шотурсунович Шорасуловга Халк банкининг Тошкент шахар Яшнобод туманидаги булимида менинг номимдаги хисоб-ракамда сакланаётган жамгарма пулидан 974500 (туккиз юз етмиш турт минг беш юз) сумни олишига, пулни олганлиги хакида имзо куйишига ва ушбу ваколатни бажариш учун лозим булган бошка харакатларни амалга оширишига ишонч билдираман.

(Имзо) Ш.Ш. Шорасулов ________ (Н

***Автомототранспортдан фойдаланиш вауни сотиш хукуцини берувчи ишончномалар намунаси***

***17-илова***

ИШОНЧНОМА

Узбекистон Республикаси Фаргона шахри, икки минг ун туккизинчи йилнинг йигирма биринчи май куни

Мен, Фаргона шахар Ойбек кучасидаги 27-уйнинг 23-хона-донида яшовчи Холмат Мухамедович Эшматов, ушбу ишончнома оркали Фаргона шахар Тукимачи кучасидаги 81-уйда яшовчи фукаро Олим Ахадович Салимовга Фаргона вилоят Давлат автона-зоратининг руйхатга куйшн ва имтихон олиш булимида руйхатда

турувчи ГЕ 434445 ракамли техник паспортга кура менга тегишли булган «Nexia» маркали, 1999 йилда ишлаб чикарилган, ок; рангли, шасси раками - 22214, мотор (двигатель) раками - 84156, кузов раками - 453476, давлат ракамли белгиси - 40А649СА булган автомашинадан фойдаланишга, яъни хайдаб юришга, автомашинанинг техник холатидан хабардор булиб туришга, ДАН идораларида менинг вакилим булишга, лозим булганда уни узи истаган нархда сотишга ва ушбу ваколатни бажариш учун лозим булган барча харакатларни амалга оширишга ваколат бераман.

Ишончнома ваколатни бошка шахсга утказиш хукукисиз БИР ИИЛЛИК муддатга берилди.

(Имзо) Х.М.Эшматов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

***18-илова***

ИШОНЧНОМА

Узбекистон Республикаси Фаргона шахри, икки минг ун саккизинчи йилнинг ун еттинчи август куни

Мен, Фаргона шахар Ойбек кучасидаги 27-уйнинг 23-хонадонида яшовчи Холмат Мухамедович Эшматов, ушбу ишончнома оркали Фаргона шахар Тукимачи кучасидаги 81-уйда яшовчи фукаро Олим Ахадович Салимовга Фаргона вилоят Давлат автоназоратининг руйхатга куйиш ва имтихон олиш булимида руйхатда турувчи ГЕ 434445 ракамли техник паспортга кура менга тегишли булган «Nexia» маркали, 1999 йилда ишлаб чикарилган, ок рангли, шасси раками - 22214, мотор (двигатель) раками - 84156, кузов раками - 453476, давлат ракамли белгиси - 40А649СА булган автомашинадан фойдаланишга ва зарур булган холда, узи истаган нарх ва шартларда сотишга ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариш учун унга менинг номимдан хар кандай ташкилотга ариза билан мурожаат килиш, керак булган хар кандай хужжатни олиш, имзо куйиш, олди-сотди шартнома- сини тузиб имзолаш, сотилган автомашина пулини олиш каби хукукларни бераман.

Ишончнома ушбу ваколатни бажариш билан боглик булган яна бошка барча х,аракатларни амалга ошириш хукуки билан БИР ЙИЛЛИК муддатга берилди.

(Имзо) Х.М.Эшматов

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

***Мулк хукуци гувох,номасини олиш учун бериладиган ишончноманинг намунаси***

***19-илова***

ИШОНЧНОМА

Тошкент вилояти Янгийул шахри, икки минг ун саккизинчи йилнинг ун саккизинчи август куни

Мен, Янгийул шахар Олмазор кучасидаги 15-уйнинг 8-хонадонида яшовчи Султон Каримович Нормухаммадов, ушбу ишончнома оркали юкорида курсатилган манзилда яшовчи Нодира Йулчиевна Каримовага Тошкент вилояти Янгийул шахар давлат нотариал идорасидан мархум отам Карим Нормухаммадовдан колган мулкка меросх5флик хукуки гувохномасини олишга, мерос мулкини олиш хукуки билан ваколат бераман.

Ушбу ваколатни бажариш учун унга менинг номимдан ариза бериш, зарур буладиган бошка маълумот ва хужжатларни олиш ва мен учун имзо куйиш хукукини бераман.

(Имзо) С.К.Нормухаммадоь

(Нотариуснинг тасдикловчи ёзувлари ва мухри)

## МАЪЛУМОТНОМА

Булган вокеа ёки мавжуд холатларни билдириш-ахборот бериш мазмунида ифодалайдиган хужжат. Маълумотнома- лар, одатда, юкори идора, мансабдор, хусусий ва юридик шахслар хамда оддий кишиларнинг курсатмаси, талаби ёки илтимосига кура тузилади хамда бирон-бир масалада илти- мосни кондирадиган ахборот ва маълумотларни узида акс эттиради.

Маълумотнома уз хусусияти ва мазмунига кура икки- га: хизмат маълумотномаси ва шахсий маълумотномага булинади.

Х и з м а т  м а ъ л у м о т н о м а с и - муассаса фаолиятига дойр вокеа-ходисаларни расмий равишда ахборот хусусиятига эга булган хилма-хил маълумотларни уз ичига олади, зарур холларда эса ракамли жадваллар куринишида гайёрланади. Такдим этилаётган маълумотлар ишлаб чикариш ва молиявий фаолият, ходим (штат)лар сони, топши- рикларнинг бажарилиши, моддий-товар бойликларининг сакланиши, мехнат интизомининг ахволи хакида ва бошка хилма-хил масалалар тугрисида хозирланади.

Хизмат маълумотномаси, уз навбатида, иккига - ички хизмат ва ташки хизмат маълумотномаларига булинади. И ч к и  х и з м а т  м а ъ л у м о т н о м а с и - муассаса ички ишлари, хужалик фаолияти, бирор таркибий булинма ёки айрим ходимнинг иши, фаолияти хакида тайёрланиб. шу муассаса рахба- рига йулланади. Бундай маълумотномалар бевосита тузувчи (булинма бошлиги, кадрлар булими бошлиги, иш юритувчи, оддий ходим ва боищалар) томонидан имзоланади ва одций когоз варагига кулда ёзилиши хам мумкин. Т а ш к и  х и з м а т  м а ъ л у м о т н о м а с и - муайян муассаса номидан юкори идора ёки мансабдор шахсларга, улар курсатмасига, талабига мувофик тайёрланиб жунатилади хамда хос иш когозига ёки

махсус босма иш когозига ёзилади ва муассаса рахбари томонидан имзоланади.

Хдр кандай хизмат маълумотномаси бошка бирон-бир хужжатни гувохдантириш ёки муайян карор кабул килиш учун асос булади. Маълумотнома санаси у имзоланган ва йулланган куни куйилади, чунки у жунатма хужжатлар дафтарида кайд этилади.

Хизмат маълумотномасига матн мазмунини очиб берувчи сарлавха куйилади. Масалан, «Корхона маъмурий-бошкарув ходимлари сони хакида». Маълумотномада кайд этилаётган хабарлар тааллукди булган сана алохида ажратилиб, асосий матн олдидан ёзилади. Масалан: ***«2019 йил 1 июндаги щчатга кура (мувофик)»*** ёки ***«2019 йил 1 январдан 1 сентябргача булган давр учун»*** каби. Ушбу маълумотларни матн сарлавхаси таркибига киритиб юбориш хам мумкин.

Расмий хизмат маълумотномасида босма иш когозидаги ёзувлардан ташкари, яна куйидаги зарурий кисмлар булади:

1. Хужжат жунатиладиган юкори идора ёки мансабдор шахснинг номи (босма иш когозининг ярмидан унг томонга ёзилади).
2. Хужжат номи (Маълумотнома).
3. Маълумотнома матнига сарлавха (хат бошидан ёзилади).
4. Асосий матн (маълумотнома мазмуни).
5. Мансабдор шахе (тузувчи ёки корхона рахбари) имзоси.

Молиявий масалаларни акс этгирувчи расмий маълумотномаларда бош (катга) хисобчининг имзоси ва мухри булади.

1-, 2-иловаларда ички хизмат маълумотномаси намуналари келтирилди.

***Ички маълумотнома намунаси***

***1-илова***

Тошкент шахар «Махалла ва оилани
куллаб-кувватлаш» худудий
Юкорида почта жунатмалари устига манзил ёзиш усули, унинг хусусиятларига тухталдик. Муайян ташкилотларга юбориладиган хат-хабар куринишидаги хужжатларга манзил ёзишнинг хам узига хос томонлари бор. Хужжатлар ташкилот ёки унинг таркибидаги бирор булинма номига, шунингдек, аник мансабдор ёки хусусий шахе номига хам жунатилиши мумкин. Агар хужжатни олувчи таркибий булинманинг ёки мансабдор шахснинг номи жунатувчига маълум булмаса, хужжат тугридан-тугри муассаса номига йулланади, у ерда иш юритувчилар - котиба ёки таъминот- чи хужжат мазмунидан унинг кимга, кайси булинмага юбо- рилганлигини дарров аниклайди.

Шахсан мурожаат килиб хат ёзиш усули масала аник бир шахе томонидан курилиши зарур булган холдагина кулланади. Бундай холларда хат жунатилаётган шахе фамилияси олдидан «шахсан» сузини ёзиш тавсия этилади, зеро, бундай ёзувли хатлар олувчига, яъни уз эгасига очилмасдан олиб кирилади (топширилади).

Хужжат олувчи муассасаларнинг номлари факат бош ке- лишикда ёзилади. Масалан:

***Узбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги***<br>
***Миллий терма жамоаларни саралаш, шакллантириш ва***<br>
***тайёрлаш бошцармаси***

Хатлар йулланаётган аник шахслар эса жуналиш кели- шигида ёзилади (фамилия курсатилмаслиги хам мумкин). Масалан:

***«Тошкент труба заводи» цуита корхонаси Режа-***
***щтисод булими бошлигига***

Агар олувчининг исми, отаисми хам аник булса, фамилия олдидан уларнинг бош харфлари ёзилади. Масалан:

***Паркент тумани матлубот жамияти улгуржи ва чакана***
***савдо очщ акциядорлик жамияти бощцарувининг раиси***
***С. М. Шариповга***

Агар хат харбий унвон, илмий унвон ёки даражага эга булган шахсга йулланаётган булса, шахснинг тегишли лавозими, унвон ёки даражаси ёзилади. Масалан:

***Андижон давлат***
***университети биология***
***факультетининг декани,***
***профессор И.Р.Муталовга***

Бир турдаги ташкилотлар гурухига йулланаётган хужжатларда олувчиларнинг номи умумлашган холда курсати- лиши мумкин. Масалан:

***Узбекистон Ахборот ва оммавий***
***коммуникациялар агентлиги тизимидаги***
***нашриёт, матбаа уйлари директорларига***

Хужжат (хат ёки бошка буюмлар) олувчиларнинг почта манзили, юкорида куриб утилганидек, почта жунатмалари манзили каби ёзилади. Бу ерда шунга эътибор килиш керак- ки, хужжат муассаса ёки унинг таркибий булинмасига йулланаётган булса, почта манзили муассаса номидан кейин ёзилади; агар хужжат хусусий тарзда, аник бир шахсга йулланаётган булса, почта манзили ва, умуман, манзил шахснинг номидан олдин ёзилади. Масалан:

*Хизмат ёзишмалари*

***Тошкент шщар Архитектура ва курилиш бош бощармаси режа-молия булими, 100000, Тошкент шах,ри Гулистон кучаси, 16-уй***

ёки:

***103046, Самарканд шщри, 46 Норпой кучаси, 6-уй, 8-хонадон академик Х,. У.Комиловга***

Хукумат ва марказий муассасаларга йулланадиган хуж-жатларда жунатувчилар олувчиларнинг почта манзиллари- ни курсатишлари шарт эмас, чунки бундай муассасаларнинг манзили таркатувчиларга аввалдан маълум булади.

## ТАКЛИФНОМА

Бирор-бир тантанали тадбирга таклиф этиш учун кулланадиган ёзма ахборот.

Таклифноманинг асосий зарурий кисмлари:

1. Номи (Таклифнома).

2. Матн:

а) таклифнома турига караб: таклиф килинаётган шахснинг фамилияси ёки исми ва отаисми;

б) таклиф килувчи муассасанинг номи;

в) кандай тадбирга таклиф килинаётганлиги.

3. Тадбирнинг утказилиши санаси ва вакти.

4. Утказилиш жойи.

5. Имзо (тадбирни ташкил этган ташкилотнинг номи). Тадбир бир неча ташкилотлар томонидан уюштирилса, таклиф килувчилар номи матнда алохида-алохида курсатилади, лекин таклифнома сунгида имзо )фнида тадбирни ташкил этувчиларни курсатиш шарт эмас (1-иловага каранг).

***Расмий таклифнома намунаси***

***1-илова***

ТАКЛИФНОМА

Мухтарам (а)

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори институти ва Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сизни улуг узбек адиби

АБДУЛЛА КОДИРИЙ

тугилганининг 125 йиллигига багишланган илмий анжуман- га таклиф этади.

Илмий анжуман шу йил 12 январь эрталаб соат 10.00 да Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг мажлислар за- лида бошланади (Шахрисабз тор кучаси, 5-уй, 2-кават).

Таклифномаларда тадбирнинг кун тартиби ёки дастури хам берилиши мумкин. Илмий анжуманларга мулжаллан- ган таклифномаларда купинча алохида илмий дастур илова килинади.

Таклифномалар компьютерда ёки босмахонада куп нусхада тайёрланади. Таклиф килинувчининг исми ва фамилияси таклифнома турига караб куйилади. Чунончи, расмий таклифномаларда исми ва отаисми, фамилиянинг узи («Но- зима Муродовна», Зуфаров), туй таклифномаларида таклиф килинувчига якинлик муносабатидан келиб чикиб, исми- нинг узи («Кодиржон ака», «Саидбурхон ака») ёки унга хур- матловчи сузлар, унвонлар кушиб («домла Азизхон ака», «профессор Рустамжон ака») ёзилиши мумкин.

Таклифномалар кандай тадбирга мулжалланганлигига кура шакли ва бадиий безатилиши жихатидан турлича тайёрланади. Масалан, юбилей муносабати билан тайёрланган таклифномада юбилярнинг сурати, нишонланаётган ёши (70 йил, 100 йил) акс эттирилиши, баъзан юбилей муалли- фининг шеърларидан парча хам берилиши мумкин.

Таклифномалар матни асосан учинчи шахе тилидан ёзилади ва ***«....таклиф цилади»*** ёки ***«таклиф этадилар»*** тарзи-

да тугалланади. Агар таклифнома маълум бир оила номидан берилган булса, бундай холларда матн биринчи шахе кугшикда ифодаланади ва, албатта, имзо }фнида таклиф килувчи оиланинг номи берилади.

Шу уринда таклифномаларда, айникса, туй таклифно- маларида нотугри кулланадиган иборалар хусусида тухтаб утиш жоиздир. Баъзи таклифномаларда ***«лутфан таклиф ци- ламиз»*** деган ибора ишлатилади. Бу ибора чакирик одобига зид эканлиги «Суз хусусида суз» китобида (Тошкент, 1987, 136-137-бетлар) алохида таъкидланган: «Мехмон чакирув- чи киши чакирилувчига, мен сизга лутф килиб, мехмонлик- ка чакираман деса, бу одобдан булмайди. Чакирилувчининг кунглига «Мен бундай лутфингта мухтож эмасман», деган фикр келиши мумкин. Аммо чакирилувчи «лутфан чакир- ганингиз учун рахмат» дейиши муомала одобига мувофик- дир. Агар чакирувчи чакирилувчига «Лутфан мархамат килишингизни сурайман» ёки «лутфан ташриф буюришин- гизни илтимос киламан» деб мурожаат килса, унинг хурма- тини урнига куйган булади. Уша китобда таклифномаларда «ташриф» сузи хам купинча нотугри кулланиши кайд этилади: «Ташриф» сузининг лугавий маъноси «шарафлаш», «юксалтириш»дир. Шунга биноан, улуг кичикнинг уйига келса, шу билан кичикнинг шарафи ортди, обруйи юксалди, деган маънода бу келишни «ташриф» деб атайдилар. Шундай экан, каттага хам, кичикка хам юбориладиган таклифномаларда «ташриф буюришингизни сураймиз» дейишлик мазмун жихатдан ноуриндир.

Айрим холларда таклифномаларда бадиий туе берилган куйидагича жумлалар хам учрайди:

«Сизни фарзандларимиз Алишер ва Зумрадхонларнинг никох туйлари муносабати билан 2019 йил 4 декабрь шанба куни кеч соат 18.00 да буладиган висол окшомига таклиф этамиз». «Висол окшоми» келин ва куёвнинг хос кечалари- дир. Бунака кечаларга одамларни таклиф этиш эриш туюла- ди. Бу мисоллар ташкарига ёзиладиган хар бир мактубга, хусусан, таклифномаларга хам эътибор ва масъулият билан караш кераклигини курсатади.

Гарчи туй ёки баъзи маросим таклифиомалари «Хизмат ёзишмалари»га кирмаса-да, мавзу устида гаи кетганлиги учун, фойдадан холи булмас деган ниятда, туй таклифно- маларидан намуналар келтирдик (2-, 3-иловаларга каранг).

***Туй таклифномалари намуналари***

***2-илова***

Хурматли _____________ !

Сизни фарзандларимиз ФАЙЗУЛЛА ва МОХИРАХОНлар- нинг никох туйи муносабати билан 2019 йил 21 январь куни эр- талаб соат 7.00 да туй дастурхонига таклиф этамиз.

***Э%тиром ила,***
***КАХРАМОН ШАМСИЕВлар оиласи.***

Манзил: Содик Азимов кучаси, 49-уй, Миллий банк гузари. 72-, 148-автобусларларнинг «Травматология ва ортопедия института» бекати.

***3-илова***

Хурматли _____________ !

Сизни 2019 йил 4 апрель шанба куни кеч соат 19.00 да фар- зандларимиз Толибжон ва Робияхонларнинг никох туйи тантана- сига таклиф этамиз.

***Эхтиром билан,***
***ХАЙРУЛЛА АБДУЛЛАЕВлар оиласи.***

Манзил: Кукча дахаси «Исломобод» гузари.

Кейинги йилларда мотам маросимларига хам «таклифнома» ёзиш раем буляпти. Уларда шундай иборалар уч- райди: «Сизни .............. куни нахорга волидаи мухтарамамиз Тожихон аянинг хотираларига багишлаб ёзиладиган дастур- хонимизга таклиф этамиз». Бу ерда «дастурхон» сузи хам, «таклиф этамиз» ибораси хам зиёфатларга нисбатан кулла- ниб келгани учун кулокка эриш туюлади. Бизнингча, мотам маросимларига, яхшиси, «номалар» ёзмай, огзаки айтиш-

нинг узи етарлидир. Мабодо ёзиш жоиз курилса, хотирлаш, эхсон килиш кунини ва манзилини эслатиш маъносида куйи- дагича ёзишни тавсия этамиз:

***Ёднома намунаси***

***4-илова***

Волидаи мухтарамамиз Тожихон аянинг хотира маъракаси 2019 йил 15 июнь соат 17.00 га белгиланди.

Ғофуржонар оиласи.

Манзил: Марказ-14, 15-уй, 15-хонадон.

**Таклиф хат.** Бундай хатлар маълум кишиларга ёки бир неча шахсларга йулланади. Таклиф хат матнида маълум бир йигилиш, мухокама ёки кенгашга таклиф килиш билан бирга, шахснинг таклиф килинишидан кузланган асосий максад хам аник курсатилади (5-7-иловаларга каранг).

Таклиф хат, одатда, муассасанинг хос иш когозига ёзилади.

***Таклиф хат намуналари***

***5-илова***

Узбекистон Миллий университетининг профессори
Умарали Норматовга

***Хурматли Умарали Норматов!***

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтининг илмий кенгаши Сизга институтнинг Адабиёт назарияси булимида тайёрланган «Узбек адабий танкиди тарихи» номли ишни такриз учун йуллайди.

Апрель ойида буладиган илмий кенгашнинг шу иш мухокамасига багишланган йигилишида такризчи сифатида иштирок этишингиз суралади.

Илмий кенгаш йигилишининг вакти Сизга хабар килинади.

Илмий кенгаш раиси (имзо) (Ф.И.О.)
(сана)

***6-илова***

Узбекистон Республикаси
Хунармандлар уюшмасининг
аъзоси К.Рах,имовга

Мухтарам Кодир Рахмонович!

Шу йил 15 октябрь соат 10.00 да Рассомлар кургазма залида Жалолйддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги муносабати билан **урнатиладиган** ёдгорлик лойихасининг мухокамаси булади. Соханинг йирик мутахассиси булганингиз сабабли Сиз хам ушбу мухокамада иштирок этиб, уз фикр-мулохазаларингиз- ни баён киласиз, деган умиддамиз.

(имзо) Х-Самиев

***7-илова***

«Узбекистон миллий энциклопедияси» илмий маслахат кенгаши раиси

***Мухтарам*** ___________________________________

Сизни 2015 йил 11 июнь соат 11.00 да «Узбекистон миллий энциклопедияси» бош тахрир хайъатининг «Узбекистон» нашри-ёт-матбаа ижодий уйи мажлислар залида (Навоий кучаси, 30-уй) утказиладиган кенгайтирилган йигилишига таклиф этамиз.

Хурмат билан (имзо) Н.Тухлиев

Баъзи таклиф хатларида имкон борича бадиий туе берилади: давлат арбоблари, мутафаккирларнинг чиройли сузларидан парчалар келтирилади, турли шиорлардан, шеърлар- Дан фойдаланилади (8-иловага каранг).

***8-илова***

*Хурматл и ______________*

*Маълумки, ёш авлод тарбияси хамма замонларда хам муу;им ва долзарб сцамиятга эга булиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала уацицатдан хам хаёт-ма- мот масаласига айланиб бор- моцда.*

**Шавкат Мирзиёев**
Узбекистон Республикаси
Президента

***Сизни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимла- ри кунига багигилаб 2018 йил 27 июнь куни соат 11.00 да Узбек Миллий академик драма театри биносида утказиладиган байрам тадбирига таклиф этамиз.***

***10-цатор 12-жой Манзил: Навоий кучаси, 34.***

***Узбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси***

***9-илова***

***Оилага эътибор -узлигимизга эътибор***

Мух,тарам(а) ______________________________!

Сизни 2019 йил 28 январь соат 14.00 да Чилонзор тумани 16-мавзесида булиб утадиган

**«Оила - соглом авлод бешиги»**

номли давра сухбатига таклиф этамиз.

**Тадбир дастури**

1. **Кириш сузи. Соглом мухит - соглом авлод.**

Тошкент шахар Чилонзор тумани хокими уринбосари, хо- тин-кизлар кумитаси раиси, п.ф.н. М.А.Содикова.

2. **Мехр сарчашмаси - оила.**

«Махалла ва оила» илмий-тадкикот институти катта илмий ходими, ф.-м.ф.н. М. Иминова.

**Манзил:** Чилонзор тумани 16-мавзеси, 164-мактаб биноси.

## ТЕЛЕГРАММА, ТЕЛЕФОНОГРАММА Телеграмма

Мухим хабарнинг телеграф оркали берилган них,оятда киска шакли. У бир муассасадан (ёки шахсдан) иккинчиси- га йулланган расмий х,ужжат хисобланади. Хизмат ёзишма- ларининг бошка турлари белгиланган манзилга хабарни уз вактида етказилишинитаъминлай олмаса, уни зудлик билан етказиш учун телеграфдан фойдаланилади.

Телеграф ёзишмалари факат турли шахар ёки ахоли яшайдиган жойлардаги муассаса, шунингдек, шахслар ора- сида булади.

Телеграмманинг бошка иш когозларидан фарки унинг узига хос ихчамлиги ва кискалигидир. Хизмат телеграмма- лари икки нусхада тайёрланади. Биринчи нусха жунатиш учун алока булимига топширилади, иккинчи нусха эса корхонанинг узида саклаш учун колдирилади.

Телеграмма, коидага биноан, махсус босма иш когоз- ларида расмийлаштирилади. Хизмат телеграммаларининг матни купинча одатдаги когозга бош харфлар билан икки интервалда ёзилади. Телеграмма жунатувчининг манзили, мансабдор шахснинг имзоси ва сана кичик харфлар билан ёзилади. Кулда ёзилганда, харфлар йирик-йирик, сузлар ора- си эса аник ва равшан булиши керак. Телеграмма босма иш когозининг ёки ок когознинг факат бир томонига ёзилади.

Телеграмма матни «телеграф услуби» деб юритилувчи киска ва сикик услубда ёзилади. Унда туликсиз гаплардан кенг фойдаланилади, сифатлар, равишлар, ёрдамчи сузлар, тиниш белгилари факат зарур булгандагина, яъни уларсиз гапнинг мазмуни узгариб кетса ёки икки хил маънода кабул Кшшнсагина кулланади, бошка барча холларда улар туши- риб колдирилади. Хабарни баён килишда ихчам сузларни танлаш, кискартмалардан унумли фойдаланиш лозим. Тил бирликларини тежаш телеграф услубининг энг асосий талабларидан биридир (1 - 3-иловаларга каранг).

***Хизмат ёзишмалари***

Телеграммада бир сатрдан иккинчи сатрга бугин кучирилмайди. Хатбошисиз барча каторлар тулдириб ёзилади. Кунлар ва ракамларни суз (харф)лар билан ёзиш тавсия этилади. Бир неча ракамдан иборат булган мураккаб сонларни узича ёзиш мумкин.

Телеграмманинг асосий зарурий кисмлари:

1. Хужжатнинг номи (Телеграмма).
2. Тури х,акидаги белги (хукумат телеграммалари, халкаро телеграммалар, шошилинч ва оддий телеграммалар).
3. Телеграмма етиб бориши зарур булган жой манзили, уни оладиган шахснинг исми ва фамилияси.
4. Матн.
5. Жунатувчи муассасанинг кискача номи ва матнни имзолаган мансабдор шахснинг фамилияси (имзо эмас).
6. Хабар жунатувчининг манзили.
7. Матн кимнинг номидан жунатилаётган булса, уша шахснинг имзоси.
8. Мухр.
9. Сана.

Телеграмманинг матни манзилдан ажралиб туриши керак. Агар телеграмма жавоб тарщасида юборилган булса, матн олдидан жавоб кайтарилаётган хужжатнинг шартли раками (индекси), матн охирида эса уз жунатма шартли раками ёзилади (2-иловага каранг).

***Телеграмма намуналари***

***1-илова***

**ТЕЛЕГРАММА**

КАТТАКУРҒОН БОЕКУЧА 25 ПАХТА ЗАВОДИ
КАРИМОВГА ТЕЗДА БЕШ ВАГОН ПАХТА ТОЛАСИ
ЖУНАТИНГ ШАРТНОМА ХИСОБРАКАМИ 1356
«УЗПАХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ САЛИМОВ 162
100160 Тошкент Шота Руставели 5
«Узпахтасаноат» уюшмаси раис
Салимов 2014 йил 2 апрель мухр

***2-илова***

ТЕЛЕГРАММА

100160 ТОШКЕНТ ШОТА РУСТАВЕЛИ 5
«У ЗП АХТАСАНОАТ» УЮШМАСИ САЛИМОВГА
162 БЕШ ВАГОН ПАХТА ТОЛАСИ ОЛТИНЧИ АПРЕЛДА
ЖУНАТИЛДИ ЕТИБ БОРГАНЛИГИ ХДКВДА ХАБАР
КИЛИНГ КАРИМОВ

21

703260 Каттакургон Богкуча 25
Пахта заводи
директор
2014 йил 7 апрель Ш. Каримов
мух,р

Телеграммалардан шахсий максадларда хам кенг фой- даланилади. Улар тузилишига кура хизмат телеграммалари- дан кескин фарк килмайди (3-иловага каранг).

***Телеграмма намунаси***

***3-илова***

ТЕЛЕГРАММА

ФАРГОНА 12 КАТТАБОГ 18
САЛИМОВГА ЙИГИРМА ОЛТИНЧИ ДЕКАБРДА 123 РЕЙС БИЛАН УЧАМАН КУТИБ ОЛИНГ САЙЁРА
100187 Тошкент 187 Садаф кучаси 4-уй

Телеграмманинг хар бир сузи учун пул туланади, нархи унинг турига ва сузлар микдорига боглик.

Телеграмма матнини тахрир килиш ва кискартиришда телеграммани кабул килувчи томонидан хабарнинг тугри ту- шунилишига хам эътибор бериш зарур. Кдйси сузни туши- риб колдириш мумкинлиги факат телеграммани жунатувчи- гагина эмас, балки телеграмма йулланган шахснинг нима хдкида хабар берилаётганлигидан аввалдан кисман вокиф булганлигига хам боглик. Масалан, телеграмма жунатувчи

уз танишини туйга таклиф килмокчи. Агар хабар телеграмма йулланган шахсга бутунлай янгилик булса, матнда каерда, кандай ва кимнинг туйи эканлиги алохида курсатилиши керак. Агар туй хакида у кисман хабардор булса, телеграмманинг тахминий матни куйидагича булади: ТУЙ УН ИККИНЧИ ИЮНГА БЕЛГИЛАНДИ ЕТИБ КЕЛИНГ.

Зудлик, тезкорлик талаб килинадиган барча вазиятларда хатлар аллакачон уз урнини телеграммаларга, телеграммалар эса факсларга, интернет хизматига бушатиб бермовда. Бугунги кунда буйруклар, фармойишлар, шошилинч хатлар, аризалар ва бошкалар телеграф ёки факс оркалигина эмас, телеграм билан хам йулланмокда.

***4-илова***

ТЕЛЕГРАММА

САМАРКАНД 27 НАВБАДОР 18 МАРКАЗИЙ ЖАМГАР- МА БАНКИ ФИЛИАЛИ ЖОРИЙ ХИСОБЛАР БУЛИМИГА МЕН СОБИР АЛИМОВ 2621 РАКАМЛИ УЗ ЖОРИЙ ХИСО- БИМДАН 704051 (ЕТТИ ЮЗ ТУРТ МИНГ ЭЛЛИК БИР) СУМНИ МАШИНА ТУЛОВИ УЧУН ТОШКЕНТДАГИ УН ТУРТИН- ЧИ СПОРТ МАГАЗИНИНИНГ 000441523 РАКАМЛИ МАХСУС ХИСОБРАКАМИГА УТКАЗИШИНГИЗНИ СУРАЙМАН.

| | |
|---|---|
| Паспорт: АС № 0706924 | имзо |
| 2015 | йил 20 январь Самарканд |
| | Тошкент 187 Садаф кучаси |
| шахар ички ишлар булими | 4-уй. |
| томонидан берилган. | (Телеграфчи имзони тасдию/айди). |

Бундай телеграммаларни кабул килишда телеграфчи муаллиф паспортидаги хамда телеграммадаги кайдларни солиштиргач, телеграмма жунатувчининг имзосини тас- диклайди.

Телеграммадаги манзил почта манзилига нисбатан анча киска булади ва «телеграф манзили» деб юритилади. Баъзи йирик корхоналар шартли телеграф манзилига ёки корхонанинг хос ракамига эга булади. Агар корхона алохида теле

граф манзилига эга булмаса, одатдаги манзил курсатилади. Адресни мустакил холда кискартириш мумкин эмас.

Юкори давлат хокимияти органларига телеграмма йул- ланганда, факат уларнинг номи курсатилиб, почта манзил- лари курсатилмайди. Масалан:

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ,

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАХ,- К АМ АСИ.

Телеграммани кузланган манзилга тезрок етказиш учун унда алока булимининг тартиб ракамини курсатиш шарт.

Фототелеграмма телеграммаларнинг алохида тури булиб, техникавий ахборотларни, чизмаларни, график ва схе- маларни анщ етказиш учун хизмат килади.

Телефонограмма

Шошилинч хабарнинг матнини белгиланган жойга телефон оркали етказишдир. Телефон воситасида буладиган бундай мулокот расмий хужжат сифатида кабул килинади ва итп когозининг бир тури хисобланади.

Хизмат муомаласининг бу тури купинча бир шахар ёки туманда жойлашган муассасалар уртасида кулланади.

Х,ар кандай телефонограмма бир нусхада тайёрланиб, рахбар ёки масъул шахе томонидан имзоланади, одатда, тайёр матн асосида етказилади.

Телефонга чакирилган киши телефонограмма берилиши хакида огох этилиши ва у кабул килишга тайёр булгач, матн кабул килувчи уни ёзишга улгурадиган суръатда баён килиниши керак.

Матн баён килингач, кабул килувчи ёзиб олинган матнни етказувчига кайта укиб эшиттириши керак. Х,[а]Р икки томон телефонограмма матни тугри кабул килинганлигига ишонч хосил килгач, кабул килувчи телефонограмма берилиш вакти ва санасини, шунингдек, етказувчининг лавозими, исми ва фамилиясини курсатиши шарт. Етказувчи хам кабул килувчининг исми ва фамилиясини, телефонограмманинг берилиш санаси ва вактини ёзиб куяди (5-иловага каранг).

***Хизмат ёзишмалари***

Телефонограмма матнини тайёрлашда мантикан тугри ва киска (матндаги сузларнинг сони 50 дан ортмаслиги керак) булишига, мураккаб жумлалар ёки жуда кам ишлатила- диган сузлар кулланмаслигига эътибор бериш лозим.

Телефонограмма кабул килувчи, кабул килинган хабар кимга тегишли булса, уни телефонограмма мазмуни билан таништириши керак.

Телефонограмманинг асосий зарурий кисмлари:

1. Манзил.
2. Хужжатни йулловчи муассасанинг номи.
3. Телефонрграммани етказувчи ва кабул килувчининг лавозими, исми, фамилияси, телефон ракамлари.
4. Кабул килиш вакти.
5. Номи.
6. Тартиб раками.
7. Сана.
8. Матн.
9. Имзо чеккан шахе.

Агар телефонограммани бир неча жойга йуллаш назарда тутилган булса, унга етказилиши лозим булган муассасалар номи ва телефон ракамлари кзфсатилган руйхат хам илова килинади.

***5-илова***

Яшнобод тумани хокимлиги
Етказувчи-йурикчи Олимов. Тел: 268-25-11.

ТЕЛЕФОНОГРАММА

2014 йил 29 сентябрь Тошкент № 16

2014 йил 12 сентябрь куни соат 15.30 да Яшнобод тумани х,окимлигининг мажлислар залида кишки мавсумга тайёргарлик масаласи буйича йигилиш булади. Иигилишда корхона рахбари ва касаба уюшмаси ташкилоти раиси кдтнашиши шарт.

Яшнобод тумани хокимлиги
котиби Л.К.Солиев

Телефонограммам ёзиб олишда тайёр босма иш когоз- ларидан фойдаланиш максадга мувофикдир (6-иловага каранг)

***Телефонограмма шакли***

***6-илова***

Кимга: ________ _ ________________________________________
1 йулловчи ташкилот)

Телефонограмма етказувчи Кабул килувчи

(лавозими, исми, фамилияси) (лавозими, исми, фамилияси)

тел———— ---------------------------------------------------------------
(кабул килинган вакти)

ТЕЛЕФОНОГРАММА

Сана: ____________________________________________________

Жойи: _ ________________________________________________

Матн ____________________________________________________

***Имзо***

## ХАТЛАР

Муассасалар орасида хизмат алокаларини амалга оши- рувчи асосий хужжатдир. Хат оркали бажариладиган масалалар кулами кенг булиб, бундай ёзишмалар воситасида турли курсатмалар, суровлар, жавоблар, тушунтиришлар, хабарлар, таклифлар, илтимослар, кафолатлар берилади ёки кабул килинади. Мазмун жихатдан турлича булган бундай хужжатлар умумлаштирилган холда ***хизмат хатлари***

деб юритилади. Хизмат хатлари хусусиятларига кура узаро фаркланади. Хатларни бажарадиган вазифасига караб куйидаги турларга булиш мумкин:

1) жавоб хатни талаб килувчи хатлар (даъво хатлар, суров хатлар, илтимос хатлар).

2) жавоб хатни талаб килмайдиган хатлар (илова хат, тас- дик хат, эслатма хат, ахборот хат, кафолат хат ва боищалар).

Ушбу хатлар маълум бир максадда ёзилади, масалан, кафолат хатларда кафолат бериш ифодаланса, илова хатларда хатга илова килинаётган хужжатлар хакида ахборот берилади. Бирок шундай хатлар хам учрайдики, унинг мазмунида хам кафолат бериш, хам илтимос, хам эслатиш маънолари ифодаланади.

Хизмат хатлари, одатда, хатлар учун тайёрланган босма иш когозларига ёзилади. Махсус босма иш когозлари булмаган холларда хизмат хатлари хос иш когозига ёки оддий когозга ёзилади. Хат оддий когоз варакка ёзилса, унинг чап томонидаги юкори бурчагига хат жунатаётган муассаса номи курсатилган т)фтбурчак мухр куйилади.

Зарурий кисмлари бурчакда жойлашган босма ёки хос иш когозларида зарурий кием аввал узбек тилида, сунг рус ёки инглиз тилида берилади. Зарурий кисмлар узунасига (буйига) жойлашган босма иш когозларида улар чап томонда узбек тилида, унг томонида рус ёки инглиз тилида берилади.

Хизмат хатлари куйидаги зарурий кисмларни уз ичига олади:

1. УзР герби.
2. Муассасанинг рамзий белги (эмблема)си.
3. Мукофотлар.
4. Вазирлик, бошкарма номи.
5. Ташкилот номи.
6. Булинма номи.
7. Таснифлагич буйича хужжатнинг хос раками.
8. Муассасанинг хос раками.
9. Почта, телеграф манзили, банкдаги хисобраками.
10. Сана.
11. Шартли ракам.

12. Келган хужжат шартли раками.
13. Хужжатнинг келиш санаси.
14. Хужжат жунатиладиган манзил (хатни олувчи муассасанинг номи).
15. Муносабат белгиси (резолюция).
16. Назорат хакида белги.
17. Матн сарлавхаси (хатнинг кискача мазмуни).
18. Матн.
19. Иловалар хакида белги.
20. Имзо.
21. Розилик белгиси (виза).
22. Келишув хакида белги.
23. Бажарувчи хакида белги ва унинг телефон раками.
24. Бажарилганлик хакида белги.

1-иловадаги шаклда хизмат хатларидаги ушбу зарурий кисмларнинг андозавий улчамдаги жойлашиш тартиби курсатилди.

Чизмадаги узук чизиклар зарурий кисмлар чегарасининг узгарувчанлигини билдиради. Халкалар ичида эса зарурий кисмларнинг тартиб раками берилган.

Хар кандай хизмат хати мантикий жихатдан узаро боглик булган уч кисмдан иборат булади. Хатнинг биринчи (кириш) кисмида, одатда, хат билан тегишли муассасага му- рожаат килишга мажбур этувчи асосий сабаб курсатилади. Иккинчи кисмида хатда куйилаётган масалани хал килиш зарурлиги далиллар асосида баён килинади. Хатнинг учинчи (хулоса) кисмида эса хат ёзишдан кузланган асосий мак- сад ифодаланади.

Хизмат хатлари имкони борича киска булиши, бирок бу кискалик унинг аник ва равшанлигига таъсир этмаслиги керак. Коидага кура, хизмат хатлари бир бетдан ошмаслиги лозим. Факат жуда мухим масалалар ёзилган, бирмунча му- фассал баён талаб килувчи хатларгина истисно тарикасида уч бетгача булиши мумкин. Хизмат хатлари когоз вараги- нинг олди ва орка томонларига ёзилади.

Расмий хатларни тузувчи шахе маълум малакага эга булиши керак. Расмий хатларни тугри ва тез тузиш, аввало,

узбек тилининг узига хос хусусиятларини, шунингдек, за- монавий расмий услубни ва унга куйиладиган талабларни билишни такозо этади. Ушбу талабларни бажармаслик, би- ринчидан, хатлар билан ишлашни кийинлаштиради, иккин- чидан, уларнинг хукукий ва амалий ахамиятини йукотади.

Расмий хатлар матнида икки хил мазмунда тушунила- диган жумлалар булмаслиги учун кучма маънодаги суз ва ибораларни куллашда эхтиёткорлик, синчковлик талаб этилади.

Расмий хатлар тилида аниклик ва кискалик асосий мезон хисобланади. Бундай хатлар тили ва услуби конунлар тилига куйиладиган талаблар даражасида булиши зарур.

Хизмат хатлари икки нусхада ёзилади ва имзоланади. Биринчи нусха жунатилиб, иккинчи нусха муассасанинг узида сакланади. Агар хат икки ва ундан ортик жойга йул- ланса, хат жунатилаётган асосий муассаса ёки рахбар ходимнинг номидан сунг бонщалари берилади. Биргина хужжатда уни олувчиларнинг номи турттадан ошмаслиги керак. Хизмат хатлари, одатда, муассаса номига юборилади. Факат масаланинг хал килиниши бевосита рахбарга боглик булса, хат рахбар номига жунатилиши мумкин.

Хизмат хатларида матн учун сарлавха катта ахамиятга эга. Улар хужжатнинг кискача мазмунини, яъни хат нима хакда эканлигини К}фсатади. Масалан: ***«Мактаб таъмири учун цушимча маблаг ажратиш уацида», «Туловларга кафолат бериш цацида».*** Матн учун сарлавхаларнинг аник ва киска берилиши иш юритишда катор кулайликлар яратади.

Сарлавха бир жумладан иборат булиб, хат матнидан олдин чап томонда жойлашади. Одатда, сарлавха ***«уацида»*** ёки ***«тугрисида»*** каби кумакчилар ёрдамида тугатилади.

Сарлавха икки катордан ошмаслиги зарур.

Хизмат хатлари матнидан сунг хатга имзо чекувчи рахбар лавозимининг номи аник курсатилиши керак. Агар хат хос иш когозида ёзилмаган булса, хатнинг имзо кисмида лавозим номидан ташкари муассаса номи хам тулик курсатилади.

Х,ужжат муассаса рахбари томонидан имзоланади. Иш юритиш жараёнида баъзан хатга рахбар вазифасини бажа-

рувчи шахе ёки унинг уринбосари хатда кайд этилган лавозим номи олдига чизикча куйиб (гуё зфинбосар имзо чека- ётганлигини уктираётгандек) имзо чекади. Бу иш юритишга масъул булган шахе тегишли йурикномадан хабардор эмас- лигидан далолат беради. Хатни тайёрлаш жараёнида тузувчи хатга ким имзо чекишини олдиндан билиши керак. Рахбар булмаган холларда шундай ваколатга эга булган шахе, яъни унинг вазифасини бажарувчи ёки уринбосари, лавозими аник курсатилган ходца ***(«директор вазифасини бажарувчи», «директор уринбосари»*** тарзида), имзо чекиши мумкин.

Хатда баён килинган масалалар буйича жавобгарлик бир неча шахе зиммасига юклатилган булса, имзолар сони икки ёки ундан ортик булиши мумкин (масалан, тулов хакидаги кафолатномаларда, молиявий хужжатларда).

Хатда имзолар маълум тартиб асосида, яъни эгаллаб турган лавозимига кура жойлашади. Имзодан сунг имзо чекувчининг фамилияси кавега олинмай, исми ва отаисмининг бош харфлари фамилиядан олдин ёзилади, масалан:

| | | |
|---|---|---|
| Корхона директори (имзо) | | Б.С.Каримов |
| Бош хисобчи | (имзо) | Х-А.Самиев |

Агар хатга бирор хужжат илова килинаётган булса, хатнинг куйи кисми чап томони хошиясига «Илова» сузи куйилади, сунг тартиб раками билан илова килинаётган хужжатлар номи, нусхаси ва бети курсатилган холда берилади. Х,ар бир илова килинаётган хужжат номи алохида каторда жойлашади.

«Илова» сузининг остидан хеч кандай ёзув ёзилмайди, масалан:

Илова: 1. «Узкейсмаш» кушма корхонаси билан тузилган шартнома нусхаси узбек ва инглиз тилида - 3 бет, 1 нусха.

2. «Узкейсмаш» кушма корхонаси мутахассислари хулосаси - 5 бет, 1 нусха.

***Хизмат ёзишмалари***

Хат матнида кайд этилган илованинг мавжудлиги куйидаги тарзда хдм ифодаланиши мумкин:

Илова: _________ бетда______________ нусхада

Ушбу реквизит босма иш когозида тайёр холда хам булиши мумкин.

Агар илова килинаётган хужжат мухим (мустакил) булса, яъни асосий максад мазкур хужжатни маълум ташкилотга етказиш булса, бундай хужжатлар алохида илова хатлар ёрдамида йулланади.

Хизмат хатлари вазифаси ва мазмунига кура бир неча турга булинишини юкорида таъкидлаган эдик. Хатларнинг узига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, уларнинг номи (кафолат хати, илова хат, таклиф хат, суров хат ва бош- калар) ёзилмайди. Уларнинг кандай хат эканлиги матн мазмунидан билиниб туради. Биз куйида иш юритишда кенг таркалган хат турларини алохида-алохида куриб чикамиз.

***Хизмат хатлари зарурий цисмларининг жайлашуви*** **_1-илова_**

| | | |
|---|---|---|
| **0)®®** | | |
| **®0)®** | | |
| ® | © | |
| © © | | |
| | | |
| © @ | | |
| | | |
| © © | © | |
| | | |
| I I ®!©1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 1 | | |
| *(Тд)* | | |

*Хатга имзо чекувчи (jfy Имзо Исми, отаисм- шахснинг лавозими нинг бош харфлари ва фамшияси*

©
©
©
©

**Ахборот хат**

Бундай хатлардан кузланган максад - маълум ташкилот ёки шахсни амалга оширилаётган тадбирдан хабардор ки- лишдир.

Ахборот хатларнинг хажми оддий маълумотнома кури- нишида булиб, бир жумладан то бир неча сахифагача булиши мумкин. Баъзан ахборот хатлардан айрим ташкилотлар уз фаолиятини таргиб килиш максадида хам фойдаланади.

Ушбу хатларга референт ёки котибнинг имзоси етарли. Бирок хатда баён килинаётган вокеа ёки тадбирнинг ахами- ятига караб, хат тегишли мансабдор шахе томонидан имзо- ланиши хам мумкин. 1-2-иловаларда шундай хатлардан намуналар келтирилди.

***Ахборот хат намуналари***

***1-илова***

ДАРСЛИКЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ХАКИ ДА

«Укитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи укувчилар учун узбек тилида куйидаги дарсликларни нашрдан чикарганлигини Сизга маълум килади:

«Жахон тарихи» - 7-синф учун

«Жахон тарихи» - 10-синф учун

«Биология» - 10-синф учун.

К- Абдуллаева. «Ёзишни урганамиз».

Ушбу дарслик ва китобларни етказиб бериш учун тегишли лусхада буюртмалар кабул килинади.

Улгуржи харидорларга дарсликларни сотиб олишда чегир- ма берилади.

***2-илова***

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР УТКАЗИШ ХДКИДА

УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтa 2018 йил октябрь ойида «Хужжатлар тили ва услуби» мавзуида илмий-амалий семинар утказишни режалаштирмокда.

Семинардан кузланган максад - вазифавий услубларнинг назарий ва амалий томонларига багишланган масалаларни мухокама цилиш. Семинар хужжатшуносларга, иш юритувчиларга, фукаролик холати хужжатларини расмийлаштирувчиларга, шунингдек, тилшуносларга мулжалланган булиб, унда куйидаги масалалар куриб чикилади:

- хужжатлар тилини тартибга солиш ва иш юритиш атамаларини бирхиллащтириш;
- иш юритиш атамаларини тартибга солишнинг янги ахборот технологиялари шароитидаги самарадорлиги;
- хужжатларни таснифлаш ва хужжатлар тизими;
- хужжат тайёрлаш ва расмийлаштиришнинг умумий коидалари;
- хужжатларнинг Давлат ягона нусхасини яратиш.

Сизни илмий-амалий семинарда уз маърузангиз билан катнашишга таклиф этамиз. Маърузаларни махсус туплам шаклида 2018 йилда нашр килиш режалаштирилган.

Илмий-амалий семинарда иштирок этиш ва маъруза мавзуи хакида 2018.01.09 гача куйидаги манзилга мурожаат килишингизни сураймиз.

100060, Тошкент шахри Шахрисабз тор кучаси, 5-уй
УзР ФА Узбек тили, адабиёти ва фольклори институт.
Маълумот учун телефон: 71 233-71-44.

Институт директори Н. Махмудов

**Даъво хати**

Маълум бир муассасанинг бошка бир идора ёки транспорт ташкилотларига нисбатан талаб ва эътирозлари баён килинган хатлар - даъво хатлари ёки даъвономалар деб юритилади.

Даъво хатлари товар етказиб бериш, курилиш ишлари, ижара, юк ташиш ва шу каби бир канча ишлар буйича тузилган шартномалар бажарилмай колганда, уз конуний хукукларини ва манфаатларини химоя килиш максадида тузилади.

Даъво хатларида, асосан, шартнома (битим)га кура уз зиммасига олган мажбуриятини бузган томон етказган зарарни коплаш талаб килинади.

***Хизмат ёзишмалари***

Даъво хатларининг асосий зарурий кисмлари куйидаги- лардан иборат:

1. Даъво килувчи муассаса номи ва манзили.
2. Хатнинг ёзилиш санаси ва тартиб раками.
3. Даъвони кабул килувчи муассаса номи ва манзили.
4. Даъво бахоси (киймати).
5. Хат матни.
6. Иловалар руйхати (сахифалар сони курсатилг ан холда).
7. Мансабдор шахс(лар)нинг имзоси.

Одатда, даъво хатлари уч нусхада тайёрланади. Хатнинг 1 нусхаси айбдорга, 2-нусхаси даъвогарнинг узига колдирилади. Айбдор муассаса даъво хатида курсатилган талабларни бажаришдан бош тортган такдирда, хатнинг 3-нусхаси даъво аризасига кушиб, судга ёки хакамликка топширилади.

Даъво хатларида даъвогар талабини асослайдиган хамда тасдиклайдиган далиллар, курсатмалар ва экспертиза далолатномаси, кабул килиш далолатномаси, савдо далолатно- малари ва хоказолар хатга илова килиниб, уларнинг руйхати курсатилиши керак (3-4-иловаларга каранг).

Даъво хатларига куйидагилар илова килинади:

1. Товар-транспорт юкхати (темир йул юкхати, аэро- флот юкхати, автотранспорт юкхати ва бопщалар).

2. Савдо далолатномалари (юк кисман йуколганда ва бу-зилганда).

3. Юкнинг ташиш учун кабул килинганлиги тугрисида патта (юк бутунлай йуколганда).

4. Жунатилган мол (товар)нинг руйхати ва бахоси курсатилган хужжат, тулов талабномаси, нарядлар, махсулотни жунатиш учун берилган хужжат.

5. Даъво хисоб-китобининг суммаси (бундай хисоб-ки- тоблар агар матннинг узида курсатилмаган булсагина илова этилади).

6. Даъвогарнинг фикрига кура даъвонинг хаклигини тасдиклай оладиган хужжатлар.

## *Даъво хати намунаси*

<u>***3-илова***</u>

УзР
Навоий вилоят улгуржи ва чакана савдо бошкаруви
Навоий туманлараро улгуржи чакана савдо базаси
104170, Навоий шахри Темирйул кучаси, 4.
тел. 8-14-76, хисобраками 0007210

2016 йил 26 февраль № 24 07-46

«Узбекенгилсаноат»
акциадорлик компанияси
100612, Тошкент ш.
Уста Ширин кучаси, 21.

810000 сумлик камомад товарлар
бахосини ундириш хакида

2016 йил 5 январда Сизлар томондан 10428 ракамли хисоб оркали юборилган трикотаж буюмларни одцик. Юк Тошкентдан Навоий станциясига 2016.10.01. да 462481 ракамли темир йул юк-хати буйича 6004821 ракамли темир йул контейнерида, юк жунатувчининг тамгаси бузилмаган холда етиб келди.

2016.10.01. да трикотаж буюмларни кабул килиб олиш жараёнида хар бирининг бахоси 87000 сум булган спорт костюми- дан (артикули 4621) ун дона етишмаслиги аникланди. Камомад жами - 870000 сумни, савдо чегирмасини (10%) хисобга олма- ганда, 810000 сумни ташкил этади.

Камомад жамоат ташкилотининг вакили Т. Рахимов иштирокида амалдаги 197-ракамли гувохномага асосланиб, 10 январда тузилган далолатномада кайд этилди.

Жорий йилнинг 10 январида ушбу камомад хакида Сизни хабардор килиш максадида, шунингдек, трикотаж буюмларни кабул килишда иштирок этиш учун уз вакилларингизни юборишни сураб, Сизга жунатган телеграммамиз жавобсиз колди.

Курсатилган товар учун Сизнинг хисобварагингизда кайд этилган сумма тулик туланганлиги муносабати билан Сиздан 10 кун муддат ичида бизнинг хисобракамимизга 810000 сум пул утказишингизни сураймиз.

Илова: 1. Камомад хакидаги далолатнома (2 бет, 1 нусха).

2. Жамият ташкилоти вакили гувохномасининг нусхаси (1 бет, 1 нусха).

База директори (имзо) Р.И.Салимов

***Даъво хати шакли***

_____________________________________ _ ___________ ***4-илова***

Товар етказиб бериш кечиктирилганлиги учун жарима тулаш хдкида

ДАЪВО

__________ даги _____________ ракамли шартномага биноан
(сана)

Сиз__________________ га бах,оси ________________булган
(ташкилот, фирма номи) (сум суз билан)

________ дона _____________ етказиб беришингиз керак эди.
(товар номи)

Бирок курсатилган шартноманинг шартлари бузилган х,олда товар__________ кун кечикиб етказиб берилди (шу кунгача етказиб берилмади).

Шартноманинг________ бандига мувофик, фирма муддатида етказиб берилмаган__________сумлик товар бахоси дан_______ % микдорда Сизнинг хдсобингизга _____________ сум жарима езди.

Курсатилган жарима суммасини 30 кунлик муддатда биз- нинг ________ хисобракамимизга утказишингизни сурайман.

Мазкур сумма белгиланган муддатда туланмса, иш хужалик судига оширилади.

Фирма директори ______________________ И.О.Фозилов
(имзо)

## ТАЛАБНОМА

Хизмат ёзишмалари сирасида бир ташкилотнинг бошка ташкилотга йуллаган **талабномалари** хам учрайди. Бундай талабномалар узаро даъво мазмунидаги олди-сотди шартномалари асосида махсулот сотиб олиш ва уни етказиш амалга оширилмаганда, лизинг шартномалари шартлари бажарилма- ганда уни муддатидан олдин бекор килиш, шартноманинг ба- жарилмаганлиги окибатида келиб чикадиган зарарни коплаш каби талаблар билан йулланади. Хозирги кунда таомилга кирган талабномалардан куйида намуналар келтирамиз:

***5-илова***

2018 йил «___ » ________

____-сон

«Сифатли техника» МЧЖ

Манзил: Тошкент вилояти

Нурафшон шахдр

Алишер Навоий кучаси, 44-уй

ТАЛАБНОМА

**Уттиз етти миллион сумлик кондиционер етказиб бериш мажбуриятини бажариш ва кечиктирилган кунлар учун пеня тулаш)**

Узбек тили, адабиёти ва фольклори института ва «Сифатли техника» масъулияти чекланган жамияти уртасида 37000000 сумлик кондиционер (10 та)ни етказиб бериш тугрисида 2018 йил «10» февралда 3-сонли шартнома тузилган.

Шартноманинг 2.1-бандига асосан 15% олдиндан тулов - 5550000 (беш миллион беш юз эллик минг)сум 2018 йил «13» февралда хисобракамингизга 5-сонли тулов хужжати асосида утказиб берилган. Шартноманинг 2.2-бандига асосан «Буюртмачи» олдиндан туловни амалга оширгандан сунг «Етказиб берувчи» 5 кун ичида товарларни етказиб бериши белгиланган.

Шартноманинг 3.4-бандига асосан эса «Етказиб берувчи»га товарларни белгиланган сифатда, мивдорда ва муддатда «Буюртмачи»га етказиб бериш мажбурияти юкланган. Лекин Сиз томонингиздан етказиб берилиши керак булган товарлар 15% олдиндан тулов - 5550000 (беш миллион беш юз эллик минг) сум 2018 йил «13» февралда хдсобракамингизга утказиб берилганлигига карамасдан етказиб берилмаган ва бу билан шартнома шартлари бузилган.

Шартноманинг 4.6-бандида, шунингдек, Узбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси **тугрисида»™** конунининг 25-моддасида «Етказиб берувчи» етказиб берилмаган ёки етказиб бе-

риш мудцатлари кечиктириб юборилган товарнинг хар бир кечиктирилган куни учун белгиланган тартибда 0,5 фоиздан пеня тулаши (бу етказиб берилмаган товар микдорининг 50 фоизидан ошмаслиги керак), лекин туланган пеня томонларни шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан, контракт шартларини бажармаслик асосида етказилган моддий зарарни коплаш ва товарларни етказиш мажбуриятидан озод кил- маслиги белгиланган. Сиз томонингиздан эса 48 кун хисобида 37000000 (уттиз етти миллион) сумлик кондиционер (10 та) ке- чиктирилган.

Юкоридагилардан келиб чикиб, корхонангизга нисбатан 48 кун кечиктириб етказиб берилмаган 37000000 (уттиз етти миллион) сумлик товар учун товар суммасининг ( 48 x 0,5% ) 24 фоизи мивдорида 8400000 (саккиз миллион турт юз минг) сум пеня суммаси хисобланди.

Мазкур холат Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 333-моддасида «Карздор айби булган такдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар конун хужжатларида ёки шартномада бошкача тартиб белгиланмаган булса, жавоб беради» дейилган. Узбекистон Республикаси Олий хужалик судининг Узбекистон Республикасининг
2002 йил 4 мартдаги 103-сонли «Хужалик юритувчи субьектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»ги конунини хужалик судлари амалиётида куллашнинг айрим масалала- ри хакида»ги ва 2007 йил 15 июндаги 163-сонли «Мажбурият- ларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тугрисидаги фукаролик конун хужжатларини куллашнинг айрим масалалари хакида»ги карорларида хам мажбуриятни бажармаганлик учун карздорнинг жавобгар булиши айтилган.

Шунга кура, Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»™ конунининг 7-, 17 - 19- ва 25-моддаларига, Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 333-моддасига асосан Сиздан куйидагиларни:

1. Ушбу хисобланган 8400000 (саккиз миллион турт юз минг) сум пеня суммасини куйидаги хисобракамга утказишингизни;

2. 37000000 сумлик кондиционерлар (10 та)ни етказиб бериш мажбуриятини бажаришингизни

ТАЛАБ ЦИЛАМИЗ:

Акс хдвда, Узбекистон Республикаси Иктисодий процессуал кодексининг 148-151-моддаларига асосан иктисодий судга даъво аризаси киритилишини маълум киламиз.

СТИР: 200 901 384 ш/хр: 400110860262877950100056009
Молия Вазирлиги Еазначилиги
газна/х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Банк номи: ХККМ Марказий банк
Тошкент. ш. бош бошкармаси
БММ: 00014 СТИР: 201 122 919
Илова: 2 варакда.
1. 3-сонли шартнома нусхаси.
2. 5-сонли тулов хужжати.

2018 йил « ___» _______
___ -сон
« ___________ » ____
Манзили: __________ шахри
_________ тумани
_________ кучаси, __-уй.

***Умумий шакл*** ***6-илова***

Т А Л А Б Н О М А

(лизинг шартномасини муддатидан олдин бекор килиш, асосий карз ва унга хисобланган пеняни ундириш хдмда лизинг объектини кайтариш тугрисида)

« _________ » МЧЖ ва «__________ » МЧЖ уртасида

2018 йил 01 январда __ -сонли лизинг шартномаси имзоланган. Мазкур лизинг шартномасининг 1.1-бандига кура, Лизингга берувчи лизинг объектини шартномада курсатилган муддатда топшириши, Лизингга олувчи эса лизинг объекти туловларини шартномада курсатилган муддатда тулаш мажбуриятини олган.

Лизингга берувчи 2018 йил 30 январда лизинг объектини Лизинг олувчига топширган ва бу хдкда тегишли тартибда кабул килиш-топшириш далолатномаси тузилган. Аммо Лизинг олувчи томонидан шартнома мажбуриятлари лозим даражада бажарилмасдан келмовда. Шунга кура, 2018 йил 01 март холатига « __________ » МЧЖнинг « ___________ » МЧЖ олдида (2018 йил январь ойидан 2018 йил март ойигача 3 ойлик давр учун) жами ________ сум карздорлиги мавжуд.

Шартноманинг 3.3-боби «б» бандига кура, мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганда, Лизингга берувчи лизинг объекти суммасининг 2/3 кисми тулангунга кадар шартномани муддатидан олдин бекор килишни хамда лизинг объектини кайта- ришни талаб килиш хукукига эга.

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 236-моддасига кура, мажбуриятлар мажбурият шартларига ва конун хужжатлари талабларига мувофик, бундай шартлар ва талаблар булмаганида эса - иш муомаласи одатларига ёки одатда куйиладиган бошка талабларга мувофик лозим даражада бажарилиши керак.

Узбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хукукий базаси тугрисида»™ конунининг 25-моддасига кура, товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тулик етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар курсатилмаган холларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи мивдорида пеня тулайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар бахосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тулаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тулик етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни курсатмаслик окибатида етказилган зарарни коплашдан озод этмайди.

Шунга кура, ___________ сумнинг 0,5% = ________________ сум булади. Мазкур суммани кечиктирилган кунга, яъни 90 кунга купайтирсак, 90*__________ =___________ сумни ташкил этади. Демак, бунда ____________сумнинг 50%ни пеня сифатида хисоблаймиз.____________***/50%=*** ___________ сум пеня булади.

Бундан ташкари, Узбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги ПФ—1938-сонли фармонига асосан, шартно-

ма мажбуриятларини уз вактида бажармаган мансабдор шахслар энг кам ойлик иш хдкининг 5 баравари мивдорида жаримага тор- тилиши, бундай мажбуриятларни касддан менсимаслик эса жи- ноий жавобгарлик келтириб чикариши белгиланган.

Юкоридагиларга асосан, карздор «_____________» МЧЖ кре- дитор « ________________________________________» МЧЖга ______________________________________________ сум асосий карз,

_______ _ сум пеня тулаши, шунингдек, лизинг шартномасини бекор килишни хамда лизинг объектини кайтариши лозим.

Узбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 242-мод- дасига биноан, 10 кун муддат ичида . __________ сум асосий карз,

. _____ сум пеня тулашни, шунингдек, лизинг шартномасини бекор килишни хамда лизинг объектини кайтаришни сураймиз.

Мазкур сумма туланмаган хамда лизинг объекти кайтарил- маган такдирда иктисодий судга мурожаат килишимиз мумкин- лиги хакида огохлантирамиз.

## Илова хат

Хатни кабул килиб олувчиларни жунатиладиган хужжатлар хакида ёзма хабардор килиш учун кулланувчи кискача хабар когозидир. Илова хат иш юритишда кенг таркалган. Муассасаларда бундай хатлар шартнома лойихаларини, зиддиятлар баённомаларини, даъво материалларини жуна- тишда кулланади.

Илова хатларда шартномалар, даъво материалларининг жунатилиш вакти ва турли хужжатлар лойихасини куриб чикиш муддатлари хам кайд килинади, шу сабабли даъво-ши- коят ишларида у ёзма далил сифатида кулланиши мумкин.

Илова хатнинг асосий зарурий кисмлари:

1. Хатни олувчи муассаса ва мансабдор шахснинг номи.
2. Матн (кириш ва хулоса билан).
3. Илова (жунатилаётган хужжатларни санаш).
4. Рахбар имзоси.

Илова хатлар бошка хужжат материаллари билан бирга кушиб жунатилади.

Илова хатларнинг матнида, одатда, хулоса кием асосий 5финни ташкил этади. Унда илова килинаётган хужжатлар ва уларни жунатишдан кузланган максад хам курсатилади. Хужжатларни жунатишда хар доим хам илова хат тузилиши шарт эмас. Биргина хужжатни (маълумотнома, буюртмано- ма ва бошкалар) жунатишда илова хатлар тузилмайди. Агар илова килинган хужжатлар кушимча изохлар, маълумотлар, таклиф ва илтимослар билан боглик булса ёки илова килинаётган хужжатлар бир неча кисмлардан ташкил топсагина илова хат тузиш максадга мувофикдир. Бошка барча холларда илова хат ортикча хисобланади. Илова хат давлат интизо- мига риоя килишни ва жунатиладиган хужжатларнинг яхши сакланганлигини назорат килувчи ишончли воситадир.

*«Иуллаймиз», «илова циламиз», «цайта йуллаймиз», «тацдим циламиз»* каби суз ва бирикмалар илова хатларнинг узига хос белгиси хисобланади. 7-иловада илова хат намунаси берилди.

***Илова хат намунаси***

*7-илова*

Узбекистон ФА У.О.Орипов
номидаги ИОН-плазма ва лазер
технологиялари института
лаборатория мудири, Узбекистон
ФА академиги, физика-
математика фанлари доктори
У.Х.Расуловга

Хурматли Уткир Хасанович!

Сизга «Укитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан *2018* йилда нашр этиш режалаштирилган «Физикадан русча-уз- бекча атамалар лугати» ва «Физикадан русча-узбекча тушунча-

лар изошли лугати» номли китоблар кулёзмаларини куриб чикиб, тегишли тавсия бериш учун йуллаймиз.

Лугатларнинг кулёзмалари илова килинади:

1. «Физикадан русча-узбекча атамалар лугати» (805 сахифа).

2. «Физикадан русча-узбекча тушунчалар изошли лугати» (323 сахифа).

Директор (имзо) О.Еуломов

Илова хатларнинг шартнома куринишидаги тури хам бор. Бундай хат шартнома жунатилганлигини тасдикловчи далил хисобланади. Унинг намунаси 8-иловада берилди:

***Илова хат шакли***

*8-илова*

... ракамли шартномани
имзолаш хакида

Сизга__________да биз томондан имзоланган ва мухр билан тасдикланган -ракамли шартномадан _______ нусха йуллаяпмиз.

Ушбу шартномани расмийлаштириб, бир нусхасини бизга кайтаришингизни сураймиз.

Агар Сиз кайтарган шартномада шартнома реквизитлари тулдирилмаган холда булса, ушбу шартнома Сизнинг айбингиз билан расмийлаштирилмаган хисобланади.

__________да тузилган ____________ ракамли шартномани имзолаб ва мухрлаб Сизга кайта йуллаяпмиз, шунингдек, __________________ни хам илова килдик, ушбуни шартноманинг (хужжат номи) ажралмас кисми деб хисоблашингизни сураймиз.

(лавозим) (имзо) (исми, отаисми бош харфлари, фамилияси)

Х,исоботларнинг барча шакллари, одатда, юкори таш- килотларга илова хатлар оркали жунатилади. Ушбу хатлар матни жуда киска ва аник булади:

*Намуна* *9-илова*

Сизга «Чевар» тикувчилик ишлаб чикариш бирлашмасининг 2017 йил учун йиллик хисоботини йуллаймиз.

Илова: 1. Бирлашманинг йиллик хисоботи (18 бет).

2. Бирлашмада 2017 йилда ишлаб чикарилган махсулот тур- ларининг кискача руйхати (4 бет).

3. Ракамли хисобот (1 бет).

Илтимос хат

Муассасалар маълум бир ишни амалга ошириш ёки ту- гатиш максадида бошка муассасаларга расмий хат оркали илтимос килиши мумкин. Муассасалар уртасидаги бундай узаро ёзишмалар илтимос хат воситасида бажарилади. Илтимос хат хизмат хатлари орасида энг куп таркалган тур- лардан х,исобланади. Илтимос хатлар хам бошка хатлар каби муассасаларнинг хос иш когозига ёзилади ва, албатта, жунатилиш санаси ва жунатма тартиб раками курсатилади (10-11-иловаларга каранг). Бундай хатларнинг энг содда куриниши шахсий ва жамоат аризаларига ухшаш булади.

Илтимос хатларнинг асосий зарурий кисмлари:

1. Хат олувчи ташкилот ва мансабдор шахснинг номи.
2. Матн.
3. Илова (зарур булган холларда).

Агар хат матни учинчи шахе тилидан баён килинса, илтимос бирмунча расмий тусга эга булади.

Ахборот ёки хужжатлар юборишни сураб ёзилган илтимос хатларга жавоб купинча илова хат характерида булиб, уларнинг матни 12-иловадаги каби тузилиши мумкин.

***Илтимос хати намуналари***

*10-илова*

Информатика кафедрасининг
мудири К. Рахимовага

Бирлашмамиз мухандис-механиги О. Салимовни хисоблаш техникаси буйича малака ошириш максадида 2 ой муддатга (2016.05.01 дан 2016.15.03. гача) тажриба уташга кабул қили- шингизни сураймиз.

Тошкент электр-рузгор
буюмлар ишлаб чикариш
бирлашмасининг бош
директор уринбосари (имзо) У.Шокиров

*11- илова*

Узбек миллий
академик драма театри
директори
Ф.Маъсудовга

Шайхонтохур тумани «Илгор» махалла фукаролар йигини театрингизда 16 январь соат 19.00 да намойиш этиладиган «Чимилдик» спектаклини томоша килиш учун махалламиз ахлига 45 (кирк бешта) билет ажратишингизни сураймиз.

Билет киймати накд туланади.

«Илгор» МФЙ
раиси (имзо) А.Зокиржонов.

*12- шова*

Сизнинг 2016.12.01. даги 146-ракамли хатингизга жавобан 23 бетдан иборат корхонани кайта жихозлаш лойхасини жунатяпмиз.

2016.25.12. даги А—2-12 ракамли с)фов хатинингизга биноан таъмирлаш учун тузилган сметани (7 бет, 2 нусхада) йуллаймиз.

Мазкур хужжатнинг имзоланган ва мухр билан тасдикланган бир нусхасини бизнинг манзилимизга юборишшгизни сураймиз.

## Кафолат хати

Муайян бир шарт ёки ваъдани тасдиклаш максадида тузилади. Хатларнинг бу тури, коидага кура, бажарилган иш учун хдк тулашда, ишнинг бажарилиш муддати хакида, тураржой билан таъминлашда, ишга кабул килишда, бажари- ладиган ишнинг сифати хдкида кафолат бериш учун тайёр- ланади ва ташкилот ёки алохида шахсларга жунатилади.

Кафолат хатлари хам бошка хат турларидек, одатда, идоранинг хос иш когозига ёзилади. Хат матнида кафолат маъ- носи куйидагича ифодаланиши мумкин: *«Туловга кафолат берамиз», «Туловни кафолатлаймиз»* каби. Айнан шу жум- лани куйидагича кенгайтириш мумкин:

*Курилиш ишлари тугаши билан бир ой муддат ичида тегишли %ацни Саноат-курилиш банкининг Миробод тумани филиали орцали туланишини кафолатлаймиз.*

Кафолат хати корхона рахбари томонидан имзоланади. Молиявий ишлар билан боглик булган кафолат хатларига бош хисобчи хам имзо чекиши зарур.

Кафолат хати бошка хатлардан фаркли уларок, хат йул- ланаётган шахсга тугридан-тугри мурожаат килиш билан бошланиши хам мумкин (13-14-иловаларга каранг).

***Кафолат хатлари намуналари***

*13-илова*

Х,урматли Хасан Абдуллаевич!

«Артел» компанияси Сизга узбек тилини ургатиш буйича машгулотлар олиб боришингиз учун барча шароитларни яра- тишга ва узаро шартнома асосида хак тулашга кафолат беради. Завод директори (имзо) О.Н.Вах,обов

Бош хисобчи (имзо) Р.С.Каримов

*14-илова*

Хурматли Бахром Каримович!

Бизнинг бирлашмамиз Сизни курилиш буйича бош мухандис лавозимига ишга кабул килишга тайёр.

Сизга ва оилангиз аъзоларига шу йилнинг иккинчи ярмида фойдаланишга топшириладиган, бирлашмага карашли бинодан икки хонали уй ажратилади.

Бирлашма директори (имзо) Н.Р.Носиров

Баъзан кафолат хати матнида, кафолат бериш билан бирга, хабар бериш, сураш, илтимос каби маънолар хам ифо- даланиши мумкин. 15-иловада ана шундай хат матнидан намуна келтирилди.

***Кафолат хати намуналари***

*15-илова*

Узбекистон Ёзувчилар
уюшмаси таржима
кенгашига

Алишер Навоий номидаги Самарканд давлат университета шу йилнинг сентябрь ойида «Бадиий таржима ва узбек адабиёта- нинг халкаро алокалари» мавзуида илмий-методик конференция утказишни мулжалламокда. Конференцияни утказишда Ёзувчилар уюшмасининг таржима кенгаши хамкорлик кипишини сураймиз.

Конференция тезисларини нашр этиш, таклифномалар чика- риш, мехмонларни кутиш каби юмуш ва харажатларни университет уз зиммасига олади.

СамДУ ректори (имзо) И.О.Фамилияси

Ташкилотлар томонидан кутубхоналарга бериладиган тайёр андозавий кафолат мажбуриятлари хам ана шундай хатлар жумласига киради. Бундай мажбурият варакаларида хусусий зарурий кисмларгина тулдирилади, холос. 16-ило- вада УзР ФА Асосий кутубхонасига мулжалланган кафолат мажбурияти шаклини келтирамиз.

*Хизмат ёзишмалари*

***Кафолат мажбурияти шакли***

*16-илова*

КАФОЛАТ МАЖБУРИЯТИ УзР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АСОСИЙ КУТУБХОНАСИГА (100205, Тошкент, Муминов кучаси, 13-уй, тел. 262-74-56)

(муассаса номи, манзили, хисоб булимининг телефони)

(ходимнинг лавозими ва тулик номи)

номига шахсий аъзолик варакаси очишингизни сурайди.

________________________ ишдан бушаган такдирда, хисоб булимига кутубхона маълумотномасини топширмагунча, у билан хисоб-китоб килмасликка кафолат берамиз.

Ушбу мажбурият бажарилмаган холатда____________________ ______ томонидан кутубхонага кайтарилмаган адабиётлар учун бутун моддий жавобгарликни уз зиммамизга оламиз.

Муассаса рахбари __________________
(имзо)

Мухр Бош хисобчи ----------------------
(имзо)

Сана ---------------------

*Намуна* ________________________________________ *7 7-илова*

Яккасарой тумани ХТБга карашли 91-умумий урта таълим мактаби директори А.Л.Темировага 8- «В» синф укувчиси Камолов Равшаннинг онаси Камолова Лоладан

**Кафолат хати**

Мен, Яккасарой тумани 91-умумий урта таълим мактабининг 8- «В» синф укувчиси Камолов Равшаннинг онаси Камолова Лола, Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги конуни та- лабларининг бажарилишига, фарзандимнинг дарсларга укув ку- роллари билан уз вактида катнашишига, мактаб ички тартиб ва одоб-ахлок коидаларига риоя этишига кафолат бераман.

Сана: _____________ имзо

Суров хати

Жавоб талаб киладиган бундай ёзишмаларда маълумотлар, хужжатлар ёки бошка зарур нарсалар суралади.

Биргина хатда турли масалаларга дойр бир неча суров акс этмаслиги, унда баён килинаётган масалалар аник ва ра&шан ифодаланиши лозим. Факат шу холдагина йуллан- ган суровга тез ва мукаммал жавоб олиш мумкин.

Суров хати, одатда, икки асосий кисмдан: кириш ва ху- лосадан иборат булади. Киришда суровнинг юборилиш са- баби курсатилади, хулоса кисмда эса хат йулланган ташки- лотдан жавоб талаб килинаётган масалалар ёритилади.

18- 19-иловаларда суров хагларидан намуналар келтира- миз. Улар хатлар учун мулжалланган махсус хос иш когозларида расмийлаштирилади.

***Суров хати намунаси***

*18-илова*

«Узбеккимёмаш» заводининг директори Т.А.Салимовга

«Узбеккимёмаш» заводида 2016 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб даволаш барокамераси ишлаб чикарилаётганлиги матбу- от оркали маълум килинди.

Бу замонавий ускуна бизни жуда кизиктиради. Шу сабабли Сиздан ушбу барокамеранинг муфассал тавсифи, йурикномаси ва тегишли фотосуратларини зудлик билан юборишингизни сураймиз.

Хурмат билан
Самарканд шахар 1-клиник
касалхонаси бош врачи (имзо) А. Мадумаров

Муассасалар уртасида кулланувчи суров ва жавоб хатлари матни куйидагича булиши мумкин:

***Суров хати намунаси***

*19-илова*

Самарканд
туман
хокимлигига

«Узбекистон овози» газетаси гахририяти Шредер номида- ги Богдорчилик, токчилик ва виночилик илмий-ишлаб чикариш бирлашмасининг Самарканд филиали бир гурух ишчиларидан тахририятга келган ушбу шикоят хатини куриб чикиш учун Сизга йуллайди. Текшириш натижалари хакида тахририятни хабардор килишингизни сураймиз.

Хатлар ва оммавий ишлар
булими мудири (имзо) Ю. Бердиев

***Суров хатига жавоб хати намунаси***

*20-илова*

«Узбекистон овози» газетаси
хатлар ва оммавий ишлар
булимининг мудири
Ю.Бердиевга

«Узбекистон овози» газетаси тахририяти томонидан 2018.12.01.да юборилган Б-122-08 ракамли суров хатингиз- га жавобан Сизга шуни маълум киламизки, Шредер номидаги Богдорчилик, токчилик ва виночилик илмий-ишлаб чикариш бирлашмасининг Самарканд филиали бир гурух ишчиларининг тахририятга йуллаган шикоят хатида курсатилган масалалар туман хокимлигининг шу йил январда институт филиалида утказилган кучма йигилишида куриб чикилди.

Янгиарик шахарчаси ахолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун мавжуд артезиан кудугининг насосларини таъмирлаш, ахолига вактинча фойдаланиб туриш учун томорка ер ажратиб бериш каби масалаларни хал килиш филиал директори Д.Мусаевга, туман элекгр тармоклари корхонаси бошлиги Г. Билоловга, мактаб ва богчадаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш халк таълими булими мудири Х.Зафаровга топширилди.

Ушбу тадбирларнинг бажарилиши назоратга олинди. Уларнинг ижроси хакида тахририятга кушимча хабар киламиз.

Самарканд туман
хокимининг уринбосари (имзо) А.С.Саидов

Тасдик хат

Маълум бир муассаса томонидан юборилган илтимос ва суровларга жавоб тарзида ёзиладиган хатларнинг бир туридир.

Тасдик хатнинг кайси хатга жавобан битилганлиги ило- жи борича аник курсатилиши керак. Бундай хат матнида кулланувчи асосий сузлардан бири «тасдикламок» феъли- дир. Масалан:

***Тасдик, хат матни намуналари***

*21-илова*

| |
|---|
| *Сизнинг хомашё сўраб 2019.12.01.да жўнатган А–22–18 рақамли хатингизни олганлигимизни тасдиқлаймиз. Бу тўғрида-ги жавобимиз 2019.22.01. гача хабар қилинади.* |

*22-илова*

| |
|---|
| *Бугун, 5 июнда Сиздан буюртмамиз бўйича маҳсулот ишлаб чиқараётганлигингиз ҳақида хабар берилган телеграммани олдик. Ўз вақтида қайтарилган жавоб учун Сизга миннатдорчилик билдирамиз.* |

*23-илова*

| |
|---|
| *15 июндаги 200000 (икки юз минг) гишт сўраб ёзган 10125 рақамли хатингизни олганлигимизни тасдиқлаймиз. Бироқ айни пайтда завод ўзида мавжуд буюртмаларни бажаришга улгур-маётганлиги сабабли илтимосингизни бажара олмаслигимизни маълум қиламиз.* |

Тасдик хатлар уз вактида жунатилса, эслатма хатлар учун хеч кандай эхтиёж сезилмайди, натижада хизмат ёзиш- маларининг хажми кискаради.

Фармойиш хат

Бир тармокка тегишли куйи муассасаларнинг барчаси- га йулланган расмий хужжатдир. Фармойиш хатлар хизмат алокаларининг купгина сохаларида кулланади. Улар-

нинг асосий вазифаси айнан бир хил мазмундаги хабарни бир неча манзилга етказишдир. Масалан, Узбекистон Республикаси Фанлар академияси уз карамогидаги барча илмий муассасалар ва ташкилотларга бир хил курсатма бер- мокчи. Бу курсатма хат шаклида расмийлаштирилади ва руйхат буйича барча институтларга таркатилади.

Фармойиш хатларнинг узига хос хусусияти шундаки, у ташкилот карамогидаги корхоналарни у ёки бу масала хакида хабардор килади ёки тегишли фармойишлар беради.

Баъзи фармойиш хатларда матнга нисбатан манзиллар номи купрок жойни эгаллайди. Шу сабабли хам уларда хат йулланаётган ташкилотларнинг умумий номини ёзиш максадга мувофикдир, масалан:

*Барча тадцщот институтларига*
*Барча музейлар рах;барларига* каби

Фармойиш хатлар бош муассаса рахбари томонидан имзоланади. Агар хат матнида хисоб булимига оид масалалар булса, бош хисобчи хам имзо чекади. Бош рахбар имзолаган

1- нусха муассасада аслият сифатида сакланади. Бошкалари эса умумий булим ёки муассаса котиби томонидан тасдикланиб, нусха сифатида таркатилади (24-иловага каранг).

***Фармойиш хат намунаси***

*24-илова*

УзР Фанлар академиясининг
илмий-тадкик;от институтлари
ва илмий-ишлаб чикариш
бирлашмалари рах,барларига

УзР Инновацион ривожланиш вазирлигининг суровига биноан Фанлар академияси Президиуми Сиздан УзР Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан 2018 йилда тайёрланган «Илм-фан ва инновацион фаолият тугрисидаги Узбекистон

Республикаси конуни» хакидаги фикр-мулохдзаларингизни 2018.30.12 гача Илмий кадрлар бошкармасига йуллашингизни сурайди.

Сиз билдирган фикр-мулохдзалар конунинг такомиллаши-шида аскотади, деб уйлаймиз. Конун лойихасини regulation.gov. uz порталидан олишингиз мумкин.

Вице-президент _____ ____ __ С.З.Мирзаев

(имзо) ___________________________

Эслатма хат

Жунатилган илтимос ва суров хатларга жавоб олинма- са, шунингдек, тузилган шартномалар муддати бузилганида ёки унга амал килинмаган холларда эслатма хат юборилади.

Мазкур хатлар мазмун жихатидан унча катта булмайди. У мазмун ва хажм жихатидан телеграммаларга якин туради.

Одатда, эслатма хат бир ёки икки жумладан иборат булиб, котиб ёки реферат томонидан имзоланади. 25-28-илова- ларда эслатма хат матнидан намуналар берилади.

***Эслатма хат намуналари***

*25-илова*

*2019 йилнинг 15 октябрида корхонамиз учун 100000 (юз минг) дона шифер ажратишни сураб, Сизга хат йуллаган эдик, бирок; хат жавобсиз цолди. Илтимосимизни цондиришингиз ва 2019.23.12. гача бизга бу у;ацда хабар беришингизни такроран сураймиз.*

*26-шова*

*Мева-сабзавотларни йигиштириб олиш бошлангани сабабли сабзавот саклаш омборхонасини совитиш ускуналари билан цайта жщозлашни цисца вацтда тугатишни яна бир бор Сиздан илтимос циламиз.*

*2 7-илова*

| |
|---|
| ***Бир неча марта эслатилганига қарамай, шу пайтгача корхонангиз келаси йил ишлаб чиқариш режасини тасдиқлаш учун тақдим этмади. Кўрсатилган материални 2019.22.04. гача тасдиқлаш учун тақдим қилишингизни сўрайман.*** |

*28-илова*

| |
|---|
| ***Шартнома тузилганда кейинги 10 кун ичида етказиб беришингиз керак бўлган маҳсулотни ҳалигача қабул қилмадик.*** |

## ДИПЛОМАТИК ВА ТИЖОРАТ ЁЗИШМАЛАРИ*

Дипломатик ва тижорат ёзишмалари хужжат турлари орасида энг ёши ва айни пайтда энг кадимийси хисоблана- ди. Чунки Узбекистон мустакил давлат сифатида тан олин- ганидан кейингина шундай хужжатларни узбек тилида ёзиш масаласи кутарилди, бунга эса хали куп вакт булгани йук.

Аслида ушбу ёзишмалар янгидан кайта тугилди, десак хам булади, чунки бундай ёзишмалар, хаволада зикр этилган кулланма мукаддимасида таъкидланганидек, X-XII аср- лардаёк мавжуд булган. Улар «ёрликлар» деб аталган ва узига хос лисоний колипларга, маъновий таркибий кисмларга эга булган. Хозир хам дипломатик ва тижорат хужжатлари шакл ва лисоний жихатдан узига хос хусусиятларга эга. Уларни ёзишда нимани ёзиш масаласигина эмас, уни кай йусинда ёзиш масаласи хам мухим булиб, бу унинг тузув- чиларидан чукур малака ва катта тажрибани талаб этади.

Дипломатик ёзишмаларда хужжат турини унинг мазмунидан келиб чиккан холда тугри танлаш ва ёзиш конун-ко- идаларига тула ва аник амал килиш, хужжат йулланаётган мамлакат анъаналарини хисобга олиш зарурдир. Дипломатик хужжат, албатта, жавоб талаб килади. Хужжатнинг кайси тури юборилган булса, шу тури билан жавоб кайтарилиши шарт. Баёнотга баёнот билан, шахсий хатга шахсий хат билан жавоб берилади. Хатто имзо куйиб юборилган шахсий хатга факат исми, отаисм ёзилган, лекин имзо куйилмаган шахсий хат билан жавоб кайтариш хурматсизлик Хисобланади. Дипломатик хужжатларнинг жавобсиз колди- рилиши камдан-кам холларда юз беради ва салбий холат сифатида бахоланади.

' Ушбу булимни тайёрлашда Х-С.Мух,иддинова, Н.А.Абдуллаева тадкикотлари асос килиб олинди.

Дипломатик хужжатларда хужжат юборилаётган мамлакатиинг номланишида, шахснинг лавозими, исми фамилияси ва отаисмини ёзишда, унга мурожаат шаклларида бирон-бир хатога йул куйиш мутлако мумкин эмас.

Дипломатик хужжатлар ташки куриниши жихатидан хам бенуксон булиши шарт. Улар аъло сифатли когозга бир текис жойлаштирилган холда бехато ёзилиши, хеч кандай харф учирилмаслиги ва тугриланмаслиги, мухр У[3] урнида куйили- ши лозим. Утмишда нома, албатта, хукмдор тамгаси билан мухрланган. Шох мухри хукмдорлик белгиси хисобланиб, бундай мухрланган хужжатларга факат иккинчи бир шох мухри оркалигина жавоб бериш мумкин булган. Бу, албатта, мамлакатлар тенг хукуклилигининг ифодаси булган. Хозир хам дипломатик хужжатлар давлат герби билан мухрлана- ди. Улар, асосан, давлат герби тасвири туширилган когозга ёзилади. Мухрни тугри ва уз урнига куйилишига алохида эътибор каратилади. Мухр кийшайиб колмаслиги, ундаги герб тасвири, шунингдек, имзо хам аник куриниб туриши талаб килинади. Дипломатик хужжатлар солиб юборилади- ган хатжилд хат (когоз) хажми билан бир хил булиши керак. Дипломатик хужжатларни почта оркали юбориш тавсия этилмайди, улар шахсан топширилиши ёки курьер (чопар) оркали юборилиши мумкин. Чопар хатжилдни ваколатлан- ган шахсга топшириши ва ундан тилхат олиши керак.

Дипломатик хужжатларнинг шакли, ташки куриниши канчалик мухим булмасин, диккат-эътибор асосий кисмга, унинг мазмунига каратилмоги лозим. Фикрни аник, тугри, мантикий изчил, асосли хамда иккинчи томоннинг хусуси- ятларини хисобга олган холда баён этиш зарур. Ушбу хужжатларда ноаниклик, далилларни нотугри курсатиш бул- маслиги лозим, чунки уни кейин тугрилаб ёзиш ёки алохида тугрилаб маълумот бериш мумкин эмас.

Дипломатик ёзишмалар ташки ишлар вазирликлари томонидан шу мамлакатнинг давлат тилида олиб борилади ва бирор халкаро тилдаги таржимаси илова килинади. Элчи-

хоналар хам ёзишмаларни уз давлат тилларида ёки узлари турган мамлакат тилида олиб боришлари мумкин. Дипломатик хужжатларда сузга эътибор жуда кучли булмоги керак. Уларнинг тили содда, равон булиб, кучма маънолардан холи булмоги, суз мазмун билан мутлак мос булиши, ундан бошкача маъно англашилмаслиги керак. «Коса тагида ним коса» кабилидаги ифодаларга дипломатик хужжатларда урин йук. Агар суз маъносида кандайдир маъно нозикли- ги ёки мавхумлик булса, яхшиси, уни бошка суз билан алмаштириш зарур.

Демак, дипломатик хужжатлар узига хос лексик-услу- бий, грамматик, морфологик ва синтактик хусусиятларга эга.

Лексик-услубий жихатдан дипломатик ёзишмалар уз атамалар тизимига, колиплашган тургун бирикмала- рига, синоним, антонимлар каби турли ифода воситаларига эга. Шуни алохида таъкидлаб утиш керакки, хизмат хатлари хиссий-буёкдор сузлардан холи булиши талаб этилса, дипломатик ёзишмалар, аксинча, хиссий-буёкдор сузларга бойлиги, мактов ва илтифот сузларига эгалиги билан ажра- либ туради. Мактов сузлари дипломатик ёзишмаларнинг энг асосий тури булмиш нота-баёнотларнинг зарурий кисмлари- дан бири хисобланади. Уларнинг оз-куп кулланишига кура ушбу хужжатлар маълум бир турларга хам ажратилади. Чу- нончи, ноталарда *«Жаноби олийлари», «Хурматли жаноб», «Сизга булган юксак хурматимга ишонч билдиргайсиз»* каби хурмат-эъзоз сузларининг куп кулланиши унга дустоналик, оз кулланиши эса расмий тус беради.

Дипломатик ёзишмаларда синонимик каторнинг купрок услубий нейтрал сузлари эмас, балки ижобий хиссий-буёк- ли ва китобий услубга хос сузлари куп кулланади. Чунончи, *билдираман* сузи }фнида *изхор этаман, вацт* урн и да *фурсат, бир марта* урнида *бир бора, мансаб* 5фнида *лавозим, рецмат* урн и да *ташаккур, хурсанд* сузи урнида *мамнун* сузлари кулланади. Дипломатик баённомада кучма маънода кулланувчи тургун суз бирикмалари, жумладан, *бош устига, бошимиз*

*кукка етди, кунглингизни чуктирманг, бир ёцадан бош чица- риб, бир тану бир жон булиб* каби иборалар, шунингдек, халк маколлари, хдкматли сузлар кенг кулланади. Бундай тургун бирликлар ёзишмага кугаринки рух, беришга, таъсирчанлик- ни оширишга хизмат килади. Кадимда халк иборалари дипломатик хужжатларда, айникса, куп кулланган булиб, хозир хам айрим расмий шахсий хатларда тез-тез учраб туради.

Умуман олганда, дипломатик хужжатларда дуст кила- диган хам, душман киладиган хам суздир. «Айтилган суз - отилган ук», дейди халкимиз. Уз урнида айтилган ёки ёзилган суз халкларни бир-бирига якинлаштиради, баъзи ке- лишмовчиликларни бартараф этишга ёрдам беради. Аксин- ча, нотугри ёки ноурин айтилган суз эса салбий окибатлар- га олиб келиши мумкин. Шунинг учун дипломатик ёзишма олиб борилаётганда халкимизнинг «Тилга ихтиёрсиз - элга эътиборсиз», «Суздан сузнинг фарки бор, уттиз икки накли бор» каби доно угитларини хамиша ёдда тутиш керак. Юкорида айтиб утганимиздек, дипломатик ёзишмалар алохида атамалар тизимига эга. Уларнинг асосий кисми халкаро микёсдаги атама булгани учун таржимасиз кулланади.

Расмий услубнинг ушбу тури г р а м м а т и к  ж и х а т д а н хам узига хос хусусиятларга эга. Дипломатик ёзишма- ларда фикр купинча I ёки III шахе номидан ифодаланади, шу сабабдан гапларнинг кесими I ёки III шахе шаклида булади. Шуни алохида кайд килиб утиш керакки, дипломатик мак- тубда пассив конструкциялар куп кулланади. Хатто баённи I шахе томонидан ёки «биз томондан кабул килинган карор» каби мажхул шаклларда ифодалаш холлари куп учрайди. Г ап ва суз бирикмаларининг купрок бириктирувчи богловчилар *(^ам, ва, %амда)* ёрдамида, эргаш гапли кушма гапларнинг эса *-ки, шунинг учун, шу сабабли, шу туфайли* каби эргашти- рувчи богловчилар, равишдошнинг -б, -иб шакли воситасида богланиши кузатилади. Дипломатик ёзишмаларда кириш суз ва кириш бирикмалар куп кулланади.

Морфологик жихатдан кишилик, узлик, курсатиш олмошлариииинг, тусланмайдигаи феъл шакллари, айникса, хдракат иомининг *-мок,* шакли, мажхул иисбг.т шаклларининг, шунингдек, *умид цилмоц, муяссар булмоц, бекор цилмоц, маълум цилмоц, гуллаб-яшнамоц* каби кушма ва жуфт феълларнинг куп ишлатилишини кузатиш мумкин. Бу }финда шуни алохида таъкидлаш керакки, дипломатик ёзишмалар кутаринки рухда ёзилганлиги учун кутаринки-ликка хизмат килувчи грамматик, морфологик шакллар куп кулланади. Чунончи, хдракат номининг *-мок,* шакли, феълларнинг *ишонч билдиргайсиз, цабул этгайсиз* каби архаик ва китобий шаклларининг кулланиши ва х,.к.

Синтактик жихатдан сабаб,максад,тулдирувчи, шарт ва тусиксизлик маъноларини ифодаловчи эргаш гапли кушма гаплардан кенг фойдаланилади. Сифатдош, равиш- дошли бирикмалар, *шунга боглиц уолда* (еки *равишда), шу йуналишда, шунга асосланиб ёки шунга асосланган х;олда, шунга кура* ёки *шунга биноан каби бирикмаларнинг; «Вазирлик ишонч билдиради», «шуни билдириш шарафига муяссар булади* (еки *булдим)», «Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор...га ишонч билдиради (билдираман)* ёки *умид билдиради (билдираман)», «Ишонч билдириб айтаманки», «Менинг... ни цабул этгайсиз»* каби конструкцияларнинг куп кулланиши кузатилади.

Бир карашда ноталарнинг *«Шуни маълум циладики...»* ёки *«Шуни маълум цилиш шарафига муяссар буладики...»* тарзида бошланишининг унчалик фарки йукдек туюлади. Бирок бу давлатларнинг узаро муносабатига таъсир килувчи мухим омиллардан бири булиб колиши мумкин, чунки бетакаллуф айтилган суз, мак;товларсиз ёзилган хужжатлар давлатларнинг узаро муносабатида келишмовчиликлар мав- жудлигини англатади. Агар бирор давлат узи томонидан юборилган хужжатда шунга йул куйса, иккинчи томон хдм худди шу тарзда жавоб беради ва натижада давлатларнинг уртасига совукчилик тушади.

## Дипломатик ёзишмаларнинг турлари

Дипломатик ёзишмалар жуда кенг камровли булиб, уларда мамлакатларнинг уз мустакиллигини эълон килиши ва бошка давлатлар билан дипломатик алокалар урнатиш и га оид масалаларгина эмас, халкларнинг такдирини хал этиш ■ га каратилган тинчлик, бетарафлик, куролсизланиш каби сиёсий масалалар, узаро иктисодий ва маданий хамкорлик килишга оид турли масалалар хам ёритилади. Шунга кура, дипломатик хужжатларнинг тури хам хар хил булиб, хар бирини ёзишнинг узига хос конун-коидалари борки, уларга катъий риоя килиниши шарт.

Хозирга вактда давлатлараро алокаларда дипломатик ёзишмаларнинг куйидаги турлари фаол кулланмокда:

1. Нота ва баёнотлар.
2. Расмий хатлар.
3. Илова хатлар.
4. Ярим расмий шахсий хатлар (номалар).
5. Эсдалик ёзишмалари.
6. Дипломатик (протокол) кайдномалар.
7. Меморандумлар.

Бу уринда шуни кайд этиб утиш керакки, ушбу хужжатлар, асосан, узаро ёзишмалардан - хатлардан иборат булга- ни учун уларни *дипломатик ёзишмалар* деб аташ маъкулрок кзфинади.

Санаб утилган анъанавий, барча томондан эътироф этилган хужжатлар каторида купчилик давлатлар куллайди- ган, аммо унчалик катъий бир колипга, шаклга эга булмаган хужжатлар хам мавжуд. Бу гурухга декларациялар (баённома), давлат рахбарларининг мурожаатлари, шунингдек, телеграммалар киради. Кейинги пайтда телеграммалар юбо- риш кенгайди. Улар миллий байрамлар, таваллуд кунлари, юбилейлар муносабати билан юборилади. Телеграммани уз вактида юборишнинг хам ахамияти катта. Чунончи, давлаг- га янги рахбар тайинланиши муносабати билан уз вактида

юборилган телеграмма давлатлар уртасидаги алокани ях- шилашга хизмат килади.

Нота. Давлатлараро ёзишмаларнинг энг асосий ва кенг таркалган тури булиб, бирор мухим масала юзасидан ахборот берувчи олий даражадаги хужжатдир. Унга бевоси- та давлат бошликлари, президентлар, вазирлар, элчилар ва бошка юкори мансабдор шахслар орасидаги ёзишмалар киради. Шунингдек, нота бирор шахсга бевосита мурожаат- сиз, купинча давлатларнинг давлатларга, вазирликнинг ва- зирликка ёки элчихонага йуллаган ахбороти сифатида хам ёзилади. Шунга кура, хозирги вактда жахон хамжамиятида ноталарнинг икки хил тури кенг куллаимокда: шахсий нота ва вербал нота. Буларнинг хар иккиси хам хурмат-эъзоз суз- ларининг кулланишига кура дустона ёки расмий тусда булиши мумкин. Нота дустона, илик муносабатда ёзилганда, хурмат сузларининг меъёрдан ортик кулланиши, расмий, яъни уртача муносабатни ифодалаганда, шунингдек, таъ- зия билдирилганда, мактов сузларининг бироз чегараланган холда кулланиши кузатилади.

Шахсий ва вербал ноталарга хос умумий хусусиятлар куйидагилар:

1. Ноталар юкори кисмига давлатнинг номи ёзилган ва давлат гербининг тасвири туширилган энг тоза, сифатли когозга ёзилади.

2. Когознинг юкори унг бурчагига нота йуллаётган давлат пойтахтининг номи ва сана ёзилади.

3. Нотанинг хажмидан катьи назар, биринчи бетнинг пастки чап томонига у йулланаётган давлат номи тулик ёзилади, хатжилд устида хам худди шу манзил курсатилади.

Энди уларнинг хар бирини алохида-алохида куриб чика- миз.

Ш а х с и й  н о т а - бевосита давлат бошликлари ёки юкори мансабдор шахслар уртасидаги дипломатик ёзиш- мадир. Бунда ушбу мансабдор шахсларнинг лавозим дара- жалари тенг булиши талаб килинади. Шуни алохида кайд этиш керакки, нота ва баёнотларда давлатларнинг, лавозим-

ларнинг номланишида йул куйилган хар кандай хато ёки камчилик менсимаслик ёки беиисандлик аломати сифатида кабул килинади ва мамлакатларнинг узаро алокасига жиддий таъсир курсатади. Шунинг учун дипломатик хужжатлар билан шугулланувчи шахслар хдр бир давлатга алокадор анъана ва номланишларни аник билиши талаб килинади. Давлат рахбарларининг, вазир ва бошка олий мансабдорлар- нинг исми, отаисми ва фамилияси тулик, хеч кандай кискар- тиришсиз ёзилиши керак. И.О.Ф, лавозимларни аслига му- вофик ёзиш хурмат-эътибор белгиси хисобланади. Баъзи мамлакатларда исмлар жуда узун булиб, унда деярли барча авлодларни санаб курсатиш керак булади.

Нота юбораётган шахснинг номи ва лавозими тулик холда баёнотнинг юкори чап бурчагига, герб тасвири ёнига ёзилиши керак. Нота юборилаётган шахснинг номи ва лавозими пастки чап кисмига ёзилади.

Шахсий ноталар куйидаги масалалар буйича юборилади:

1) ишонч ёрликдарини топшириш;

2) элчихона, ваколатхоналарнинг очилиши муносабати билан;

3) давлатнинг ташкил топган ёки мустакиллик эълон килинган куни билан кутлаш;

4) миллий байрамлар муносабати билан кутлаш;

5) президентлик сайлови ёки референдум муносабати билан кутлаш;

6) мамлакатда руй берган мухим ижтимоий-сиёсий вокеа муносабати билан;

7) мамлакатда юз берган табиий офат (зилзила, сув тош- кини, ва х.к.) муносабати билан хамдардлик билдириш;

8) президент ёки юкори мансабдор шахсга алокадор му- сибат муносабати билан таъзия билдириш.

Шахсий нота муайян таркибий кисмлар ва узига хос лисоний колипларга эга булиб, мурожаат, асосий кием ва ху- лосага булинади ва I шахе томонидан ёзилади.

1. Мурожаат шахсий нота йулланаётган шахснинг уша давлатдаги мавкеи, лавозими даражасига К}фа кулланади.

Чунончи, дустона шахсий нотада мурожаатнинг куйидаги шакллари мавжуд:

*«Президент жаноби олийлари»,*

*«К,ирол уазрати олийлари»,*

*«К,иролича у;азрати олиялари»,*

*«Бош вазир жаноби олийлари»,*

*«Хурматли жаноб Вазир»,*

*«Хурматли жаноб Элчи»,*

*«Хурматли жаноб Вакил»* ва бошкалар.

Нота расмий тусда булса ёки таъзия изхор этилганда, эъ- зоз сузлари тушириб колдирилади ва *«Жаноб Президент», «Жаноб Бош вазир», «Жаноб Элчи»* тарзида ёзилади. Ба- шарти нота муваккат ишончли шахсга юборилаётган булса, мурожаатда *мувацщат* сузи ёзилмайди.

2. Асосий кисмда хужжат мазмуни ёритилади. Агар нота дустона тусда ёзиладиган булса, бу кием хам хурмат ифо- даловчи сузлар билан бошланади. Чунончи: *«Сизга хурмат билан шуни маълум щламанки, ....»*, *«Сизга чукур хурмат ва цтиромимни изуор этаман ва шуни билдириш шарафига му- яссарманки», «Мен Сиз жаноби олийларига уз уурматимни ггцор этиб, ............ шуни билдириш шарафига муяссарманки»* каби. Бирок нота расмий тусда ёзилганда, эътироз ёки таъзия билдирилганда, хурмат ва эъзоз сузларисиз *«Сизга шуни маълум щпамизки»* деб, тугридан-тугри асосий мазмунга утилади. Сунг асосий кием куйидагича берилади:

*«Сизни.... байрами (куни) билан самимий кутлайман ва мамлакатларимиз уртасидаги дустона муносабатлар бундан кейин х,ам ривожланиб боради, деб умид циламан»; «Сизнинг уукуматингиз ва ....Республикасиуртасида дипломатик алоцалар урнатилди ва дипломатик ваколатконалар уз ишини бошлади»; « ............ муносабати билан чукур таъзия из^ор этаман ва кулимиздан келган ёрдамни аямаслигимиз- ни маълум циламан»; «Бизнинг х,укуматимиз ....ни рад ци- лади»; «....Республикасига маъцул эмаслигини маълум к,ила- ман»* каби.

3. Хулоса кисми хам дустона ёзилган ноталарда хурмат- ни ифодаловчи сузлар билан тугалланади:

*«Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор Сизга хурмат ва эутиромимни изх;ор этаман»; «Имкониятдан фойдаланиб, Сизга булган хурмат ва э^тиромимни яна бир бор ъщор этаман»; «Менинг хурмат ва эутиромимга яна бир бор ишонч билдиргайсиз»* каби.

Сунг унг томонга кимдан, чап томонга эса кимга юборилаётгани ёзилади.

Имзо куйилишдан аввал хдм хурмат ифодаси ёзилиши мумкин:

*«Энг эзгу тилаклар ила»,*

*«Камоли эхтиром ила»,*

*«Хурмат ва эхтиром билан»,*

*«Сизга чукур хурмат билан»* каби.

В е р б а л  н о т а - хозирги вактда давлатлараро ташки алокаларда энг куп кулланувчи хужжат булиб, ташки ишлар вазирликлари, элчихоналар, ваколатхоналарнинг асосий ёзишмасидир. Вербал нота шахе номидан ёзилиши ва кенг камровлилиги билан шахсий нотадан фарк килади. Унда хукуматларга мухим, давлат ахамиятига молик масалалар ва с>фовлар юзасидан маълумотлар бериш, элчихо- на ва ваколатхоналардаги узгаришлардан хабардор килиш, виза бериш ёки унинг муддатини чузиш, бирор мамлакатга ташриф ёки йирик анжуманда иштирок этиш учун таклиф ёки рухсат олиш, бирор жойга делегация жунатиш каби турли масалалар ёритили ли мумкин. Вербал нота бевосита шахслар уртасида эмас, балки хукуматлар, вазирликлар, элчихоналар, ваколатхоналар уртасидаги дипломатик ёзишма булганлиги учун унда мурожаат кисми булмайди.

## Вербал нотанинг зарурий кисмлари:

1. Давлат герби тасвири туширилган махсус когозга ёзилади.
2. Когозиинг юкори чап бурчагига нота йуллаётган ху- кумат, вазирлик, элчихона ёки давлат махкамасининг тулик номи ёзилади ва жорий раками куйилади.

3. Матн бевосита асосий кисмдан бошланади ва III шахе номидан ёзилади.

4. Матндан сунг нота йулловчи давлат пойтахтининг номи ва сана ёзилади.

5. Пастки чап бурчагига нота йулланаётган махкама ва уша давлат пойтахтининг номи курсатилади.

6. Нота Ташки ишлар вазирлиги ёки ваколатхоналар мух,ри билан тасдикланади.

7. Вербал нотага имзо куйилмайди.

Вербал нота хам дустона, илик муносабатни ифодала- ганда, хурмат ва эъзоз сузлари билан бошланиб, хурмат сузлари билан тугалланади. Акс холда. бундай сузлар тушириб колдирилади.

Ноталар бошкача шаклларда хам ёзилиши мумкин. Чунончи, баъзи ноталарда каерга юборилаётганини юкорига ёзиш ёки хар икковини хам пастки киемга ёзиш холлари учрайди. Шунингдек, баъзиларида матндан олдин «Вербал нота» ёки «Нота» деб ёзиб куйилади. Герб тасвири чекка кисмда эмас, уртада булиши хам мумкин.

Илова хат. Вербал нотага кушимча ёки жавоб тарика- сида ёзиладиган хужжат булиб, унда бирор масала буйича кенгайтирилган маълумотлар берилиши, аввал юборилган нотага маълум тузатишлар киритилиши, келишилаётган шартномалар муддатини белгилаш ёки узгартириш хакида хабар берилиши мумкин. Иловада аввалги нотанинг жорий раками ва у юборилган сана ва илова неча бетдан иборат- лиги албатта курсатилиши шарт. Илова вербал нота каби ёзилиши ёки илова номи билан алохида ёзилиши мумкин. Х,ар икки холда хам кайси нотага кушимча килинаётгани эслатиб утилади. Илова билан юборилаётган вербал ноталар хам дустона ва расмий тусда булишига кура умумий ко-нун-коидалар асосида ёзилади.

Илова хатлар бирор вакил оркали шахсан топширилиши Хам, курьер (чопар) оркали жунатилиши хам мумкин. Ило-

ва нота билан кушиб юборилса, манзил ва сана ёзилмайди. Агар алохдца юборилса, жунатувчининг манзили ва сана к5фсатилиши шарт.

Расмий хат - вазирликлар, элчихоналар, ваколатхоналар уртасидаги ёзишма булиб, бирор мансабдор шахе номидан ёзилади. Хат сунгида шу шахсларнинг исми, отаисми ва фамилияси, лавозими курсатилади, бирок имзо куйилмайди, чунки бундай хатлар умумий ташкилот номидан юборилади.

Баёнот - бирор мамлакатнинг давлат ахамиятига эга масалалар юзасидан берган мурожаатномаси. Баёнотда, асосан, жахон хамжамиятига тааллукли масалалар: уруш ва тинчлик, чегара хавфеизлиги, мамлакат ички ишларига аралашишга нисбатан радция бериш каби масалалар ёрити- лади. Шунинг учун у купинча ташки ишлар вазирликлари томонидан ёзилади ва оммавий ахборотда хам эълон килинади. Баъзи холларда кушма баёнотлар берилиши хам мумкин. Бундай баёнот бир хил карашга эга булган 2-3 мамлакат томонидан берилади.

Баёнот расмий тусда ёзилгани учун хурмат-эъзоз сузларидан холи булади, фикр бевосита кутарилган масалага каратилиб, баёнот кайси давлатга кандай масалада йулла- наётгани ва баёнот йулловчи мамлакатнинг ушбу масалага муносабати аник баён этилади, зарур уринларда далиллар билан атрофлича тушунтирилиши хам мумкин. Баёнот сунгида баёнот йуллаётган давлат пойтахтининг номи ва сана курсатилади, имзо, мухр куйилмайди. Шунингдек, икки давлат рахбарлари, вазирлик ва идоралари зфтасида бирга- ликда баёнот бериш тажрибаси хам булиб, у кушма баёнот деб юритилади.

Кейинги йилларда бир давлат ичидаги муассаса ва идоралар уртасида ёки мамлакат хаётидаги мухим вокеа-ходиса юзасидан бир муассаса ёки идоранинг баёноти хам берил- мовда. Куйида унга хам намуна келтирамиз:

_______________и_______________________________ *1-илова*

Узбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси Президентларининг

КУШМА БАЁНОТИ

1. Узбекистон Республикаси ва Беларусь Республикаси тенг хукукли ва суверен давлатлар сифатида узок мудцатли шериклик, узаро фойда ва бир-бирларининг манфаатларини х,исобга олиш асосида куп киррали хамкорликни ривожлантириб борадилар.

2. Томонлар узаро хурмат ва ишонч анъаналари, халклар урта- сидаги куп асрлик дустликка асосланган узбек-белорус алокалари даражасини янада оширишга хар томонлама кумаклашадилар.

3. Томонлар икки томонлама муносабатларнинг мухим жихатлари, узаро манфаат касб этадиган долзарб халкаро ва минтакавий масалалар юзасидан мунтазам фикр алмашган ва уз позицияларини келишган холда мунтазам учрашувлар, энг авва- ло, олий ва юкори даражадаги учрашувлар механизмидан фой- даланиш хамда уни такомиллаштиришда давом этадилар.

4. Томонлар 2030 йилга кадар баркарор ривожланиш соха- сида Кун тартибини амалга ошириш ва Баркарор ривожланиш максадларига эришиш йулида халкаро шерикликни мустахкам- лаш учун икки томонлама, минтакавий ва глобал форматларда хамкорликни давом эттирадилар.

5. Томонлар халкаро майдонларда инсон хукукларини ил- гари суриш масалаларида хамкорликни давом эттирадилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти хамда бошка универсал ва минтакавий халкаро ташкилотлар доирасида ташаббус ва ном- зодларни узаро куллаб-кувватлаш амалиёти мустахкамланади.

6. Томонлар Мустакил Давлатлар Х,амдустлиги ва Шанхай хамкорлик ташкилоти доирасида уларнинг фаолиятини такомил- лаштириш ва куп томонлама муносабатларни кенгайтириш буйича саъй-харакатларни амалга оширадилар.

7. Томонлар Беларусь томонининг тажрибасини хисобга олган холда, Узбекистоннинг Евросиё иктисодий иттифоки билан хамкорлиги истикболларини мухокама килдилар.

8. Томонлар Узбекистон Республикаси Олий Мажлиси билан Беларусь Республикаси Миллий кенгаши уртасидаги фаол му- локотни олкишлайдилар хамда давлатлараро муносабатларнинг мухдм таркибий кисми сифатида парламентлараро хамкорликиииг янада ривожланиши ва чукурлашишига ишонч билдирадилар.

9. Томонлар икки мамлакатни янада баркарор ижтимоий-иктисодий ривожлантириш максадида узаро манфаатли савдо-иктисодий х,амкорликни кенгайтиришга устувор ахамият берадилар.

10. Томонлар узаро манфаатли лойихаларни амалга оширишда мухим механизм хисобланадиган Икки томонлама хамкорлик буйича хукуматлараро кушма комиссиянинг сермахсул фаолиятини кайд этиб, унинг ишига тизимли туе беришга келишиб олдилар.

11. Томонлар узаро савдодаги ижобий усиш суръатини, савдо айланмаси хажмини кенгайтириш ва унинг баркарорлигини таъминлаш учун мавжуд салохдятни мамнуният билан кайд этдилар.

12. Томонлар инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари, кишлок хужалиги, машинасозлик, тукимачилик, чарм ва озик-овкат саноати, фармацевтика сохаларида ва иктисодиётнинг бошка тармокларида кооперацияни янада кучайтириш, шу жумладан, учинчи мамлакатлар бозорларига чикиш мухимлигини таъкидладилар.

13. Томонлар олий даражадаги ташриф доирасида Минскда ташкил этилган «Узбекистонда ишлаб чикарилган» Узбекистон Республикаси махсулотларининг миллий кургазмаси хамда Узбекистон ва Беларусь минтакалари форумининг утказилиш даражаси ва натижаларини юкори бахоладилар.

14. Томонлар савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар хамкорликни мустахкамлашнинг самарали шакли сифатида тугридан-тугри минтакалараро алокаларни янада кенгайтиришдан узаро манфаатдор эканликларини билдирдилар.

15. Томонлар икки мамлакат тадбиркорлари уртасида узок муддатли шериклик алокаларини )фнатишга кумаклашадиган Ишбилармонлар кушма кенгаши тузилишини олкишладилар.

16. Томонлар транспорт-логистика коммуникациялари сох,асидаги хамкорликни ривожлантириш, юк айланмасини купайтириш учун кулай шарт-шароитлар яратиш ва таъминлашга кумаклашиш ниятида эканликларини билдирдилар.

17. Томонлар халкаро ва минтакавий террористик ва экстремистик гурухларнинг фаоллиги ошиб бораётганидан, транечегаравий жиноятчилик, курол-ярог ва гиёхванд восита- лар билан ноконуний муомалада булиш хамда одам савдоси- нинг усишидан ташвишда эканликларини билдирдилар. Шу муносабат билан, умумий, тенг ва ажралмас хавфеизлик та- мойилига содикликларини, узаро ишонч ва хурмат, шунингдек, бирбирларининг манфаатларини хисобга олиш асосида ягона

хавфсизлик маконини яратиш мухимлиги тарафдори эканликларини тасдиқладилар.

18. Томонлар ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва киберчиноятчиликка карши курашишда хамкорликни кенгайтиришга келишиб олдилар.

19. Томонлар сунгги йилларда икки мамлакатнинг харбий ва харбий-техникавий сохалардаги амалий шериклиги, шунингдек, хукукни мухофаза килиш идоралари, харбийлаштирилган тузилмалар ва фавкулодда вазиятлар муассасалари уртасидаги хамкорлик ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидладилар.

20. Томонлар вазирликлар, идоралар, университетлар ва илмий ташкилотлар уртасидаги илмий-техникавий хамкорлик янада ривожланишини ва илгор тажриба алмашинувини кул- лабкувватлайдилар.

21. Томонлар юкори ва ракамли технологиялар сохасида якин хамкорликни чукурлаштириш хамда уларни, шу жумладан, икки мамлакат инновацион марказлари ва технопарклари уртасидаги хамкорликни ривожлантириш оркали хаётга татбик этиш мухимлигини таъкидладилар.

22. Томонлар икки мамлакат халкларининг тарихи, маданияти ва бой миллий анъаналари билан узаро танишиш максадида туризм сохасидаги фаол алмашинувни ривожлантиришга кумаклашадилар.

23. Томонлар икки мамлакат халкларининг маънавий ва маданий якинлигини саклаб колишга хар томонлама кумаклашадилар, маданий-гуманитар сохадаги хамкорликни чукурлаштирадилар.

24. Томонлар Узбекистон Республикаси билан Беларусь Республикаси )фтасида куп киррали ва узаро манфаатли хамкорликни янада кенгайтириш максадида эришилган келишувларнинг самарали амалга оширилишини таъминлашга барча боскичларда кумаклашиш ниятида эканликларини эътироф этдилар.

<u>*2-илова*</u>

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рахбарининг

БАЁНОТИ

Барча оммавий ахборот воситаларига!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев рахбарлигида юртимизда суз ва матбуот эркинлигини таъминлаш борасидаги ислохотлар давом этмокда.

Узбекистон хдкконий, холис, халкаро журналисток этика асосида иш олиб борадиган хар кандай хорижий оммавий ахборот воситаларига ишлаш учун зарур шароит яратиб, уларни хар томонлама куллаб-кувватлайди.

Ишлаш принципидан, улар илгари сураётган масалалар биз- нинг карашларимизни акс эттириши ёки зидлигидан катьи назар, бетараф ва адолатли журналистика учун эркин майдон яра- тишга тайёрмиз.

Комил Алламжонов

Шахсий хат. Ярим расмий тусда булиб, мухим шахсий протоколлаштирилган масалалар буйича юборилади, шунингдек, унда расмий ёзишмалар ва музокараларда к)фса- тилган масалаларни хал килишга каратилган илтимослар кайта эслатилади.

Шахсий хат куйидаги масалалар муносабати билан ёзилади:

1. Шахсий ва оилавий хаётдаги (таваллуд куни, хизмат лавозими кутарилиши, фарзанд тугилиши, таъзия маросим- лари ва х.к.) узгаришлар, янгиликлар.

2. Эсдалик совгалари такдим килиш.

3. Ташриф пайтида курсатилган эътибор учун миннат- дорлик изхор этиш.

Шахсий хатларнинг шаклий белгилари:

1. Оддий когозга кулёзма холда ёзилади.

2. Баъзан чап бурчагида юборувчининг исми фамилияси ва отаисми, шунингдек, расмий лавозими курсатилган шаклда босмахонада тайёрлаб чикарилган махсус бланка- лардан фойдаланилади.

3. Охирида мактов сузлари билан тугалланади.

4. Имзо ва сана куйилиши шарт.

Эсдалик ёзишмалари кабул килинган халкаро шартномалар, битим ва музокаралар юзасидан кенгайтирилган маълумот берувчи хужжатдир. Унда шартнома ва битим- ларнинг амал килиши ва кучга киришининг узаро кели-

шилган конун-коидалари баён этилади. Ушбу конун-кои- далар билан кимлар, кайси давлатлар ва махкамаларни таништириш зарурлиги, уларнинг кушимча йигилиш муд- датлари ва ушбу хужжат учун жавобгар саналувчи идоралар курсатилади.

Эсдалик ёзишмаси оддий когозга хеч кандай хурмат- эъзоз сузларисиз ёзилади, матн бевосита асосий кисмдан бошланади, мурожаат кисми хам булмайди. Бошланиш кисмида шартнома ва битимларнинг асосий мазмуни ва умумий хулосаси баён этилиб, сунг уларни амалга ошириш йул-йуриклари курсатилади. Матн охирида ушбу хужжатни, яъни эсдалик ёзишмасини кимларга етказиш зарурлиги баён этилади. Сунг манзил (у каерда тузилган булса) ва сана ёзилади, мухр ва имзо куйилмайди.

**Кайднома** (протокол) дипломатик алокалар, муносабат- лар, шартнома, битим, музокаралар баённомаси булиб, у хам дипломатик хужжат хисобланади ва бошка баённомалардан тамомила фарк килади. Унда *иштирок этдилар, кун тартиби, эшитилди, сузга чщдилар, царор цилинди* кисмлари, *мажлис раиси, котиби* кабилар булмайди. Айтилган фикр- истаклар, карорларнинг хар бири алохида хатбошидан берилади. Сарлавха урнида кайд нома кайси масала юзасидан тузилганлиги, сунг унда иштирок этган давлатлар номи кайд этилади. Охирги хатбошида кайднома качон ва каерда, неча нусхада, кайси тилда тузилгани ва качондан бошлаб кучга кириши курсатилади. Сунг хар икки давлат номидан иштирок этган вакиллар лавозими, исми, отаисми ва фамилияси ёзилиб, имзо ва мухр билан тасдикланади.

Меморандум - давлатларнинг бирор масала юзасидан узаро кабул килган карорлари юзасидан берган баённомаси. Ушбу хужжатда хар томонлама тахлил килинган масалалар буйича хар бир давлатнинг фикри ва узаро келишуви баён килинади. Меморандум хам ноталар ёзиладиган тоза, сифатли когозларга ёзилади, факат унда герб тасвири ва тартиб

раками булмайди. Шунингдек, нотага илова тарзида бериладиган ёки курьер (чопар) оркали юбориладиган меморандумлар хам бор. Бунда томонлардан бирининг ушбу масала юзасидан уз мавкеини саклашга каратилган фикрлари баён этилади. Бундай меморандумлар нотага илова тарзида берилса, герб, мухр, тартиб раками ва сана булмайди. Курьер оркали алохида юбориладиган меморандумлар эса ноталар ёзиладиган гербли махсус бланкаларга ёзилади, сана ва манзили хам курсатилиши шарт.

Меморандум икки давлат ичидаги турли вазирлик ва кумиталар, муассаса ва ташкилотлар уртасида хам тузилади. Куйида илмий-тадкикот муассасалари зфтасида тузилган меморандум намунасини келтирамиз:

Узбекистон Республикаси Фанлар академияси Узбек тили,
адабиёти ва фольклори институтa ва
Козогистон Республикаси Таълим ва фан вазирлиги
А.Бойтурсунов номидаги Тилшунослик институтa уртасида
илмий хамкорлик буйича тузилган МЕМОРАНДУМ

Узбекистон ва Козогистон уртасидаги илм-фан хамкорли- гини янада ривожлантириш максадида Узбек тили, адабиёти ва фольклори институтa ва Тилшунослик институтa куйидагилар хдкида узаро келишдилар:

1- модца. Тилшунослик сохасида хар иккала томон манфаатдор булган долзарб масалалалар буйича кушма илмий тадкикот- лар олиб борилишини ташкил этиш буйича хамкорлик урнатиш.

2- модда. Илмий дастур, лойихалар буйича кушма тадкикот- ларни амалга ошириш, зарурат тугилганда, муваккат ижодий жа- моалар тузиш.

3- модда. Тилшуносликнинг долзарб масалалари буйича халкаро илмий конгресс, анжуман, симпозиум, семинар, учрашувлар утказиш.

4- модца. Тилшунослик буйича хамкорикда олиб борилган илмий тадкикотлар натижаларини нашр этиш.

5- модда. Монография, илмий туплам, илмий макола ва бошка илмий-тадкикот кулёзмаларига хар икки томон мутахассисла- ри томонидан такриз бериш амалиётини жорий этиш.

6- модда. Манфаатдор томонлар тарафидан мунтазам равишда илмий адабиётлар алмашинувини ташкил этиш.

7- модда. Тилшунослик материалларини туплаш максадида кушма илмий экспедициялар, хизмат сафарларини ташкил этиш.

8- модда. Малака ошириш, докторантурада таълим олиш, илмий ва бошка кенгашлар фаолиятида иштирок этиш оркали илмий кадрларни тайёрлашга кумаклашиш.

9- модца. Ушбу Меморандум томонларнинг хар бир холатда алохида хал килиниши мумкин булган молиявий мажбуриятларини назарда тутмайди.

10- модда. Ушбу Меморандумнинг амал килиш муддати беш йил, агар томонлардан бири Меморандумни бекор килиш тугрисида Меморандум тугашидан олти ой олдин хабар килмаса, кейинги 5 йил мобайнида амал килади ва узайтирилади. Зарурат булганда, томонлар узаро келишув буйича ушбу Меморандумнинг матнини узгартирадилар.

11 -модда. Молиявий холатлар юзага келганда, томонлар бун- дай холат шартлари юзасидан ёзма равишда келишиб олишади.

12- модда. Ушбу Меморандум манфаатдор томонларнинг ва- киллари имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

Реквизитлар

А.Бойтурсунов номидаги
Тилшунослик института
Манзил: 050010.
Курмонгози кучаси
29-уй. Олмаота шахри.
Тел.: 8-727-272-69-61
Факс: 8-727-272-55-47
E-mail: info@tbi.kz
Директор:___________________
Эрден Задаули Кажибек
02.10.2018

Узбек тили, адабиёти ва
фольклори института
Манзил: 100060.
Шахрисабз торкучаси 5-уй.
Тошкент шахри.
Тел.: +99871-233-36-50
Факс: +99871-233-71-44 E-mail: uztafi@academy.uz
Директор: ________________
Низомиддин Мамадалиевич Махмудов
02.10.2018

## Тижорат ёзишмалари

Бундай ёзишмалар ташкилотларнинг битим (шартномалар) тузиш ва уларни бажариш билан боглик булган ташки иктисодий расмий фаолиятининг турли томонларини ифо- далаб, уз йуналиши, узининг хукукий ва иктисодий ахамия- тига эга.

Халкаро алокаларда кабул килинган тижорат хатлари- нинг хозирги шакли, унинг ёзилиш одоби бундан 150 йил мукаддам Англияда юзага келган. Узбекистон мустакил- ликка эришгач, ташки иктисодий алокалар йулга куйили- ши билан, уз-узидан халкаро иш юритишда удум булган хужжатлар, жумладан, тижорат ёзишмалари хам йулга куйилди.

Хизмат хатларининг асосий турлари - илтимос хат, миннатдорлик хати, ахборот хат, кафолат хати, илова хат, инкор хати, таклиф хат кабилар тижорат сохасида хам кенг кулланади. Тижорат ёзишмаларида шартномага ухшаш хужжатлар - суровнома, таклиф хат, (оферта) буюртма хат, акцепт (шартномага розилик хати), шунингдек, банк хужжатлари
- счёт, фактура, авизо хам узига хос куринишда кенг ишла- тилади.

Тижорат хатларининг ёзилиш услуби, гап курилиши, суз бирикмалари купрок дипломатик хужжатларга якин туради. Улар мужмал, ноаник фикрдан холи булиши, изчил ва тугал таклифларни ёритиши, энг мухими, илик, илтифотли, сами- мий рухда баён этилиши лозим.

Тижорат хати дипломатик хатларга якин лисоний колип- ларга, суз бирикмаларига эга. Чунончи, хатнинг мурожаат кисмида куйидаги эъзоз-хурмат сузлари ишлатилади: *«Жаноб...», «Мистер...», «Мухтарам», «Хоним...», «К,адрли...», «Азиз...»* ва бошкалар.

Хатнинг хулоса кисми хам илтифотли суз ва иборалар билан якунланади: *«Сизга чуцур хурмат билан...», «Камоли эхтиром ила...», «Энг эзгу тилаклар ила...»* ва х.к.

